

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Тўқимачилик ва Енгил Саноат Институти

Абдурахмонов Фарҳод Рахимжонович
Абдурахмонова Зухра Эркиновна

КАСБ ПСИХОЛОГИЯСИ

(дарслик)



ТОШКЕНТ - 2016

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Тўқимачилик ва Енгил Саноат Институти

Абдурахмонов Фарҳод Рахимжонович
Абдурахмонова Зухра Эркиновна

КАСБ ПСИХОЛОГИЯСИ

(дарслик)

ТОШКЕНТ - 2016

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Тошкент Тўқимачилик ва Енгил Саноат Институти

Жамиятимиз янги талаблар ва ўзгаришилар асосида илдам ривожланиб бормоқда. Янги кадрларни тайёрлаш ва уларни замонавий талаблар асосида тарбиялаб бории кўп фанларни ёшларга ўргатиш орқали амалга оширади. Касб психологияси ҳам айнан бу соҳадаги етакчи фанлар қаторига кириб талабаларда касб танлаш, касбга лаёқатли бўлиш, ёшларни касбга йўллаш, касбий маслаҳатлар берииш каби кўплаб масалаларни ўрганади ва бу соҳаларда билимлар беради. Ўсиб келаётган ёш кадрларни ўз мутахассисликларини тўғри танлашлари ва унга ижодий ёндоша олишиларига ёрдам берииш касб психологиясининг асосий вазифаси ҳисобланади. Касб психологияси ривожланишии керак бўлган фанлар қаторига киради. Унинг олдига қўйилган масалалар жамиятда олиб борилаётган ислоҳатларни амалга оширишига муҳим омил бўла олади.

Ушибу дарслик касб психологиясининг намунавий дастури бўйича олиб бориладиган дарслар учун мўлжалланган. Ундан шу соҳага қизиқувчилар ҳам фойдаланишилари мумкин.

Муаллифлар: Абдурахмонов Фарҳод Рахимжонович - фалсафа фанлари доктори, профессор

Абдурахмонова Зухра Эркиновна – психология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар: Гозиев Эргаш Гозиевич – психология фанлари доктори, профессор

Мухаммедова Дилбар Ғофиржоновна – психология фанлари доктори

Ушибу қўлланма ТТЕСИ
Услубий кенгашда кўриб чиқилди
ва чоп этишга тавсия этилди
Баённома №

КИРИШ

Дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига кўшилиб бораётган Ўзбекистон ўзининг мустақил йўлидан борар экан, бу соҳада олиб бораётган амалий ва назарий ишларини жамият ҳаётига тадбиқ этиб кўплаб ютуқларга эга бўлиб бормоқда. Шундай муҳим масалалардан бири бу кадрлар масаласи, яъни жамият тараққиётига ҳизмат қилувчи, рақобатбардош, билимли ва ижодий ёндоша оладиган кадрларни яратиш ҳисобланади. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов шундай ёзади “ Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳатларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири – буларнинг барчаси, авваломбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”¹.

Жамиятимиздаги бу каби масалаларни амалга оширишда кўплаб фанлар ўз улушкини қўшиб келмоқда. Худди шундай фанлардан бири бу – касб психологияси фани ҳисобланади. Бу фан Ўзбекистонда ривожланаётган янги ва навқирон фанлар қаторига киради. Бу соҳада ҳали қилиниши керак бўлган жуда кўплаб масалалар борки бу кадрлар тайёрлашни сифатини ва узлуксизлигини таъминлайди. Касб психологияси соҳасида олиб бориладиган кўплаб масалалар қаторига дарсликлар ва ўкув қўлланмалар яратиш масаласи ҳам киради. Ушбу ўкув қўлланма ўзига ҳос бир дебоча деса бўлади. Янги талаблар асосида қилинган бу иш талабаларни шу соҳага бўлган талабини қондириш мақсадида қилинди.

Касб психологияси ўзида жуда кўплаб масалаларни қамраб олган ва жамиятда ёшларни касб танлашларига ўз ёрдамини берувчи фан ҳисобланади. Бу соҳада кўплаб инсонлар ҳозиргача ўз хизматларини амалга ошириб келмоқдалар. Булардан энг асосийси ўқитувчи ҳисобланади. Болалар билан ҳар доим мулоқотда бўлган ўқитувчилар уларнинг хаваслари, қизиқишлири ва манфаатларини билиб бориб уларни маълум бир касбни эгаллашларига ўз тавсияларини бериб, уларни касбларга йўналтириб турадилар. Ҳозирда эса мактаб психологлари олиб бораётган амалий ишлар натижасида болалар ўзлари қизиқкан касбларни эгаллашга ва унга тайёргарчилик қўришга интилиб борадилар. Ушбу ўкув қўлланма касб танлаш соҳасидаги амалий ишларга ёрдам сифатида шаклланди. Унга бўлган қизиқиш ўсиб бормоқда. Жамият траққиёти учун зарур бўлган фанлар қаторига кириб бормоқда.

¹ И.А.Каримов Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.,1998 й. 5 б.

Мавзу №1 Касб психологияси фанининг предмети, қўлланиш соҳалари ва асосий муаммолари.

Режа:

1. Касб ва касб психологияси ҳақида умумий тушунча.
2. Касб психологияси фанининг объекти ва предмети.
3. Касбга хос психологик жараёнлар ва уларни ўрганишга бўлган эҳтиёжлар.
4. Касб психологияси фанининг келажаги ва ҳозирги замон талаблари.

1 – савол. Касб ва касб психологияси ҳақида умумий тушунча.

Инсоният пайдо бўлибдики у ҳар доим ўзини боқишига, эҳтиёжларини ва манфаатларини қондиришига ҳаракат қилган ва ҳозирда ҳам шу йўлдан бормоқда. Инсон ўз эҳтиёжларини энг аввало озиқ – овқат, бошпана, кийим – кечакларга бўлган эҳтиёжларни қондиришдан бошлаган. Кейинчалик янги цивилизациялар пайдо бўлгач, яъни инсоният маданиятлашиб борган сари ўз эҳтиёжларига керак бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлаган. Булар энг аввало шу соҳадаги касб эгаларини пайдо бўлишига ва жамиятни шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришига интилишларни пайдо қилган. Жамият ривожлана борган сари янги касблар пайдо бўлган ва ривожланиб борган. Инсонлар эса яхши ва баҳтли яшашга интилганлар. Бунинг учун касб танлаганлар, тажриба оширганлар ва билимларни тўплаганлар.

Касб - инсон иш фаолиятининг маълум тажриба, тайёргарлик талаб этадиган фаолият тури, соҳаси, ҳунардир. Касбга умумий ёки маҳсус маълумот ҳамда амалий тажриба йўли билан эришилади. Касб ичида меҳнат фаолиятининг энг тор характеристери билан ажралиб турувчи ихтисослари бор. Баъзи касбларда бир қанча ихтисослар масалан: чилангар касбида – ремонтчи чилангар, асбобсоз чилангар, йигувчи чилангар каби йўналишлар мавжуд. Демак ҳар бир касбга хос бўлган йўналишлар мавжуд бўлади. Бу эса инсон фаолиятини кенгайиб бораётганлигини, ҳар бир соҳани ўзига хос тор жабҳалари борлигини тасдиқлайди.

Ҳаётий жараёнлар касбларни доимий эмаслигини кўрсатади. Касбларни айримлари пайдо бўлади айримлари йўқ бўлиб кетар экан. Бу касбларни айримлари техника ва технология соҳаларини тараққиёти билан боғлиқ ҳолда такомиллашиб боради, янги кўринишга эга бўлган касбларни пайдо қиласди, эскиларини янада такомиллаштиради. Мисол учун ҳозирги замоннинг тўқувчисининг ишини илгари замондаги тўқувчи меҳнати билан таққослаб бўлмайди. Ҳозирда тўқувчи станокларни автоматлашганлиги туфайли бир қанча тўқув станокларини бир вақтда бошқаради. Албатта бу жараёнларни таққослаб бўлмайди, улардаги меҳнат шароити, станокларни бошқаришга ва

тўқишига боғлиқ бўлган янги билимлар тизими ва шу кабилар уларнинг фарқини кўрсатиб туради.

Касбларни ўзгариб боришига ижтимиоий – иқтисодий тузум ҳам ўз таъсирини ўтказиб боради. Дейлик ҳозирда бошқарувчи – мастер ёки инспекторлар мавжуд бўлиб улар бошқа соҳалардан тубдан фарқланиб туради. Бунга мисол қилиб шифокорлик касбни олишимиз ва уни жамиятдаги ролини кўрсатиб бериш мумкин. Жамиятдаги “эркин тадбиркорлик” жараёни врачни энди нафақат даволовчи, балки тадбиркорлик иши билан шуғулланувчи қилиб қўйди. Энди тадбиркор врач ўз устида ишлаш, даволашнинг янги ва самарадор томонлари устида бош қотиришга, ўз капиталини ўстириб боришига интилиши керак бўлади. Бу жараён ҳамма касбларга ҳам таллуқлидир. Жамиятда яшаётган ҳар бир инсонга қулайлилик яратиш, унинг эҳтиёжларини қондириш, яхши яшаши учун шароитлар яратиш бор касбларни такомиллаштиришга ва янги касбларни пайдо бўлишига олиб келади.

Инсоният ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган эҳтиёжларни қондириш давомида янги касблар ҳам пайдо бўлиб бормоқда. Дунёда 60 минг (қиёслаш учун Россияда 20 минг) Ўзбекистонда 6 мингдан зиёд касблар мавжуд.² Шуни айтиш жойизки жамият ривожланган сари касблар ҳам кўпайиб боради. Шу билан бирга касб бу жамиятдаги қабул қилинган ҳуқуқий – норматив қонунларга амал қилиши зарур бўлади. Жамиятда ман қилинган ва унинг аҳлоқига тўғри келмайдиган касблар жамият томонидан тақиқланади ва жазоланади. Ўзбекистонда унинг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда кўпгина касблар ҳаётга кириб келмоқда. Булар ҳақида эса мактабда ва бошқа ўқув масканларидағи ўқитувчилар, психологлар талабаларга маълумотлар бериб уларни таништириб боришлиари керак бўлади.

Жамиятдаги ҳар қандай меҳнатга лаёқатли инсон ўзини меҳнати билан жамият тараққиётига ўзининг улушини қўшиб боради. Инсон ўзининг меҳнатида жисмоний, ақлий, психологик имкониятларини сарфлаб, ўз қобилияtlарини, ижодий имкониятларини сарф қиласи. Булар уни ижодий меҳнатдан қониқишини таъминлайди.

Шуни айтиш керакки касб –хунар ва уни эгалари азалдан халқимиз томонидан эъзозланиб келинган. Ўзбекистонда ҳозирда билимдон, ўз касбини яхши эгаллаган, мустақил фикрловчи, ўз касбига ижодий ёндашувчи, юқори малакали, маданиятли, изланувчан, интилувчан моҳир усталар, касб эгалари кўпроқ талаб қилинмоқда. Шунга асосан, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ва Вазирлар мажкамаси қарорларида

² А.Жалолов касб қандай танланади.Т., 2010 й. 62 б.

(Низомларида) мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи долзарб ва катта эътибор берилаётган масалалардан бири бўлиб турибди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳатлар билан боғлиқ халқ таълимини тубдан ислоҳат қилиш тӯғрисида И.А Каримов ўзининг “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида фикр билдириб шундай дейдилар: “Шу тариқа ёшларнинг бирон – бир шаклда билимларини такомиллаштириш, муайян касб – хунар эгаси бўлиб етишишлари учун шароит яратилади”.³ Бу билан давлатимиз ёшларни касб – хунар эгаси бўлишлари учун барча имкониятларни яратиб бераётганлиги яққол кўзга ташланади. Ёшлар бу жамиятнинг келажаги, уларни ўзлари қизиқкан касбларни эгаллаши, ҳаётда ўз ўринларини топа олишлари зарурӣ жараён ҳисобланади.

Касб – хунарли бўлиш инсон учун зарур бир эҳтиёж эканлигини буюк авлодларимиз ўз асарларида айтиб ўтганлар. Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида шундай ёзади “Бас, агар ақлинг бўлса хунар ўрганғил, нединким хунарсиз ақл – бошсиз тан, суратсиз бадандекдир... Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас.”⁴

Ҳозирда ўсиб келаётган ёшлар ўз қизиқишларидан келиб чиқиб минглаб касблар ичидан ўзи учун қизиқарли бўлган касбни танлаб олишлари ва ўз ҳаётларини мазмунли, яхши ўtkазишлари учун интиладилар. Уларга бу касбларни танлашларида касб психологиясининг ўрни ва аҳамияти жуда катта. “Мен келажакда ким бўламан?”, “Яхши яшашим учун қайси касбни танлашим керак?”, “Мендаги иқтидор шунга етадими?”, “Келажагимдан қониқаманмикан?” деган кўплаб саволлар ёшларни ўйлантиради. Бу саволларга жавоб олиш учун улар атрофдагиларни кузатадилар, ҳаётдан маълум бир малакалар олишга интиладилар. Катталарни маслаҳатларини ўйлайдилар ва иккиланиб юрадилар. Касб психологияси эса уларни тӯғри йўлга солишга харакат қиласи. Касб танловчиларга ўзларини бегараз маслаҳатларини бериб, уларни ўзлари қизиқкан касбларига эга бўлишлари учун йўл – йўриклар бериб борадилар.

Изланувчи ёшлар касб – хунар ва уни эгаллаш, ҳаётларини, келажакларини ҳал қилувчи омил эканлигини билиб борадилар. Шулардан келиб чиқиб **касб – бу инсон ҳаёти учун зарур бўлган, жамиятдаги ҳуқуқий нормаларга жавоб берадиган, инсонни келажагини белгилаб берадиган ўзига хос мураккаб бўлган жараён** деб белгилашимиз мумкин. **Касб – бу инсонни маълум бир эҳтиёжларини ва манфаатларини ўзи танлаган касб фаолиятидаги билимлари, лаёқати, малакаларига хос хусусиятлари орқали намоён бўлишидир.** Касбга хос бўлган жараёнлар, уларни эгаллаш,

³ И.А.Каримов Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.,1998 й. 17 б.

⁴ Кайкоаус. “Қобуснома” Т., 1994 й. 26 б.

танлаш инсон психологияси билан боғлиқ. Касб психологияси айнан шундай мураккаб жараёнларни ўрганиш орқали ёшларни ўзлари қизиқкан касбга йўналиш берувчи мураккаб фан ҳисобланади. Ҳар бир касбнинг ўзига хос бўлган томонлари, инсонларни ўзига жалб қила оладиган қирралари мавжуд бўлиб, инсон бу жараёнларни кузатиб бориб шу касбни эгаллашга интилади. Бу жараёнларда инсон ўзини руҳияти билан шу касбга хос бўлган психологик томонларни ҳам шакллантириб боради.

Жамиятда бўлаётган ўзгаришлар ёшларни ҳам касб танлашда ўйлантириб қўймоқда. Жамиятда қўплаб янги касблар пайдо бўлмоқда, уларни фан янгиликлари, техника ва технологик янгиликлар асосида шаклланиб бориши ёшларда қўплаб янги мутахассисликлар билан танишишларини талаб қилмоқда ва бу уларни касб танлашларини қийин, мураккаб ахволга солиб қўймоқда. Бундан ташқари жамиятни олға ривожланиб бориши ёшларни олаётган касбларини рақобатбардошлигини, кераклигини ва яшашлари учун имкониятлар яратиб бера олишларига ишонтира билишини ҳам талаб қилиб бормоқда. Ҳаётий жараёнлар, яшашга бериладиган имкониятлар, касбга бўлган интилишлар табиий равишда амалий психологиянинг бир бўлаги бўлган **касб психологиясига** бўлган талабни зарурий қилиб қўйди ва бу фанни пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозирда Ўзбекистонда бу фан энди ривожланиши керак бўлган ва ёшларни тарбиялашда, уларга касб танлашларига ёрдам берувчи асосий мутахассислик фани бўлиб бормоқда. Касб психологиясини моҳияти бу инсонни касбга хос хатти – ҳаракатини ва касб тарихи билан боғлиқ томонларни кўрсатиб бериш, шунингдек ёшларни, касб танловчиларни ўзлари қизиқкан касбларини танлашларида йўл –йўриқлар бериш, маслаҳатлар билан ўз лаёқатларини, имкониятларини синаб олишларига, шунингдек кейинчалик касбдан кетишларига, яъни нафақага чиқишларида ҳам ёрдам бериш каби тамонларни ўрганиб бориши ҳисобланади.

Дунёга келган бола ҳақида, унинг келажаги ҳақида, қандай касбни эгаллаши ҳақида кўпроқ унинг ота – онаси бош котиради. Болани мактабга чиққанидан бошлаб унинг ота – онаси “Менинг болам келажакда врач бўлади”, ёки маълум бир касбни олдиндан орзу қилиб тайёрлаб қўядилар. Лекин ҳаётни ўзи болани шахс сифатида ривожланиши, биологик тараққиёти, психологик имкониятлари асосида ўзига хос бўлган касбни танлашларига имконият яратади. Дунёга келган болада худди дарахт куртаги тарзида ўзига хос бўлган имкониятлар мавжуд бўлади. Яъни бола ўсиб, ривожланиб борган сари унда маълум бир касбга қизиқиш пайдо бўлади ва тараққий этиб боради.


Шахс бўлиб бораётган болада психологик хусусиятлар юзага чиқиб, уни борлиқка бўлган қизиқишини ортириб боради. Айрим болалар ёш даврлариданоқ ўсимликларга, уларнинг тузилишларига қизиқадилар,

айримлари ҳаракатдаги хашоратларга, хайвонларга қизиқадилар. Қўнғизни кўрган бола уни ҳаракатланишини текшириб уни нима ҳаракатлантироқда деган савол билан текшириб кўради. Уни бўлакларга ажратади. Бундай болалардан тарбиялаб бориш орқали кўплаб яхши врачлар, инженерлар, конструкторлар ёки қассоблар чиқади. Кейинчалик бундай шахслар ўзида шу касбга хос бўлган хусусиятларни ривожлантириб борадилар. Булар уларнинг қизиқишлидан келиб чиқади. Шу соҳага хос билимлар уларни касбий имкониятларини ортириб боради.

Шахс сифатида болада шу соҳани билишга эҳтиёжлар ривожланади. Танлаган мутахассислиги бўйича билимлар тўплаб боради. Бу мактабда, олийгоҳда, атрофдагиларнинг айтиб беришлари ва ўзининг мустақил ўрганишлари билан шаклланиб боради. Мактабда болаларга касб билан боғлиқ бўлган таништириш дарсларини ҳам ташкил этиш зарур бўлади. Бунда болалар кўпчилик касблар ҳақида билиб оладилар ва касб танлашлари учун имкониятлар кенгаяди. Уларни юқори синфга ўтиб боришлари билан бирга кейинги этапларда қайси коллежга ва лицейга киришлари ҳам аникроқ бўлиб боради. Улар ўzlари қизиқсан касбни эгаллашга мустақил қарор қабул қилган ҳолда интиладилар.


Ўсиб келаётган ёшлар касб танлаб боришга, ўзларининг келажаклари ҳақида ўйлашга мактаб ёшидан тайёргарчилик кўриб борадилар. Улар атрофдагиларни кузатар экан ўzlари учун қизиқиш ўйғотган касб ҳақида ўйлай бошлайдилар.

Ёшларнинг касб танлашлари мактабдан бошланади. Бунга уларни тайёрлаб бориш зарур бўлади. Буни психолог олим Анвар Жалолов ўзининг “Касб қандай танланади” китобида шундай кўрсатиб беради. (9 - б)



Бу расмдан кўриниб турибеки ёшлар касб танлашларида маълум бир босқичларни босиб ўтадилар. Хилма - хил ва қизиқарли касбларни танлашнинг асосий мақсади яхши яшаш ва яхши касбни танлаш ҳисобланади. Ўзи учун


қизиқарли бўлган касб инсонни ҳар доим ўз устида ишлашга, уни яхшироқ билишга олиб келади. Инсонда касб танлаш жараёнини яна шу муаллиф қуидагича белгилайди.



Инсонда маълум касбга, уни эгаллашга хавас, майил, орзу, иштиёқ, хафсала бўлмаса у ҳеч қандай касбни эгаллай олмайди. Инсондаги шу жараёнлар одамнинг ўз келажагини тўғри англашга, тушунишга олиб келади. Унда истак, хоҳиш пайдо бўлади. Булар болада маълум бир мақсадни шаклланишига ва бу йўлда ирода кучини сарф қилишга олиб келади. Иродали инсон ўз мақсади сари интилади ва орзу ҳавасларига эришади. Бунда болада пайдо бўлувчи хавас атрофдаги инсонларни кузатиш орқали, уларга айтилган мақтov сўзларини тинглаш ва унинг маҳоратига қойил қолиш, одамларни унинг маҳоратини мақташлари, бу инсонни билимдонлиги, қўлидан кўплаб ишлар келишини кузатиши унда шу инсонга ўхашашга хавасни уйғотади. Унда орзу, армон, тилақ, иштиёқ ва хафсала пайдо бўлади. Бу жараёнлар болада уйғонаётган эҳтиёжлар ва манфаатлар билан боғлиқ бўлиб уни ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишнинг хиссиётлари, иродалари билан боғлиқ жараёндир.

Катта бўлиб бораётган болада хавас пайдо бўлади. Касбга нисбатан олганда болани шу касбга қизиқиши, интилиши, майли, хоҳиш, истак ва орзуси бўлиб кўзга ташланади. Бу йўлда бола ўзига тилак тилаб шу касбни эгаллашга бўлган интилиши содир бўлади. Агарда бола ўз тилакларини хафсала билан амалга оширмаса, ҳаракат қилмаса бу армон ва орзу бўлиб қолади. Шунинг учун у зўр иштиёқ билан ҳаракат қилиши ва армонларини амалга ошириши зарур бўлади. Кўриниб турибдики бу жараёнлар инсонга хос бўлган психологик жараёнларни ташкил этиб. Инсоннинг мақсадини вужудга келишининг асоси ҳисобланади. Албатта бу жараёнда инсондан ирода кучи ҳам талаб қилинади. Иштиёқ бу – зўр истак, хоҳиш ҳисобланади.


Ёшларни касб танлашлари йўлидаги бундай жараёнларни ўрганган психолог олимлар уларни қуидагича таърифлайдилар. Инсонни англаш даражасига кўра касб танлашда қуидаги томонлар таърифланади. **Истак** - интилишнинг шундай бир туридирки, бунда инсон фақатгина ўзининг ҳозирги ҳолатидан норози эканини ҳис қилиб турса ҳам, лекин қандай мақсадга интилаётганини, бинобарин, бу мақсадга эришишнинг йўл – йўриқларини аниқ билмайди. Бунда киши нима истаётганини ўзи анграб етмайди. Бола ўзи нимани истаётганини англамас экан бу истакни амалга ошириб бўлмайди. Инсондаги истак маълум даражада англанган бўлса, тилак – хавасга айланиб кетиши мумкин. **Тилак – ҳавас** интилишнинг шундай бир туридирки, бунда инсон фақатгина қандай мақсадга интилаётганлигини билади, лекин бу мақсадга эришиш йўлларини аниқ билмайди. Бундай тилак бўлган пайитда болада кўпинча янги интилиш пайдо бўлади. Бунда болада тилакка эришиш учун восита ва йўллар қидириш, баъзи вақтда эса ўзида туғилган тилакни босишга интилиш ҳосил бўлади. Агарда амалга ошириш учун восита ва йўллар топилса, у вақтда тилак тўла англанган ва мақсадга интилишнинг восита ва йўлларини аниқ англанганини кўрсатади. Тилакни тобора англаниб бориши натижасида хоҳишга айланиб боради. **Хоҳиш** эса тўла англанган интилишдир. Бунда инсон мақсади сари англанган ҳаракатларни бажаришга тайёрланади ва ўз иродасини шу мақсад сари йўналтиради. Касб танлашда инсон иродавий ҳаракатларни амалга оширади. **Иродавий ҳаракатлар** – илгаридан мўлжалланган хоҳиш билан амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Инсондаги бу иродавий ҳаракатлар ихтиёrsиз ва ихтиёрий равища бўлиши мумкин. Ихтиёрий ҳаракатлар инсонни англанган ва ўз хоҳиши билан бажариладиган ҳаракатлари ҳисобланади. Иродавий ҳаракатлар мотивлар асосида амалга оширилади. Мотивлар кураши натижасида инсон ўзининг мақсадларидан келиб чиқиб қарор қабул қиласи ва уни амалга ошириш учун интилади. Қатъият билан қилинган ҳаракатлар мақсадни амалга оширса, қатъиятсизлик эса касбдан юз ўгришга олиб келади. Бундай ҳолат инсонда бошқа бир онсон касбни танлашга олиб келади. Бу ерда ўз қизиқишиларидан воз кечади ва охир оқибатда адашганини билади. Қатъиятсизлик инсонни боши берк кўчага олиб келади. Қатъият эса уни ўзи севган касбини билишга ва ундан роҳатланишга, қониқишига олиб келади. Бу касб орқали ўзини инсон сифатида билиб боради. Бу касб орқали яхши яшайди, орзулари амалга ошади. **Касб танлаш бу мураккаб, лекин зарурий жараён бўлиб, инсонни келажагини ва яхши яшаш имкониятларини яратувчи, шунингдек жамиятда ўз ўринини топиб бориб, унга фойдали меҳнат қилиш ҳисобланади.** Яхши касб танлаш учун керак бўлга томонлар қуидагича кўрсатилиши мумкин.



Касб ва касбий психологик жараёнлар касб танловчидан қуидагиларни талаб қиласы:

- Умумтаълим мактабларида бериладиган таълим даражаларидаги билимларга эга бўлиш;
- Касб тушунчасининг таърифини, унинг табиатини, хусусиятларини касблар сонини ва турларини билиш;
- Касбни инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушуниш ва у ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- Касб танлашга керак бўлган идрокни, хоҳишни мавжуд бўлиши;
- Ўз мақсади ва манфаатини тўғри англаб олган бўлиши;
- Келажаги ҳақида тасаввурларга эга бўлиш.

Булардан келиб чиқсан ҳолда касб тушунчасининг асосий тамойилларини кўрсатиш мумкин. Булар қуидаги расмда ўз аксини топган:



Ёшлар ўз келажагини аңлагандагина, ўз қизиқишилари ва манфаатларини аниқлаб олғандагина, ҳәстини ташкил этишдеги эхтиёжларини тушунгандагина касб танлашлари онсон кечади. Касб инсонни боқувчи асосий омил ва ҳәстини ташкил этувчи асос ҳисобланади.

Юқорида таҳлил қилған фикрларимиз касб психологияси бу ўзига хос мураккаб ва доимий инсон – касб ўртасидаги бўладиган муносабатларни ўрганиб борувчи жараён эканлигини тасдиқлайди. Касб психологияси инсонни ўз фаолияти давомида керак бўлган, уни доимо қизиқтириб келаётган касб йўналишларига йўллаб туради. Ўсиб келаётган ёшларга маслаҳат бериш, уларни касбга йўналтириш, касблар ҳақида билим бериш, малакани оширишга бўлган эхтиёжларини қондириш, аттестациялаш, ўз касбини устаси бўлиб етишишларида уларга ёрдам бериш каби кўплаб амалий ишларни бажарив боради.

Булардан ташқари касбни инсонга қўядиган талаблари ҳам борки касб психологияси бу масалалар билан ҳам кенг шуғулланиши зарур бўлади. Бу талаблар эса объектив бўлиб, уларни инсон ўзгартира олмайди. Касб қўядиган талаблар биринчидан касб билан боғлиқ жараёнлар бўлса, иккинчидан жамият учун зарур бўлган талаблар билан боғлиқ бўлади. Лекин булар инсонни иштироки ва таъсири остида шакллангандир. Касбларнинг шаклланиши ва ривожланиши техника соҳасидаги тараққиёт билан ва ишлаб чиқариш кучларини ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Бу эса қўплаб касбларни пайдо бўлишига олиб келади.

Касб ҳақида кўплаб олимлар ўз фикрларини билдирганлар. Касбни тушунтиришда ва уни психология фани билан боғлиқлигини таникли рус психологи Гуревич К.М. ҳам ўзича таърифлаб берган. Касблар доимий эмас, улар пайдо бўлади ва йўқолиб кетади. Айримлари фан – техниканинг ривожланиши ва такомиллашиб кетганлиги сабабли фақат отигина сақланиб қолган бўлсада, ўзлари тубдан ўзариб кетгандир. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан тикувчилик касби – бу касб техникани ўсганлиги сабабли ҳозирда тикувчилар автоматлаштирилган кўплаб тикув станокларини бошқарадилар. Бу ерда матоларни тўқиши назарда тутилмоқда. Шуни айтиш керакки ҳозирги тўқувчининг ишини илгариги формациядаги тикувчининг иши билан таққослаб бўлмайди деб кўрсатади психолог олим.

Гуревич К.М. касбларни пайдо бўлишини ва шаклланишини қўйидагича кўрсатади. 1) Меҳнат тақсимотини юзага келиши билан; 2) Фан – техникани пайдо бўлиши ва тараққиёти билан; 3) Формацияларни ўзгариб бориши билан. Бизнинг фикримизча бунга яна асос қилиб инсонни ўзини ҳәтий эхтиёжларини

ва манфаатларини ҳам кўрсатса бўлади. Булар асосида юқоридаги кўрсатилган жараёнлар содир бўлади. Инсонда эҳтиёж бўлмас экан фаолиятга ҳам, меҳнат қилишга ҳам, бу меҳнатни фан ва техника асосида ривожлантиришга ҳам эҳтиёж бўлмайди. Касбларни пайдо бўлиши энг аввало инсондаги эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, сўнгра эса унга таъсир этувчи омиллар, яъни меҳнат тақсимоти, меҳнатни яхшилашга қаратилган фан ва техникани ва инсон яшаётган шароит янги касбларни пайдо бўлишига олиб келади.

Инсон фаолиятини кўриниши сифатида касбнинг ўзи нима? деган савол берар экан Гуревич К.М. унга шундай жавоб беришга уринади.

Меҳнатни тақсимланиши натижасида касблар ажралиб чиқди ва бу жараён ҳамон давом этмоқда. Бу меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган жараённи касб деб юритилади. Касб – бу ўзок давом этадиган меҳнат комплексининг мажбуриятидир. Маълум бир жамиятдаги касбларнинг йифиндиси унинг эҳтиёжларини қондирувчи ва жамиятнинг хаётий функцияларини адо этувчи зарурый жараёндир. Инсоннинг касбий меҳнати бу унинг ижтимоий меҳнатдаги иштирокини беради. Ўзининг меҳнатида инсон жисмоний ва руҳий имкониятларини кўрсатиб, қобилияtlари ва ижодини меҳнатда тадбиқ этган ҳолда ўзининг меҳнатидан ижодий қониқишига олиб келади. Жамият ўз навбатида ҳар бир меҳнат қилган шахсни тақдирлаб боради. Қилинаётган меҳнат сифатига ва сонига қараб ҳақ тўланади, бу эса касблар ўртасида бир хиллик йўқлигини кўрсатади деб ёзади Гуревич К.М.⁵ Гуревич К.М. кўрсатиб ўтганидек олиб борилаётган касбий фаолиятни амалга ошираётган ишига қараб, унинг жамиятга қўшаётган улушига қараб ҳақ тўланиши, бу касбдаги ижодий шароитга, меҳнат унумдорлигига қараб фарқланиб боришини кўриш мумкин бўлади. Касбларни пайдо бўлиши ва инсонни унга бўлган эҳтиёжини борлиги – бу инсониятни ва жамиятни яшашининг, ҳаёт кечириш жараёнларининг кўриниши ва келажаги хисобланади.

Касб ва касбий психология ўзининг тадқиқот соҳаси билан энг муҳим амалий ишни ҳаётга тадбиқ этиб боради. Бу юқорида кўрсатганимиздек инсон ва касб ўртасидаги муносабатларни ўрганиш орқали инсонни касбга тайёрлайди, унининг имкониятларини ва қизиқишлиарини ўрганиш орқали унга маълум бир касблар ҳақида билимлар бериб боради ва ўзига қизиқ туюлган касбни эгаллашга йўл – йўриқлар бериб боради. Бу каби кўплаб мисолларни, яъни инсонни касбга ўргатиш, касбга хос бўлган сир атвортларни сингдириш инсоният тарихида кўплаб учрайди. Ўсиб келаётган ёш авлод, унинг касб

⁵ Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психоdiagностика. М.,2008 г. 21 с.

эгаллаш боғлиқ масалалар катта авлодни ҳар доим қизиқтириб келган ва ҳозирда ҳам бу масала долзарб масалалар қаторида туради.

Күриниб турибиди касб психологияси ўзининг илдизлари билан қадимга бориб тақалади. Бу инсонни ўз тирикчилигини ўтказиш учун қандай фаолият тури билан шугулланиши, қайси касб унга мақул келиши ва яшаши учун қулайликлар яратса олиши билан боғлиқ бўлади. Инсоният ўзи яшаётган жамиятни бир бутунликда, яхлитликда ҳаёт кечириши учун ўз имкониятларидан келиб чиқиб ҳар доим касбларни танлаб борган. Бу билан бирга инсонда шу касбга хос руҳият ҳам ўзгариб боради. Инсон ва касб ўртасидаги алоқа инсонни меҳнат жараёни билан боғлиқ ҳолда шаклланиб борган.

Касбларни ҳар хил йўсинда гурухларга ажратилар экан, бунда Е.А. Климов бўйича бешта гурухни кўрсатиш мумкин. Булар 1) Инсон – техника; 2) Инсон – инсон; 3) Инсон – табиат; 4) Инсон – белгили тизим; 5) Инсон – бадиий образ. Буларда инсоннинг қизиқишиларидан келиб чиқсан ҳолда касбларни шу бешта йўналишга ажратилади. Инсонлар танлаётган касблар ҳам айнан шу бешта йўналиш бўйича содир бўлади. Ўсиб келаётган ёш авлод ўзининг қизиқишилари билан бир - бирларидан ажралиб туради. Баъзи бир ёшлар техникага, айримлар инсонни ўзига ва яна бошқалар табиатга қизиқадилар. Уларнинг қизиқишилари шу соҳаларга тегишли бўлган касбларни танлашига олиб келади.

Касб психологияси фанини мустақил фан сифатида шаклланишига чет эл психологлари салмоқли ўз хиссаларини қўшиб келдилар. Булар Bornemann E., Borow H., Daheim H.J., Crites J.O., Hess H.A., Holland J.L., Jaide W., Ries H. ва шу кабилардир. Crites J.O. Vocational psychology :The study of vocational and development. New York 1969 ., Super D.E., Bonn M. J Occupational psychology. London 1971 асарларида касб психологиясини ўрганишга қаратилгандир. Бу ва бошқа асарлардан кенг фойдаланган Зеер Э.Ф. касб психологиясини тарихини ва ривожланиш этапларини қараб чиққандир. Албатта чет элда ўрганилган касб психологияси ўзининг ўрганилиши жиҳатидан айрим аниқ ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларни ўрганганди. Ўз жамиятини ўрганганди бу асарларда фақат ўз жамиятияга хизмат қиласиган қирраларниги очиб берган. Дейлик бу олимлар харбий соҳга кадрлар танлашни, ўқишида талабани қайси соҳага лаёқати борлигини, медицинага хос тадқиқотларни ўргангандар. Шунинг учун бу асарлардан тўла фойдалана олмаймиз.

2 – савол. Касб психологияси фанининг объекти ва предмети.

Психологияга умумий тарзда баҳо берсак – бу инсон фаолиятини объектив реаллик сифатида акс эттириш қонунлари ҳақидаги фандир. Фандаги ва амалиётдаги дифференциал – интеграцион жараёнлар психологиянинг кўплаб йўналишларини пайдо бўлишига олиб келади. Буларнинг ҳар бири ўзининг муммоларини ечади, уларнинг алоҳида вазифалари, методлари ва тушунтириб берувчи тамоиллари мавжуд. Энг асосийси фаннинг мустақил йўналишлари пайдо бўлиб уларнинг ўзига хос предмети мавжудлигидир.

Кўплаб психологияга тегишли бўлган йўналишлардан бири бўлган касб психологияси ўз ўзидан пайдо бўлмади. Балки у инсониятни ўз эҳтиёжларини қондириш, яхши яшаш учун бўлган интилишлари билан боғлиқ ҳолда шаклланиб борди ва ўз меҳнатини енгиллаштириш, кўпроқ ҳаёт кечириш учун имкониятлар изланишининг натижаси сифатида ривожланди. Касб психологияси инсонни меҳнат қилишга, ўз ризқини ўзи топган ҳолда келажагини қуриш мақсадида шаклланиб борган узоқ тарихга эга бўлган соҳа ҳисобанади. Албатта у инсониятнинг кейинги тарихий тараққиётида мустақил соҳа сифатида шаклланди. Лекин ота – боболаримиз ёшларни тарбиялашда касбнинг ўрни ҳақида жуда кўплаб фикрлар айтиб ўтганлар. Муқаддас “Авесто”да ҳам касбни эгаллаш тўғрисида фикрлар айтилгандир. Бу қадимий кўлёзмада ёшлар албатта касбни эгаллашлари ва бошқа одамларга ўз оғирликларини ташламасликлар кераклиги кўрсатилган. Буларда касбга ва инсонга хос бўлган психология ўз аксини топгандир.

Жамият яшashi учун инсон меҳнат қилиши ва ўз улушини жамиятга кўшиб бориши зарур бўлади. Жамиятга ва унинг қонунларига тўғри келмайдиган даромад манбаи бўлган касблар жазоланиши кераклиги ҳам тарихда ёзига қолдирилган ва бу хозирда ҳам ўз аксини топган, яъни Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топгандир. Тўғри ва ҳалол топилган манбаа инсонни яхшиликка олиб келади ва у тарбиялаётган келажак авлод ҳам ўзининг ҳалол меҳнатлари билан жамият яшашига хисса қўшади деб кўрсатилади.

Касб психологияси инсоният меҳнатини ташкил қилиш билан бирга пайдо бўлиб то ҳозирга замонларга етиб келди. Қадим замонлардаёқ инсонни касб танлаши ва уни устаси бўлиб етишиш масаласи долзарб хисобланган. Бу ерда инсон ва касб ўртасидаги муносабат, касбни яхшилаб эгаллаш ва инсонларга фойдали бўлиш масаласи жуда дозарб хисобланган. Шу тариқа касб психологиясининг предмети, яъни ўрганиш асослари юзага чиқкан.

Касб психологиясининг предмети – бу шахсни касбни эгаллаши билан боғлиқ бўлган ўзига хос томонлари, қонуниятлари, механизмларини ўрганиш ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб айтиши мумкинки, касб психологияси – бу амалий психологиясинг алоҳида йўналиши бўлиб, шахсни касб танлашининг қонуниятларини шаклланишини, касб танлашини, бу касбни эгаллашини, касб мутахассисини шаклланиши, баҳоланишини ва шу касбни эгаси бўлишини, шунингдек касбий деструктурани ўрганувчи фан ҳисобланади.

Касб психологиясини предмети бу шахсни касб танлаши, ўз касбини яхии билишига интилиши, инсонни касб танлашига сабаб бўлувчи мотивларни ва ўзини яхии яшаши учун интилиши каби масалаларни ўрганиши орқали намоён бўлади. Инсонни касбни эгаллаши билан боғлиқ бўлган қонунларни, бу қонунларни ишилаш механизмини, касбга хос бўлган шахсни тарбиялаш, унинг ўзи танлаган касбга бўлган муносабатини каби масалаларни ўрганиши касб психологиясининг предметига киради.

Касб психологиясининг обьекти бу шахс ва касб ўртасидаги ўзаро таъсир, бу таъсирнинг натижаларини ўрганиш ҳисобланади. Инсон ўз ҳаёти давомида касб танлар экан, бу икки жараён ўртасида ўзаро таъсир содир бўлади. Бу ўзаро таъсирдан инсонда қониқиш ёки қониқмаслик жараёни пайдо бўлади. Қониқиш инсонни ўз ҳаётини яхши қуришига, ундан ўзига хос фойда кўришга олиб келади. Қониқмаслик эса инсонни ўз касбни ўзгартиришга, бошқа касбга ўтишига олиб келади. Инсон руҳиятидаги қониқмаслик инсонни кўплаб касбни алмаштиришга, танлаган касбидан қониқмасликка олиб келади.

Касб психологиясининг обьекти бўлиб шахс ва касб ўртасидаги ўзаро муносабат ҳисобланади. Касб психологияси шахсни касб эгаллаб боришини ўрганади. Касб психологиясини ўрганишинининг марказида шахсни касбий ривожланиб бориши ва касбни танлаб олиши ётади. Бу ерда шахс касбий шаклланишнинг субъекти сифатида қаралади.

Касбни ўрганиш давомида мутахасисни касбий хулқига ва ҳар хил ижтимоий маданият ва ижтимоий иқтисодий шароитлардаги хатти – харакатига эътибор берилади. Касбни эгалашдаги индивидуал хусусиятлага ва шахсни тизимида унинг таъсири ҳам ўрганилади. Асосий диққат шахснинг билимларига асосланган касбий ютуқларига, мативацион ва психолгик белгиларга қаратилади. Инсон ва унинг касби, касбий роли ва касбий дунё тизимидағи муносабати кабилар тахлил қилинади.

Касбий психология хозирги замон кишиси учун касбий фаолиятнинг аҳамиятини, инсонни касб эгаси бўлиб борищдаги индивидуал қирраларини, болалик давридаги касбга бўлган муносабатларни ўсиб боришини, касбий қадрият ва меҳнат мотивларини, касбий меҳнатдан қониқишини, шунингдек касбни инсон биографиясига таъсирини ўрганади.

Касб психологиясининг объекти бўлган шахс ва касб ўртасидаги ўзаро муносабат шахсга хос бўлган психологик хусусиятлар ва индивидуал – психологик жараёнларга ва касбга хос бўлган хусусиятларга ҳам боғлиқ бўлади. Шуни айтиш жойизки касбга хос бўлган психологик ўзига хос томонлар ҳам мавжуддир. Дейлик тикувчилик касби унинг ўзига мос бўлган хусусиятлари мавжуддир. Бу касб эгаси материалларни яхши билиши, уни сифати ва тикилиш усуллари, эстетик ва дизайн билан боғлиқ нозик томонларини хар доим сезиб туради. Демак тикувчининг психологик хусусияти бу унинг нозик таблиги, одамларнинг руҳияти билан боғлиқ дидини яхши сезган ҳолда ишини бажариши кераклигини кўрсатади. Тикувчи инсонни гўзал кийимлар билан безатишга интилади. Бу материални тайёрлаб берувчи бошқа касб эгалари ҳам ўзларига хос бўлган психологик хусусиятларга эга бўладилар. Албатта, кўриниб турибдики шахс ва касб ўртасидаги меъёрий муносабат амалга оширилаётган ишларни сифатини ташкил этади. Касб психологиясини психология фанининг мустақил йўналиш эканлигини қўрсатиш учун меҳнат психологиясини, инженерлик психологиясини, педагогик ва ёш даврлар психологиясини предмети ва обьектини фарқини кўрамиз.

Психология йўналишлари	Иzlаниш предмети	Ўрганиш объекти
Меҳнат психологияси	Меҳнат фаолиятини қонуниятини ва хусусиятини ўрганади	Меҳнат фаолияти: унинг психофизиологик ва бажарилиш характеристикаси “Инсон - машина” тизими
Инженерлик психологияси	Техника ва инсонни ўзаро таъсирини психологик қонунийларини ўрганади.	
Педагогик psychology	Таълим ва тарбиянинг психологик қонунийларини ўрганади	Тарбияланувчилар
Ёш даврлар психологияси	Шахсни онтогенездаги психологик ривожланиши қонунийларини ўрганади	Шахсни онтогенездаги психологик ривожланиши
Касб психологияси	Шахсни касб эгаси бўлиб боришининг психологик қонунийларини ўрганади	Шахсни “Инсон - касб” тизимидағи ривожланишини ўрганади

Касб психологияси бу фанлар предмети ва ўрганиш объекти билан фарқланиши билан бирга уларни олиб бораётган тадқиқотлари ютуқларига ҳам суюнади. Касб психологияси ўзининг предметини ўрганиши орқали инсонларни касб танлашларига йўналишлар бериш меҳнат психологиясига, инженерлик психологиясига ўз ёрдамини беради.

Касб психологиясининг ўрганиш предмети шахсга хос бўлган психологик хусусиятлардан келиб чиқиб касбга инсонни қизиқишини, бу касбни эгаллаш балан боғлиқ бўлган эҳтиёжлар ва манфаатларни, мақсад ва интилишларини ўрганади. Хар бир инсон ўзига яраша индивидуал эканлигини ундаги психологик хусусиятлар ўзига хос жараён эканлигини ўрганиб боради. Дейлик айrim ёшлар касбни тез ўрганса айrimлари унчалик дикқат қилмаганлиги, эътиборсизлиги туфайли касбни ўргана олмаслигини кўриш мумкин. Айrim ёшлар назарий жиҳатидан тез ўзлаштирсалар айrimлари амалиётда тез ва яхши ўзлаштириб борадилар. Касб танлашда ҳам айrimлар ўз мақсадларини яхши англамаганлиги туфайли касб танлай олмайди. Айrimларга қайси касб бўлса ҳам барбир, улар касбларни яхши билмайдилар.

Касбий психологиянинг объекти бўлган “инсон –касб” муносабатлари юз берадиган ўзгаришларни дикқат – эътиборга олиши зарур ва булар бу соҳадаги мувоффақият ёки мувоффақиятсизликни вужудга келтиради. Бу ўзгаришларни Н.Д.Левитов кўрсатганидек учта гурухга бирлаштириш мумкин:

1. Биринчи гурух – мотивацион компонентлар бўлиб, бу ижтимоий аҳамиятлилик билан боғлиқ бўлади. Мотивларда инсонни маълум бир касбни эгаллашни ҳохлаши ёки ҳохламаслиги билан боғлиқ тамонлар очиб берилади. Мотивларнинг шаклланиши эса касбни жамиятдаги ижтимоий аҳамиятлилиги, аҳлоқий тамонларини хурматлаши каби тамонлар билан ўлчаланади. Шу билан бирга мотивга меҳнатга бериладиган ҳақ, касбий ва касбдан ташқаридаги ҳаёт образи ва шу кабилар таъсир этади. Бундан ташқари мотив бўлиб оиласини таъминланганлик даражаси, тенгдошларини фикрлари, иш жойини яқин ва узоқлиги, ота – онасининг фикрлари ва шу кабилар киради. Албатта мотивга инсонни ўзини меҳнатидан оладиган қониқиш ҳам киради.
2. Иккинчи гурухга – классификация компонентлари киради. Деярли ҳамма касблар олдиндан тайёргарлик кўришни талаб қиласди. Билиш ва уddaлаш қандай тарзда содир бўлишидан қатъий назар, ўқиш орқали ёки амалиётда эгалланадими у касбга бўлган муносабатда ва унга бўлган лаёқатда кўринади. Инсонни меҳнатга бўлган лаёқати унинг психофизиологик имкониятларидан, ўзининг ҳохишидан, эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқади. Инсон ҳар қандай касбни эгаллай олиши учун энг аввало унда лаёқат бўлиши, ўзида билимга ва малакага эҳтиёж сезиши муҳимдир.

3. Учинчи гурухга – шахснинг индивидуал – психологик хусусиятлари киради. Албатта мотивларни шаклланишида ва удалай олишда психологик хусусиятлар муҳим ҳисобланади. Лекин уни алоҳида ўрганиш обьекти сифатида қараш керак. Бир кишини иккинчисидан ажратиб турадиган қўплаб белгилардан доимий юз беручиларига эътиборни қаратиш зарур бўлади. Бу белгилар асосан биологик ва табиийлигига боғлиқ бўлади. Касбий психологиянинг обьекти бўлган “инсон – касб” муносабатларида бу тамонлар унинг ўрганиш предмети сифатида катта аҳамиятга эга бўлади. Шахсга хос бўлган индивидуал – психологик хусусиятлар инсонни ўзига хос бўлган тамонлари, яъни темпераменти, характери, қобилияти, дунёқараши каби тамонлар билан боғлиқлигини кўрсатади.

Инсон – касб муносабатлари шаклланиб бориши натижасида шу юқорида кўрсатилган учта компонентлар муҳим ҳисобланади. Улар биргаликда инсонни ўзи танлаб олаётган касбини тўғрилигини кўрсатиб беради.

Кўриниб турибдики касб психологиясини предмети ва ўрганиш обьекти – бу унинг ҳал қилиши керак бўлган қўпгина масалалар билан боғлиқдир. Бу соҳада касб психологияси доимо изланишда ва таҳлил қилишда бўлиши зарур бўлади. Энг муҳими касб психологияси инсон учун керак бўлган қулайликни яратиши ва ишлаб чиқаришда инсонни ўрнини яхшилаб бориши муҳим жараён экалигидан келиб чиқиб изланиб боради.

Ўсиб келаётган ёшларни ўзига хос бўлган дунёқараши борлигини ажратиб ҳам кўрсатиш зарур. Бу дунёқараш уларни атроф – муҳитга, табиатдаги ва жамиятдаги ҳодисаларга қизиқишиларидан келиб чиқади. Ўз имкониятларини тўғри баҳолай олган инсонгина тўғри йўлни танлай олади. Бу ёшлардаги тиришқоқлик, уddабуронлик, билимга чанқоқлик, кузатувчанлик, ўзини синаб кўришга интилиши кабиларда яққол кўзга ташланади.

Ёшларда ўзига хос равища айрим касбларга қизиқишилар шу касб билан боғлиқ айрим психологик хусусиятларда кўзга ташланади. Масалан ҳозирда қайси боладан сўрасанг қўпроқ мен бизнесмен бўламан, ўзимни ишимни йўлга қўяман деб жавоб беради. Бизнесмен бу савдо сотик, ишни ташкил этиш, ўзини меҳнати билан капитал ишлаш ҳисобланади. Лекин болаларда қўпроқ машинага эга бўлиш, пулдор бўлиш, хамма нарсани бемалол сотиб олиш каби томонлар кўзга ташланади. Бунинг кўзга ташланмас қийинчиликларини улар кўра олмайдилар. Шундай ўзига хос бўлган томонлар эса уларни қизиқтириб боради.

Ёшларни шундай томонларга қизиқиб бориши улар орасида бизнесмен бўлишга хавас уйғотади. Худди шунингдек тикувчилик касби ёки пахтани қайта ишлаш, дизайнер бўлиш каби томонлар ҳам ёшларни қизиқишиларидан келиб чиқади. Ҳар бир касбни ўзига хос бўлган психологик томонлари борки бу ёшларни доим ўзига тортиб туради.

Ёшлардаги хавас, қизиқишиларни шу касбни эгаллашга интилтириб туради. Зукко ёшлар шу касбга тегишли бўлган билимларни энг аввало кузатишлар, сўраб билишлар, китоблардан ўқиши орқали, ҳозирда эса интернет орқали билишга харакат қиласидилар. Ўзлари қизиқкан касблари ҳақида қўплаб маълумотлар тўплайдилар. Ёшларни бирор бир нарсани яратувчанлик қизиқиши инженерлик ёки унинг бирор бир йўналишига етаклайди. Ҳозирда дунёда қўплаб янгиликлар яратилмоқдаки ёшлар ва уларнинг диққатлари доимо қизиқишиларидан келиб чиқкан ҳолда шу обьектларга қаратилмоқда. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос бўлган қизиқарли томонлари мавжуддир. Педагог ҳам болаларга етказиб бериши керак бўлган билимларни сифатли, қизиқарли, етиб борадиган қилиб дарсларни ўтказишга ва ўсиб келаётган ёшлар ўртасидан яхши кадрлар яратишни орзу қиласиди. Педагог тарбиялаган болалар ўз қизиқишиларидан келиб чиқкан ҳолда жамиятга қўплаб янгиликлар киритиши мумкин бўлади. Педагог эса шундай кадр яратиб бера олганидан фаҳранади. Демак кўриниб турибдики ёшларни касбга етакловчи эҳтиёжлардан бири унинг қизиқишилари ҳисобланади. Бу эса инсонни бирор бир нарсага етилиб келган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Болалар ўсиб борган сари маълум бир

тараққиёт йўлини босиб ўтадилар. Педагогик социологияда айтилганидек бола тарбиясига ўз таъсирини ўтказаётган омиллар уни ўйлашга, ўз манфаатлари йўлида меҳнат қилишга мажбурлайди. Етилиб келаётган ёшлардаги ўзгариш уларда ижтимоий жараёнларга ва бу жараёнлардаги ўз ўрнини билишга чорлайди. Катта бўлаётган, ақл – фаросатга эга фарзанд келажаги ҳақида бош қотиради, ҳаёл суради, келажагини режалаштиради. Булар эса унда кўплаб эҳтиёжларни пайдо қиласди. Болалик давридан ўсмирлик ва ўспринлик даврларига ўтиб бораётган фарзандда психологик ва энг асосийси анатомик – физиологик ўзгаришлар юз бера бошлайди. Энди ёшлар ўзидағи табиий, ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий эҳтиёжлар тизимини сеза боради. Бу қатор эҳтиёжлардан бири ёшларни касб орқали ўзини таъминлаш эҳтиёжи ҳисобланади. Бу эҳтиёж ёшларни касб танлашга, ўз ҳаётини гўзал қилиб яшашга мажбурлайди. Акс ҳолда уларда жамиятга зид бўлган жараёнлар пайдо бўлади.

Ёшларни касб эгаллаши нафақат уларнинг эҳтиёжи балки жамиятнинг ҳам эҳтиёжи ҳисобланади. Шунинг учун жамият ўз ишлаб чиқарувчиларини яратиши зарур жараёнга айланади. Жамият ишлаб чиқариш орқали яшайди ва ҳаёт кечиради. Жамият эҳтиёжлари ҳар доим ўсиб боради. Уни қондиришнинг ягона йўли касб эгаларини тарбиялаш, уларнинг қизиқишиларидан келиб чиқсан ҳолда янгида янги касбларни яратиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бошқа ривожланган давлатларда кўплаб янги касблар пайдо бўлади ва жамият эҳтиёжларини қондиришга интилади.

Жамиятдаги кўплаб эҳтиёжлар шу касбга керак бўлган кадрларни яратишини талаб қиласди. Бу эса ёшларда, уларнинг қизиқишиларida ва мақсадларida ўз аксини топади. Жамиятда яратувчанликка хос бўлган меҳнат қадрланади. Жамият учун яратилаётган маҳсулотлар ва уларни ташкил этиш кўплаб касбларни пайдо қиласди. Демак, кўриниб турибдики инсон ва жамият эҳтиёжлари узвий равишда боғлиқ жараёнлар экан.

Касб психологиясида касбларга хос психологик хусусиятлар ва шахснинг психологик хусусиятлари ўртасида муносабатларни ўрганувчи йўналиш ҳам мавжудdir. Ҳақиқатдан шахсдан касб талаб қиласди. Психологик хусусиятлар мавжудки инсонда бу хусусиятлар бўлмаса у бу касбда ўз ютуғига эга бўла олмайди. Тадқиқотчилар бу хусусиятларни аниқлаш учун маҳсус тестлар ўтказиб инсонни шу касбга лаёқатини тахлил қиласди. Касблар ўзидағи фаолиятларни бажариш учун инсондан маълум бир психологик хусусиятларни эгаси бўлишларини талаб қиласди. Дейлик хотирани яхши бўлишини, диққатни яхши бўлишини, ҳаёл жараёнлардаги қонунларни ўзлаштирган бўлишини, сезгирликни яхши ривожланганлиги, айрим фаолиятларда сабр – тоқат, тартиблилик, интизом, ижодий ёндоша олиш, ҳар

хил холатлардан чиқиб кета олиш, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, бошқаларни ҳурмат қилиш ва уларни ҳақ ҳуқуқларини яхши билиш, билимлилик даражасини юксаклиги, раҳбарлик қилиш учун керак бўлган хусусиятларни билиш, тижорат учун керак бўлган психологик хусусиятларга эга бўлиш каби кўплаб тамонлар бу жараёнлар учун керак бўлади.

Жамитяда инсонни қизиқтирган кўплаб касблар борки улар бир биридан жуда фарқланиб турди ва инсондан касбга лойиқ бўлган психологик хусусиятларни талаб қиласди. Дейлик педагог учун дидактик усул жуда мос тушса, актиёр учун хотиранинг, хаёлнинг ва бошқа психик жараёнларнинг ўрни бошқача хисобланадим. Тўқимачилик ва енгил саноатда ишлаётган ишчи, инженер, дизайнер учун ўзига хос психологик хусусиятлар керак бўлади. Яъни дизайнер учун эстетик дид, ҳаёл, тафаккурни эгилувчанлиги, диққат ва жуда нозик ҳолдаги рангларни ажратса олиш кади кўплаб хусусиятлар зарур бўлади. Тўқимачилик ва енгил саноат учун кўплаб хилма хил касб эгалари керак бўлади. Булар учун ҳам касб психологияси ўзига хос бўлаган инсон психикасини қирраларини шу касбга хос тамонларини ўрганиб шахсда уларни ривожлантириш масалаларини ҳам ўрганиб боради.

Ёшларнинг қизиқиши, мақсад ва манфаатлари ўз дунёқарашларига керак бўлган касбни танлашга, бу касбга хос бўлган психологик тамонларни билишга интилтириб турди. Касбий психология хар бир касбга хос бўлган психологик жараёнларни ўрганиб уларни таҳлил қилиб боради.

4 - Савол. Касб психология фанининг келажаги ва ҳозирги замон талаблари.

Касб психологияси фани ҳақида сўз кетганда шуни таъкидлаш керакки бу фанинг келажаги ҳали олдинда. Чунки жамият яшар экан унда касбларга бўлган зарурияти мавжуд экан, бу касбларни танлаш, йўл – йўриқ бериш зарурий жараён бўлиб қолаверади. Кўплаб янги касблар пайдо бўлади ва уларни ўрганишга эҳтиёжлар ҳам зарурий жараёнлар бўлиб қолади. Шарқ алломаларидан бири бўлган Низомий Ганжавий шундай жумлаларни ёзган эди:

Ўқиб ўрганилган ҳар битта хунар,
Хунармандга бир кун фойда келтирас!

Хунарингдан бир кун етарсан баҳтга,
Хунарсиз ким етар тож ила таҳтга? !⁶

Инсонни баҳтга олиб келувчи, унинг яшашини яхшиловчи – унинг касби, ортирган хунари эканлигини Шарқнинг буюук файласуф олими Фаробий ҳам ўз асарларида кўрсатиб ўтган эди. “Жузъий нарсалар энг етук баҳтга- саодатга олиб борувчи фазилатли санъат (касб - хунар) лардир.”⁷ Бу фикрларнинг ўзи ҳам инсони касб – хунар ортириши унинг энг асосий бурчи эканлигини кўрсатади. Лекин касбга қизиқмайдиган, такасалтанг, иш ёқмас ёшлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг жамиятга, оиласига фойдасидан кўра зиёни каттадир.

Ҳозирда Ўзбекистонда ҳам ёшларни таълим ва касб билан таъминлаш масаласи долзарб масалалардан бўлиб турибди. Ўз касбини эгаллай олмаган кўплаб ёшларни хунарли қилиш, улардан жамиятга келадиган фойдаларни таъминлаш, ота – она, маҳалла, жамият олдида турган катта масалалардан бири ҳисобланади. Касбга қизиқиш, ундан манфаат топиш инсоннинг ўзига, қолаверса ота – онасига, жамиятга кераклигини англаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Булар эса ёшлар олдига кўплаб вазифаларни қўяди:

- 1) Ўзи учун фойдали бўлган касбни тўғри танлаб олишни;
- 2) Бу касбни яхши эгаллашни ва ўз касбни устаси бўлиб етишишни;
- 3) Касби ҳақида кўплаб билимларни эгаллашни;
- 4) Касбига ижодий ёндоша олишни;
- 5) Мехнатсевар, ўз ишини ўзи ташкил қила оловчи, касбига хос аҳлокни эгаллаши;

⁶ Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й. 20 б.

⁷ Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й. 186 б

- 6) Ўзининг шогирдларини яратишга интилиши;
- 7) Жамиятга ва ота – онасига яхши номлар билан мактоб олиб келиши;
- 8) Келажакда нафақага чиқишига эҳтиёжлар пайдо бўлганда унинг ишларини давом эттирувчи шогирдларни яратиши ва ўз мактабини қолдириши;
- 9) Касбини ўзига хизмат қилувчи ва келажагини таъминловчи хунар сифатида шакллантириши;

Бу каби талаблар ёшларга кўпгина имкониятни яратиб беради. Касбга бўлган эҳтиёж ёшларни олдига қўядиган талаблар билан узвий боғлиқдир. Ёшлар ўзларига ёқсан касбларни танлаганлардагина унга қизиқадилар ва унда ўзларига фойда кўрадилар.

Касб психологияси ҳам айнан шундай талаблардан келиб чиқсан ҳолда ривож топиб боради. Касб психологиясининг келажаги бу жамиятдаги эҳтиёжлар ва манфаатлар билан боғлангандир. Бу энг аввало қуидагилар билан боғлиқ:

- Жамият тараққиёти билан
- Ахолини ўсиб бориши билан
- Талаб ва эҳтиёжлар билан
- Ёшларни касб танлашлари билан
- Фан ва техникани тараққиёти билан
- Ёшларни билим даражаси билан
- Ёшларда жамиятга фойда келтиришни англашлари билан
- Ёшларни ўз ҳаётларини фаровонлаштиришга интилишлари билан
- Катта авлод ва ёш авлод ўртасидаги устоз – шогирд муносабатлари билан
- Жамиятни ёшларга берадиган эътибори билан
- Янги фаолият турларини пайдо бўлиши билан
- Меҳнатни тўғри ташкил этиш билан
- Жамиятга эҳтиёж сифатида пайдо бўлаётган янги касбларни шаклланиши билан ва ш.к.

Касб психологияси бу касблар бўлар экан уларни ёшларга етказиб берадиган асосий психологик фан сифатида ривожланиб боради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касб ва касб психологияси ҳақида умумий тушунча.
2. Касб психологиясининг ўрганиш объекти ва предмети.
3. Касбга хос психологик жараёнлар ва уларни ўрганишга бўлган эҳтиёжларни шаклланиши.
4. Айтингчи касб қандай танланади?
5. Инсондаги касб танлашга хос психологик жараёнлар.
6. Гуревич К.М. Касбни пайдо бўлишини қандай тушунтиради?
7. Климов Е.А. Касбни қандай гурухларга ажратади?
8. Касб психологияси фанининг ўрганиш предмети нима?
9. Касб психологиясини фан сифатида пайдо бўлишига нима сабаб бўлади?
10. Касб ҳақидаги қадимий тушунчаларни биласизми?

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Ғозиев Э.Ғ. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.

2 – мавзу. Касбий психология фанининг вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқаси.

РЕЖА:

- 1 – савол. Касб психологияси фанининг шаклланиши ва вазифалари.
- 2 – савол. Касб психологияси фанининг “таълим тўғрисидаги” қонунларни ижросига хос бўлган вазифалари.
- 3 савол. Касб психологияси фанининг ўрганишдаги метод ва методология билан боғлиқ вазифалари.
- 4 савол. Касб психологиясини аниқ ва ижтимоий фанлар билан алоқаси. Янги касбларни пайдо бўлиши.

1 – савол.Касб психологияси фанининг шаклланиши ва вазифалари.

Касб психологиясининг шаклланиш тарихи узоқ даврларга бориб тақалади. Бу касблар пайдо бўлиши билан, инсоният ўзлигини таниши билан, жамиятда меҳнат тақсимоти пайдо бўлиши билан шаклланиб боргандир. Бизга маълумки инсоният ибтидоий жамиятда ўзига хос ҳолда меҳнатни тақсимланишини бошидан ўтказган. Булар эса унинг тарихий тараққиётида янада мураккаб жараёнларни юз бериши билан, инсоният ўз бошидан маълум бир тарихий этапларни босиб ўтиши билан боғлиқдир. Биз булар ҳақида инсониятда ёзувни пайдо бўлгунгача даврларда, ғордаги чизилган расмларда ҳам кўришимиз мумкин. Кейинчалик инсоният ўз орасидан маълум касбларни ўзи учун тириклий манбаи қилиб олганлигига кўришимиз мумкин.

Инсоният ибтидоий жамиятдан қулдорчиликка ва ундан ер билан ишловчи - феодализмга, ишлаб чиқаришни ривожланиши орқали фан ва техника билан боғлиқ бўлган капитализмга ўтиб борар экан, ҳар хил бўлган касблар пайдо бўлди ва улар орқали тириклий ўтказилди. Инсонларни маълум бир касбларга бўлган интилиши ўз ҳаёт фаолиятини яхшилашга, тириклигигини ўтказишга интилишларни олиб келди. Жамиятдаги меҳнат тақсимоти инсонларни ўрганишга, уларни маълум бир касбларда яхши натижалар беришини кўрсатди. Касбга хос бўлган психологик жараёнлар ҳам шаклланиб борди. Жамиятга ва инсонларга касбини яхши биладиган, билимли, моҳир касб эгалари, шунингдек бу касбни қайси бирини танлаб ўзи ва жамият учун фойдали ишларни бажара оладиган шахслар ҳам зарур бўлди. Шу тариқа жамиятга инсонни касбини ва уни касбига мос келувчи психологик жараёнларни ўрганувчи касб психологиясига эҳтиёж туғилди. Лекин бу ҳам

дарров юзага келгани йўқ. Йиллар давомида инсонни касбга бўлган муносабатини, касбни эгаллаши билан боғлиқ жараёнларни ва механизмларни, қарилик билан боғлиқ, яъни касбдан кетиш жараёнларини, касбни алмаштириш ва янги бир касбни эгаллаш, касбдаги қўнимсизлик сабабларини, касбни устаси бўлиб етишиш ва унинг сирларини, касбдаги ижод ва янги қирраларни топиш каби кўплаб масалаларни ўрганиши керак бўлган касб психологиясига эҳтиёж кўпайиб борди. Бу фан энг аввало Европада шаклланди ва кейинчалик бошқа давлатларга ҳам тарқалди. Касб психологиясининг ўзи ҳам янги касб шакли сифатида инсонни маданиятини бойитиб борди.

Шарқда ҳам касбга бўлган муносабатлар шарқ мутафаккирларининг асарларида ўз ифодасини топган. Касб ҳақидаги қадимий фикрларни энг қадимий таълимот бўлган муқаддас “Авесто”да учратамиз. Кейинчалик эса шарқнинг буюк алломалари асарларида, халқнинг оғзаки ижодида касб ҳақидаги фикрлар янада шаклланди. Касбни улар яшашнинг, инсон фаолиятидаги мустақилликнинг, битмас тугалмас бойликнинг, жамиятда инсонни ўрнини кўрсатиб берадиган асоси сифатида тушунтириб бердилар.

Жамиятда пайдо бўлган касб психологияси ўз ўзидан шаклланмади, балки ўз олдига маълум бир вазифаларни кўйиб, уларни ечишга ва жамиятда инсон ва касб ўртасида пайдо бўладиган муносабатлардаги масалаларни ўрганишга, уларга жавоб топишга харакат қилувчи фан сифатида шаклланди. Касб психологияси Ўзбекистонда фан сифатида энди ташкил топаётган психологик йўналиш ҳисобланади. Лекин унинг илдизлари қадим давларга бориб тақалади.

Инсон ва жамият учун фаннинг аҳамияти жуда каттадир. Умуман фан ҳақида гапирадиган бўлсак фанни қўйидагича таърифлаш мумкин: “Фан – бу ривожланувчи, ўсувчи билимлар тизими, инсоннинг атроф оламни сурункали ўзлаштирилишига, ўзини қуршаган воқеликнинг борлиги ҳақида аниқ ва теран ахборот олиши, бундай ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланишга йўналтирилган ижтимоий онгнинг алоҳида шаклидир.” Фаннинг жамият ва инсоният олдидаги кўплаб вазифалари мавжуд. Буларнинг айримларини кўрамиз:

- Фаннинг мослаштирувчи функцияси ҳаётий фаолиятнинг табиий ва ижтимоий шароитларга мослашиш қобилиятини шакллантиради.
- Фаннинг фаоллаштирувчи функцияси жамиятда табиатга нисбатан амалий ўзгартирувчи фаолиятга мойилликларни шакллантиради
- Фаннинг информатив функцияси одамларга атроф – олам ҳақида янги илмий билимлар, аниқ илмий ахборот беради.

Касб психологияси фан сифатида ўз олдига кўплаб вазифаларни қўйгандир. Бу вазифалар жамият олдидаги ва ўзини фан сифатидаги

вазифалардир. **Вазифа** сўзи – арабчада маош, ойлик деган маънони билдиради. Вазифа ўз ишлатилиши жихатидан ҳар хил йўналишларда ўзига хос равишда ишлатилади. Вазифа – амалга оширилиши, ҳал қилиниши лозим бўлган масаладир. Фан вазифаси бу ўз ўрганиш предметидан келиб чиқсан ҳолдаги бажарилиши керак бўлган иш фаолияти ҳисобланади. Яъни фаннинг функцияси, бажарилиши керак бўлган иш фаолиятидир.

Касб психологиясининг вазифаларини белгилашда ҳам ўзига мос бўлган ёндошувлар мавжуд. Ҳар бир изланувчи кенг ва фаннинг олдига қўйилган масалалардан келиб чиқсан ҳолда вазифаларни аниқлаб олишга интилади. Дейлик, В.М.Каримованинг касб психологияси китобида қуидагича ёндошилади.

- 1) Ёшларга ўзи танлаган касбининг психологик моҳияти ҳамда миллий истиқлол ғоялари асосида жамият олдидаги аҳамиятини тўла англаш;
- 2) Танлаган касбининг профессионал йўналиш сифатидаги жамиятда тутган нуфузи ва аҳамиятига ҳолис баҳо беришга ўргатиш;
- 3) Ҳар бир талабанинг танлаган касби тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш, бойитиш, бунда психология арсеналидаги ишончли методикалар ва тестлардан фойдаланишга ўргатиш;
- 4) Касб этикаси, одоби профессионал аҳлоқ тушунчалари борасида танланган касбининг мураккаб қирраларини жамиятдаги барқарор қадриятлар ва маънавий мезонлар нуқтаи назарича тахлил қилиш; касбга садоқат тамойилларини белгилаш;
- 5) Бўлғуси ўқитувчи мухандис ёшларни тўғри профессионал йўналишини шакллантиришнинг психологик ҳамда педагогик технологияларидан боҳабар қилиш, профессионал мотивация, профессионал маориф ваконсультация асослари билан таништириш.
- 6) Шахснинг индивидуал психологик хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзини – ўзи касбий аниқлаш, касбий мулоқатнинг сирларини аниқлаш, профессионал билим, малака ҳамда кўнимкаларни эгаллашда жамоавийлик психологияси тамоилларига ўргатиш.⁸

Касб психологиясини предметини белгилаш ва муаммоли томонларини тахлил қилиш натижасида Россиялик психолог Э.Ф.Зеер шундай ёзади.

- 1) Шахснинг касбини эгаллаш билан боғлиқ ҳолдаги касбий методологияни асослаш ва тадқиқотнинг асосий тушунча ва тамойилларини кўрсатиш;
- 2) Касбий психология предметига адеквант бўлган тадқиқот методларини ишлаб чиқиш ва ўзининг хусусий методларини шакллантириш;

⁸ Каримова В.М. Касбий психология. Т., 2013 й. 17 б.

- 3) Касбни психологик тахлил қилиш, таснифлаш(классификация) ва характерлаб бериш; касбни лойхалаш методларини ва тамойилларини ишлаб чиқиш;
- 4) Шахсни касбни эгаллашини психологик ва қонуний механизмларини тахлил қилиш; бу жараённи детерминистик динамикаси омилларини белгилаш; касбни эгаллашдаги кризисларни ўрганиш;
- 5) Мутахассисни касбий деструктурасини ўрганиш; шахсни деформациясини ва стагнациясини, касбий меҳнат қилиш имкониятларин пасайиб боришини тахлил қилиш;
- 6) Шахсни касбий ривожланиш имкониятларини психодиагностикасини ишлаб чиқиш ва мутахассисни аттестация қилиш;
- 7) Шахсни касбни эгаллаб боришини психологик кузатиш; уни қўллаб – қувватлаш, рағбатлантириш ва бутун касбий фаолияти давомида унга ёрдамлашиш, касбий маслаҳат бериш, касбий технологик ривожланишида ёрдамлашиш, аттестациялаш, касбий маҳоратини ўсишида, билимларини бойиб боришига ёрдамлашиш, касбий коррекциясида ва реабилитациясида йўл - йўриқлар бериш, шунингдек касбдан кетишидаги жараёнларда унга суянчиқ бўлиш.⁹

Касб психологияси вазифаларига шу каби ёндашувлар борлигини қўрамиз.

Албатта касб психологияси фан сифатида ўз функцияларига эгадир. Уларни биз юқорида қўрсатган вазифалардан келиб чиқиб таърифлаймиз. Касб психологиясини вазифалари асосан инсон ва жамият манфаатларини кўзлаб амалга оширилади. Бу манфаатлар бўлмаса демак касб психологиясининг ўзини ҳам кераги бўлмайди. Фан сифатида ва жамият олдида вазифалардан келиб чиққан ҳолда касб психологиясининг ўз вазифалари мавжуд. Бу вазифалар умумметодологик ва методологик хусусиятларга эгадир. Биз буларга юқорида тўхтаб ўтдик.

Касб психологиясининг хозирдаги асосий вазифаси фан сифатида Ўзбекистонда шаклланиб олиши бўлса, унинг кейинги асосий вазифаси таълим беришдаги жамият олдида турган долзарб вазифаларни ечишда ўз хиссасини қўшишdir. Хозирги вақтдаги муҳим масала касб психологияси учун бу кўплаб касблар ичидан ўзи учун зарур бўлган касбни танлаб олишда ёшларга ёрдам бериш хисобланади. Касб психологияси ўсиб келаётган ёшларни тарбиялашда ва ўзини фан сифатида шаклланиб боришида тинмай изланиб бормоқда.

⁹ Зеер Э.Ф.Психология профессий М., 2006 г.18 с.

2– савол. Касб психологияси фанининг “таълим тўғрисидаги” қонунларни ижросига хос бўлган вазифалари.

Ўзбекистонда жамият учун керак бўлган яхши, рақобатбордош, билимдон кадрларни тарбиялаш масаласи долзарб масалалардан бўлиб турибди. Бу масалаларни ҳал қилишда Ўзбекистонда кўплаб амалий ишлар бажарилиб келинмоқда. Энг асосийларидан бири бу таълим тизимини ислоҳ қилиш ва жамиятга керакли бўлган кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Бу йўлда “Таълим тўғриси” даги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қўтарилиган ва амлга оширилиб келаётган масалалар ўз аксини топгандир. Ўзбекистоннинг биринчи Президент И.А.Каримовнинг “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” асарида ҳалқ таълимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги ва унинг аҳамияти тўғрисида кўплаб фикрлар мавжуд. Президент келажак авлод бўлган ёшларни соғлом, баркамол бўлиб тарбияланишини бизнинг миллий хусусиятимиз эканлигини кўрсатиб берадилар. “Мана шунинг учун ҳам бугунги кунда биз бу масалага жиддий эътибор бермоқдамиз. Шунинг учун ҳам бу мақсадга қаратилган лойиҳалар жамоатчилигимиз дикқат – эътибори марказига ўтмоқда, тарбия соҳаси ислоҳати бугунги энг долзарб, эрганги тақдиримизни ҳал қилувчи муаммога айланмоқда”.¹⁰ Таълим – тарбия масаласи бу ёшларни келажакда касб танлашга, уларни ўз ҳаёт фаолиятларини қуриш билан боғлиқ бўлган долзарб масаладир. Касб танлаш бу мактабдан бошланади ва коллеж, лицейларда давом этади. Шунинг учун ҳам олиб борилаётган ислоҳатлар бу касб соҳасига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Чунки жамиятга керак бўлган касбларни танлашда, йўналишлар беришда, касбга хос бўлган тарбияни ёшларга етказишда касб психологиясининг ўрни жуда каттадир.

Енгил саноат йўналиши бўйича ҳам тайёрланаётган кадрларни тарбиялаш, уларга ўз касбларини севиш ва садоқатли бўлиш каби хислатларни беришда мутахассис педагогларни тарбиялаш мухим масалалар қаторига киради. Пахтани қайта ишлашдан тортиб, уни ип шаклига келтириш, булардан инсон кўзини қамаштира оладиган матоларни тайёрлаш, улардан ҳар хил кўринишга эга бўлган чиройли ва ихчам, инсонга гўзаллик келтира оладиган кийимларни яратиш каби кўплаб касбларни эгаллаган кадрларни тайёрлаб бериш, албатта педагог мутахассисларга тегишлидир. Уларнинг бу соҳадаги меҳнатлари жуда зарур бўлган жараёндир. Касб психологияси бу каби кўплаб ҳар хил соҳаларда меҳнат қила оладиган адрларни тайёрлашда ўз хиссанини қўшади. Кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ дастурлардаги қўйилган кўплаб масалалар касб психологиясини ёшларга касб танлашларига ёрдам бера оладиган ўзига хос

¹⁰ Каримов И.А. “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т., 1998 й. 5 б.

бўлган ўз дастурларини яратиш масаласини ҳам қўяди. Лекин бу соҳани Ўзбекистонда эндиғина ривожланиб келиши, шу соҳага тегишли бўлган психолог кадрларни яратишни талаб қиласди. Касб психологлари ўз йўналишларига эга бўлган томонларга ҳам, маҳсус психолог йўналишларга ҳам эътибор беришлари зарур бўлади. Психолог консультат, психолог диагностика, психолог терапевт ва шу каби йўналишга хос кадрлар ҳам яратилишини талаб қиласди.

Таълим билан боғлиқ бўлган ислоҳатларнинг муҳим иккинчи тури сифатида коллежларни назарда тутадиган бўлсак, унда ёшларни касбга йўналтириш ва касбларини асосий томонларини билиб олишлари учун имкониятлар яратилади. Бу ҳақида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов шундай дейдилар: “Мазкур ўқув юртлари замонавий жиҳозланганлиги, ўқитувчи – педагоглар савияси, ўқиш жараёнининг ташкил этилиши ва талабларига камида 2 – 3 замонавий касб – хунар бера олиши билан олдинги ПТУ лардан тубдан фарқ қилиши керак”¹¹. Кўриниб турибдики ёшларни касб эгаси бўлишлари ва шу касб йўналиши бўйича кадр бўлиб этилиши жамият учун муҳим жараён ҳисобланади. Жамиятда бу йўналиш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Янги ва янги коллежлар қурилмоқда, улар замонавий ўқув қуроллари билан қуролланмоқда. Олган билимларини амалиётга тадбиқ қилиш учун имкониятлар яратилмоқда.

Касб психологияси бу қўйилган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда умумметодологик вазифаларни амалга ошириб бориши зарур бўлади. Бу ёшларга билим бериш билан боғлиқ – **гносиологик** вазифа. Касб психологияси касбларга тегишли бўлган умумий йўналишлар бера оладиган билимлар билан ёшларни таништириб боради. Касбларни жамиятдаги ўрни ва ёйилиш даражаси, уларга хос бўлган касб билан боғлиқ ижтимоий масалалар, иқтисодга хос масалалар каби кўплаб – **социологик** вазифаларни ҳам ўтайди. Касбларни табиат ва жамият билан боғлиқ масалаларини, инсонни тараққиётида уларни ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб берувчи – **онтологик** вазифани, шунингдек касбга хос бўлган психологик, руҳий жараёнларни тушунтириб берувчи **психологик** вазифасини ҳам бажариб боради.

Касб психологияси “таълим тўғрисидаги” қонунларни жамият учун унинг келажаги учун зарурлигини билган ҳолда ёшларни ўз касбларини эгаллаб олишларида ўз ёрдамини берадиган фан ҳисобланиб амалий ишларни ҳаётга тадбиқ этиб бориш билан боғлиқ вазифаларни бажариб бормоқда.

¹¹ Каримов И.А. “Барқамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т., 1998 й. 17 б.

З – савол. Касб психологияси фанининг ўрганишдаги метод ва методология билан боғлиқ вазифалари.

Касб психологияси предметини ўрганиш давомида ўзига хос бўлган методологияга суяниши ва ўз методларини шакллантириши зарур бўлади. Бу унинг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифасиз касб психологияси ўзи ўрганаётган масалаларни еча олмайди. Касб психологияси учун методологик йўналиш бўлиб жамиятда ҳал қилинаётган касб билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади. Методология бу объектив ҳақиқатга яқин бўлишни талаб қилади. Ҳар бир фан воқеалар ҳақиқатини ўрганар экан, методологик йўлнинг ўзи ҳам тўғри йўл бўлиши керак. Фан методологиясини умумий – алоҳида – маҳсус тамойилида таснифлаш мақулроқдир. “Фанлар учун умумметодология ҳисобланган методология йўқ. Жаҳондаги янги шароит янги умумметадологияни яратишга муҳтож” – деб ёзди таникли файласуф олим Омонулла Файзуллаев. Фалсафий билимлар ва уларни билиш билан боғлиқ бўлган тамойиллари ҳар доим фанларга методология бўлиб қолаверади. Фалсафа борлиқни ўрганиб борар экан ундаги ҳамма жараёнлар харакатда, ўзгаришда, ўзаро таъсирда эканлигини кўрсатиб боради. Бу ўзгаришлар гармонияда (меъёрда) бўлмаса унда маълум бир жараёнлар юз беради. Ўз ўзидан содир бўладиган жараёнларда ҳам харакатлар мавжуд. Уларсиз на табиатда, на жамиятда, на инсон тафаккурида ўзгаришлар бўлади. Бу ўзгаришларни гармоник бирликда содир этиши ўзига хос бўлган ижобий ўзгаришларга олиб келади. Аксинча гармонияни бузилиши хар хил тасодифларда кўзга ташланади. Бу ўзгаришларни ҳеч ким кутмаган ҳолда юз бериши гармонияни бузилишига олиб келади.

Биз касб психология фани учун умумметодологик асос бўлиб фалсафанинг билиш билан боғлиқ жараёнларини биламиз. Шунингдек касб психологияси учун алоҳида методология бўладиган ўртача умумий методологияни биз алоҳида методология сифатида қарадик. Бунда психология фанлари учун керак бўладиган шахс билан боғлиқ назарияларни биз методология сифатида қарадик. Маҳсус методология кичик, торроқ бўлиб ҳар бир айрим фан доирасида ўз кучига эга бўлади.

Касб психологиясига методологик асос бўлиб шахсни касбни эгаллаши билан боғлиқ концепция ётади. Бу концепциянинг моҳияти шундан иборатки яъни касб танлаб, касбни ўзлаштириб, касбий моҳоратга эга бўлиб бораётган шахс бойиб боради, малакаси ва билимлари шаклланиб боради, касбга хос зарурий сифатлари ривожланади деб кўрсатилади. Касбий шаклланиш зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва деструктив ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. Бу жараённи тезлиги ва майдони биологик ва ижтимоий

фаторлар билан сабабий боғлиқ, шахснинг ўз фаоллиги, шунингдек тасодифий шароитлар, ҳаётий ахамиятга эга бўлган ҳодисалар ва касбга хос келишмовчиликлар сабабли бўлади.

Касбий шаклланиш - бу инсон онтогенезининг катта қисми бўлиб, касбни эгаллаш тўғрисидаги ўй-хаёллардан тортиб то бу касбдан кетгунча бўлган даврни қамраб олади. Бу жараёнда инсоннинг касбий билимларини ва тайёргарликни, касбга мослашишни, касбий маҳорат ва касб устаси бўлиб етишишни кўриш мумкин.

Касб психологияси фанининг қуйидаги вазифалари мавжуд:

1. Касб психологияси фани ўзини фан сифатида ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни излаш.
2. Касб психологияси фани ўз изланиш предметини ўрганиш, таҳлил қилиш учун ўзининг усувларини иўлаб чиқиши.
3. Шахс ва касб ўртасида содир бўладиган муносабатлар, уларнинг жамият тараққиётига таъсиини кенг ва чукур таҳлил обьекти сифатида ўрганиш.
4. Жамият, шахс ва касб ўртасида содир бўлувчи талаб, эҳтиёж ва манфаатлар муносабатини таҳлил қилиш, уларни жамият тараққиётига бўладиган таъсирини ўрганиш.
5. Ёшларда уларнинг қизиқиши, интилишларидан келиб чиқсан холда касблар ҳақида тасаввурни уйғотиш, психодиагностик тестлар орқали касбларга йўналтириб туриш.
6. Инсонни касбни эгаллаши, касбнинг устаси, юксак маҳоратга эга бўлган бўлиши учун шахсга хос психологик жараёнларни чукур ўрганиш ва шахсга етарли тўғри маслаҳатлар, йўналишлар бериб бориш.
7. Ёшларни касб танлашларида ва жамиятга фойдали инсон бўлиб шаклланишларида, уларга касб ҳақида, касбга хос психологик хусусиятлар ҳақида, касбни эгаллаш ва уни устаси бўлишлари учун йўл – йўриқлар бериш психодиагностик имкониятларни тушунтириб етказиш.

Касб психологиясини бу каби кўплаб вазифаларини кўрсатиб бериш мумкин. Лекин энг асосийи уни жамият манфаатлари, шахснинг ўз қизиқиши, манфаатларига қаратилган вазифалари ҳисобланади. Шахс ва касб ўртасида содир бўлувчи ва шахсни касбни эгаллашига ёрдам бериш касб психологиясининг энг асосий вазифаси ҳисобланади.

4– савол. Касб психологиясини аниқ ва ижтимоий фанлар билан алоқаси. Янги касбларни пайдо бўлиши.

Касб психологияси фан сифатида ўз вазифаларини бажариб борар экан, у ўз ўзидан эмас балки аниқ фанлар билан ўзаро алоқада ривожланиб боради. Касб психологияси ўз предметини ечиш давомида бу аниқ фанлардан фойдаланади. Аниқ ва техник фанлар қаторига кўплаб фанларни киритиш мумкин. Дейлик математика фани уни ҳаётдан узиб бўлмайди. Инсонга хос бўлган жараёнларни математик ўлчами мавжуддир. Касб психологияси ҳам ўз изланиш объектларини ўрганаётганда математик усулларга суюнади. Дейлик, ёшларни касбга қизиқиши даври, ёши, сабаби ва шу кабилар. Ёки ўсиб бораётган ёшларни физиологик ва анатомик тузилиши жиҳатидан соғломлиги, ёшларнинг қанча фойизи ишга яроқлиги, ақлий ва жисмоний жиҳатидан меҳнат қилишга лаёқатлиги медицинада кенг ўрганилади. Статистик сонларда уларни кўрсатиб бериш орқали жамиятни ўзини боқа олишлиги масаласи кўрсатилади. Ишга лаёқатлик дегани бу касб танлаш ўзи қизиқкан касби билан жамиятга ўз улушини қўшиш деганидир.

Ижтимоий – гуманитар фанлар



Касб психологияси фани аниқ ва ижтимоий фанларга суюниб, уларнинг яратган янгиликларидан ҳам фойдаланиб боради. Биз уни бу тамонларини касб психологияси фанини ўрганиш давомида танишиб борамиз.

Шунингдек касб психологияси фани ижтимоий фанлар билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади. Дейлик фалсафа унинг учун методологик фан ҳисобланса, аҳлоқий фанлар унга касб этикаси билан боҳлиқ масалаларни ечишга имкон беради. Эстетика касб психологиясига гўзаллик ҳақида ўз улушларини қўшса, социология касб психологиясини жамиятдаги масалаларини қўрсатиб беради. Касб психологияси инсонга хос бўлган аҳлоқ ва гўзаллик тамонларни ўзида мужассамлаб инсон яратаБтган маҳсулотларда, иш жараёнидаги гўзалликларни ўрганиб боради. Айниқса тикиш ва бичиш ишларида тикувчи дизайн қонуниятларига роия қилади. Инсонни гўзаллик қонунлари асосида кийинтиради.

Хозрги вақтда дунё миқиёсида кампьютер ва унинг ўрни кенгайиб бормоқда. Интернет орқали инсон дунёни хамма чеккалари билан алоқада бўлиб, у ерлардан информациялар олиб бормоқда. Бунинг натижасида янги касблар пайдо бўлмоқда. Уларнинг баъзилари яхши тамонни қўрсатса баъзилари ёмон тамондан инсонга зиён етказиб келмоқда. Дейлик хаккерлар кампьютерни яхши биладилар ва ўз фойдаларига фойдаланадилар. Улар ўзларини фаолиятлари билан жамиятга ва инсонларга зиён етказиб келмоқдалар. Программистлар ва бошқа соҳалар эса қўплаб фойдали ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳам қўплаб янги касб эгаларини пайдо бўлишига олиб келмоқда. Дейлик, фермерлар, тижоратчилар, ишбилармонлар, бошқарувчилар, банкирлар ва шу кабилар. Бу каби касб эгалари эндиғина ташкил топаётганлиги ва ҳаётга секин асталик билан кириб келиши туфайли булар ҳақида етарли информациялар ҳам йўқ.

Такрорлаш учун саволлар

- 1 .Касб психологияси фанининг шаклланиши ва вазифалари.
2. Касб психологияси фанининг “таълим тўғрисидаги” қонунларни ижросига хос бўлган вазифалари.
3. Касб психологияси фанининг ўрганишдаги метод ва методология билан боғлиқ вазифалари.
4. Касб психологиясини аниқ ва ижтимоий фанлар билан алоқаси. Янги касбларни пайдо бўлиши.
- 5.Хозирда касб психологияси фани олдида турган вазифалар ҳақида гапириб беринг.

- 6.Касб психологияси фанининг гносеологик, социологик, онтологик, психологик вазифалари.
- 7.Метод ва методология тушунчалари.
- 8.Касб психологияси фанинг бошқа аниқ ва гуманитар фанлар билан алоқаси.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Каримова В.М. Касбий психология. Т., ТТҶИ 2013 й.
12. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

3- мавзу. Касб психологияси фанининг методлари ва асосий муаммолари.

Режа:

1 – савол. Касб психологияси фанига методологик асос – бу шахснинг касбий лаёқат концепцияси эканлиги. Касб психологияси учун методологик асос бу Ўзбекистон Республикасининг “Тъалим тўғрисидаги” ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек давлат хужжатлари.

2 –савол. Касб психологияси фани учун психологик фанлар методларидан фойдаланиш. Касб психологиясида кузатиш, анкета, тест,биография, фаолият маҳсулотларини таҳлил методи. Конкрет анализ, (хужжатларин таҳлил қилиш) социометрия методлари.

3 – савол. Касб психологияси илмий тадқиқотларида методлар масаласига янгича ёндашиш муаммолари. Касб психологиясида моделлаштириш, компьютерлаштириш ва улардан фойдаланиш.

1 – савол. Касб психологияси фанига методологик асос – бу шахснинг касбий лаёқат концепцияси эканлиги. Касб психологияси учун методологик асос бу Ўзбекистон Республикасининг “Тъалим тўғрисидаги” ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек давлат хужжатлари.

Ҳар бир фан учун ва унининг изланиш олиб браётган ўрганиш предмети учун йўналиш берувчи, фаннинг мақсади ва вазифаларни белгилаб олиш учун зарур бўлган маълум бир методология мавжуд бўлади. Методология сўзи юононча – *metodos* - билиш ёки тадқиқот йўли, назария, таълимот ва *logos* – сўз деган маънони билдиради.¹² Методология – тадқиқотчининг назарий ва амалий фаолиятини ташкил этиш,тиклаш тамойиллари ва усуллари тизими ҳамда бундай тизим ҳақидаги таълимот. Методология методлар ҳақидаги таълимот ёки ялпи – умумий билиш методи, деб ҳам таърифланади.¹³

Касб психологиясига методологик асос бўлиб шахсни касбни эгаллаши билан боғлиқ концепция ётади. Бу концепциянинг моҳияти шундан иборатки яъни касб танлаб, касбни ўзлаштириб, касбий моҳоратга эга бўлиб бораётган шахс билимларини бойиб бориши, малакаси ва билимлари шаклланиб бориши, касбга хос зарурий сифатлари ривожланиши назарда тутилади.

Касбга лаёқатликни шахсда икки йўналиш бўйича муҳокама қилиш мумкин деб кўрсатади К.М. Гуревич. Бунинг бири касбни мувофақиятли эгаллай олиш билан, иккинчиси инсонни ўзини меҳнатидан қониқиши

¹² Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010й.183 б

¹³ Ўша китоб . 183б.

орқали. Бу икки тамон ҳам нисбий бўлиб, у субъективликни кўрсатади. Шунга қарамасдан шу иккала кўрсатилагн йўналиш касбий лаёқатлиликни психологик характеристикасини беради.

Касбга лаёқатлилик шахснинг хусусияти бўлганлиги учун шахснинг бошқа хусусиятлари каби инсон фаолияти давомида, яъни ўқиш ва меҳнат қилиш давомида шаклланади. Кўпроқ ҳолларда касбга лаёқатлилик меҳнат жараёнида шаклланади. Шу бирга касбга лаёқатлиликни жисмоний, психологик ва ижтимоий йўналишлардаги ўрганиш ва уни аниқ кўринишларда тахлил қилиш зарурдир.

Инсоннинг табиий имкониятлари ва хусусиятлари жуда катта, шунингдек чексиз эглувчанлик имкониятларини беради. Инсон касбнинг жуда кўп кўринишларига мослашиши мумкин ва уни субъект сифатида қониқтириши ҳам мумкин. Инсон эгаллай олмайдиган касб жуда камдир. Касбга тайёргарлик ва кейинги фаолият хар хил тарзада кечиши мумкин, булар ундаги хусусиятлардан келиб чиқиб давом этади. Энг муҳими ва зарурий тамони бу касбий йўналғанлик бўлиб, унда ижобий касб мотивлари муҳим ҳисобланади.

Касбий шаклланиш зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ва деструктив ўзгаришлар билан боғлиқ холда содир бўлади. Бу жараённи тезлиги ва майдони биологик ва ижтимоий факторлар билан сабабий боғлиқ, шахснинг ўз фаоллиги, шунингдек тасодифий шароитлар, ҳаётий ахамиятга эга бўлган ҳодисалар ва касбга хос келишмовчиликлар сабабли бўлади. Демак, кўриниб турибдики шахсни касбни эгаллаш билан боғлиқ фундаментал билимлар унинг учун асос ҳисобланар экан. Шахснинг касбни эгаллашга бўлган лаёқати ҳақидаги бу концепция касб психологияси учун методология ҳисобланади. Бу концепция бўйича шахс касбни эгаллаши давомида қандай жараёнларни бошидан кечириши ва уни бошқариш учун нима ишлар қилиш кераклигини изланувчи билиб боради. Касбга лаёқатли бўлиш инсонни психологик ва физиологик жиҳатдан имкониятлари борлигини, меҳнат қилишга имкониятлари мавжудлигини, малака ва кўникмаларни ўзлаштира олишини, тафаккури уни билимлар асосида янада ривожлантира олишини кўрсатади.

Касб психологияси учун яна жамиятнинг олдидаги мақсадлар билан боғлиқ бўлган давлат хужжатлари ҳам методология ўрнини босади. Чунки жамият бу фандан ўз мақсадларини, эҳтиёжларини, манфаатларини қондириш учун фойдаланиб фанга ўз изланишларида қандай масалаларни ҳал этиб жамиятга ўз улушкини қўшиб боришини кўрсатиб ҳам беради.

Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим беришнинг узлуксиз жараёнининг ҳуқуқий асослари – бу “Таълим тўғрисидаги” қонунда ўз аксини топган. Бу Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов

томонидан 1997 йил 29 августда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” қонун ҳисобланади. Бунда ўсиб келаётган ёш авлодга, таълим ва тарбия соҳасида изланаётган мамлакат ахолисига етказиб бериладиган таълим, тарбия, касб - хунар, олий таълим билан боғлиқ барча ҳуқуқ ва талаблар ўз аксини топгандир. “Таълим тўғрисидаги” қонун асосида олий таълим педагогикасига хос бўлган ҳуқуқий жараёнлар, уларга амал қилиш меъёrlари, олий таълимнинг моҳияти ва мазмуни ўз аксини топган. “Таълим тўғрисидаги” қонун ўзида таълим тўғрисидаги умумий қоидаларни, таълим тизими ва турларини, таълим жараёни қатнашчиларини ижтимоий ҳимоя қилишни, таълим тизимини бошқаришни, якунловчи қоидаларни мужассамлаштиргандир. Демак, кўриниб турибдики дунёга келган ёш авлодни туғилганидан то умрининг охиригача бўлган даврда таълим – тарбия беришнинг асосий қонунлари, ҳукуқлари, аҳлоқий ва эстетик томонлари бу қонунда қамраб олинган. Бу келажак ёш авлод ичидан узулуксиз таълим ва тарбия бериб бориш орқали олий даражадаги мутахассис ва жамият учун керак бўладиган кадрларни тайёрлашга қаратилган олий таълим педагогикасидир.

“Таълим тўғрисидаги” қонунда шундай ёзилади: “Ушбу Қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб – хунар ўрганишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ҳамда ҳар кимнинг билим олишидан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган”¹⁴. Бу “Таълим тўғрисидаги” қонуннинг олий таълим ҳақидаги 14 – моддасида қўйидаги ҳуқуқий имкониятлар ҳақида фикр билдирилган.

Олий таълим масалаларини ўзида қамраб олган “Таълим тўғрисидаги” қонунни амалга ошириш кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кенгроқ таърифлаб берилгандир. Бу дастурда қилинадиган ишлар ва уларнинг келажаги дастурий лавҳаларда ёритиб берилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг **мақсади** – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла ҳалос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишидир. Шу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда олий таълим педагогикасининг мақсади ҳам шуларда ўз аксини топади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ва олий таълим педагогикасининг мақсадларини амалга ошириш учун қўйидаги **вазифаларни** ҳал этилиши назарда тутилади:

¹⁴И.А.Каримов.Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори т. 1998й . 34 б.

- Таълим тизимини ягона ўқув – илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;
- Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш;
- Кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини қўтариш;
- Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тарақиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;
- Таълим олувчиларни маънавий – ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Янги ижтимоий – иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устиворлигини таъминловчи норматив, моддий – техника ва ахборот базасини яратиш;
- Таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизmlарини ишлаб чиқиш;
- Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимиға бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан чет эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизmlарини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- Кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Бу каби вазифалар касб психологияси фанининг олдида турган, яъни аҳолини касбий таълимини шакллантириш, жамият ва миллат тараққиётига ўз хиссасини қўша оладиган кадрларни яратиш билан боғлиқ ҳисобланади. Демак, кўриниб турибдики касб психологиясини фан сифатида шаклланишларига, аҳоли таълим ва тарбияси, касбга йўналтириш каби масалалар билан шуғулланишга асос бўладиган хужжатлар бу “Таълим тўғрисидаги” қонунда ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳуқуқий асосларга эга.

Касб психологияси учун уни тараққиёти учун асос бўлиб психология фанидаги ютуқлар ва психолог олимларнинг назарий билимлари муҳим ҳисобланади. Маълумки шахсни касбни эгаллаб боиршида шахс ва унинг фаолияти муҳим тадқиқот мавзуси бўла олади. Шахсни касбни эгаллаб боришида унинг назарий асоси бўлиб К.С. Абдульханова – Славский, Б.Г.Ананьев, А.Г. Асмолова, Б.Ф. Ломов ва бошқаларни шахс ва фаолият соҳасидаги илмий – тадқиқот ишлари, шунингдек бу концепцияни дастурлашда катта таъсир этган А.А. Бодалев, Ю.М. Зобродин, Е.А. Климов, Т.В. Кудравцев, А.К. Маркова, Н.С. Прежниковларнинг ишлари кўзга ташланади.

Шахсни касбий ривожланиб боришини психологик таҳлилини назарий тамонларини ўрганишда чет эл олимлари А. Маслоу, Дж.Сыпер, Дж. Холландларнинг ишлари аҳамиятлидир.

Бу юқоридаги психолог олимларнинг ишларини ўрганиш орқали куйидаги концептуаль ҳолатларни кўрсатиш мумкин:

- Шахсни касбни эгаллашининг ўзига хос тарихи ва ижтимоий маданияти борлиги;
- Шахсни касбни эгаллашининг асоси бўлиб уни касбга ўқиши, касбни эгаллаши ва касбий фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади;
- Шахсни касбни эгаллаш жараёни ўзига хос индивидуал ва алоҳидалиги билан ажралиб туришидан ташқари ундаги хусусиятлар ва қонуниятларни мавжудлиги билан кўзга ташланади;
- Касбий хаёт ўз имкониятларини кўрсата олишга, ўз фаоллигини кўрсатиш учун имкониятлар яратади;
- Инсоннинг касбий ҳаётининг индивидуал тамонлари меъёри ва меъёри бўлмаган ходисалар билан тасодифий шароитлар билан, шунингдек инсоннинг ақлий имкониятлари билан боғлиқ бўлади.
- Касбий тараққиётнинг психологик хусусиятларини билиш инсонга ўз касбини онгли равишда қурушни, ўз тарихини яратишни, касбий биографиясини шакллантиришни беради.

Бу каби фан билан боғлиқ тамонлар хам касб психологияси учун методологик асос бўлиб хизмат қиласди. Демак кўриниб турибдикি касб психологияси учун унинг жараён сифатида мавжуд бўлган жамиятидаги мақсадлар ва манфаатлар, фан ютуқлари ва назарий умумлашмалари, фанни ривожига ўз хиссасини қўшадиган концепциялар методологик асос бўла олади.

2 –савол. Касб психологияси фани учун психологик фанлар методларидан фойдаланиш. Касб психологиясида кузатиш, анкета, тест, биография, фаолият маҳсулотларини таҳлил методи. Конкрет анализ, (хужжатларин таҳлил қилиш) социометрия методлари.

Касб психологиясини методларини тушунтиришдан аввал метод нима ва ундан қандай фойдаланилади деган саволга жавоб бериб қўрамиз. Метод юононча сўз бўлиб, текшириш, изланишнинг йўли, усули каби маъноларни англатади. Метод – бу билимга эришиш усули, олимнинг маълум тарзда тартибга солган, онгли ва изчил фаолиятидир. Ҳар бир фан ўз предметини ўрганиш учун маълум бир усуллардан фойдаланади. Бу усуллар ўзига хос йўлни ташкил этади.

Касб психологиясига хос бўлган ўрганиш бу шахс ва касб ўртасидаги муносабатларда акс этиб, унинг ўрганиш усуллари ўзига хос ҳолда бошқа фанлардан ажралиб туради. Касб психологияси бир бутун фан сифатида жуда кенг масалаларни қамраб олади. Буларга ёшларни касб танлашлари, уларни меҳнат шароитларига мослашишлари, касбни эгаллай олишлари, ўз танлаган касбни устаси ва юқори даражадаги маҳоратни кўрсата олишлари ва шу жумладан касб эгаларини шу касбдан кетишлари каби кўплаб масалаларни қамраб олади. Бу эса касб психологиясида методни ҳар бир кўрсатилган даврда ўзига хос ҳолда танлаб олишни талаб қиласди. Буни тушуниш учун шуни кўз олдимишга келтиришимиз керакки касб танлаш ва ундан ўз ҳаёти давомида фойдаланиш инсонни бутун умрини қамраб олади. Инсонни ҳаёт фаолияти давомидаги касб билан боғлиқ жараёнларни кўпгина олимлар ўрганиб ҳар бири ўзига хос ҳолда уларни таснифлашган.

Касбни ўрганган кўпгина психологлар ичида Климов Е.А. инсонни касбий ҳаётини ўзига хос ҳолда аниқроқ шаклда тушунтириб беради ва маълум бир фазаларга бўлади. Булар қуидагилар:

- Оптация – касбий – ўқув масканларида касб танлаш даври;
- Адаптация – касбга кириш ва унга мослашиш;
- Интернал фазаси - касбий малакани эгаллаш даври;
- Усталик – меҳнат фаолиятини маҳорат билан бажариш;
- Ўрнак бўла олиш фазаси - касб эгасини юксак даражада фаолият кўрсата олиши;
- Устозлик – касб эгасини ўз малакаларини бошқаларга бера олиши.¹⁵

Бу юқорида кўрсатилган фазаларнинг ўзи ҳам касб психологиясини усуллари ҳар бир даврда ўзига хос ҳолда фойдаланишни талаб қилишини кўрсатади.

¹⁵ Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г. с 418 – 425.

Дейлик, ўқув касбий масканларда эндиғина касб танлашга шайланыётган ёшларни касбга бўлган муносабатлари ўзига хос ҳолда аниқланиб олинган усулларда кузатилади.

Касб психологиясининг методлари асосан умумпсихологик методлардан келиб чиқади. Ҳар қандай усул ўрганилаётган предметнинг спецификасини акс эттиради. Касб психологияси ўзи ўрганаётган объектни ўрганиш учун умумий, ёш даврлар, педагогик психология ва шунингдек меҳнат психологиясининг методларидан фойдаланади. Касб психологиясининг маҳсус изланиш методлари бўлиб касбий психобиографияни тузиш, зиддиятларни ўрганиш методи, касбга йўналган грофалогия, касбий маҳоратни эксперт баҳолаш методи, касбий деформацияни рефлексияси ва ш.к. ларни ташкил этади деб ёзади Россиялик психолог Э. Ф. Зеер. Бу каби методлар касб психология фанининг маҳсус методлари ҳисобланиб эндиғина фан ҳётига кириб келаётган методлардир.

Умуман олганда психологияни изланиш методлари – бу фаолиятни ўзига хос равишда ташкил этиш натижасида психик жараёнларни механизмларини, қонунларини ўрганиш асосида янги объектив билимларни олишга қаратилган усуллардир. Касбий психологиянинг усуллари асосан икки методологик тамоилларга асосланади:

*субъектив – касбни эгаллашни ўзини англашига асосан олиб бориши;

*объектив – касбни эгаллашни ташқи белгиларни ўрганишга асосида психик ходисаларни билиш мақсад қилинади.

Иzlаниш усулларининг икки шакли мавжуддир:

- Лонгитюд ёки узоқ давом этадиган изланиш;
- Кўндаланг кесим асосидаги изланиш.

Лонгитюд изланиш шахсни ёки гуруҳни айнан бир хил параметрлар асосида узоқ ва ҳар доим кузатишга асосланади. Лонгитюд касбий шаклланишни индивидуал йўлини ўрганиб, ундаги ўзига хос алоҳида тамонларни, касбий биографиянинг ўзига хос ривожланиш тамонларини, касбий обрўйга эга бўлиш жараёнларини очиб беради. Лонгитюд усулида ўз – ўзини кузатиш, психобиография, панелли изланишлар ишлатилади. Панель – бу битта ижтимоий объектни маълум вақт ичида қайта – қайта ўрганиш усули ҳисобланади.

Кўндаланг кесим асосидаги изланишга эса ҳар хил ўрганилаётган гуруҳларни таққослаш назарда тутилади. Бу метод асосида ўрганилаётган объектни кўпроқ қисмини қамраб олиш мумкин. Кўндаланг кесим асосидаги изланишларда сўров усуллари, тестлар, эксприментлар тадбиқ этилади.

Россиялик психолог Э. Ф. Зеер касбий психологиянинг изланиш методлари сифатида бешта гурух усулларини кўрсатади. Биринчи – шахсни касбни эгаллаш билан боғлиқ психологик хусусиятларни таърифлаб бериш. Бунинг учун лонгитют, сўров усуллари (анкета, интервью), психобиография маъқул деб ҳисобланади. Зеер Э. Ф. буларни **генетик** усулга тегишли деб белгилайди.

Иккинчи – касбни психологик характеристикаси. Касбни психологик мазмунини ўрганиш, фаолият маҳсулотларини ўрганиш, меҳнат усулларини ўрганиш, хужжатларни тахлил қилиш сўровли кузатиш, профессография кабилар орқали билиш мумкин. Бу гурух усуллари **проксиметрик** усуллар дейлади.

Касб психологиясининг ўрганиш усуллари

Иzlaniшning вазифаси	Иzlaniшга хос усуллар гурухи	Иzlaniшning аниқ усуллари
Шахсни касбни эгаллашини кўрсатиши	Генетик усуллар	Лонгитюд усуллар, биографик усул, каузаметрия, психобиография, анаменез усул.
Касбни характеристикаси	Праксиметрик усуллар	Вазифаларни тахлил қилиш, хужжатларни ўрганиш, меҳнат усуллари, кузатув сўров.
Касбий аҳамиятга эга бўлган белгиларни ўлчаш	Психометрик усуллар	Махсус қобилиятлар тести, ютуқлар тести, қизиқишиларни ўрганиш сўровномаси, таълим диагностикаси
Шахсни касбни эгаллашини тушунтириб бериш	Эксприменталь усуллар	Табиий, лабаратория, моделлаштирувчи, шакллантириш эксперименти
Иzlaniш усулларини ишлаб чиқиши	Математик ишлаб чиқариш усуллари	Дипрессив, коррекцион, омилли тахлил

Учинчи – касбий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларни, шахснинг ва фаолиятнинг белгиларини ўлчаш. Бу изланиш вазифаларини ечишда маҳсус қобилиятлар тести, таълим, ўргатиш ва ютуқларга асосланган тестларидан фойдаланилади. Бундан ташқари касбий қизиқишига, қадриятларга асослаиш ва касбий установкаларга тегишли сўровномалардан фойдаланилади. Бу услубни **психометрик** деб аталади.

Тўртинчи- бу касбни эгаллашдаги механизмлар, қонуниятлар ва хусусиятларни тушунтириб беради. Бу вазифаларни эксприментлар асосида ечилади, яъни лаборатория, моделлаштириш ва табиий эксприментлар асосида.

Бешинчи – бу усул изланишни сонларда ўтказилишига асосланади. Уларга математик ишловлар тегишли бўлиб, улар дисперсион, корреляцион, омиллий тахлил ва бошқалар ҳисобланади.

Психологияда инсон билан боғлиқ психик ҳаёт жараёнлари бу жуда хилма – хил ва мураккаб ҳодисалардан иборат жараёнлардир. Инсонни ўз ҳаётини таъминлаш билан боғлиқ жараёнлардан бири бу уни касб танлаш ва ўз касбини устаси бўлиб бориши ҳисобланади. Бунда инсонни касбга йўналтириш, касб бўйича маслаҳат бериш, касбни эгаллашлари учун керак бўладиган психологик жараёнларни ўрганувчи касб психологияси ўз предметини ўрганишда умумпсихологик методлардан кенг фойдаланиб боради. Буни у ўз изланиш предметини ўрганишдан бошлайди.

Касб психологияси фанининг предметини ўрганиш ўзига хос ҳолда бошқа психологик фанлардан фарқланиб туради. Касб психологияси шахсни касб танлаётганидаги ҳолатларини, қизиқишларини манфаатларини ва энг асосан уни эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлган жараёнлардаги психологик ҳолатларни ўрганиб боради.

Касб психологияси умумпсихологик методлардан бири бўлган **кузатиш** методидан кенг ва унумли фойдаланишга интилади. Инсонда психик ҳодисалар ҳаётда қандай бўлса, яъни табиий шароитда, одамларнинг турли туман фаолиятида қандай кўринишда содир бўлса, худди шу кўринишда кузатиш методи ёрдамида ўрганилади. Ҳозирда кузатиш методига ўзига хос ҳолда ёндашишлар пайдо бўлдики улар ҳар бир предметнинг изланишидан келиб чиқиб таърифланадиган бўлиб қолди. Мазкур метод психология фанининг барча йўналишлари учун умумий кўринишига эгадир. Касб психология фани ҳам ўз изланишларида бу методдан фойдаланади. Касб танлаётган ёшни кузатиш орқали қандай касб унинг учун қизиқарли эканлигини кўриш мумкин бўлади.

Касб психологияси кузатиш методидан фойдаланар экан уни ташқи ва ички кузатиш кўринишларидан фойдаланади. Касб танлашда энг аввало инсонни касбга қизиқишини кўрсатувчи омилларни ташқаридан кузатилади. Бунда инсон ўз қизиқишларига бўлган муносабатини ҳар хил сухбатларда, касб тўғрисидаги сўровларда, уни билиш билан боғлиқ назарий ва амалий билимларни билишга интилганида кўриш мумкин бўлади. Ёшлар ўзи севган ва қизиқсан касби ҳақида кўплаб гапиришни унинг ўзига хос томонларини илғаб олишга интилишларида ҳам кўриш мумкин. Ёшлардаги бирор бир касбга бўлган хавас, интилиш, билимларни эгаллашга бўлган ирода, уларнинг

мақсадлари ва манфаатлари билан боғлиқ бўлади. Ёшлар ўз эҳтиёжларини қондириш учун, яхши яшаш ва имкониятларини вужудга келтиришлари учун ўзларидаги хавасларини ва қизиқишларини ўzlари севган касбга қаратадилар. Булар эса уларни ташқи кузатишлари ва объектив баҳолари билан боғлиқ бўлади.

Касб психологиясида бундан ташқари ички кузатиш ҳам мавжуд. Бунда кузатувчи кузатиладиган объект билан узвий алоқада бўлади, унинг ички дунёсига кириб боради, унинг ўй -хаёлларига шерик бўлади, бир сўз билан айтганда унинг яқин сирдоши сифатида кузатади. Кузатувчи бу жараёнда болани хаваслари, орзулари, мақсадлари нима учун пайдо бўлганини, бунга уни қандай ҳодисалар ёки шароитлар туртки бўлганини билиб туради. Инсонга таъсир этаётган шароитлар уни қандайдир касбга қизиқишига олиб келади. Инсон ўз олдига мақсадлар қўйиш билан бу мақсадларни амалга ошириш учун интилади.

Касб психологиясида ички кузатув сифатида касб танловчининг ўз – ўзини кузатилишини ҳам кўрсатиш мумкин. Кўпинча инсон ўзлигини анлаган ҳолда касбга эътибор беради. Бу унинг ўзини устида ишлаши, атрофдагиларни унга берган турткиси бўлиши ҳам мумкин. Касб танловчи бу йўналишда ўз – ўзини кузатиш орқали қандай касб унга ёқишини ва нима учунлигини билиб боради. Албатта бу усулдан ҳамма эмас балки ўзини анлаганлар кўпроқ фойдаланадилар. Кўриниб турибдики касб психологияси кузатиш методидан ҳар томонлама кенг фойдаланаар экан.

Умуман олганда кузатиш методини ҳар хил томондан таснифлаш мумкин. Дейлик, проф Э.Ф.Фозиев кузатиш методини узоқ даврлар давомида мураккаблашиб, кенгайиб, объективлик даражаси ошиб борганини тасдиқлайди. “Кузатишнинг технологияси такомиллашди, унинг янги шакллари, воситалари, усуллари пайдо бўлди, холисоналик (объективлик) даражаси ортди, ишончлилигини ифодаловчи мезонлар, ўлчовлар яратилди” – деб кўрсатади.¹⁶ Проф.Э.Ф.Фозиев кузатиш методини ёритиб бериш мақсадида, унинг ёритилмай қолган жиҳатларини, таркибларини янада кенгроқ ёритиб беришга уринади. Кузатиш методининг технологияси қуйидагилардан ташкил топади:

- Вокелик (атроф – мухит, инсон шахси)ни кузатиш оқимини муайян қисмларга, йўналишларга ажратиш (немисча – лотинча “квантификациялаш”, яъни энг зарур, биринчи даражали жиҳатларини саралаш);

¹⁶ Фозиев Э.Ф., Мамедов К.Қ. Касб психологияси. Т., 2003 й. 17 б

- Кузатишнинг кўлами (ҳажми), хусусияти ва ўзига хослигини аниқлаш, яъни унинг нималарга қаратилганини белгилаб олиш;
- Кузатиш жараёнида барча ҳолат, ҳодиса, аломат ва ташки қиёфа, кўринишнинг ўзига хослигини қайд қилиш (уларни ёзма нутқда ифодалаш, яъни французча – лотинча “фиксациялаш”);
- Кузатиш давомида тўпланган омиллар, маълумотлар, натижаларни математик статистик методлар ёрдами билан ҳисоблаб чиқиш ва миқдорий тахлил якунлари бўйича психологик сифатталқинини амалга ошириш.

Психологик кузатиш олиб боришдан кўзланган мақсад қуидагилардан иборат;

- Кузатилувчи вазият, ҳолат ва обектни мақсадга мувофиқ танлаш, унинг оқилона эканлигшига ишонч хосил қилиш;
- Кузатишнинг дастурини ишлаб чиқиш, уни амалиётга татбиқ қилиш, схематик ифодалашни яратиш, йигилган натижаларни чизма асосида акс эттириш.

Кузатишнинг объекти ва предмети қуидаги тузилишга эга:

- Кузатишнинг объекти – инсон, гурух, жамоа шахслараро муносабатлар, эмоционал – ҳиссий кечинмалар, ҳайвонот олами, шаснинг фаолияти, ижодиёти, муомиласи кабиларни ўрганишдан иборатdir;
- Кузатиш предмети – инсоннинг хилма-хил ҳолати, жараёни, ҳаракатининг кучи, жадаллиги, узлуксизлиги, динамикаси, ўзига хослиги, унинг ҳамкорликдаги ҳаракати, ундаги онглилик, онгсизлик онгости ҳолатларининг кечиши, фаолият ва муомила кабиларни экстериоризациялашдан ташкил топгандир;
- Амалий ва гностик ҳолатлар; нутқ актлари; маъноси, мазмуни, моҳияти, йўналиши, частотаси, ритмикаси, темпи, амплитудаси, давомийлиги, интенсивлиги, экспрессивлиги, унинг лексикаси, грамматикаси, фонетикаси, лингвистикаси қурилиши ва бошқалар;
- Новербал нутқ ифодаси; мимика, пантамимика ва вокал мимикаси (музиқа маъносини тана аъзолари орқали ифодалаш);
- Вегитатив реакцияларнинг кўриниши: рангнинг қизариши, оқариши, терлаш, нафас олишнинг тезлашуви, секинлашуви ва қўйинлашуви.

Кузатишнинг босқичма – босқичлиги, тадрижийлиги (иерархияси) таркиблари қуидагилардан ташкил топади:

- Кузатишнинг мақсади, вазифалари, дастури, қайдномаси: бунда умумий талабларга риоя қилиш, яхлит қайд қилиш, кундалик, техника воситалари

(фактик холатлар), натижаларнинг тахлили, талқини ва ғояларни илгари суринш.

Кузатишни ифодалаш усуллари : тажрибаларда тўпланган маълумотларни аломат, белги ва символика орқали акс эттириш (пиктограмма, чизги, жадвал, анаграмма) ва турли шакл, хусусиятли баённомалар, қайдномалар юзага келтириш.

Психология фанида кузатишнинг қуидаги турларидан фойдаланиш мумкин: изчил, эпизодли, дала шароитли, лабораториявий – сунъий, табиий, хронологияли, даврий, бир мартали кабилар.¹⁷

Касб психологиясида ишлатиладиган методлардан яна бири бу сўраш методи ҳисобланади. Бу метод иккига бўлинади, бири анкета ва иккинчиси интервью ёки сухбат методи деб аталади. Сўраш методида касб танловчи билан икки ҳил тарзда касб ҳақида, унинг қизиқишилари ҳақида суриштирув фаолияти олиб борилади. Сухбат орқали касб танловчининг қизиқишилари, манфаатлари, психологик хусусиятлари, касбга хос бўлган лаёқатлари кабилар ўрганилиб борилади. Ёшлар билан сухбатлашиш учун уларнинг ўзига хос дунёсини билиш зарур бўлади. Сухбат ўтказишнинг ўзига хос бўлган талаблари мавжуддир. Дейлик, сухбат терговга ўхшаб кетмаслиги зарур. Сухбат дўстона ва очиқ кўнгилдан бўлиши муҳимдир. Сухбат методида касб танловчининг дунёқараси, эътиқоди, одамларга ва жараёнларга бўлган муносабати, касбларга ва улар ўртасида унинг ўзини қизиктираётган касбга бўлган муносабатлари ўрганилади. Касб танловчининг бир бутун муносабати ўрганилиб кейингина унинг касби ҳақида сўзлашилади. Чунки касб танлашда одамда маълум бир ўзгармас ғоялар бўлгандагина бирор бир касбни тўғри ва барқарор равишда танлаши мумкин.

Бундан ташқари касб танлашда сўров методининг анкета кўриниши ҳам мавжуддир. Бунда касб танловчини олдиндан тузилган саволлар орқали кетма – кетлиқда сўровга тортилади. Анкета методи касб танловчини касб танлаши билан боғлиқ саволлар олдига ўзини якка қолдириб бу саволларга бошқаларни аралashiшини чеклайди. Бу эса касб танловчини ўзи қизикқан касбига бўлган интилиш сабабини тўғри кўрсатиб беради. Анкета саволларига қўйиладиган талабларни кўплаб китоблардан кўриш мумкин.¹⁸ Анкета ўтказишни кўплаб кўринишлари мавжуд. Анкета методи бошқа соҳаларда ҳам кўп ишлатилади. Инсонни касб танлаши билан боғлиқ масалаларда анкета методи кўпроқ инсонни ўзига бу саволга якка ўзи жавоб беришини талаб қиласди. Ёшларни кўпчилиги ўзимни қайси касбни эгаллаши кераклигини аниқ била олмайди.

¹⁷ Фозиев Э.Ф., Мамедов К.Қ. Касб психологияси. Т., 2003 й. 17- 19 б

¹⁸ Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й. 208 – 211б.

Бундай ҳолларда анкета методида қўйилган саволлар уни қизиқишини кўрсатиб бера олади. Касб танлаётган инсон анкета саволларига жавоб берар экан у қўйилган саволларга мустақил, ўз малакаларидан келиб чиқиб жавоб беради. Бу эса уни қайси касбга қизишини аниқ билиб олишга имкон беради, бу анкета усулининг ютуғи бўлса унинг камчилиги касб танловчини ноаниқ бўлган саволларга жавобини беришдаги қийинчиликларда кўзга ташланади. Бу эса бу усульнинг камчилиги ҳисобланади.

Касб танлаш билан боғлиқ бўлган муҳим методлардан бири бу тест усули ҳисобланади. Касб психологиясида бу методни тадбиқ этилиши касб танловчиларни тестлар орқали синаш имкониятини яратди. Касбга хос масалалар билан шуғулланишга бўлган имкониятлар янада кенгайиб, унинг имкониятлари бойиб бормоқда.

Тестларни касб танлашда оммовий ишлатилиши Ғарб мамлакатларида кенг ёйилди, айниқса АҚШда, Россияда бу тестлардан фойдаланиш чегараланган эди. Психотехник ишларни ёйилиши, саноатга ишчиларни етишмаслиги, бу соҳага эътибор беришни талаб қилди. Шунинг учун ундан айрим масалаларни излаш учун ва тор йўналишдаги мутахассисларни танлаш мақсадида ишлатилди.

Инглиз сўзи бўлган тест – ўзбекчага ағдарилганда “синов”, “текшириш” кабиларни англатади. Тест терминини фанга Ф.Гальтон тамонидан киритилди. Тест – деб стандартлаштирилган ва маълум вақтда чегараланган, қисқа муддатда ўтказиладиган психофизиологик текширувларни номланган. Бунда шахсдаги индивидуал – психологик фарқларни текшириш ва такқослаш учун фойдаланганлар. Тесдан инсонга хос барча фаолиятларда фойдаланилган. Шунингдек тестлардан инсонларни касб танлашларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Тест, яъни синаш билан боғлиқ тарихда кўплаб мисолларни кўрсатиш мумкин. Қадимги даврларда одамларни индивидуал фарқланишини билган ҳолда тестлар ўтказилган. Қадимги Хитойда эрамиздан 2200 йил аввал мансадор шахсларни танлаб олишга эътибор берилган. Танлананаётган қобилиятини синаш мақсадида уларга синашдан тортиб то ўзини тутишгacha бўлган синовлар штказганлар.

Тест методини интелектуал “ақлий тестлар” сифатида Дж. Кеттелл томонидан биринчи марта изланиш методи сифатида ишлатилган. Бу методни француз врачи ва психологи А.Бине янги босқичга олиб чиқиб интелектуал тест саволларини тузиб чиқди. Касб танлашда инсонга хос жараёнларни тестлар орқали билиб олиш мумкин бўлади. Касблар талаб қиласидан жараёнлар мавжудки исондаги психологик хусусиятлар уларга жавоб бериши керак бўлади. Дейлик, енгил саноат учун тайёрланаётган кадрлар қандай

психологик хусусиятларга эга бўлишлари керак. Енгил саноатда пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ касблар ва тайёр ҳом ашиёдан аҳоли учун керак бўлган кийим – кечакларни тайёрлаб берувчи касблар мавжуд. Буларга эътибор берсак ҳар бири учун психологик хусусиятларни етарли даражада ривожланган бўлишини талаб қилишини кўришимиз мумкин бўлади. Шунинг учун инсондаги сезгирилик, диққатни барча хусусиятлари, иродалилик, тафаккур ва барча бошқа психологик жараёнлар жуда зарур бўлади. Тестлар орқали эса буларни синаб олиш ва касб танловчини шу касбга лойиқлигини кўрсатиш мумкин бўлади. Ҳар хил тест саволлари билан синалиш орқали ёшларда қайси касбга уларда лоёқат борлигини кўриш мумкин ва уларни шу касб бўйича тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Касб психологиясида фойдаланиладиган методлардан яна бири бу **биография** (таржимаи ҳол) методи ҳисобланади. Ёшларни касбга йўллашда уларни биографияси билан танишиш ҳам ўзига яраша материаллар беради. Ёшларни касбга йўналтиришда уларнинг ҳаётларида содир бўлувчи психик жараёнларни ўзида акс этдирган ҳаёт фаолиятлари, ижодлари тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар, таржимаий ҳоли, кундаликлари, хатлари, эсдаликлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Касб танлашда таржимаи ҳол методи инсондаги психикани суҳбат ва тажриба методлари воситасида ўрганилиб бўлмайдиган ҳолатларини очиб беришга ёрдам беради. Мазкур метод орқали касб танловчидаги ижодий ҳаёл билан боғлиқ жараёнларни: шериятга, мусиқага, нфосатга, таъсвирий санъатга, техник ижодиётнинг нозик турларига, шунингдек уларнинг маънавий бойлик даражасига, ахлоқий билимлари ва шу кабиларга эътибор берилади.

Ёшларда касб танлашга таъсир этувчи қатор тамонлар бордир. Булар уларнинг сулоласи, ота – онаси, ака – укалари, қому – қариндошлари, атрофидаги намуна бўладиган инсонлар, авлодлар билан боғлиқ жараёнлар, атоқли шахслар билан боғлиқ воқеалар, алломалар тўғрисидаги маълумотлар ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин бўлади. Касб танлашда бу каби омиллар ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин бўлади. Касб танловчилардаги хавас, орзу ва буларга эришиш каби тамонлар уларни шу касбни танлашларига ҳар доим интилиб турушга мажбурлайди. Масалан, авлодарида кимdir яхши врач бўлса касб танловчини худди шу инсонга ўҳшаб врач бўлишга ва айнан шу инсон каби яхши ном чиқаришга ундан туради. Бу ундаги хавас бўлиб доимо шу касбни танлашга ундан туради. Худди шундай журналист, олим, моделер, яхши тикувчи ва ш.к.

Касб танлашда **фаолият маҳсулотларини** таҳлил қилиш методи ҳам яхши натижалар беради. Касб танловчи илғор ишчиларни, яхши касб эгаларини яратган маҳсулотларидан руҳланган ҳолда ҳам ўзлари учун касб танлай

оладилар. Инсоннинг куч ва қобилияти у яратган нарсаларда гавдаланади. Инсон фаолиятининг самараларини текширганимизда. Шу барпо этилган фаолият натижаларини яратишда инсонлар қандай қилиб фикрлаганлигини, хис қилганларини, нимага интилганларини, уларнинг иродасини қанчалик қучли бўлганини, тафаккур қилиш, яратишга хос бўлган фикр уйларини кўрамиз. Масалан кийимларни яратадиган тикувчиларни амалий ишларини ўрганадиган бўлсак улардаги нозик эстетик дидни, гўзалликка интилиш билан боғлиқ харакатларни, уларни яратишга қаратилган тафаккурни, ҳаёлий фикрларни ва шу кабиларни кўрамиз.

Касб танлашда бу методнинг ўрни ва роли катта эканлигини биз хис қилишимиз мумкин. Бунда болалар яратадиган расмларга, пластилин орқали ифодалаган образларга, хар хил ясаш мумкин бўлган конструктурлик ўйинларга эътибор берсак уларни уй ва фикрларини кўриш мумкин бўлади.

3 – савол. Касб психологияси илмий тадқиқотларида методлар масаласига янгича ёндашиш муаммолари. Касб психологиясида моделлаштириш, компьютерлаштириш ва улардан фойдаланиш.

Касб психологияси ёшларни ўзлари севган касбларини танлаб олишлари учун кўплаб изланишлар олиб боради. Касб психологияси психологик фанлар ичидаги амалий фанлар қаторига киради. Ёшлар билан ишлаш ва касб танловчи инсонлар билан ишлаш давомида касб психологияси кўплаб муаммоларга дуч келади. Шундай масалалардан бири бу касб психологиясининг илмий изланиш билан боғлиқ бўлган масаласи хисобланади. Касб психологияси ўз изланишларини умумпсихологик методлар асосида олиб борсада, лекин ўзига хос бўлган тамонлар билан ажралиб туради. Булар ҳақида юқорида ўз фикиримизни айтиб ўтган эдик.

Хозирги даврда фан ва техникани ўсиб бориши, инсонлар ҳаётига кўплаб янгиликларни кириб келиши, ишлаб чиқаришни олдинга қараб кетиши, жамиятда кўплаб янги соҳаларни очилиши ва шу кабилар касб психология фанини ҳам ўзгариб боришига ва янги қирраларини очилишига олиб келди. Касб соҳасидаги янги иш ўринларини пайдо бўлиши, булар бўйича янги кадрларни тайёрлаш масаласи ўзига хос ҳолда иш жойларини кампьютерлаштириш билан, бу иш жойларини моделлаштириш ва шу моделлар асосида кадрларни тарбиялаш каби кўплаб масалаларни ўртага қўймоқда. Хозирда касб психологияси учун зарур бўлган кампьютерлаштириш ва ундан келиб чиқсан ҳолда моделлаштириш каби методлар ҳаётга кириб келмоқда.

Инсон ҳаётида кампьютернинг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда. Ёшлар кампьютер орқали дунёning хамма ерлари билан алоқага чиқмоқдалар. Лекин унинг салбий тамонлари ҳам йўқ эмас.

Ёшларнинг кампьютерга қизиқишлари уларни янги ва янги касблар билан таништириб бормоқда. Шу билан бирга кампьютер орқали касб психологияси ёшларга ҳос бўлган психологик холатларни молделлаштириш ва уларни маълум бир касбни бажара олишлари каби саволларга ҳам жавоб беришга интилмоқдалар. Хозирда ҳаётга кўплаб янгиликларни кириб келиши ёшлардаги меҳнатга бўлган муносабатларни ўзгартириб юбормоқда. Булар асосида ёшларни касбга бўлган муносабатлари ҳам ўзгача тус олмоқда. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Кампьютерда тестлар орқали ўзини синашларга, касблар ҳақида маълумотларга эга бўлиш имкониятлар яратилмоқда. Моделлаштириш бу дегани энг аввало иш жойларида бажариладиган иш харакатларини тренажерларда олдин синаб кўришни олинга сурмоқда. Булар эса касб психологиясига янги методларни кириб келишига олиб келади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касб психологияси фанига методологик асос – бу шахснинг касбий лаёқат
2. Касб психологияси учун методологик асос бу Ўзбекистон Республикасининг “Тъалим тўғрисидаги” ва кадрлар тайёрлаш миллий дастури, шунингдек давлат хужжатлари.
3. Касб психологияси фани учун психологик фанлар методларидан фойдаланиш.
4. Касб психологиясида кузатиш, анкета, тест,биография, фаолият маҳсулотларини таҳлил методи.
5. Касб психологиясида кузатиш, анкета, тест,биография, фаолият маҳсулотларини таҳлил методи.
6. Касб психологияси илмий тадқиқотларида методлар масаласига янгича ёндашиш муаммолари.
7. Касб психологиясида моделлаштириш, компютерлаштириш ва улардан фойдаланиш.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.,Маънавият.2008 й

4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.К Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
12. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
13. Фалсафа / энциклопедик луғат. Т., 2010й
14. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

4 – мавзу. Касбий психология ва унинг психологик фанлар билан алоқаси.

- 1 – савол. Касбий психология фанининг тараққиёти.
- 2 – савол. Касб心理学и fани психология фанлари тизимида.
- 3 – савол. Касб心理学и ва психология фанлар.

1 – савол. Касбий психология фанининг тараққиёти.

Касбий психология фани ишлаб чиқаришни ривожланиши билан шаклланиб борган. XX асрнинг бошларида илмий – техник жараёнлар тезлашиши янги касбларни пайдо бўлишига олиб келган. Бу касбларни кенгайиб бориши, унинг ўзига хос томонларини пайдо бўлиши инсонлар ва машиналар ўртасидаги муносабатларни ўргнишга эътиборни оширда. Бунинг натижасида инсон ва унинг касби ўртасида содир бўладиган руҳий муносабатлар одамларни эътиборини тортди. Дунёда янги бир касб пайдо бўлди, бу касбларни ўрганувчи касб心理学и эди. Бу аввало АҚШда кейинчалик Европада ва ўтган асрнинг 90- йилларида Россияда шаклланди. Булар ҳақида Россиялик психолог Зеер Э.Ф. “Психология профессий” китобида кўрсатиб ўтади. У касб心理学иини пайдо бўлишини учта асосини кўрсатиб ўтади. Булар сиёсий, иқтисодий ва илмий тадқиқотга асосланган томонлар эканлигини асослаб беради.

Касб心理学и фан сифатида Ўзбекистонда ҳам ривожланиб бормоқда. Унинг ривожланишига эътибор берсак собиқ иттифоқдаги шароитлар бу фанни тараққиётига эътибор бермаганлигини кўриш мумкин бўлади. Буни биз қўйидагиларда кўришимиз мумкин.

- 1) Собиқ иттифоқ тоталитар тузимида инсонни индивидуал хусусиятлари инкор этилган. Асосан ижтимоий заказни бажариш учун керак бўлган кадрлар тайёрланган. Бу даврда жамиятимиз манфаатлари назарга олинмаган. Маҳаллий кадрлар масаласи асосан марказ манфаатлари билан боғлиқ бўлган. Касб心理学иига эътибор ҳам берилмаган.
- 2) Иқтисод ҳам асосан марказ манфаатлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. Шунинг учун бу касб心理学иига эътибор берилмаган.
- 3) Илмий – тадқиқот ишлари ҳам номга олиб борилган

Касб心理学и фанини тараққиёти ва шаклланиши мустақил Ўзбекистон билан узвий боғлиқдир. Бу фанни ривожланиши учун Ўзбекистонда мустақилликни биринчи кунлариданоқ эътибор берилди. Бу аввалом бор кадрлар масаласи билан боғлиқ ҳолда юз берди. Ўзбекистонда яратилаётган кадрларни рақобатбардош қилиб тайёрлаш масаласи сиёсий даражада эътибор берилди. Бу соҳада олиб борилаётган амалий ишлар жуда қўп бўлиб, шулардан бири бу таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқдир. Бу соҳадаги амалий ишлар давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсий,

иқтисодий, ижтимоий, маънавий, хукуқий ишларда ўз аксини топган. Касб психологиясини тараққиёти қўйидагилар билан боғлик.

- 1) Касб психологиясини ривожлантириш бу жамиятдаги олиб борилаётган долзарб масалалар билан боғлик. Бу ўз аксини “таълим тўғрисида”ги қонунда ва кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида ўз аксини топган. Таълим тизимини ислоҳ қилиш, жаҳон стандартларига тўғри келадиган кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим даражалари ҳам кучли ва рақобатбардош бўлишини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқсан ҳолда касб психологиясига эътибор берилмоқда.
- 2) Бозор муносабатларига ўтиш ва жамиятимиз учун зарур бўлган кўпгина касбларни тайёрлаш, уларни сифатини, ўз касбига бўлган муносабатларини мустаҳкамлаш, билимли ва зукко бўлишлари учун кўпгина малакаларни эгалашларига ёрдамлашиш каби масалалар билан боғлик. Бу соҳада жамият ўз иқтисодини қўтариш мақсадида кўплаб яхши кадрларни тайёрлаб келмоқда. Булар ҳам касб психологиясини шаклланиб боришига ёрдамлашади.
- 3) Ёшларни ўzlари танлаган касбларини яхши эгаллашлари учун уларни орасида илмий – тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бу талабалар билимларини синашда, уларни олаётган билимларини эгаллай олишларида, яратилаётган шароитлардан сифатли фойдалана олишларида кўзга ташланади.

Касб психологиясини фан сифатида шаклланиши фалсафа, педагогика, психология, социология каби фанлар билан узвий тарзда олиб борилмоқда. Ҳозирда касб психологияси барча олийгоҳларда киритилиб тайёрланаётган кадрларни бу соҳа билан таништирилмоқда. Касб психологияси ўз олдига қўйган масалаларни психология фанларининг бошқа тармоқлари билан узвий тарзда амалга ошириб келмоқда. Касб психологияси жамият учун зарур бўлган кадрларни тарбиялашда, уларни жамиятга зарур бўлган кадрлар сифатида яратишда, ёшларни ўzlари танлаган касбларга лаёқатлиликларини тарбиялашда, касбга хос бўлган психологик хусусиятларни шакллантириш каби кўплаб масалаларни амалга ошириб бормоқда. Бунда касб психологияси касбий маслаҳатлар, касб танлаш, касбга йўналтириш, касб эгаллашдаги имкониятларни ўрганиб бориб, ўз олдига қўйган вазифаларни амалга оширмоқда.

2 – савол. Касб психологияси фани психология фанлари тизимида.

Касб психология фани бу ўзининг предметини ва ўрганиш объектини таҳлил қилиш учун маълум бир усуллардан фойдаланади. Касб психологияси бу масалаларни бошқа психологик фанлар билан боғланган ҳолда амалга оширилади. Хар қандай касб бу жамиятни эҳтиёжини қондиришга қаратилган жараён ҳисобланганлиги учун унда инсон ва унинг психологик тамонлари ўз аксини топган бўлади. Касб психологияси психология соҳаларининг деярли барчаси билан узвий боғлиқдир. Касб психологияси ўз ўрганиш соҳасига кўра инсонни касбга киришидан тортиб уни ишдан кетгунча бўлган жараёнларни ўрганиб боради. Касбга йўналтириш, касб танлашига ёрдам бериш, касбни эгаллаши билан боғлиқ жараёнларда иштирок этиш, ўз ишини мастери бўлиб етишишига ва ижодий ёндошишига шароитлар яратишда иштирок этиш, қариллик билан боғлиқ жараёнларда, яъни ишдан кетишига тайёрлаш каби кўплаб масалаларни амалга ошириш давомида касб психологияси психология фанларининг бошқа соҳаларига суняди. Касб психологияси нафакат инсонни касбга нисбатан муносабатини балки, касбни ҳам инсонга нисбатан қўядиган талабларини ўрганиб боради. Инсон меҳнат фаолияти давомида ўзи танлаган касбининг маълум бир талабларига ҳам жавоб бериб бориши лозим. Касбни инсонга талаби бу объектив талаблар ҳисобланади. Лекин бу талаблар инсонни таъсири остида шаклланади. Қуйида касб психологиясини психологик фанлар билан боғлиқлиги расми кўрсатилган.



Юқорида берилган расмда психология фанини бошқа психологик фанлар билан алоқаси күрсатиб берилгандир. Психологик фанлар тизимида касб психологияси барча фанлар ютуқларидан фойдаланади ва ўзи олдига қўйган масалаларни ҳал қилиб боради. Психология фанининг ўзига хос тамонларига тааллуқли мутахасислар ўз предмети масалаларини ҳал этиб бориб касб психологиясиги тегишли бўлган жараёнларга ҳам тегиб ўтади. Касб психология фани инсон – касб ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан экан у барча психологик фанлар билан алоқада ва уларни ютуқларидан фойдаланиб боради.

3 – савол. Касб психологияси ва психологик фанлар.

Ёшларни касбга йўналтириш ва уларни ўз касбини тўғри танлашлари бу ларнинг ўзи учун ва жамият учн катта фойда олиб келади. Ўсиб келаётган авлодни касб билан таъминлашда касб психология фани кўпгина фанлар билан узвий боғлиқ бўлади. Биз биламизки инсон ўз ўсиши давомида маълум бир даврларни бошидан ўтказади. Бу унинг болалик даври, ўсмирилик ва ўспринлик даври, етуклик ва кексалик даврларидир. Буларни эса ёш даврлар психологияси ўрганади. Кўриниб турибдики мактабга чиқкан бола ўсиб бориб улғаяди. Унинг қизиқишилари кенгайиб бориб, дунёқараши бойиб, ўз тақдирни ҳақида ўйлай боради. Ўзини ва ота – онасини келажаги ҳақида бош қотиради. Унда ўзини яхши яшаши ва ўзи учун керакли бўлган нарсаларни эгаси бўлиш истаги туғилади. Болада энди касбга бўлган хавас ва унга интилиш бошланади. Ёш даврлар психологияси инсоннинг яшаш билан боғлиқ даврларини ўрганар экан у инсонга хос бўлган психологик жараёнларни ўрганиш орқали касбга бўлган муносабатини ҳам таҳлил қилиб боради. Касб психологияси касб танлаётган ёшларни ўсиш даври билан боғлиқ ҳолда унга йўналишлар беради ва ўргатиб боради. Касб психологияси касб танлаётган ёшларни қайси даврда – ўсмирилик даврими ёки ўспиринлик даврими, бу даврга хос бўлган психологик хусусиятларни билиши зарур бўлади. Ҳақиқатда ҳам бу даврда ёшларн ўзига хос характерга эга бўладилар. Ўсмирилик даврида касб танлаётган ёшлар ўзига яраша психологик жараёнларни бошидан кечиради. Улардаги физиологик ўзгаришлар руҳий ҳолатларда ҳам содир бўлади. Касб танлайдиган бўлсалар ўзларига хос бўлган қирраларни кўпиртириб кўрсатадилар.

Касб танлашда худди шунингдек шахс психологияси ҳам ўзига яраша тамонлар билан ажralиб туради. Шахсга хос ўзига яраша тамонлар уни касб танлашига таъсир этади. Шахснинг характери, темпераменти, қобилияти,

қизиқувчанлиги, ўзин англаганлик даражаси унинг касб танлашига ўз таъсирини кўрсатади. Маълумки айрим шахсларда маълум бир қобилият кучли бўлади. Дейлик техникани яхши тушунади. Айримларга буни кўрсатиб берсанг ҳам уни уddyалай олмайди. Айрим шахсларда сезгирик, диққат яхши ривожланган бўлса айримларида булар унчалик эмас. Дейлик кузатишлар шуни кўрсатадики айрим болалар бўлаётган жараённи дарров билиб олмайди, айримлари эса дарров сезади ва унга мослашишга харакат қилади. Касб танлашда эса бу каби тамонлар шахсни қайси касбга лойиқ эканлигини кўрсатади. Демак шахсдаги ўзига хос тамонлар уни касб танлашида ўз таъсирини берар экан.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касбий психология фанининг тараққиёти.
2. Касб психологияси фани психология фанлари тизимида.
3. Касб психологияси ва психологик фанлар.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Марнавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўstonи ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.К Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
12. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
13. Фалсафа / энциклопедик луғат. Т., 2010 й
14. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

1 – савол. Касбий психология фанининг пайдо бўлиш сабаблари ва асослари. 2 – савол. Касб психологиясини тараққиёт тарихи. Тейлорнинг ишлаб чиқаришда илмий бошқарув концепцияси ва бу концепциянинг касб психологиясидаги ўрни. Касбий психологияяда психотехникани асосчиси бўлган немис психологи Г.Мюнстерберг дастури. Рус психологлари томонидан касб психологиясига тегишли илмий – тадқиқот ишлари.

3 – савол. Шарқ мутафаккирлари асарларида касб ва касбга йўналтириш масалалари. Буюк аждодларимиз касб – хунар ортириш ва унинг фойдалари тўғрисида. Муқаддас “Авесто”, Ибн Сино, Фаробий, Беруний асарларида касб ва уни эгаллаш тўғрисидаги фикрлар.

4 – савол. Касб психологиясини ҳозирда Ўзбекистондаги ривожи. Касб психологиясини М.Г.Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, А. Жалолов ва бошқа психологлар томонидан ривожлантирилиши.

1 – савол. Касбий психология фанининг пайдо бўлиш сабаблари ва асослари.

Кўп қиррали психологик феномен бўлган шахс ва касб ўртасидаги масала меҳнат психологиясида ўрганилади. Лекин шахсни касбий лаёқати масаласи бунда очиб берилмади. Меҳнат психологияси XX аср бошларида пайдо бўлиб ҳар хил касблар билан шуғулланади.

Меҳнат психологияси ҳар хил касбларни фаолиятини, фаолиятнинг инсонга бўлган талабини, инсонни психофизиологик имкониятларини, ахлоқий-иродавий сифатларини, касбга керак бўлган қобилият ва малакаларни ўрганар эди. Лекин меҳнат психологиясининг энг асосий вазифаси бу меҳнат шароити, моҳияти, ускиналарини тахлил қилиш эди.

Унда катта эътибор тровматизмни профелактика қилиш, иш қобилиягини ва чарчашни диагностика қилиш, меҳнат режимини оптimal йўлини таниш ва шу кабилар эди. Меҳнат психологиясининг асосий масаласи бу инсонни меҳнат қуролларига ва меҳнат шароитларига мослашиши эди.

Инсонларни меҳнат қилишлари учун шу касбга хос бўлган лаёқатларини, танлаган касбларига хос бўлган физиологик, психологик мослик даражаларини ўрганишга талаблар ошиб борди. Бундан ташқари саноатни тез ўсиб бориши, қишлоқ ерларидан инсонларни саноат жойларига кўчиб келиши – миграцияси кучайди. Булар эса уларни ўрганиш масалаларини муҳим масалалардан бири

қилиб қўйди. Шундай талаблар асосида касбга йўналишни ўрганувчи биринчи лабараториялар пайдо бўлди. Бу лабараториялар 1903 йилда Страсбургда (Франция) ва 1908 йилда АҚШнинг Бостон шаҳрида пайдо бўлди. Бу лабараториялар айнан саноатни тез ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Демак кўриниб турибдики қўйидаги жараёнлар касб психологиясини пайдо бўлишига сабаб бўлган: 1) Жамиятда саноатни тез ўсиб бориши; 2) Саноатни ўсиб бориши билан техникани, машинасозликни ривожланиши; 3) Миграцияни ўсиб бориши ва одамларни ўрганиш зарурияти пайдо бўлди; 4) Инсон ва уни ўзи ишлаётган касбга мослик даражасини ўрганиш заруриятини пайдо қилди. Булар эса инсонни физиологик ва психологик жиҳатдан касбга мослигини ўрганиш масаласини қўйди. Булар эса ишлаб чиқаришни кучайтиришга ва унга мос бўлган касбларга инсонларни тайёрлаш заруриятини вужудга келтирди.

Шундай қилиб меҳнат фаолиятини психологик ўрганиш касбий шаклланишни ўрганишни натижаларини бера олмади. Бу эса меҳнат психологиясида алоҳида бўлган ва касбга хос томонларини ўрганувчи алоҳида фанни вужудга келишига шароит яратди. Шуни айтиш керакки ҳозирги психологик фанлар ичida бундай фан деярли йўқ. Лекин жамият ёшларни касбга йўналтирувчи ва уларни меҳнатини психологик тамондан ўрганувчи фанга зарурият сезиб борди. Инсонларни меҳнатга бўлган интилиши уларни қизиқиши, ирова кучи, касбни мохирона эгаллаши, ўзидаги психологик жиҳатларни ривожлантириб яхши касб эгаси бўлиб бориши, ақлий жиҳатдан хар хиллиги ва уларни ўз ўрнига қўйиш каби кўплаб масалалар турибдики булар касб психологияси касбини фан сифатида жамият учун зарур қилиб қўймоқда. Бу айтилган фикрлардан шундай ўзига хос тамонлар кўзга ташланади.

- 1) Жамиятда ўсиб келаётган ёшларни ўзлари қизиқкан касбларини эгаллашлари учун йўналиш бершлари зарурлигидан;
- 2) Жамиятни ҳам ишлаб чиқаришда керакли бўлган кадрларни тайёрлаши зарурлигидан;
- 3) Жамиятни тараққиёти, фан ва техникани ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолда янги касблар пайдо бўлганлиги сабабли ёшларни бу янги касблар билан таништириш зарурлигидан;
- 4) Жамиятда олиб борилаётган ислоҳатларни натижаси сифатида жаҳондаги тайёрланаётган кадрларга рақобатбардош бўлган сифатли мутахассислани тайёрлаш зарурияти;
- 5) Жамиятимизни тараққиётини таминлашга хизмат қиласиган фан сифатида зарурият туғилганлиги сабабли

2 – савол. Касб психологиясини тараққиёт тарихи.

Касб психологияси психологик фанлар ичидаги энг ёш ва тарихи қадим замонларга бориб тақаладиган фанлар қаторига киради. Ҳақиқатан ҳам касб психологияси яқин вақтларда күзга күриниб борган бўлса ҳам унинг аҳамияти ҳақидаги фикрлар қадимларга бориб тақалади. Дунё маданиятини бешиги бўлган энг қадимий таълимотлардан бири бўлган муқаддас “Авестода” ҳам касб ва унинг аҳамияти ҳақида фикрлар мавжуддир. Антик давр философлари ҳам касбҳақида ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Масалан Платон ўз асарларида одамлар касб жиҳатидан тақсимланиши кераклиги, бу эса уларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқишини айтиб ўтган эди. “...Одамлар ўзаро тенгдирлар, лекин улар мажбуриятларига муносабатларида бир хил эмасдирлар, улар қобилиятлари жиҳатидан ҳар хилдирлар – бир хиллари бошқариш учун туғилганлар, бошқалари ёрдамлашишга, яна бир бошқалари – дехқончилик, хунармандчилик учун яратилгандирлар. Уларни хаммасини... тилла, кўмиш, мис, ва темир қаби фарқлаш мумкин”¹⁹. (тарж. автор.)

Касб психологияси меҳнат психологияси таркибида шаклланиб келди. Меҳнат психологияси касб психологиясига тегишли бўлган масалаларини ўз предметини ҳал этиш давомида ўрганиб борди. Лекин касб психологияси қўйган масалаларга ёндошиш давр талаби билан зарурӣ равишда уни мустақил фан сифатида ажralиб чиқишига сабаб бўлди.

Касб психологиясини мустақил фан сифатида шаклланишини учта этапга ажратиш мумкин:

- 1) XIX аср охирларида психотехникани психологияни йўналиши сифатида пайдо бўлиши ва меҳнатни илмий ташкил қилишнинг психологик муаммоларни ечилиши (W. Stern, F. Taylor, N. Munsterberg ва бошқалар.) Психотехникани асосий вазифалари бу меҳнат усуллари ва шароитларини рационализация қилиш, травмотизм ва авария холатларини камайтириш, ишлаб чиқаришга ўргатишни такомиллаштириш эди.
- 2) XX аср бошларида мустақил фан сифатида пайдо бўлган меҳнат психологияси ривожланиши (F. Parson, M. Weber, С.Г. Галлерштейн, А.К. Гастев ва бошқалар). Унинг асосий изланиш вазифалари – инсонни меҳнат жараёнида шаклланиши ва психикасини кўринишини, шунингдек касбий танлов, касбий маслаҳат ва меҳнат экспертизасини ўрганиш эди.

¹⁹ Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М.,2008 г. 28 с.

3) Ўтган асрнинг 70 – йиларида меҳнат психологиясининг инсон ва касб ўртасидаги муносабатларини ўрганиш вазси, янги касб психологиясини алоҳида фан сифатида шаклланишига олиб келди. Меҳнат психологиясининг бу алоҳида йўналиши касб психологияси деб номланади. Бу A. Huth, E. Bornemann, K. Seifert, E. Vlich ишларида кўринди. Касб психологияси касбий маслаҳат, касб танлаш ва профессиография масалалари билан шуғулланди.

Мустақил фан сифатида касб психологияси АҚШда шаклланди. Касб психологиясининг ажralиб чиқиши ҳозирда инсонни касбий меҳнатга мувофиқлашиши, айрим касблар билан ўзаро муносабати, шунингдек касблар дунёсига бўлган муносабатидан келиб чиқади. Касб психологиясининг асосий вазифаси бу инсон ва касб ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва уни нафақага тайёрлаш ҳисобланади.

Касб психологиясининг ривожига Россиялик қуйидаги олимлар ўз хиссасини қўшганлар: Е.М.Борисова, К.М.Гуревич, Ю. М.Забродин, Е . А. Климов, Ю.В. Котелова, Т.В.Кудрявцев, Н.В.Кузмина, Н.Д.Ливитов, Б.Ф.Ломов, А.К. Маркова, К.К. Платонов ва бошқалар.

XIX асрнинг XXасрнинг бошларида Ф.Тейлернинг меҳнатни ташкил қилиш ва корхонани бошқаришга бағишлиган ишлари пайдо бўлади. Бу ишларда физиологик ва психолигик масалалар – касб танлаш, меҳнат меъёри, ҳақ тўлаш тизими, рағбатлантириш ва жазолаш, иш қуролларини ишчига мослаш каби долзарб тамонлар ўрганилади. Тейлернинг ишлар тўлалигича ишбилармонлар манфатига қаратилган бўлиб, кўпроқ фойда олишни мақсад қилиб қўйган эди.

Меҳнат психологиясини вужудга келишига Г.Форд томонидан конвейр тизимини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинишида қўриш мумкин. Г. Форд ўзини ғоясини ўрта хол ишчига қаратган ва улар иш қидириш давомида жисмонан ва рухан зўриқмайдиган ишни қидирадилар деб кўрсатади. Ишлаб чиқаришга техникани киритилиши эса уларни қониқтиради демоқчи бўлади. Бу уларни касбларни билишини шарт эмас қилиб қўяди ва улар маълум бир механик ишларни бажарадилар демоқчи бўлади. Бу орқали инсон фактори инкор этилади. Бу инсонни ишлаб чиқаришни бир винтиги қилиб қўяди.

Ф. Тейлернинг бошқариш тизими қўйидагиларга асосланган эди;

- 1) Бошқариш ва ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ақлий меҳнатдан ажратиш.
- 2) Ишчиларни барча бошқа ишлардан, яъни бошқариш ва ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ақлий ишлардан озод қилиш.
- 3) Ишчиларни нормаларини бажариш ёки ортиғи билан бажаришини диференциал холда рағбатлантириш.

Бу даврда меҳнатни илмий бошқаришга бўлган интилишлар вужудга кела бошлади. Тейлор тамонидан тавсия этилган илмий бошқаришнинг моҳияти нимадан иборат эди. Тейлор мавжуд бўлган корхонани бошқаришни “ташаббуслар ва рағбатлантириш” усулидаги бошқариш деб баҳолади. Тейлор ишлаб чиқаришни пастлигини кўрсатувчи учта асосий сабабни кўрсатди. **Биринчи** сабаб – бу ишчилар агар иш суратини ошириб ишласак бошқа ишчиларни ишсиз қолишига сабабчи бўламиз деб ўйлашлари. **Иккинчи** сабаб ... одамларни табиий инстинктлари ва одатлари бўлган байрамлар ... босиқлик, ўрта ҳол даражасида секин ишлашлари ҳам сабаб бўлган. **Учинчи** сабаб корхонада ишлашни рационал кўринишини кўрсатиб берадиган йўриқномани йўқлиги. Тейлор шу сабаблар туфайли ишлаб чиқариш паст деб баҳолайди. Тейлор ишчиларни ўрганиш учун улар билан бирга ишлашга ва уларни шароитини ўрганишга ҳаракат қиласи. Меҳнатни илмий бошқариш учун Тейлор эксприментлар ўтказади.

Тейлор ишлаб чиқаришда юқори ютуқларга эга бўлиш учун “ илмий бошқаришнинг” 4 та тамонини кўрсатди. Булар қуйидагилар:

- 1) Ишчиларни қобилияти ва малакасини умумлаштириш , классификация қилиш орқали. Ҳар бир меҳнат турини илмий асосли ўрганиш. Ҳар бир инсонни ҳаракатини такомиллаштириш вамехнат қуролларини стандартлаштиришга қаратилган эксприментлар ўтказиш.
- 2) “илмий асосланган талабларга” мувофиқ ишчиларни танлаб олиш. Уларни “ юқори сифатли ишчи” сифатида ўқитиш, ишга тайёрлаш. Бу талаблардан бош тортганларни бўшатиб юбориш.
- 3) Администрация ишчилар билан яхши хамкорликни амалга ошириши. Тейлор айтганидек ишчи ва фан ўртасида яқинликни юзага келлтириш. Ишчиларни иш бажаришларини тезлаштиради ва уларни аниқ бажаришини тамиnlайди.
- 4) Мехнат тақсимоти деярли тенг бўлиб, ишчи ва бошқаручиларни жавобгарлиги бир хилда бўлиши керак қилиб қўйилади.

Тейлорнинг бу каби илмий эксприментлари асосан тадбиркорларнинг иш унумини ва бизнесини қўпайишига қаратилган бўлса ҳам ишчиларни малакасини ошириш, уларни яхши касб эгаси бўлшга ва психологиясида ўзгаришлар ясами кераклигини кўрсатади. Тейлор ўзининг бу тамойиллари билан ишчини “ташаббуси ва рағбатлантиришни” илмий бошқариш асосда олиб бориш кераклигини, бунинг учун эса сабр тоқат, чидам ва босиқлик зарурлигини кўрсатади. У ўзини бу тизимини тезда тадбиқ қилиб бўлмаслигини ва керакли натижани олиш учун бир неча йиллар керак бўлишини айтиб ўтади. Ишчини ўрганиш учун узоқдан эмас, балки яқиндан

туриб, уни уй фикрларини, мулоҳазаларини билиш зарурдир деб кўрсатади. Шунинг учун ишчи билан ёнма ён бўлишни тавсия этади. Уни ўзини кетидан олиб бориш билан янгиликларга ва ютуқларга эга қилиш мумкин дейди. Албатта бу секин асталик билан бўлишини тушунтиради. Энг оддий тарздаги меҳнатни ташкил қилишда ҳам Тейлорнинг фикрича илмийлик ётади.

Тейлорнинг иккинчи тезиси ҳам биринчига боғлиқ бўлади. Бу “Дарс” ёки “Вазифа” ғоясидир. “Дарс” Тейлорнинг фикирича бутун илгаирги меҳнатга бериладиган ҳақни алмаштириши зарур. Дарс бу иш нормасини бажариш ҳисобланади. Лекин Тейлор бунга ўзгача маъно беради. Дарс бу ҳар кунги вазифа бўлиб, уни бажариш фатъий белгилангандир. Тейлор буни мактабдаги бериладиган вазифага tengлаштиради. Дарс бу яхши ишчининг бир кунлик иш нормасини бажариши сифатида қаралади. Бу эса ишчини бир кунлик иш нормасини бажариши ҳисобланади. Яхши ишламаган ёки дарсларни бажармаган ишчиларни бошқаси билан алмаштириш ва иш унумдорлигини ошириш Тейлорнинг асосий мақсади бўлади. Тейлор ишни ташкил этишда ишчиларни чарчаб қолишини ҳисобга олган ҳолда уларни дам олишларини ҳам илмий бошқаришга киритади.

Тейлорнинг иккинчи тамойилига асосан ишчиларни танлов асосида ишга олишни кўрсатади. Учинчи тамойилга асосан администрация ва ишчи ўртасида ўзаро яхши муносабатларни вужудга келтириш ётади. Ишчиларни танлашда Тейлор бўйича “одамларни оммавий ривожлантириш эмас”, балки “ҳар бир алоҳида индивидумни” ривожлантириш кераклиги кўрсатилади. Тейлор олиб борган эксприментлар асосида ишчини танлаб олиш масаласи ётади. Бунга мисол қилиб уни Шмид деб номланган ишчи билан сухбатини кўрсатиш мумкин бўлади. Албатта Тейлорнинг ўтказган эксприментлари ўз даври учун маълум бир ютуқ ва камчиликларга эга. Лекин меҳнатни илмий бошқариш орқали иш унумдорлигини ошириш, ишчиларга меҳнат қилиш учун шароитлар яратиб бериш, меҳнати учун рағбатлантириш ва камчиликлари учун жазолаш, ишчини физиологик имкониятларини билиш каби масалаларни ҳал қилиш давомида касбга хос бўлган масалалар ҳам юзага чиқади. Бу олиб борилган тажрибалардан касб ва касбга танлаш, касбга лаёқатлилик, инсонни физиологик имкониятлари, инсондаги психологик хусусиятлар ва жараёнларни билиш, касбини устаси бўлиш учун нималар қилиш кераклиги ва шу каби кўплаб масалар кўзга ташланади.

Тейлорнинг меҳнатни илмий ташкил қилиши билан боғлиқ жараёнларда касбга ва касб психологиясига тегишли кўплаб масалалар юзага чиқиши орқали бу фанни ривожланиши учун имкониятлар пайдо бўлади. Абатта меҳнатни илмий ташкил этишнинг асосий шартларидан бири бу ўз касбинияхши билувчи ва унга қизиқувчи кадрларни тайёрлаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хозирда

ривожланаётган давлатларда жамият учун керак бўлган янги ва янги касбларга тайёрлаш ва улардан ўз касбияхши билишларини талаб қилинмоқда. Бу йўлда Ўзбекистонда ҳам кўплаб амалий ишлар олиб борилиб рақаботбардош кадрлар тайёрлашга диққатни қаратилмоқда.

XIX аср охири XX аср бошларида амалий психологиянинг бир йўналиши сифатида индустрiali психологияни шаклланиши ва ривожланиши психотехникани пайдо бўлишига олиб келди. Психотехника Америкада тейзоризм билан паралелл тарзда шаклланди. Тейзоризм техника ва инсоннинг жисмоний чидамлигини ўрганган бўлса, психотехника психология таркибидан ўсиб чиқди. Психотехника Тейзорнинг ишларидан алоҳида ҳолда шаклланиб чиқди. Психотехникани шаклланишига Фрайбург университети доценти Гуго Мюнстерберг ўзининг “Психология ва иқтисодий ҳаёт” (1912 й) китобида фикрларини билдиради. У кейинчалик Американинг Гарвард университети профессори бўлиб ишлайди. Психотехника кейинчалик меҳнат psychologyи бўлиб шаклланди.

Мюнстерберг Г. ўзининг “Психотехника асослари” деб номланувчи асарида касб psychologyини шаклланишига таъсир этувчи фикирлар билдиради. Мюнстерберг ўзининг бу асарида психотехниканинг учта асосий масалаларини кўрсатади.

1. Ишлаб чиқаришга “тўғри келувчи одамларни” танлаб олиш (Бу ерда иқтисодий тўғрикеладиган ва жойига мос келадиган шахсларни танлаб олиш ҳақида гапирилмоқда).
2. Ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг иложи борича юқори даражасига эришиш. (бу ерда психологик таъсир асосида маҳсулотни сифатини, сонини кўтариш ёки уни шу натижаларини пасайиб кетмаслигига харакат қилиш назарда тутилмоқда).
3. Юқори психологик эфектга эришиш (шахсга таъсир этувчи маълум психологик жараёнлар асосида иқтисодий жараённи кўтариш).

Биринчи масала бу касбий лаёқатлик ҳисобланиб унда: касбий танлов, касбий маслаҳат (профконсультация) ва хатто касблар билан ёшларни таништириш (профоринтация) ётади. Бу масалаларни ҳал қилиш дифференциял психология билан боғлиқ бўлиб, бу ҳақида Мюнстерберг тўғри фикир билдиради. Мюнстерберг шундай дейди: “Индустрiali психология учун индивидуал психологик фарқлар асосий ҳал қилувчи аҳамиятга эга”.

Мюнстербергга касбий лаёқатликни ажратиб олиш учун В.Штерннинг ва бошқа дифференциал психологларнинг қарашлари муҳим аҳамият касб этади. Инсондаги маълум бир психологик жиҳатлар маълум касб учун муҳим эканлиги буни эса дифференциал психологлар тамонидан кўрсатилишини Мюнстерберг айтиб ўтади. “Эксприментал ва ҳаттоқи дифференциал

психологияни методлари касбий талабларга мос тушмайди. Шунинг учун маҳсус экспримент тизимини (тестларни) яратиш зарурдир. Бу тестлар касбга хос психологик хусусиятларни кўрсатиши ва касбий фаолиятни фаоллаштириши зарур”дир деб кўрсатади Мюнстерберг. Бунинг учун аниқ меҳнат фаолияти кўринишларини касбийлик нуқтаи назаридан субъектив факторлар асосида ўрганиш зарурдир. “Биз ҳар хил касбларни синчиклаб ўрганишимиз ва уларга мос тушувчи психологик фаолиятларни тахлил қилишимиз керак бўлади” – деб ёзди Мюнстерберг.

Мюнстерберг касбни психологик тахлил қилиш учун биринчи бўлиб корхоналарнинг эгалари билан сұхбатлар олиб боради. Корхоналарнинг эгалари ишни ташкил қилиш учун ишчиларни ўз ишига интилиб ишлашларини, халол бўлишларини, ишларни бажара олишларини, ўз касбини устаси бўлиш каби тамонларни кўрсатадилар. Лекин улар ишчиларга тегишли бўлган психологик тамонларга этибор бермайдилар. Ишчиларнинг диққати ва унинг ўзига хос тамонлари, хотираси ва унинг кучи, иродаси, тафаккури ва бошқа психологик хусусиятларини эътиборга олмайдилар. Мюнстерберг ҳар бир меҳнат фаолиятига эса ўзига хос психологик тамонлар борлигини ва улар касбига қараб фарқланишини кўрсатиб беради. Ҳар бир фаолият маҳсус касбга хос бўлган психологик тахлилни, психологик қонунларга асосан талаб қиласди. Шунинг учун бу ерга мутахасис психололгарни жалб қилиш зарур бўлади. Келажакда дейди Мюнстерберг кархоналарнинг эгалар ўзлар психолог мутахасислигига муҳтож бўладилар ва уларни ишга чақирадилар. Психолог мутахасислар ишни сифатини ва унумдорликни кўтариш учун ишчиларни фаолиятини ўрганадилар ва ўзига хос тавсиялар билан бу мақсадларни амалга ошириб борадилар.

Мюнстерберг саноат психотехникасини “Меҳнатни ишлаб чиқишидаги юксак ютуғи” деб таърифлайди. Мюнстерберг ишчиларни “машқ қилиш ва ўргатиш”га эътибор қаратади Унинг олиб борган эксприментларида касбга ўргатиш ва бу ўргатишлар давомида ишчиларни толиқиб қолиши масаласини кўзга ташланганлигини кўрсатиб беради. Мюнстерберг телеграфистлар ва машинисткалар билан ишлар олиб боради ва эътиборни уларни меҳнат қилишлари давомида юзага келган кўплаб масалаларни ўрганишга ўз диққатини қаратади. Мюнстерберг ўз эксприментларида ишчиларни толиқиб қолиши ва уларга бериладиган имкониятларни ҳам ўрганади. Чарчашиб фаолиятни сусайишига олиб келишини, у билан боғлиқ ҳолда кўплаб психологик муаммолар вужудга келишин кўрсатади. Мюнстерберг ўз фаолияти давомида касб психологиясини ривожланиши учун, меҳнатни илмий бошқариш ва касбларга хос бўлган психологияни ўрганиш учун кўплаб эксприментлар, тестлар, машқ қилиш билан боғлиқ макетларни тайёрлаб

берди. Кейинчалик фанни ривожланиб бориши касбларни машқ қилиб ўргатадиган, тренинглар ўтказадиган ўкув марказлари пайдо бўлди. Касб психологияси ривож топиб борди.

К.Торндайк, Дж.Фаногенлар томонидан Америка авиацияси учун пилот ва экипаж аъзоларини танлашда уларни шу иш фаолиятига лаёқатини таҳлил қилишдаги ўтказган тестлари муваффакиятли чиқди. Иккинчи жаҳон урушида АҚШ кучларига жалб қилингандардан 20 миллиони тестлардан ўтказилиб жуда катта аудиторияни қамраб олди. 1943 йил тест синовларидан ўтган 10 000 учувчилар 1950 йилгача кузатувчи бўлдилар. Бу ва бошқа ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, “юқори даражадаги интеллектуал қобилияtlар” жуда хилма – хил ўлчамга, бир хил бўлмаган табиатга ва мазмунга эга эканлар. Касб психологияси масалалари Россияда ҳам ўрганилди. Бу соҳани ўзига яраша ўрганган психологлар пайдо бўлди. Ишлаб чиқаришга ва ундаги жараёнларни илмий бошқаришга асосланган меҳнатни илмий ташкил этиш марказлари кархоналар қошида ташкил топди.

Харбий ҳолатдаги шароит саноатда тест ўтказишга бўлган қизиқиши хам фаоллаштириди, шу жумладан корхоналардаги ишчи кучини тартибга солишга эътиборни хам тортди.

Ўтган асрнинг 40 – йилларида тест ўтказиш бўйича ортирилган малакалар асосида АҚШда қобилияtlарни ўрганувчи тестларни комплекс батареялари шакллантира бошланди. Бунда батарея сўзи қўйидагиларни англатади, яъни унинг элементи сифатида қўйидагилар киради:

- текширилаётганлар учун инструкция;
- тест мазмуни;
- олинган натижаларни очиб берувчи калит;
- тестолог учун инструкция- бунда олинган натижаларни таҳлил қилиш назарда тутилади;
- тестологни ўргатиш методикаси;
- қайта тест ўтказиш учун инструкция.

Кўзга ташланган батареялар сифатида ўша вақтдаги АҚШ да тарқалган тестлар SAT - бунда ўқишига, касб ўрганишга бўлган қобилияти бўлганларни танлаб олиш, яна TALENT- катта мактаб ёшидагилар учун тестлар, шунингдек DATB – бу бўйича дунёни 50дан ортиқ мамлакатларида саноат учун касбий танлов ва армияга танлаб олинди. 1948 йилда АҚШ да “ситуацион тестлар” ишлатила бошланди. Бу ткстларда одамларни ёлғон гапиришлпри, ўғриликка бўлган маиллари ва хулқидаги айrim тамонлар ўрганилди. Шу даврнинг ўзида шахсни касб танлашган қизиқишини ўрганувчи Роршахнинг тестлари хам кенг ёйилди.

Касб психологиясини фан сифатида ривожланиши Россияда Э.Ф.Зеер, Е.А.Климов, А.К. Маркова каби психологлар номи билан боғлиқ. Улар касбий психологияга тегишли кўплаб амалий ишларни ҳаётга тадбиқ қилиб келмоқдалар. Ёшларни касбга йўналтириш, касбий маслаҳатлар, ишчиларни ўз касбиларини эгалашлари ва бу соҳани устаси бўлишлари, нафақага тайёргарлик кўриш билан боғлиқ кўплаб психологик масалалар улар тамонидан ўрганилиб, тадқиқот ишлари олиб борилган. Умуман эса касб билан боғлиқ ишлар рус психолог олимлари тамонидан ўтган асрнинг бошларидаёқ қизиқиш обьекти бўлган.

3 – савол. Шарқ мутафаккирлари асарларида касб ва касбга йўналтириш масалалари.

Касб психологияси ўзининг тарихи билан шарқ мамлакатлари билан ҳам боғлиқ. Шарқ ҳақида гап кетганда энг аввало қадимги таълимот бўлган Зардуштийликка тегишли бўлган ёзувлар ва улардаги касб билан боғлиқ фикрлар назарда тутилади. Муққадас “Авесто” да инсон ҳаётининг барча соҳаларига тегишли бўлган фикрлар мавжуд. Шулар қаторида касб ва унга бўлган эътибор ҳам ўз аксини топгандир. Бу ҳақида “Авесто”да шундай дейилади: “Ҳар бир некбин одам бирон касб билан шуғулланиши, банд бўлиши, «акл ишлатиб» «икки қўллаб ерга ишлов бериб» «чорва парваришлаб» «бирон дасгоҳни юргазиб» «бирон олоти кор» ёки «олоти ҳарба ясад» кун кечирмоғи, беғараз ризқу рўз топиб емоғи, бировларга муҳтоҷ бўлиб, «қўл узатиб, тиланчилик қилмоқдан» асрамоғи даркор ”.²⁰ Бу фикрлар шуни кўрсатадики қадимдаёқ одамлар касбларни ўрганиш орқали ўз трикчилигини яратишга интилганлар. Ўша даврдаёқ одамлар онгига илм, қалбига рўшнолик, назарига некбинлик, қўлига хунар сингдиришга интилишган ва уларни тўғри йўл тутишга, ростгўй бўлишга вижданан ишлашга ўргатишган.

Қўхна сарчашмалар ва «Авесто» даги далиллар шуни кўрсатадики, - деб ёзади Хамиджон Хамидий, - таълим жараёнида кундалик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган, хунарлар ўргатилган. Кўриниб турибдики қадимги ота – боболаримиз ёшларни тарбиялашнинг мухим қирраси деб унга ҳаётда керак бўладиган касбларни ўргатишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганлар.

²⁰ Ҳамиджон Хамидий Авестодан Шоҳномага. Т., Шарқ., 2007 й. 71 б.

Шарқ ўзининг билимлари билан ҳар доим олдинда бўлган, Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дейлик, Кайковснинг “Қобуснома”сида айнан касб ҳақида унинг инсон учун фойдаси ва зарурлиги ҳақида фикирлар билдирилган. “Эй фарзанд, огох бўлки, хунарсиз киши хамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас.”²¹ Инсон маълум бир касбни эгаллаб уни яхши ўзлаштирган бўлиши ва шу касбда ўз номини кўрсата олган бўлиши кераклиги айтилган, яъни эгаллаган касбнинг устаси бўлиб етишиши зарурлиги билдирилган. Яхши касб эгаси мулоим бўлиши ва ўзини касбини бошқаларга ўргатиши кераклиги кўрсатилган. Бу касб эгасидан бошқаларга ҳам фойда етиши билдирилган. Ҳар кимки бирор касбни эгаладими у бу касбни келажак инсонларига ўргатиши ва уларни касбли қилиши зарур эканлиги билдирилган.

Касбнинг ҳаётдаги ўрни ва кераклиги ҳақида Шарқнинг жуда кўп алломалари ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Буларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Дейлик:

Ўқиб ўрганилган ҳар битта ҳунар,
Хунармадга бир кун фойда келтирадар.

Низомий Ганжавий

Ҳунар ва санъат шундай нарсаки, у кераксиз қолмайди, ишлатмасанг ҳам йўқолиб кетмайди, керак пайтда эса сенга кўмакчи бўлади. Эркак кишига қирқ ҳунар ҳам оз. Эркак бўла туриб «мен буни билмайман» дейиш уятдир.

Фавоких –ал -жуласо

Ҳақиқатдан ҳам, ҳунар меҳрибон дўст, шафқатли ёр ва файз етказувчи бир чапоғон отеки, у ўз чавондозини тезгина роҳат ва эътибор манзилига етказади ва шундай ҳимоячидирки, ўз соҳибини тамаъ оловидан қутқариб, омонда сақлайди.²²

Бархурдор ибн Махмуд

Шарқнинг кўзга кўринган мутафаккираи касб тўғрисида шу каби кўплаб фикрларни айтиб ўтганлар. Мехнат бу кишини яхшиликка олиб борувчи йўл бўлса, касб унинг меҳнатини юзага чиқарувчи ва яхши яшashi учун имкониятлар яратиб берувчи асосий самон отdir. Касбни эгаллаган инсон ва уни жуда чўққисига чиқсан, маҳоротли уста бу яхшиликлар ёйвчи шахсадир. Бу инсонга эътибор бериш эса, унинг халол меҳнатини рағбатлантирувчи тамон касб эгасини жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беради. Рағбатлантииilmаган касб

²¹ Кайковс “Қобуснома” Т., 1994 й. 26 б.

²² Одоб бўstonи ва аҳлоқ Гулистони. Т., 1994 й. 22- 25 б.

эгаси эътиборсиз қолган чиройли гулга ўҳшайди. Керакли касбларни эгаллаб хар доим халқ хизматида бўлган инсонлар албатта рағбатлантирилиши зарур.

Касб ҳақида Шарқнинг буюк мутафаккирлари ўз фикрларини билдирганлар. Булардан бири Абу Наср Фаробий эди. Шарқдан чикқан буюк файласуф ва иккинчи устоз номини олган Фаробий ўз қарашларида касбга тегишли фикирларни билдирган эди. Фаробий касбга хос фазилатлар туғма бўлмаслигини уни инсон эгаллаб боришини кўрсатади. Инсондан касб – хунарни ўзлаштириш учун зўр куч ва ирода талаб қилинади деб кўрсатади Фаробий. Касб – хунарга инсонлар таълим ва тарбия орқали эришадилар, улардаги хислатлар касбни эгаллаш учун асос бўлишини кўрсатади. “Агар улар иш, касб – хунарга берилган бўлсалар, касб – хунарга қизиқсалар, шу қизиқиш уларни бутунлай касб – хунарга жалб этса, демак, улар касб – хунарнинг чинакам ошиғи бўладилар”²³ деб ёзади Фаробий.

Фаробий касбларни ўзлаштириш ҳақида гапириб уни икки йўл билан амалга оширилишини кўрсатади. Бири яхши гаплар билан, агарда касб ўрганаётган яхши гапларга кўнса ва уни бажарса. Иккничиси касбни мажбур қилиш йўли билан ўргатиш. “Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усулидан фойдаланади”²⁴.

Фаробий ижтимоий ҳаётнинг, инсон фаолиятининг муҳим омили сифатида касб – хунарга, хунар санъатига, яъни ижтимоий фойдали меҳнатга катта эътибор берди. Фаробий кишиларни кенг маънодаги фойдали меҳнатисиз инсон жамоасини, давлатни тасаввур қилиб бўлмаслигин айтади. Фаробий касбларни классификация қилишга ҳам уринади. Фаробий фозил шахарлардаги турли касб – хунарлар устида тўхтаб, уларни, чунончи: дехқончилик, балиқчилик, боғдорчилик, чорвачилик, тикувчилик, тўқувчилик, косиблик, қурувчилик, табиблик, каллиграфия, хуқуқшунослик, рақс, нотқлик каби санъатларни бирма – бир санаб ўтади.²⁵

Касб бу инсонга тегишли бўлган зарурий жараёнлигини, инсон ўз касби орқали ҳаётини қуришлигини, касбсиз инсон бу жамият учун жуда катта зиён келтиришини, ёмон ишлардан кутилиш учун инсон албатта бирор бир касбни эгалashi зарурлигини кўплаб шарқнинг буюк алломалари ўз фикрларида айтиб ўтганлар. Биз буни Алишер Навоийда, Бобир Мирзода, Абдулла Авлонийда ва бошқа кўплаб мутафаккирларнинг асарларида кўришимиз мумкин бўлади.

²³ Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шаҳри Т., 1993 й. 184 – 185 б

²⁴ Хайруллаев М. Фаробий руҳий процесслар ва таълим – тарбия тўғрисида Т., 1967 й. 67 б.

²⁵ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири Т., 1971 й. 255 б.

4 – савол. Касб психологиясини ҳозирда Ўзбекистондаги ривожи.

Касб психологияси фан сифатида Ўзбекистонда мустақилликни қўлга олгандан сўнг тараққий этиб борди. Албатта бу фан эндиғина ривож топиб бормоқда. Касб психологиясини фан сифатида ривожланиши кўпгина масалалар билан боғлиқдир. Хозирда касб психологияси фан сифатида олийгоҳларга ўқитиш учун киритилган. Бу соҳада етарли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар ҳам йўқ. Лекин шунга қарамай Ўзбекистонлик психологлар касб психологияси фанини ривожлантириш учун интилмоқдалар. Касб психологияси фанини ўқитиш учун китоблар яратиб келмоқдалар. Бу психологлар Э.Ф.Фозиев ва К.Қ. Мамедов лар тамонидан ёзилган “Касб психологияси”, Каримова В.М. тамонидан ёзилган “Касб психологияси” ва психолог олим Анвар Жалолов тамонидан ёзилган “Касб қандай танланади” каби китоблардир. Булар албатта институтлар маштабида ёзилган. Лекин касб психологияси бўйича мутахасислар ҳали етарли эмас. Ўзбекистонда бу соҳаларни мутаҳассисларини тайёрлаш учун шароитлар мавжуд. Албатта касб психологини бўлиши ишлаб чиқаришга ва касб танлашга ўз таъсирини кўрсатади. Касб психологи тамонидан олиб бориладиган илмий изланиш ишлари ҳозирги вақтда тадбиркорликни, касб танлашни ва ёшларни ўз касбларини тўғри аниқлаб олишлари учун қулайликлар яратади.

Касб психологиясини тараққиёти учун барча шароитлар мавжуд. Бу таълим тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ масалаларда, “Таълим тўғриси” даги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ўз аксини топгандир. Хозирда бизга яхши касбни эгаллаган кадрлар жуда керакдир. Бу йўлда кўплаб амалий ишлар ҳаётга тадбиқ этиб борилмоқда. Бу ишларни ташкил этишининг ўзига хос тамонлари борки булар ҳақида юқорида гапириб ўтдик. Тўқимачилик ва енгил саноат учун тайёрланаётган кадрларни сифатини кўтариш ва яхши мутахассис бўлишлари учун касбий танловлардан ўтишлари ва ўзларида бунга лаёқат борликларини синаб кўришлари зарур бўлади. Маълумки лаёқати бор бўлган касб эгасидан жамият ва ўзи учун фойдали амаллар бажарилади. Инсоннинг маълум бир касблар учун керак бўлган лаёқати уни ўз ўрнини топишга имкониятлар ҳам яратади. Шунинг учун ҳам юртбошимиз таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали янги бир ўзанга кўтарилишни, жамиятимизда тараққиётни вужудга келтиришда ёшларнинг ўрни бошқача эканлигига ўз диққатларини қаратган эдилар. Касб психологияси ўзи севган ва ундан ўз хаётини қура оладиган мутахассисларни тарбиялаб боради. Уни ривожлантириш ва ёшларга касб танлашларида ёрдам бериш ҳозирдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда касб психологиясини ривожлантириш бу ёшларни ўз касбларини тўғри танлашларини енгиллаштириш демакдир. Хар бир соҳани ўрганувчи ва шу соҳага керакли бўлган ихтидорли касб эгаларини танлаб олиш ва шу йўлда амалий ишларни ҳаётга тадбиқ қилиб бориш ҳозирда жуда зарур бўлган соҳадир. Бу йўлда Ўзбекистон учун касб соҳасига ихтисослаштирилган психологлар зарур бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касбий психология фанининг пайдо бўлиш сабаблари ва асослари.
2. Касб психологиясини тараққиёт тарихи. Тейлорнинг ишлаб чиқаришда илмий бошқарув концепцияси ва бу концепциянинг касб психологиясидаги ўрни.
3. Касбий психологияда психотехникани асосчиси бўлган немис психологи Г.Мюнстерберг дастури.
4. Рус психологлари томонидан касб психологиясига тегишли илмий – тадқиқот ишлари.
5. Шарқ мутафаккирлари асарларида касб ва касбга йўналтириш масалалари. Буюк аждодларимиз касб – хунар ортириш ва унинг фойдалари тўғрисида.
6. Муқаддас “Авесто”, Ибн Сино, Фаробий, Беруний асарларида касб ва уни эгаллаш тўғрисидаги фикрлар.
7. Касб психологиясини ҳозирда Ўзбекистондаги ривожи. Касб психологиясини М.Г.Давлетшин, Э.Ғ. Фозиев, А. Жалолов ва бошقا психологлар томонидан ривожлантирилиши.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А *Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ғ. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.

11. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
12. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
13. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т.,2010й
14. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й
15. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
16. Хайруллаев М. Фаробий руҳий процесслар ва таълим – тарбия тўғрисида Т., 1967 й.
17. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккириТ.,1971 й.
18. Ҳамидjon Ҳамидий. Авестодан Шоҳномага. Т., Шарқ ., 2007 й.
19. Кайковс “Қобуснома” Т., 1994 й. 26 б.

6- мавзу. Касб психологиясида ўқитувчи шахси ва таълим психологияси.

1 – савол. Касб психологияси ва ўқитувчи шахси. Ўқитувчилик касбининг умумий масаллари ва касб психологияси. Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш. Касб танлашда ўқитувчининг ўрни ва роли.

2 – савол. Ўқитувчи шахси ва касбий маслаҳат. Касбга йўналтириш. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро тушуниш асослари. Ўқитувчиларга касбга йўналтиришда қўйиладиган талаблар. Ўқитувчилар колективи ва ижтимоий психологик қиёфа.

3 – савол. Касбга йўналтиришда таълим ва унинг муҳим психологик тавсифлари. Касбга йўналтиришда таълим ва унинг психологик қиёфаси.

1 – савол. Касб психологияси ва ўқитувчи шахси.

Жамият тараққиётида ёшларни касбга йўналтириш, уларни ўзлари қизиқкан касбга бўлган интилишларини шакллантириш муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу йўлда жамият, давлат бор кучини бериб ёшларни фойдали инсон қилиб шакллантиришга ўз эътиборини беради. Чунки ёшларни касб эгаллашлари ва жамият тараққиёти ўзаро боғлиқ жараёндир. Касб ва уни эгаллаш ўзига хос бўлган мураккаб жараёндир. Ёшлар бу жараённи бошларидан ўтказар эканлар ўзлари учун қайси касб қизиқарли ва керакли деб белгилаб олишлари онсон кечмайди. Эндиғина болалик давридан катталар даврига ўсиб ўтаётган фарзандлар берилган тарбияларига қараб ҳар хил бўладилар. Улардаги мавжуд бўлган руҳий жараёнлар, берилган тарбия ва билимлар касб танлашда муҳим ҳисобланиши зарур. Аммо ундан ҳам эмас. Чунки уларни ўраб турган кўплаб катта ёшли инсонлар ўз таъсирлари билан хилма хил маслаҳатлари билан касб танлашларида иккиланишларни вужудга келтирадилар.

Касб психологияси ўз олдида турган муҳим касб билан боғлиқ масалаларни ўрганишда ва уни ҳал этишда ўқитувчи шахсига суюнади. Шунинг учун ҳам касб психологиясида ўқитувчини ёшларни касб танлашларидағи ўрни ҳар доим унинг диққат марказида туради. Касб психологияси ўз масалаларини ўрганишда ўқитувчи психологияси, ўқувчи билан ўқитувчи ўртасида бўладиган ўзаро муносабат масаласи, ўқитиш ва касбга йўналтириш, касбий маслаҳатлар бериш, уларни синчиклаб ўрганиш орқали касбни танлашдаги психологик жараёнлар каби кўплаб масалаларни кенг ва чукур ўрганиб боради. Бундай масалаларда касб психологиясига ўзини беғараз ёрдамини бераётган ўқитувчини ўзи ким ва уни қандай баҳолаш мумкин? Деган кўплаб саволлар туғилади. Ўқитувчини кимлиги ва уни жамиятда ўтайдиган вазифаси ҳақида

кўплаб тушунчалар мавжуд. Шулардан бири бу В.Дальнинг “Толковый словарь”идаги ўқитувчига берилган таърифи ҳисобланади. Унда ўқитувчи – бу тарбияловчи, ўқитувчи (дарс берувчи), яъни унинг амалдаги икки асосий вазифаси кўрсатиб берилади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга ижтимоий малакани ўзлаштиришларига ва уни тадбиқ этишларига раҳбарлик қилиши, шунингдек инсоният йиғиб борган билимларни етказиб бориши кўрсатиб берилган. Бу вазифалар инсоният тарихининг бутун даврларда асосий масалаларидан бири ҳисобланади.

Ўқитувчилик касби бу қадимий касблардан биридир. Унинг ижтимоий аҳамияти инсоният жамиятида ҳеч ҳам камаймайди. Ўқитувчилик касби бу ўткинчи касб эмас. Инсоният жамияти ўзи асрлар давомида ортирган билимларини, малакаларини авлоддан – авлодга етказиб бермаганда, у ҳеч қачон ривожланмас эди. Демак ўқитувчилик касби – бу объектив реаллик бўлиб, жамият учун зарурӣ ҳодиса ҳисобланади ва уни қадри ҳеч ҳам сўнмайди. Шу билан айтиш керакки ҳозирда кампьютерлаштириш, дистацион ўқитиш, электрон маърузалар, баҳолашнинг бошқа кўринишлари ўқитувчи фаолиятини ўзига хос тарзда янада кенгроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатмоқда. Ҳохлаймизми йўқми ҳар қандай таълим ва тарбия ўқитувчисиз, унинг жонли, эмоционал нутқисиз зерикарли бўлар эди. Албатта талаба ўзи устида ишлиши, берилган билимларни ўзлаштириб бориши зарур. Лекин ўқитувчисиз у мустақил ишни бажариши ҳам охирига етмайди. Ўқувчи ўз ўқитувчисиз, унинг эмоционал, жонли тушунтришисиз реал воқеаларни тушуна олмайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчини фаолиятини бошқа ҳодисалар билан алмаштириб бўлмайди.

Ўқитувчи, педагог – инсоният тамонидан асрлар давомида ортирилган билимларни, маданий – тарихий малакаларни авлоддан – авлодга етказиб боради ва бу амалий малакаларни ривожлантириб ҳам боради. Ўқитувчи – бу ўсиб бораётган авлод ва жамият ўртасидаги воситачиидир. У жамиятни ишонган инсони, шахсидир. Ҳозирги вақтда юксак касбга эга бўлган, яъни ўз фанини яхши билган, шунингдек чукур методологик ва педагогик – психологик тайёргарликка эга бўлган, зукко, ижодкор, асли зиёли ва ташабусскор ўқитувчилар замонамизга зарурдир.

Ўз вақтида Ян Амос Коменский (1592 – 1670й) ўқитувчига юксак баҳо бериб, уни “Қуёш остидаги энг юксак, унга тенг кела оладиган нарса йўқ”лигини кўрсатиб ўтган эди. Ян Амос Коменский аҳолини ўқитувчига ҳурмат билан қараш кераклигини бир тамонлама талаб қилган бўлса, иккинчи тамонлама ўқитувчини ҳам жамият олдидаги вазифаларни англаш, ўз ҳолатини

хиссий тарзда билиб туриши кераклигини уқтирди. Асрлар оша Ян Амос Коменский инсоният жамиятига ўқитувчини қадрлаш ва эзозлаш кераклигини таъкидлаб кетди.

Ўқитувчи шахси ҳақида гапирганда унинг касбий йўналганлиги муҳим омиллардан ҳисобланиб ўқувчиларни касбга йўналтиришда педагогнинг педагогик фаолияти, шу фаолият билан банд бўлиш қобилияти, шунингдек бу фаолиятга эмоционал муносабатида (болаларни ва касбни севишида, ундан қониқишида ва бошқ.) кўринади. Болаларга ўз диққатини қаратган ўқитувчи ҳар доим ўқувчиларни ўзича қайтарилмаслигини ва улардаги индивидуал қобилиятларни ривожлантириш ҳамида бўлади.

Ўқитувчини касбга йўналтиришда шахс сифатида кўзга ташланадиган тамонларидан бири бу унинг ўз “Мен” лигини англаганликда ҳам кўринади. Ўқитувчини касбий ўз – ўзини англаганлиги (Мен - концепцияси) унинг ўқитувчилик фаолиятида белгиланади. Шуни таъкидлаш керакки Мен – концепциясини шаклланиши кўп ҳолларда ўз – ўзидан (стихияли) тарзда шаклланиб боради. Етарли бўлмаган методик таъминланмаганлигига қарамай ва педагогик – психологик йўналишларисиз ўқитувчи ўзининг ички субъектив тамонларидан келиб чиқсан ҳолда ўз фаолиятидан қониқиши ёки қониқмаслиги мумкин бўлади, ўзининг кучига ишониш ёки ишонмаслик асосида ўз хатти харакатлари туфайли ўқитувчидаги бир бутун Мен концепцияси шаклланиб боради. Бу унда ўзига ишониш ёки ишонмаслик, ўзидаги қобилиятилийк ёки қобилиятсизлик кабиларни ҳар хил муаммовий шароитларда синаш, шу шароитлардан чиқиб кета олишликлар асосида “Мен концепцияси” шакилланиб боради.

Ўқитувчи касбга йўналтирас экан ўз педагогик фаолиятининг субъекти сифатида ва ўқувчилар билан ишловчи шахс сифатида қуидаги психологик талабларга жавоб бериши зарур:

- Болаларга нисбатан меҳрли бўлиш;
- Педагогик фаолиятни севиш;
- Етарли билимларга эга бўлиш;
- Кенг эрудицияга эга бўлиш;
- Педагогик интуицияга эга бўлиш;
- Юксак тафаккурга эга бўлиш;
- Юксак даражадаги аҳлоққа ва маданиятга эга бўлиш;
- Болаларни тарбиялашда ва ўқитишда ҳар хил таъсирчан методларга эга бўлиш;

Кўшимча талаб сифатида қўйидагиларни ҳам кўрсатиш мумкин: мулоқатга киришувчанлик, артислик маҳорати, хушчақчақлик, яхши дид ва бошқа шу тамонларга эга бўлиш муҳим ҳисобланади.

Жамиятда юз берадиган янги ходисалар ва жараёнлар ўқитувчи шахсига янги талаблар қўйиб боради. Булар қўйидагиларда кўринади:

- Жамиятни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий талабларини тўғри боҳолаш;
- Жамиятни узулуксиз тараққиёти учун инсон қандай сифатларга эга бўлиши зарурлигини белгилаб олиши;
- Жамият учун зарур бўлган инсонни қандай шаклланиши ва ривожланиши учун замонавий педагог қандай бўлишини билиши зарур.

Педагог фаолиятини учта тизимини (компонентини) ажратилади:

- Конструктив;
- Ташкилий;
- Коммуникатив;

Ўқитувчи фаолиятида дарсларни конструктивлаш катта ўрин эгаллади.


Чунки ўқитувчи дарсни конструктивлаб, дарсдан ташқари ишларни олиб бориб, мактаб дастурига тўғри келадиган материалларни, дарсликларни, ҳар хил методик қўлланмаларни танлаб олади. Ўқитиши жараёнини фаоллаштириш, мустаҳкамлаш ҳам конструктив фаолиятга киради.

Ташкилий компонент, конструктив компонент билан узвий боғлиқ ҳолда бир бутун педагогик фаолиятини тизимини ташкил этади. Дарс давомида юз берадиган жараёнлар ўқитувчини ташкилотчилиги, улдабуронлиги кабилар билан боғлиқдир.

Коммуникатив компонент – бу ўзича ўқувчилар билан, уларни ота – оналари билан, администрация билан ва бошқа ўқитувчилар билан муносабатларни ташкил этишни ва уни қўллаб туришни ўзида акс этдиради.

Бундан ташқари ўқитувчилик шахси унинг амалдаги вазифалари билан ҳам боғлиқ бўлиб уни қўплаб олимлар шарқлаб ўтганлар. Дейлик А.И. Шербаков ўқитувчилик фаолиятини психологик вазифаларини қўйидагиларда кўрсатиб ўтади. Булар ахборат бериш вазифаси – бу материалларни яхши эгаллаганлик ва уни етказиб бера олишлиқда кўринади. Кейинги вазифаси бу ривожлантирувчанлик вазифаси бўлиб – бу мактаб ўқувчисини бир бутун ҳолда шахс сифатида тараққиётини бошқариш. Яна бири бу йўналтирилганлик вазифаси – бу шахснинг йўналишлари, мотивлари ва ғоялари билан боғлиқ. Унинг яна бир вазифаси бу жалб қилишлилик вазифаси бўлиб – бу ўқувчиларни ақлий фаолиятини фаоллаштириш, уларни мустақиллигини тараққий этдириш. Охирги вазифаси сифатида ижодкорлик вазифасини қўяди ва ижодкорлик – бу педагогик жараёнлардаги ижодий изланиш, эксприментларни ўтказишни билиш, малакаларни умумлаштириш ва ўзини ҳар доим ўстириб бориш.

Үқитувчини хайкалторошга ўхшатишади. Үқитувчи худди симфоник оркестрни дирижоридек хамма диққатни ўқувчини таълим ва тарбиясига йўналтиради ва хамма жараёнларни бирлаштириб боради. Бу албатта бир ғоя, лекин ҳаётда бу жуда мураккаб ва қийин масаладир. Агарда ўқувчи таълим ва тарбиясига диққатни қаратсак уни қўйдаги ҳолатини кўрамиз.



Касб психологияси ўқитувчи шахсига энг зарурый ва керакли жараён сифатида қарайди. Биргина ўқитувчи болани тарбиялаб, уни ҳаётга йўналтириш билан чекланмасдан уни касб танлашига ҳам ёрдам бериб боради. Бу фаолиятда ўқитувчи жуда кўп ролларни ва вазифаларни бажариб боради. Буни биз қўйидаги схемадан ҳам кўришимиз мумкин.



Ўқитувчининг фаолиятидаги роллари ва вазифалари схемаси

Шуни айтиш жойизки ўқитувчини меҳнати дарров натижа бермайди. Балки вақт ўтиши билан ўз натижаларини кўрсатади. Бу албатта касб танлашда, ўқувчининг келажакдаги ютиқларида, ўз меҳнати туфайли ортирган обрў ва хурматларида намоён бўлади. Юксак ютуқларга эришган олимларни, сиёсий арбобларни, машҳур инсонларни ва жамики инсонларни ёшлигига ўз меҳрини бериб таълим ва тарбия берган инсон айнан шу ўқитувчи ҳисобланади. Ўқитувчи берган билим ва малакалар туфайли улар шу даражага этишгандирлар.

Касб танлашда ўсиб келаётган ёшларга таълим ва тарбия берувчи устозлар борки уларни ўрнини ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайди. Мактаб ва коллеж даврида ёшлар ўзлари учун қизиқарли бўлган касбларни эгаллашга интилиб борадилар. Бу давр учун педагогнинг ўрни бутунлай бошқача бўлиб қолади. У энди фақат тарбия ва таълим берувчигина эмас, балки ўқувчиларни маълум бир касбга бўлган интилишини шакиллантирувчи педагог – психолог ҳам бўлиб қолади. Педагог бу даврда ўқувчилар билан ўзаро муносабатларда бўлиб, унинг қайси фанлардан ўзлаштириши яхшилигини, қайси фанлар уни қизиқтиришини ва нима учунлигини, ундаги бошқа фанларга бўлган эътиборини, қайси фанлар унинг учун етарли қизиқиш уйғотишини ва шу кабиларни кузатиб боради. Педагог кузатиш орқали ўқувчидағи маълум фанларга ва касбларга ўзида қизиқиш борлигини сухбатлар орқали, кузатишлар орқали, дарслардаги жавоблар орқали билиб боради. Педагогни ўрнини ва ўқувчини касбни танлаши билан боғлиқ жараёnlарни кўплаб психолог олимлар кузатишган. Улар касбга қизиқиши классификация қилганлар. Дейлик Россиялик олимлар касб эгаси бўладиганларни ҳар хил

давларга бўлиб кўрсатганлар. Кудрявцев Т.В. шахснинг касб эгаси бўлишини 4та даврини кўрсатади:

1. Касбни танлашга бўлган уйни пайдо бўлиши ва шаклланиши.
2. Касбий фаолиятга таёrlаниш ва касбга ўқиш.
3. Касбни фаол ўзлаштириш, унга кириб бориш ва ўзинин ишлаб чиқариш колективида тасаввур қилиш.
4. Шахсни касбий меҳнатда ўзини тўла ўз кучини сариф қилиши.

Климов Е.А. ҳам касбни танлашни қўйидаги давларини кўсатади:

1. Онгили равишда касбни танлашга тайёргарлик(12-17 ёш) даври.
2. Касбга тайёргарлик кўриш даври (15 –23 ёш) – бўлғуси касбга хос билимларни ва малакаларни ўзлаштириш билан боғлик фаолият.
3. Касб тараққиёти даври (16 – 23 дан то пенсиягача) – касбга хос шахслараро муносабатга киришиш ва субъектни кейинги тараққиёт даври.

Педагог ўқувчини касбга йўналтириш давомида уни ёшига қараб шу юқорида кўрсатилган жараёнлардан келиб чиқсан ҳолда тайёрлаши керак бўлади. Ҳақақатдан ҳам ўқувчи шу давлар давомида ўз учун касб танлаб боради ва педагогнинг ёрдамида уни тан олади.

Касб танлаш давомида шахсда икки хил муносабатлар вужудга келади;

1. Ташқи ҳаёт фаолияти шарт – шароитлари ва шахслараро муносабатларда.
2. Шахсдаги ички фиклар асосида.

Инсонни касб эгаси бўлиши узоқ вақтни – онтогенез даврини қамраб олади. Бунда ўқувчининг касбга бўлган интилиши индивидуал тарзда кечади, яъни ҳар бир ўқувчи касб танлашга ўзига хос тарзда ёндошади. Айрим ўқувчилар учун касб танлаш унинг ҳаётининг мазмунини ташкил қилса, бошқалари учун келажагдаги эҳтиёжларни қондиришлари учун ўзига хос фонни ташкил этади, айримлар учун эса касб танлаш умуман уларни қизиқтирумайди, яъни касб танлаш маънога эга эмас. Бу жараёнларни тизимлаштиришда ва тартибга солишда педагогнинг ўрни жуда катта ҳисобланади. Педагог ўқувчиларни маълум касбларни ўз қизиқишлидан келиб чиқсан ҳолда танлашларида йўналишлар бериб туради.

Касб танлашда ўқувчиларни касбга олиб кирувчилар, яъни психологик кузатувчилар, йўл – йўриқ берувчила кимлар эканлигини кузатишлар орқали айтиш мумкин. Булар энг аввало ота – оналар, ўқитувчилар, тенгдошлар, атрофдаги яқинлар ва бошқалар ҳисобланади. Албатта бу ерда касб психологи мутахасис сифатида катта ўрин олади ва унинг бўлиши мутахасис сифатида катта таъсирга эга бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки хозирда касбга йўналтирувчи сифатида ўқитувчиларнинг ўрни ўзгачадир. Педаголар

тарбияланувчиларни кузатиш орқали, улар билан сұхбатлашишлари орқали, үзларидаги педагогик маҳоратлари, қобилиятлари орқали болаларнинг қизиқишиларидан, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда касб танлашларига йўналтириб турадилар.

Педагог болаларни касбга йўналтириши учун ўзига хос ихтисосликга эга бўлиши зарур бўлади. Бу ҳақида психология фанлари доктори, профессор Фозиев Э.Ғ, Мамедов К.Қ. ларнинг “Касб психологиясида” тушунтириб берилган. Педагогик ихтисос – ихтисосликка муносабикнинг модификацияси харитаси қўйидагиларни акс эттиради:

- 1) жамият эҳтиёжларига мос тушувчи юксак даражадаги қарашлар, эътиқодлар, идеаллар шаклланганлиги (жамоавий) йўналганликни ифодаловчи шахснинг ижтимоий – сиёсий фаоллиги;
- 2) болаларга нисбатан меҳр – муҳаббат, уларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишиларини тушуниш қўнимасининг мавжудлиги;
- 3) педагогик кузатувчанлик (перцептив қобилият);
- 4) ҳаёт ва фаолиятнинг у ёки бу жабҳаларида одамлар хатти – ҳаракатларининг хусусиятларида оқилона тушуниш ва изоҳлашга қобиллик;
- 5) ўзгарувчан шарт – шароитларда омилкорлик билан мўлжал олиш қобилияти;
- 6) ташкилотчилик ва бошқарувчанлик қобилиятларга эга;
- 7) умумий ва билишга оид қизиқишиларнинг кўпқираллиги;
- 8) мақсадга эришиш йўлида иродавий зўр беришга таёрлик ва событқадамлилик
- 9) Ёшларни касбга йўналтиришда уларга ёрдамлашиш.

Ўқитувчилик касбига номуносабик харитасида қўйидаги омиллар ўз аксини топади (модификация бизники – Э.Ғ):

- 1) қарашлар, эътиқод (маслак), идеаллар кўрсаткичининг пастлиги;
- 2) ўзгалар ҳисобига ўз шахсий эҳтиёжларини қондиришга тайёрлик, шахсиятпараст, ғаразгўй йўналишга эгалик, ўз қизиқишиларини умумиятдан устун кўриш;
- 3) болалар (ўқитувчилар)га лоқайд, бефарқ муносабат;
- 4) ақлий тараққиёт (интелектуал) даражасининг қуйилиги (пастлиги);
- 5) чидамлилик, топқирлик, ташаббускорлик, тиришқоқлик, событқадамлиликнинг мавжуд эмаслиги, иродасизлик;
- 6) айрим руҳий касалликлар аломатларининг мавжудлиги;

7) нутқ ғаолиятида сезиларли нүқсонларга әгалиқ, әшитиш сезгиси ва қабул қилиш, пайқаш ҳиссининг етишмаслиги ва бошқалар.²⁶

Таълим тизимининг ва педагогнинг таълим беришдан иборат асосий вазифаси – бу таълим олувчиларнинг фан асосларнини фаол, онгли, мустаҳкам ва тизимли равишда ўзлаштиришини таъминлашдир. Талабаларни ўқитишида педагог уч омилга асосланади. Булар : 1) нимани ўқитиши; 2) ким ва қандай ўқитиши; 3) кимни ўқитиши; Бу ўқитиши ва ўзлаштиришига хос ўқитувчилик касбининг умумий масалалари охир оқибат касб танлаш, касбга қизиқиш, касбга йўналтириш каби кўплаб масалаларни ҳал қилишга олиб келади.

Бу юқоридагилар ҳақида фикир юритадиган бўлсак уларни қисман кўриб чиқамиз. Нимани ўқитиши деганда – ўқишининг характеристики ўзлаштирилаётган материални мазмунига ва қандай тизимда етказиб берилаётганлиги билан боғлиқдир. Ким ва қандай ўқитишига боғлиқлиги - ўқитувчининг методик маҳоратига, тажрибасига, шахсий хусусиятларига, хар хил вазиятларда қўллай оладиган ўқитиши услубиятига боғлиқ бўлади. Кимни ўқитиши деганда – ўқувчининг ўқиши давомидаги ўзига хос хусусиятларига, унинг психик ривожланиши (ақлий, эмоционал, иродавий), шунингдек индивидуал характеристикасига, ундаги ўқишига нисбатан қарор топган муносабатларга, унинг қизиқиши – ҳавасларига боғлиқ бўлади.

Ўқитувчилик касбининг умумий масалалари қаторига таълим олувчининг ўзлаштириш билан боғлиқ хусусиятлари ҳам кириб, унинг асосида касбга бўлган қизиқишлиар шаклланади. Ўқувчиларни ўзлаштириши билан боғлиқ масалаларини Левитов Н. Д. ўрганиб, “ўзлаштиришнинг психологик компонентлари” тушунчани киритади. Н. Д. Левитовнинг фикрича шу компонентларни фаолаштиримасдан туриб ва тегишли тарзда йўналишлар бермасдан туриб таълим беришда мувафақиятга эришиб бўлмайди. Н.Д. Левитов бунга қуидагиларни киритади:

- 1) ўқувчиларни ўқишига ижобий муносабатда бўлиши;
- 2) берилаётган материаллар билан бевосита ҳиссий танишиш жараёнлари;
- 3) олинган ўқув материалини фаол равишда қайта ишлаш жараёни бўлган фикирлаш жараёни;
- 4) қабул қилинган ҳамда ишлаб чиқилган ахборотларни эсда олиб қолиш ва эсда сақлаш жараёни;

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бу каби умумий масалалар болаларни билимларини, малакаларини ўзлаштириб бориб маълум бир касбга қизиқиш, ҳавасларни пайдо бўлишига ва охир оқибат маълум бир касбга интилишларига олиб келади. Ўқитувчилик касбининг умумий масалалари таълим тизимижда

²⁶ Фозиев Э.Ф. Мамедов К.К. Касб психологияси. Т., 2003 й. 80 – 81б.

янада аниқлашиб бориб, болалар даврий ривожланишидаги психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда педагогик фаолиятларни яхшилашга олиб келади. Касб танлашда танлашда ўқитувчилар таълим олувчиларни касбларга бўлган қизиқишлигини, ҳавасларини, ирода ва интилишиларини шакиллантириб боради.

Ўқитувчилар касб – хунар коллежларида фаолият олиб борар эканлар, шу йўналишлар учун кадрлар тайёрлаб берадилар. Масалан, тўқимачилик ва енгил саноат учун. Бу ерда дарсларни яхши ташкил этиш, болаларни ўзлаштириши, уларнинг психологик хусусиятлари келажак кадрларни ишлаб чиқаришга, яхши мутахассис бўлиб қўшилишини таъминлайди.

Ёшларни касб танлашларида ўқитувчилар ва ота – оналар асосий таъсир этувчилар қаторига киради. Айниқса мактабда таълимни бошқарувчиси бўлган педагоглар ўзига хос тарзда, педагогик маҳорати орқали болаларни касб танлашларига таъсир этувчи омил ҳисобланади. Албатта, педагог ўзининг меҳнат фаолияти давомида касбга йўналтириш билан боғлиқ амалий ишларни ҳам бажариб боради. Булар:

Биринчидан, болаларга билим бериш ва уларни шу билимларга бўлган қизиқишлигини, ҳавасини ортириб бориш. Билимлар уларнинг касб ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириб боради ва маълум бир касбга интилишиларни вужудга келтиради.

Иккинчидан, таълим билан бирга тарбия масалалари билан ҳам шуғулланади. Уларда миллий, умуминсоний, ахлоқий, эстетик билимларни шакллантиради. Шулар асосида касбга хос психологик, этик муnrсабатлар ривож топади.

Учинчидан, таълим олувчиларда ўқитувчи мустақил фикрлашни, қарор қабул қилишни ҳам тарбиялайди.

Тўртинчидан, билимлар асосида маълум бир касбга хос кўникмаларни ҳам шаклланишига йўл-йўриқ берилади.

2 – савол. Ўқитувчи шахси ва касбий маслаҳат. Касбга йўналтириш. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро тушуниш асослари. Ўқитувчиларга касбга йўналтиришда қўйиладиган талаблар. Ўқитувчилар колективи ва ижтимоий психологик қиёфа.

Жамиятнинг ёшларга таълим ва тарбия беришида педагогларни – ўқитувчиларни ўрни ва аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўқитувчи – мактабдаги, касб – хунар коллекцияларидаги таълим – тарбия жараёнларининг асосий ташкилотчиси, бошқарувчиси, жамиятга янги кадрларни яратиб берувчиси ҳисобланади. Ёш йигит ва қизларни маълумот ва касб жиҳатидан умумий тайёргарлик даражаси, мустақил ижодий тафаккур тараққиёти, тарбияланганлик даражаси, фикирлай олиш ва таҳлил қила олиш, фаҳм – фаросатлик даражаси кабиларни юзага келиши энг аввало ўқитувчининг фаолияти билан ривож топиб боради. Шунинг учун ўқитувчи шахси бу энг маъсулиятли ва қадрли касб ҳисобланади.

Замонавий мактаб ва касб – хунар ўқитувчиси таълим ва тарбияга тегишли қатор вазифаларни бажаради. Ўқитувчи – ўқув жараёнини ташкилотчиси сифатида касбга тегишли бўлган масалаларга ҳам ўз диққатини қаратиб боради. Замонавий ўқитувчи ижтимоий психолог ҳам бўлиши, жамиятдаги кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжлар билан ҳам танишган бўлиши керак. Касбни эгалаш билан боғлиқ маслаҳатлар ва йўналишлар бериб бориш ҳам педагог зиммасига тушгандир. Чунки педагог бола билан биргаликдаги фаолияти давомида ундаги қизиқишиларни ва хавасларни ҳам билиб туради. Бу эса унга болани қайси касбни эгаллашни ҳахлашини кўришга имкон яратади.

Ўқитувчи шахси бу ўсиб келаётган ёшларга уларни иқтидорлигидан, қобилиятидан, қизиқишиларидан келиб чиққан ҳолда касбларни эгаллашларига ўз йўл йўриклини бериб, тарбиялаб боришлари керак бўлади. Ўқитувчи мактаб, лицей, коллекциялардаги ўқиш жараёнларини асосий бошқарувчиси ва ташкилотчиси ҳисобланади. Болалар билан бўладиган ўз фаолияти давомида ўқитувчи синфдаги ҳар бир бола ҳақида умумий ва индивидуал маълумотга эга бўлади. Булар эса ўқитувчини улар билан бўладиган ўзаро мулоқатида ҳар бир бола ва унинг имкониятлари ҳақида билимларга эга бўлишига олиб келади. Боладаги касб танлаш жараённида ўқитувчи асосий таъсир этувчи инсонлардан бири ҳисобланади.

Касб танлаш бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган жараён бўлиб, унинг асосида шахс ва унинг манфаатлари ётади. Ўқитувчи болаларга мактабга чиққан вақтдан бошлаб уларнинг қизиқишилари, хаваслари, қобилиятлари асосида илк бор “катта бўлганингда сен ким бўласан”? - деб саволларга тутади.

Албатта бола ўзининг кузатишлари, катталарнинг фикрларига асосан “Мен катта бўлганимда шофёр бўламан”, “Мен врач бўламан”, “Мен боғбон бўламан” каби касбларни айтиб ўзининг орзуларини айтиб ўтади. Уларни ёши катта бўлиб борган сари ўқитувчиларининг ёрдамида бошқа касблар билан танишиб боради. Бу эса ўқитувчини касблар ва уларнинг хусусиятлари билан таниш бўлишини сўрайди.

Ўқувчи ўз касбини танлашда ўқитувчининг ёрдамига муҳтож бўлади. Ўқитувчи боладаги психологик имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда уни маълум бир касбга йўллаб туради, яъни касбий маслаҳат беради. Ўқитувчи бу ҳолатда касбларга хос хусусиятларни билиши ва уларни болаларга тушунтириб бериши зарур бўлади. Бу ўқитувчига профессиография каби тушунчалар билан таниш бўлишни талаб қиласди. **Профессиография** – бу касб тамонидан шахсга тегишли бўлган хусусиятларга, яъни унинг психологик қобилиятларига, психофизиологик имкониятларига қўйиладиган талабларни ўрганувчи технологиядир. Профессиография инсон ва касб ўртасидаги ўзаро мосликни диагностика қилиш орқали, корекция қилиш орқали, методик қўлланмаларни шакллантириш ва амалий тавсиялар бериш орқали информациялар бериш билан таъминлаб туради. Профессиография касбий меҳнатни унумдорлигини амалий вазифалар ва уларни ташкил қилиш орқали таъминлаб беради. Профессиография аниқ касбий фаолиятларни – ижтимоий, ижтимоий – иқтисодий, тарихий, техник, технологик, хуқуқий, психологик, психофизиологик, гигиеник ва ижтимоий психологик қамраб олади. Булардан кўриниб турибдики профессиография бу ўқитувчилар учун болаларни касб танлашларида керак бўладиган соҳалардан биридир.

Ўқитувчи ўқувчиларни касб танлашларига ижтимоий жараён сифатида қарап экан, уларнинг касб танлашларидағи индивидуал тамонларини ҳам ҳисобга олиши керак бўлади. Бунинг учун ёшларнинг жинсини, ёшини ва уларга хос бўлган хусусиятларини ҳам эътиборга олиши зарур бўлади. Бунда ўқитувчи биринчи навбатда ўқувчининг касбий эҳтиёжини, мотивини, лаёқатлиигини, қизиқишини, қобилияти ва манфаатларини ҳисобга олиши мухимдир. Акс ҳолда умумий тарздаги берилган йўлланма ҳам ижобий натижаларга олиб келмайди. Булар эса касб маорифини билишни талаб қиласди. **Касб маорифи** – бу ўқувчиларни касбнинг моҳияти ва хилма хил касбларнинг шахс олдига қўйиладиган талаблари, касблар ҳақидаги билимлар тизимининг мажмуаси ҳисобланади. Касб маорифи инсоннинг ёши, жинси, савияси, фахм – фаросатига асосан хилма хил тарзда амалга оширилади. Булар ўқитувчининг билимлар бериши давомида касбларга хос бўлган билимларни ҳам кўрсатиб ўтишида кўзга ташланади.

Касбга йўл – йўриқ бериш ёки касбга йўллаш – бу ёшларни касбга эга бўлишларидағи психологияк – педагогик ва медицина билан боғлик бир бутун жараён бўлиб, унда шу ёшларнинг хоҳишлидан, хаваслари, қобилиятлари ва халқ хўжалигини, жамиятни мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолдаги юз берадиган жараёндир. Бу касбга йўналиш бериш (профессиональная ориентация) – французча сўздан олинган бўлиб установка деган маънони билдиради. Касбга йўналиш бериш билан тизимли равишда таълим ва тарбия берувчи ўқув масканлари шуғулланишади. Улар ёшларни касблар билан таништириб боради, ёшлардаги психологик имкониятларни ва уларнинг физиологик ҳолатларини билган ҳолда йўл – йўриқлар бериб борадилар. Ўқитувчининг ўқувчини касбга йўллаши бу аввало ўқувчидаги мавжуд бўлган психологик хусусиятлар билан боғлик бўлади. Ўқувчи касб танлаши учун энг аввало ўзида шу касбга интилиш, хавас, қизиқиш бўлиши шарт ҳисобланади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида бўладиган ўзаро муносабат шарқона тарбия асосида бўлиши муҳимдир. Ўқитувчининг ёши катталиги, унинг ўқувчига нисбатан ҳаётий тажрибаси, малакаси кўплиги, билим ва касб даражаси юқори туриши, шарқона урф – одатлар ва анъаналар ўқувчининг ўз ўқитувчисига бўладиган муносабатда ҳурмат, эъзозлаш муносабатларини олиб боришга мажбурлаб туради. Фарbdаги ўқувчиларнинг ўзини эркин тутиши ва ўқитувчи билан бўладиган муносабати бизнинг таълим тизимимизга тўғри келмайди. Бизда таълим олиш учун ўқувчидаги тарбия ҳам бўлиши, Абдулло Авлоний айтганидек таълим олишда тарбияни унинг муҳим тамонини ташкил этиши керак. Билим олаётган бола дарсда жим ўтириши, тинглаши, ўқитувчи айтган жараёнларни бажариши шарт ҳисобланади. Ўқитувчи қачон ўзи билим берадиган ўқувчиси билан яқин муносабатда ва ўзаро тушунишда бўлади. Қачонки ўзи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳурмат ва эътибор бўлганда, миллий урф – одатлар ва анъаналарга роия қилинганда бу жараён юз беради. Албатта, бу ўзаро муносабатни бўлиши кўпгина омиллар билан боғлиқдир. Бу бир тамондан ўқувчининг яқин одамлари, яъни оиласи, танишлари, тенгдошлари ўқитувчи ҳақида ва умуман педагоглар ҳақида яхши фикрларни билдириб, уларни ҳурматини жойига қўйсалар. Иккинчи тамондан ўқитувчининг ўзи ҳам ўзидаги ахлоқий – эстетик билимлардан ижобий фойдалана олиб, ўқувчиларда ҳурмат қозона олсалар. Ўқитувчи ўқувчи билан яқин ва ўзаро тушуниш муносабатида бўлиши учун боланинг психологик хусусиятларини, хар хил вазиятли ҳолатларни яхши ва тўғри баҳолаб олишида, унинг билим, малака, иқтидори ҳақида маълумотга эга бўлса ва шунингдек ўқувчи ҳам ўқитувчини билим ва тарбия беришга бўлган

интилишини англай олсагина содир бўлади. Билим бериш бу тартибни, интизомни, маъсулиятни хис этиш билан боғлик жараёндир. Дарс давомида ўқитувчи ўқувчиларни дарсга бўлган қизиқишини вужудга келтириши билан бирга ўқувчининг хам дарсга бўлган ўзидағи ички руҳий қизиқишлари бўлиши зарур ҳисобланади. Ўқитувчи жонини бериб тушунтиrsада ўқувчи бошқа ишлар билан шуғулланса уни билим олиши қийинлашади. Албатта болалар ҳар хил индивидуал – психологик хусусиятларга эгалар. Улар ўзларини ҳар хил вазиятларда ҳар хил тутадилар. Лекин дарс давомида ўқувчи диққатини фақат ўқитувчига қаратган бўлиши, ўзлаштириши керак бўлган материалларни ўзлаштириши шарт ҳисобланади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабат, тушуниш қачон содир бўлади. Бу иккала субъектни бир бирига нисбатан бўладиган муносабатларида ўзаро ҳурмат ва билимни олишга бўлган интилиш бўлса содир бўлади. Бир бирини бундай ўзаро тушунган жараёндан яхши натижалар олса бўлади.

Ўқитувчи ўқувчи билан ўзаро тушуниш муносабатида бўлар экан, ўқитувчи болаларни иқтидоридан, қизиқишидан келиб чиқсан ҳолда уларга маълум бир касбга йўналишлар, маслаҳатлар бериб боради. Болалардаги ўзига хос индивидуал – психологик хусусиятларни бўлиши уларни қайси касбни эгаллашлари мумкинлигини кўрсатади. Ўқитувчини ўзи ўқитаётган ўқувчиларини касбга йўналтиришда қуидаги талаблар қўйилади деб ўйлаймиз. Булар:

- Ўқувчиларни билим олишга бўлган қизиқишиларини билиш;
- Ўқувчилардаги индивидуал – психологик хусусиятларни қайси тамони яхши ривожланганлиги ҳақида билимларни билиши;
- Ўқувчиларни психофизиологик ва жисмоний соғломлигини билиш;
- Ўқувчилар билан бўладиган ўзаро муносабатдаги яқинлик, ўзаро ишончдан келиб чиқсан ҳолда болалардаги истедод, қобилият, хавас, қизиқишиларни ўқитувчи яхши билган ҳолда касбий йўналишлар бериб, ўргатиб бориши;
- Ўқитувчини ўзини ҳам касб маорифи ҳақидаги билимларини бўлиши, профессиография ҳақида тасаввурларни бўлиши;
- Ўқитувчини жамитдаги касбга бўлган эҳтиёжлар ҳақида ҳам билимлари бўлиши.

3 – савол. Касбга йўналтиришда таълим ва унинг муҳим психологик тавсифлари. Касбга йўналтиришда таълим ва унинг психологик қиёфаси.

Касбга йўналтириш жараёни бу таълим тизими билан узвий боғлиқ жараён ҳисобланади. Касбга йўналтириш (профессиональное ориентация) – бу психологик – педагогик ва медицинага оид комплекс тадбирларнинг бирлигидир. Бунда ёшларни касб танлаш ва ишга жойлашишини энг қулай усувларини, уларнинг ҳохишларни, интилишлари ва шаклланган қобилиятлари, шунингдек жамиятни кадрларга бўлган талабини ҳисобга олиш орқали касбга йўллашдир. Касбга йўналтиришнинг икки хил шакли мавжуд, Бири ўкув масканларида касбга тайёрлаш давомида ёшларни касблар дунёси билан таништириш орқали уларни касбга йўллаш ҳисобланади.

Касбга йўналтиришни таълим жараёнларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки **таълим** – бу билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни бўлиб, инсонни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Инсон таълим жараёнида маълумот, билим олади ва тарбияланиб боради. Касбга йўналтириш бу энг аввало касб ўрганувчига маълумот, билим бериш, уни ўзи қизиқсан касбни эгаллаши учун шу касблар ҳақида ўзига хос бўлган кўникмаларни шакллантириш ҳисобланади. Таълим жараёнининг натижаси бу инсонни жамиятда ўз ўрнини топишга, касбий фаолияти давомида аниқ мақсадларга эришишга олиб келади.

Дунёни кўплаб мутафаккирлари таълим ҳақида, унинг аҳамияти ҳақида кўплаб фикрлар айтиб ўтганлар. Дейлик, Э.Ренан француз адабиётчиси ва тарихчиси шундай ёзади: “Аввалги замонларда ворисийлик ёрдамида, асрий урф – одатлар, уруғ – аймоқчилар ва халқ удумлари ёрдамида эришилган нарсаларга эндиликда факат таълимнинг кўмаги билангина эришиш мумкин”. Толстой Л.Н. рус ёзувчиси эса “Таълимга эҳтиёж ҳар бир кишида мужассам; халқ нафас олиши учун ҳавони қанчалик ардоқласа ва изласа, у таълимни ҳам шу қадар эъзозлайди ва излайди”. Ушинский К.Д. рус педагоги эса шундай ёзади: “Барча таълимларнинг бош вазифаларидан бири шундаки, улар мутлақ фароғат сари ниҳоясиз интила боришдек умумий ишда инсоният учун муттасил равища янги авлодларни етишириб беради”. Эдисон Т. Американинг кўзга кўринган олими таълим ҳақида фикр билдириб шундай ёзади: “Цивилизациянинг буюук вазифаси, одамни фикрлашга ўргатишидир”. Коменский Я. Таълим қадай бўлиши ҳақида фикир билдириб “Таълим ҳақиқий, тўла, равшан ва мустаҳкам бўлмоғи зарур”²⁷ деб кўрсатади.

²⁷ Воронцов Вл. Тафаккур гулшани. Т. 1981 й. F.Гулом 155 -159 б.

Таълим бу касб олишнинг маҳсус йўли сифатида кўпгина шахсларни ўзига хос эътибор беришларини талаб қилади. Касбга йўналтиришда устозларни, ота – онани ўрни жуда каттадир. Уларга тўғри йўл кўрсатишида, касб танлашларини ташкил этишда улар ташкил этган муҳитнинг ўрни жуда муҳимдир. “Бунинг учун ҳар қайси ота – она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим –тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади”²⁸.

Таълим бериш бу ўзида инсонга хос бўлган психологик жараёнларни қамраб олади. Инсон таълим олар экан ўзидаги маълум бир қобилиятлар асосида, яъни инсонга хос психологик хусусиятларга, таълим олиш жараёнидаги психологик жараёнларга суянган ҳолда бу жараёнларни ташкил этади. Инсон таълим олиши давомида таълимга хос бўлган психологик жараёнларни бошидан кечиради. Ўқитувчилар ўқувчилардаги ёшга хос бўлган психологик хусусиятларни шакллантириб бориб, уларга таълим олишлари учун шароитлар яратадилар. Психология фани ёшларни таълим бериш давомида ўрганади, уларни бу жараёнлардаги содир бўлувчи қонуниятларини тахлил қилиб боради.

Ёшларга таълим бериб, уларни касбга йўналтиришдан иборат асосий вазифа – бу ўқувчиларни фан асосларини фаол, онгли, мустаҳкам ва тизимли равишда эгаллашларини таминлаш хисобланади. Болаларни билимларни, касбларни ҳақиқий ўзлаштиришлари - бу хамиша фаол жараён бўлиб, билишга оид хилма – хил вазифаларни ҳал қилиш билан боғлангандир. Касбга йўналтириш давомида таълим олаётган болалар берилган билимларни ўзлаштириб борадилар. Ўзлаштириш эса кенг маънода олганда ўқувчининг уюшган билиш фаолиятидир. Ўқувчининг бу фаолияти идрок, хотира, диққат, тафаккур, ҳаёл каби қатор билиш жараёнларини ўз ичига олади. Шуни айтиш керакки ўзлаштириш сифатида ўқиши, билим олиш уч факторга суянади. Бу нимани ўқитишга, кимни ўқитишга қандай ўқитишга боғлиқдир. Бунда айнан касбга йўналтиришга қаратилган таълимнинг психологик таснифлари келиб чиқади.

Касбга йўналтирилган таълим ўзининг психологик тамонлари билан касб оловчининг ва касбга йўналтирувчининг биргаликдаги ўзаро муносабатларидан келиб чиқсан ҳолда таълим муҳитини яратади. Бунда

²⁸ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й. 61 б.

таълимнинг характеристирилаётган материалга, унинг мазмунига, бу материаллар қандай тизимда етказиб берилаётганига эътибор берсак бу муҳитнинг бир тамонини ташкил этишини кўришимиз мумкин бўлади. Иккинчи тамони эса ўқитувчининг билимига, услубий маҳоратига, тажрибасига, шахсий хусусиятларига, ўзига хос бўлган қайтарилмас усусларидан фойдалана олишига боғлиқдир. Унинг учинчи тамони эса бу касб ўрганувчининг ўзига хос хусусиятлари, унинг психик ривожланиши (ақлий, эмоционал, иродавий жиҳатлари ва бош.), унинг ўқишига нисбатан қарор топган муносабатлари, қизиқиш – ҳавасларига боғлиқдир.

Касбга йўналтиришда таълим ва унинг муҳим психологик тамони бу ўқувчиларни берилган билимларни ўзлаштириши ҳисобланади. Бу соҳада Левитов Н.Д. ўзлаштиришнинг психологик компонентлари тушунчасини фанга киритди. Унинг фикрича, ана шу компонентларни фаоллаштирмасдан туриб таълим муҳитини ва мақсадини амалга ошириб бўлмайди. Бундай компонентларга қўйидагилар киради:

- 1) ўқувчиларнинг ўқишига ижобий муносабатда бўлиши;
- 2) материал билан билан бевосита ҳиссий танишиш жараёнлари;
- 3) олинган материални фаол равишда қайта ишлаш жараёни бўлган фикрлаш жараёни ;
- 4) қабул қилиган ҳамда ишлаб чиқилган ахборотни эсда саклаш процесси.

Касбга йўналтиришда таълим тизимини шакллантириш ва ундаги психологик қиёфа ёндошилиши жиҳатидан кўп қиррали тушунчадир. Таълимнинг психологик қиёфаси энг аввало жамият ва унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ. Таълимга таъсир этувчи яна бир муҳим звено бу ўқитувчи ва унинг фаолияти ҳисобланади. Таълимнинг психологик қиёфасини энг муҳим звеноси бу тайёрланаётган кадрлар, касб эгаларидир. Мана шу учта муҳим омил таълимдаги психологик қиёфани шаклланишига асос бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касб психологияси ва ўқитувчи шахси.
2. Ўқитувчилик касбининг умумий масаллари ва касб психологияси.
3. Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш. Касб танлашда ўқитувчининг ўрни ва роли.
4. Ўқитувчи шахси ва касбий маслаҳат.
5. Касбга йўналтириш. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро тушуниш асослари.
6. Ўқитувчиларга касбга йўналтиришда қўйиладиган талаблар. Ўқитувчилар колективи ва ижтимоий психологик қиёфа.
7. Касбга йўналтиришда таълим ва унинг муҳим психологик тавсифлари.
8. Касбга йўналтиришда таълим ва унинг психологик қиёфаси.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўйтони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
12. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
13. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
14. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й
15. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
16. Хайруллаев М. Фаробий руҳий процесслар ва таълим – тарбия тўғрисида Т., 1967 й.
17. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири Т., 1971 й.
18. Ҳамиджон Ҳамидий. Авестодан Шоҳномага. Т., Шарқ ., 2007 й.
19. Кайковс “Қобуснома” Т., 1994 й. 26 б.

7 - мавзу. Касбга йўналтириш ва талаба – ўқитувчи ўртасидаги бир – бирини тушуниш асослари.

1 – савол. Касбга йўналтириш ва унда ўқитувчининг роли. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яқинликни пайдо бўлиши.


2 – савол. Ўқитувчининг ўқувчи қизиқиши, иродаси ва интилиши ҳақидаги тасаввурлари. Биргаликдаги фаолият, ўзаро ишонч ва мақсад сари интилиш муаммолари. Ўқитувчи ўқувчини ақлан ва руҳан тайёрлаши.

3 – савол. Ўқитувчини ўқувчига ўзи қизиқаётган касб ва унинг табиати тўғрисида билим бериш. Ўқитувчини ўқувчи қизиқишини аниқлаши. Ўқувчининг касбга хос қобилиятини аниқлаш. Ўқувчидаги касб танловини амалга ошириш. Касб танловини амалда бажариш. Ўқитувчини касб танлашга йўналтириши(проф. орнентация).

1 – савол. Касбга йўналтириш ва унда ўқитувчининг роли. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яқинликни пайдо бўлиши.

Ўсиб келаётган ёш авлодни маълум бир касбга йўллашда ўқитувчиларнинг ўрни жуда каттадир. Касбга йўналтириш, ўқувчиларга касбий маслаҳатлар беришда ўқитувчиларнинг роли ва вазифалари кўпdir. Куйида касбга йўналтиришга хос бўлган маълум бир таърифни бериб кўрамиз. **Касбга йўналтириш** – бу ёшларни касбга эга бўлишларидаги психологик – педагогик ва медицина билан боғлиқ бир бутун жараён бўлиб, унда шу ёшларнинг хоҳишлидан, хаваслари, қобилиятлари ва халқ хўжалигини, жамиятни мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини хисобга олган ҳолдаги юз берадиган жараёндир. **Касбга йўналтириш** – бу педагогларни таълим ва тарбия бериш жараёнида ўқувчилардаги қобилият ва қизиқишлардан келиб чиқсан ҳолдаги, улардаги психологик хусусиятларни хисобга олган тарздаги маслаҳатлар бериш жараёнидир.

Касбга йўналтиришда асосан мактаб психологлари иш олиб борсаларда, бу жараёнда кўпроқ ўқитувчиларнинг ўрни ва роли катта бўлади. Ўқитувчи ўқувчи билан доимо билим бериш давомида мулоқатда бўлади ва ундаги қобилият, хавас, қизиқишлар ҳақида кўпроқ маълумотларга эга бўлади. Шулардан келиб чиқсан ҳолда ўқитувчининг касб танлашда ўқувчига таъсири хам, йўналиш беришга имконияти ҳам юқори бўлади.



Бу юқоридаги расмда биз шахснинг касбий йўналиши билан боғлиқ тамонларни кўрсатганмиз.

Касбга йўналтиришда ўқитувчининг роли катта бўлиб, ўқитувчи ўқувчи билан бевосита ишлиши ундаги кўплаб хусусиятларни ўрганиб боради. Шуни такидлаш керакки бўлгуси касбни танлаётган ёшлар ҳаётида бу жараён улар учун ва ота оналар учун жуда маъсулиятли ва қизиқарли жараён ҳисобланади. Бу даврда ўқувчилар ва ота – оналар хис – ҳаёжонга, иккиланишлар ва ташвишларга тўла давр ҳисобланади. Бу даврда ўқитувчининг вазифаси ота – оналарга ва ўқувчиларнинг ўзига ёрдам бериш, уларни тўғри касб танлашлари учун маслаҳатлар бериш ҳисобланади.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки касб танлаш давридаги ўқувчилар ҳали касбни мустақил танлай олмайдилар, уларнинг қўпчилиги қарор қабул қилишда кўрқинч хиссини бошидан ўтказадилар. Касб танлашда **икки хил** категорияга тегишли бўлган ўқувчилар мавжуд. Биринчидан бирор бир касбга қизиқмаган, ҳеч нарса билан машҳул бўлмаган, улар учун ҳаёт бир хил, зерикарлидир. Иккинчи кўриниш уни тескариси жуда фаол бўлган ўқувчилар, улар ўқишида жуда фаоллар, бошқа фаолият турларида ҳам фаолликлари билан ажralиб турадилар. Бу болалар хамма нарсани бажара оладиган, эпчил, уддаброн бўлиб уларда талант хам бор, лекин касб танлашда улар қайси касбни танлашга иккиланиб қоладилар. Уларда ўзлари бажараётган қайси касб

кўпроқ кераклигини англаш даражаси яхши бўлмайди. Бу ерда хам ўқитувчининг роли кўзга ташланади.

Ўқитувчи ўқувчиларни касбга йўналтириши бу асосан касб танлаш жараёнида кўпроқ кўзга ташланади. Бунда катта ёшдаги мактаб ўқувчиларига ўқитувчи қуидаги йўналишларда ўз ёрдамларини берадилар:

 Мақсадли – мотивли компонентлар (аниқ бир касбга бўлган қизиқишни мустаҳкамлиги)

 Иродавий –эмоциональ компонентлар (фаолиятни аниқлашдаги мустақиллик, интизомлилик, фаоллик ва эмоционал бир хиллик)

 Когнитив компонент (касб тўғрисидаги билимларни мовжудлиги,касбий фаолиятни спецификасини билиш)

 Амалий фаолият компонентлари (касбий амалиётда билимларни тадбиқ этишдаги уддабуронлик ва саводхонлик билан характерланади)

 Рефлексив – натижали компонент (касбни танлашдаги ва кейинги даврдаги ишларига қаттиқ ишониш ва уни тўхрилигини англаш)

Ўқитувчи ўқувчиларни касб танлашларини шаклланишига тайёрлашда қуидаги шароитларни тадбиқ этади:

- Ўқувчиларни хар касб билан таништириш, айниқса шу регион учун зарур бўлган касбларни уларга таништириб бориш (ота – оналарини бу фаолиятга жалб қилиш, шу касбдаги кўзга кўринган мутахассисларни ҳаёт йўли билан таништириш).
- Ўқувчиларни шахсий интилишларини, хавасларини англашларига ёрдам бериш, уларни қобилияtlарини ва имкониятларини хар хил касбларда тадбиқ эта олишларини тушунишларига ёрдам бериш (шу жумладан касбга йўналтирувчи ўйинлар орқали).
- Ўқувчиларни мақсадга йўналтирилган фаолиятларини фаоллаштириш, қизиқишларини ривожлантириш, хавас ва имкониятларини фаоллаштириш (бу куружокларда ва дарсдан ташқари фаолиятларда).
- Мактабдаги касбга йўналтириш масалалари бўйича олий таълим ўқув юртлари ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан узвий хамкорликни йўлга қўйиш (экускурсиялар, “очик эшиклар”).
- Касбга йўналтириш ишлари бўйича юқори синф ўқувчиларини “касбни эгаллаш йўллари”, “хозирги меҳнат бозорини таҳлили” мавзусида тадқиқот ишлари олиб бориш.

Касбга йўналтиришда ўқитувчининг роли ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яқинлик туфайли ривожланади. Ўқитувчи ўқувчи билан мулоқатга киришар экан, уни кузатади, ўрганади, билимга интилишидан келиб чиқсан ҳолда унга йўл йўриқлар бериб боради. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яқинлик бу бир мақсадга биргаликдаги меҳнат туфайли шаклланади. Ўқитувчи ўқувчини айниқса ўзига яқин бўлган, биргаликдаги фаолиятда иштирок этган ўқувчини ўз боласидек кўради. Уни тарбиясига жуда қизиқади ва ҳатто битириб кетгандан кейин ҳам уни ютуқларидан қувонади.

Ўқитувчини ўқувчини касбга йўналтиришдаги роли ва аҳамияти энг аввало бу ўқувчиларни тарбиялашида, таълим беришида, маънавий бой инсон бўлишларига ёрдамлашишларида кўзга ташланади. Ўқувчини ўзини англаши, ўз “Мен”лигини таниши бу ўз ўзидан келиб чиқмайди албатта, бунда ўқитувчининг меҳнати ва талаблари ётади. Ўқувчини касб танлашида ва бу касб унинг қизиқишлари билан боғланишида айнан ўқитувчининг амалий ишлари, яъни тарбияси ва берган таълими ётади. Бирор нарсага қизиқиш учун инсонда энг аввало билим, малака бўлиши булар асосида унда шаклланган дунёқараш шаклланган бўлиши керак. Бу дунёқарашни эса албатта ўқитувчининг роли ва ўрнисиз эгаллаб бўлмайди.

Демак кўриниб турибдики ўқитувчи бу ўқувчининг энг азиз инсони, уни ўз ота – онасидек улуғлаши керак бўлган зотдир. Ўқувчига бутун меҳнатини сингдириб бораётган инсон сифатида ўқитувчининг ўрни бу алмаштириб бўлмайдиган ўрин эканлигини кўрсатади.

2 –савол. Ўқитувчининг ўқувчи қизиқиши, иродаси ва интилиши ҳақидаги тасаввурлари. Биргаликдаги фаолият, ўзаро ишонч ва мақсад сари интилиш муаммолари. Ўқитувчи ўқувчини ақлан ва руҳан тайёрлаши.

Ўқитувчи таълим бериши давомида ҳар битта ўқувчи билан боғланади. Улардаги билимга ва таълим олишга бўлган имкониятларни билади. Ўқувчининг билим олиши ва касбга бўлган муносабати унинг қизиқишиларидан, иродасидан, интилишларидан келиб чиқади. Ўқувчининг қизиқиши унинг ёш жиҳатлари билан, бу қизиқишни ушлаб қолишга бўлган иродаси билан, касбга интилиши билан боғлик бўлади.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида таълим олишда биргаликдаги фаолият бўлади. Бу ўқитувчини ўқувчига бериши керак бўлган билимларни бериши билан боғлик фаолият бўлса, иккинчиси бу ўқувчини ўқитувчи бераётган билимни ўзлаштириш ва ўзи учун қизиқарли бўлган фанларни яхши ўзлаштириш ҳисобланади. Бу фаолиятда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ўзаро ишонч қўйилган мақсадлар сари биргаликдаги интилиши зарур бўлади.

Ўқитувчи таълим бериш давомида ўқувчини ақлан ривожланишини ва руҳан тетик бўлиб боришини бошқариб боради. Бу жараён таълим ва тарбияда яққол кўзга ташланади. Болалар ҳали кўпгина билимлар ҳақида тасаввурга эга бўлмайдилар. Уни ўқитувчи бериб боради ва ўқувчиларда ўзига хос бўлган билим баъзасини яратади. Ўқувчилар эса бу билимларни амалиётда синаб боради. Бу уларни ақлан ривожланишлари учун асос бўлиб, ўзларига бўлган ишончни шаклланишига олиб келади. Бу каби кўплаб мисоллар орқали ўқувчини ривожланиб бораётганини кўрсатиш ва тестлар орқали синаб бориш мумкин бўлади.

Ўқитувчи ўқувчини таълим бериш давомида унинг қизиқишиларини, интилишларини, ундаги иродани ўрганиб ва уларни шаклланиши учун имкониятлар яратиб боради. Ўқитувчи ўқувчини касблар билан таништириб бориб, ундаги лаёқатни кузатади. Ўқитувчи ўқувчиларни касбга бўлган хавасларини диагностика қилиб бориш натижасида ўқувчиларга ёрдам ҳам беради. Касб танлашдаги энг асосий тамон бу ўқувчилардаги индивидуал – психологик хусусиятлар ҳисобланади, яъни ўқувчининг қизиқишилари, характеристи, темпераменти, дунёқарashi, манфаатлари ҳисобланиб шулар асосида уларда маълум бир касбга хавас, орзу, интилиш пайдо бўлади. Ўқитувчилар ўқувчиларни қизиқишиларини Е.О. Клиновнинг касбларни ўрганиш бўйича таснифи асосида ўрганиб уларни шу йўналишлар бўйича тайёрлаб борадилар.

Касб танлаётган ўқувчилар учун ўқитувчининг улар ҳақидаги фикирлари жуда муҳим ҳисобланади. Ўқувчи ўз фикрларини ўқитувчи фикрлари билан таққослашга, кўпроқ ўқитувчининг фикрларини қилишга интилади. Ўқитувчи ўз ўқувчилари орасида бўлар экан уларни қизиқшарини, интилишларини, руҳий камолатларини кузатиб боради. Ўқувчиларда маълум бир касбга бўлган қизиқишларни пайдо бўлишини, уларни шу касбга бўлган лаёқатларини, ўқувчиларни физиологик соғломлигини, ўзлари танлаган касбга хос бўлган аҳлоқий билимларини ўрганиб боради.

Ўқитувчи ўзи тарбиялаётган ўқувчисида иродавий хусусиятларни тарбиялаб боради. Бу албатта уларни биргаликдаги фаолиятида кўзга ташланади. Ўқувчилар билан бўладиган мулоқат ўқитувчида дарс давомида, мактаб фаолиятида, мактабдан ташқари бўладиган фаолият турларида ҳам юз беради. Ўқувчи учун ўқитувчи намуна бўлиб, укувчи ўз устозини амалий фаолиятини, ҳаётий фаолиятини, керак бўлса оиласиб фаолиятини ҳам зимдан кузатади. Уларнин биргаликдаги олиб борадиган фаолиятида бу жараёнларнинг ҳам ўрни жуда каттадир. Чунки ўқувчи ўз ўқитувчисидан намуна олади, унга тенглашгиси келади, келажакда танлаган касбини амалга оширишда ўз ўқитувчисининг психологик, аҳлоқий, эстетик қирраларидан фойдаланади. Ўқитувчи ўқувчи учун намуна ролини ўйнайди.

Ўқитувчи ўқувчи билан бўладиган фаолиятда уни кузатиб борар экан, ўқувчининг келажак мақсадларини, унга бўлган интилишларини, ўзини тайёрлаб боришлирини кузатиб бориб, ўқувчига яқинлашади. Улар ўртасида ишонч, ўзаро ёрдам, бир – бирини тушуниш каби психологик тамонлар юзага келади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида бўладиган муносабатлар ўзаро ишончни шаклланишига олиб келади. Ўқувчи қўп ҳолларда ўзидағи сирларни ўзи ишонган ўқитувчисига айтади ва ундан маслаҳатлар олишга интилади. Кўриниб турибдики ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ишонч касб танлашга, касбий билимларни шакллантиришга ҳам таъсир этади.

3 – савол. Ўқитувчини ўқувчига ўзи қизиққаётган касб ва унинг табиати тўғрисида билим бериш. Ўқитувчини ўқувчи қизиқишини аниқлаши. Ўқувчининг касбга хос қобилиятини аниқлаш. Ўқувчида касб танловини амалга ошириш. Касб танловини амалда бажариш. Ўқитувчини касб танлашга йўналтириши(проф. ориентация).

Ўқитувчи ўқувчи билан, ўқувчининг қизиқишилари билан сўхбатлар ўтказиш учун ўқитувчи ўқувчи ўртасида ўзаро ишонч, етарли даражада бир бирини яхши билиши зарур бўлади. Ўзаро ишонч эса ўқувчини ўқитувчи тамондан яхши билиши, уни интилишлари, орзулари, имкониятлари, билимлари, малакалари, психологик хусусиятларини ва шу кабиларни кузатганлиги, ўқувчини имкониятларини ўқитувчи яхши билиши кераклиги билан боғлиқ. Лекин ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро синовлар бўлиши ҳам уларни янада яқинлаштиради.

Ўқитувчини ўқувчидағи қизиқишиларни билиш учун қизиқиши ўзи нима?, Ўқувчида бу қизиқиши қандай йўсинда кўринади? деган саволларга ўзида жавоб топиш керак.

Маълумки инсонни қизиқиши бу ўзига хос мураккаб ва серқирра жараёндир. Инсонни қизиқиши бу унинг эҳтиёжларидан келиб чиқувчи ҳаваси, интилишидир. Қизиқиши инсонда маълум бир унинг эҳтиёжлари туфайли вужудга келган ҳаваси бўлиб, бу жараён кишида маълум бир мароқли, ажойиб, ёқимли жараённи ташкил этади. Қизиқиши инсонни мақсад ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қисқа муддатли ва узоқ муддатли кўринишларга эга бўлади. Қисқа муддатли қизиқиши ҳавас тарзида қолиб, унунтилиб кетиши мумкин. Шу бирга узоқ муддатли қизиқиши тури ҳам борки у инсонда узоқ вақт барқарор сақланиб турилади. Қизиқишининг бу тури барқарор қизиқиши деб аталади. Бу қизиқишида инсондаги ирода, интилиш, хар қандай ҳолатларда ҳам ўз қизиқишидан кечмаслик ётади. Яъни ҳавас қилган нарсаси орзу тарзида қолиб кетмай шу қизиқиши учун инсон ҳаракатда бўлади. Бунда ўзи танлаган қизиқиши ҳақида билимлар тўплайди, унга эришиш йўлларини излайди.

Одамларга хос бўлган турли хил қизиқишилар орасида ҳар бир кишининг бирон – бир соҳага асосий қизиқиши бўлади. Бу эса ўқувчиларни касб танлашида кўзга ташланади. Касб танлаётган ўқувчиларда индивидуал қизиқиши мавжуд бўлиб, у ўқувчининг ҳаётида энг муҳим, энг қимматли ҳисобланади ва шу нарсага ўқувчи эришиш учун доим интилишда бўлади. Ўқувчининг асосий ҳаёт йўли унинг индивидуал қизиқиши билан боғлиқ бўлади. Қизиқиши – бу шахснинг индивидуал хусусияти бўлиб, унинг диққат –

эътибори реал оламдаги муайян бир соҳага мутасил қаратилишdir. Қизиқиш хаммадан кўра кўпроқ кишининг касб, ихтисослик бўйича қиладиган меҳнати, ўқиши билан боғлиқ бўлади.

Инсон қизиқиши жуда кенг тушунчадир. Шунинг учун ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабатда қизиқиш қандай шаклди юз беришини аниқлаш жойиздир. Профессор Э. Ғозиев ўзининг “Умумий психология” дарслигига унинг қуйидаги типларини ажратиб кўрсатади. Булар қуйидагилардир: 1) мазмунига кўра : шахсий ва ижтимоий; 2) мақсадига биноан: бевосита ва билвосита; 3) кўламига қараганда: кенг ва тор; 4) қизиқишлиар даражаси бўйича: барқарор ва бекарор ва бошқалар.²⁹

Ўқитувчи ўқувчи билан мулоқатда бўлар экан уни ўзи танлаган касб билан танитириб бориши, яъни бу касб қандай касб, уни ўзлаштириш учун нима ишларни бажариш кераклиги, бу касбни жамиятдаги ўрни, бу касб унга нима бера олиши мумкинлиги ва шу кабилар билан таништириб боради. Бундан ташқари ўқувчидаги шу касбга тегишли лаёқат қандайлиги, уни бунга лойиқ ва лойиқ эмаслиги, унинг бу касбга бўлган муносабатларини ўрганиш натижасида ўқувчига маслаҳатлар бериб бориши ва тушунтириши зарур бўлади. Албатта ўқитувчи ўқувчини ўзи танлаган касбга бўлган қизиқишини аниқлаши керак бўлади. Бу биринчидан ўқувчини кузатиш орқали, иккинчиси психологик тестлар орқали тест ўтказиш билан.

Ўқитувчи ва мактаб психологи ўқувчига ўзи қизиқаётган касблар ҳақида маълумотлар бориши ва уни бу касбга хос бўлган талаблар, психологик хусусиятлар ҳақида гапириб, тушунтириб бориши лозим бўлади. Дейлик тикувчиликка қизиқиши бор бўлган талабага ундаги кўплаб касбларни кўрсата олиши, уларни ҳар хил йўналишлари борлигини, уларга хос бўлган табиатни кўрсата олиши зарур бўлади.

Ўқитувчи ўқувчидаги касбга бўлган қизиқиши аниқлаш учун маълум бир тестлар орқали, кузатишлар орқали, сухбат қилиш орқали ҳам билиб бориши мумкин бўлади.

Ўқитувчи ўқувчидаги касбга хос бўлган қизиқишлиарни таълим бериш давомида кузатиб бориб унда шу касбга хос бўлган қобилияtlар борлигини ҳам аниқлаб боради. Бу касбларнинг ҳар бирини ўзига яраша талаблари бўлиб уларни ўқувчи қобилияtlарида кўрамиз.

²⁹ Ғозиев Э. Умумий психология. Т. 2010й. 201 б

Маълумки ўқувчида танлаган касбига нисбатан қобилият борлиги ўқитувчи тамонидан кузатилиб бориб айтилади. Қобилият ўқувчининг ўзига хос бир индивидуал – психологияк хусусиятики уни билмасдан туриб, ўқувчидаги мавжуд бўлган қобилият ҳақида гапириб бўлмайди. Ўқувчини қобилиятини ўқитувчи кузатишлар орқали, фанлар бўйича ўзлаштиришлар орқали, кураторлик фаолияти орқали, фанлар бўйича ўқитувчиларнинг фикирлари орқали билиб олишлари мумкин бўлади. Қобилият бу ўқувчини маълум бир соҳадаги ўзига хос бўлган улгuriшидир. Ўқувчida кўпгина фанларга қобилияти бўлиши мумкин. Ўқитувчи эса уни кузатишлари орқали ундаги маълум бир касбга лаёқатлилиги борлигини билиб олади. Ўзаро фаолият қўрсатиш давомида ўқитувчи ўқувчига унинг қобилиятидан келиб чиқиб унга маслаҳатлар беради ва касбга йўналтиради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касбга йўналтириш ва унда ўқитувчининг роли.
2. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яқинликни пайдо бўлиши.
3. Ўқитувчининг ўқувчи қизиқиши, иродаси ва интилиши ҳақидаги тасаввурлари.
4. Биргаликдаги фаолият, ўзаро ишонч ва мақсад сари интилиш муаммолари. Ўқитувчи ўқувчини ақлан ва руҳан тайёрлаши.
5. Ўқитувчини ўқувчига ўзи қизиққаётган касб ва унинг табиати тўғрисида билим бериш. Ўқитувчини ўқувчи қизиқишини аниқлаши.
6. Ўқувчининг касбга хос қобилиятини аниқлаш. Ўқувчида касб танловини амалга ошириш.
7. Касб танловини амалда бажариш. Ўқитувчини касб танлашга йўналтириши(проф. орнитация).

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А *Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.К Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
12. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
13. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
14. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й
15. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
16. Хайруллаев М. Фаробий руҳий процесслар ва таълим – тарбия тўғрисида Т., 1967 й.
17. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири Т., 1971 й.
18. Ҳамидjon Ҳамидий. Авестодан Шоҳномага. Т., Шарқ ., 2007 й.
19. Кайковс “Қобуснома” Т., 1994 й. 26 б.

8 – мавзу. Касбга йўналтиришда таълим муҳитининг психологик тавсифлари.

1 – савол. Касбга йўналтиришда таълим ва унга бўлган эътибор. Таълим тизими, ундаги психологик шароит ва касб танлаш.

2 – савол. Ўқитувчининг психологик маслаҳат хизматлари. Ўқувчиларда билим олишга бўлган интилишни янада ривожлантириш.

3 – савол. Касб танлашда билим манбаларини янада қўпайтириш. Касб танлашда ўз билимларига ва малакаларига ишонч хосил қилиш. Касб танлашда ирода кучи ва уни мустаҳкамлаш.

4 савол. Касб танлашга қўйиладиган талаблар. Тасаввур ҳақида билимга эга бўлиш. Касбий маслаҳат ва унинг натижалари. Касбга йўналтирувчи маслаҳат ва унинг аҳамияти. (проф.консультация).

1 – савол. Касбга йўналтиришда таълим ва унга бўлган эътибор. Таълим тизими, ундаги психологик шароит ва касб танлаш.

Инсоният жамияти вужудга келибдики у ҳар доим ўзи ўзлаштирган билимларни, малакаларни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиб беришга интилиб келади. Бунинг жуда катта сабаблари ва зарурияти мавжуд. Энг асосийси бу инсонни ва жамиятни эҳтиёжидан келиб чиқади. Яъни инсон ҳам жамият ҳам ўзини яшashi учун керак бўлган зарурий эҳтиёжларни қондиришга ўзида зарурат сезади. Буни эса инсон ортирган билимларини, малакаларини ўсиб келаётга ёш авлодга етказиб беришда кўрамиз. Бу жараёнлар эса инсоният маданиятининг буюк кашфиёти бўлган таълимда ўз аксини топади. **Таълим - бу билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, инсонни ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситасидир.** Таълим жараёнида билим, маълумот олинади ва инсонни тарбияси амалга оширилади. Таълимнинг моҳият ва мазмuni бу дарс бериш жараёни, яъни педагог фаолиятини ўқувчининг билиш, ўрганиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ва уни ташкил қилиш ҳисобланади. Дунёning жуда кўплаб буюк инсонлари таълимга эътибор бериб уларга ўз баҳоларини ҳам бериб кетганлари маълум. Дейлик, Я.Коменский “Таълим ҳақиқий, тўла, равshan ва мустаҳкам бўлмоғи зарур” деган эди. Рус файласуфи В.Г.Белинский “Таълим ва камолатнинг тури кўп, уларнинг ҳар бири ўзича муҳим, аммо ахлоқий таълим уларнинг барчасидан юқори турмоғи лозим” деган эди. Бу сўздан кўриниб турибдики инсон билимларининг яхши бўлиши учун унда энг аввало тарбиявий таълим бўлмоғи зарурдир. Ўсиб келаётган ёшларни билим олишлари учун тарбиявий таълим муҳим ва зарурий эҳтиёждир.

Таълим жараёнларни бошқариш ҳар доим жамият назоратида ва давлат ҳимоясида бўлиб келган. Жамият учун ва унинг эҳтиёжларини қондириш учун кўплаб кадрлар керак бўлган ва шунга жамият ҳар доим интилиб борган.

Жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини эса бу кадрларни тарбиялаб бераётган педагоглар амалга оширган ва ошириб келмоқда. Жамият бу кадрларни тайёрлашда маълум бир хужжатларга асосланади. Бу энг аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. Унинг 41 моддасида Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга деб ёзиб қўйилган. Бундан келиб чиқсан ҳолда тарбияланаётган ёшларни тарбиялашда маълум бир хужжатларга асосан бошқарилади. Бу эса Давлат тамонидан назорат қилинади. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини ислоҳ қилиш ва уни янги ўзанга олиб чиқиш билан боғлиқ хужжатлар қаторига киради. Бу хужжатларга асосан таълим ва тарбия ишларини ислоҳ қилиш ва дунёдаги илғор давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсади қўйилган. “Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат еости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”³⁰. Бу эса ёшларни таълим ва тарбия бериш уларни дунёқарашини ва маънавиятини кенгайтириб бориши зарурлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда таълим соҳасида бўлаётган ўзгаришлар, яъни қабул қилинган қонун ва фармойишлар жамиятимиз равнақига ижодий таъсир қилиши шубҳасизdir. Улар мамлакатнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, давлат таълим стандарти талабларига жавоб бера оладиган, етук, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ҳамда амалиётга жорий этилиши бунинг яққол мисолидир. Айниқса, таълимнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими босқичидаги янгиликлар бошқа жараёнлардан ўзининг тизимлилиги, изчиллиги ва узвийлиги билан ажралиб туради. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари жамиятимизга ижодий тафаккурга эга, билим салоҳияти юқори бўлган, малакали кичик мутахассисларни етказиб бериши керак. Бунинг учун, албатта, касб-хунар коллажларида ёшларга билим берадиган педагог ва мухандис-педагогларнинг касбий тайёргарлик даражасига эътибор қаратилмоғи зарур. Уларнинг саиҳаракатлари туфайли таълим тизими ишлайди.

Олий таълим тизимининг биринчи босқичида таълим дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийликни таъминлаган ҳолда талабанинг ўқув режасидаги фанлар блокларини (гуманитар, ижтимоий-иктисодий, математик ва табиий-илмий; умумкасбий ихтисослик ҳамда қўшимча) ўзлаштиришларини назарда тутади. Олий таълимнинг мақсади таълим оловчи тарбиялий инсон шахсини

³⁰ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори . Т., Шарқ . 5 б.

шакллантиришдир. Таълим ва тарбия тўғрисида таниқли файласуф олим академик Эркин Юсупов шундай ёзади: “Тарбия – инсон шахси маънавий қиёфасини шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимиdir. Таълим эса ахлоқли, одобли шахсга хунар ўргатиш, билим беришдир. Инсон шахсини шакллантириш билан боғлиқ бўлган тарбия ва таълим бир – бири билан узвий боғланган жараёндир.”³¹ Таълим оловчи тарбияли бўлсагина ўз устозидан билимларни тўла ўзлаштира олади. Тарбия эса бу таълим билан боғлиқ ҳолда ўзлаштириладиган жараёндир. Бу ҳақида ўзбек педагогикасининг асосчиларидан бир бўлган Абдулла Авлоний шундай ёзади: “Дарс (яъни таълим) ила тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир – биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирга бойланган жон ва тан кабидир... Чунки дарс оловчи тарбия оловчи, амал қилувчи демакдир”³².

Ўзбекистонда ёшларни тарбиялаш билан боғлиқ жуда кўп амалий ишлар олиб борилмоқда. «Таълим тўғрисида»ги қонунда таълим тизими ва унинг турлари ҳақида қонунлар қабул қилинган. Бунда шундай дейилади: “Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуидагиларни ўз ичига олади:

давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;

таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий – педагогик муассасалар;

таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга карашли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узлуксиздир. ³³

Ўзбекистонда ёшларни билим ва малакалар билан таъминловчи таълим тизимида жуда катта эътибор берилиб келинмоқда. Унинг моддий базасини яратиш ва жаҳон стандартларига мос бўлган кадрлар тизимини яратишга ҳамма шароитлар қилинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини 64 фоизини ёшлар ташкил этиши, уларни шу мамлакатнинг асосий ишлаб чиқарувчи бўлажак кучи эканлигини кўрсатади. Шунинг учун таълим ва тарбия ва касбий тайёргарлик кўриш, ёшларни билимга, малакага эга қилиш энг

³¹ Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й. 118 б.

³² Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 . 15 -16 б

³³ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори . Т., Шарқ . 22 б.

муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб – хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийиб 9 мингтаси, яъни деярли хаммаси, 1минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди. Бу каби кўплаб мисоллар ўсиб келаётган ёшларни касб эгаллашлари учун моддий шароитлар яратилганини кўрсатади.



Ёшларга яратилаётган бу каби шароитлар уларни руҳий – психологик ҳолатларини кўтаради ва уларни касб эгаллашлари учун, ўзлари севган касбларини эгаллашлари учун интилишларини, қизиқишларини оширади. Касб эгаллаш учун ёшлар ўзларини тайёрлаб боришлари, ўқитувчилари билан ўзаро муносабатларини яхшилашлари жуда зарурӣ жараёнлардан бири ҳисобланади. Таълим тизимини лабараториялар, кампьютер хоналар, спорт майдонлари ва бошқа жиҳозлар билан тамиnlаниши ёшларда ижтимоий психологик ҳолатларни яхшиланишига олиб келади. Бу каби тайёргарликлар уларда касбларга бўлган қизиқиш, ҳохиш ва истакларни вужудга келтиради. Булар эса уларни бўлғусида аниқ бир касбни эгаллашлари учун туртки бўлади. Албатта, яратилаётган шароитлар ёшларга, уларнинг руҳий ҳолатларига ўз таъсирини кўрсатади.


2 – савол. Ўқитувчининг психологик маслаҳат хизматлари. Ўқувчиларда билим олишга бўлган интилишни янада ривожлантириш.

Касбга йўналтиришда ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Ўқитувчи ўқувчилар билан бўладиган мулоқатда уларга ўзига хос маслаҳатлар бера олади. Бунда у ўқитувчининг истедоди, қобилияти, имкониятларини ўрганиб бориб ўз маслаҳатларини бериб боради. Ўқитувчининг бу маслаҳатларини касбий маслаҳатлар қаторига киритиш мумкин бўлади. Умуман эса ёшларга бериладиган касбий маслаҳатлар ўқитувчи, психолог ва медик – врачлар тамонидан бериб борилади. Ўқитувчининг касбий маслаҳатлари асосан психологик хусусиятлардан келиб чиқади. Бунда ўқувчининг психологик хусусиятлари, индивидуал тамонлари ҳисобга олинади. Ўқитувчи бу соҳада ҳам билимларга эга бўлиши мухим жараёндир.

Ўқитувчи касбга йўналтиришнинг мухим шакли бу касбий маслаҳат ҳисобланиб – бунда касб танловчини психологик – педагогик ва медицинага оид тамонлари ўрганилишини, шулар орқали уларни касбга йўналтирилишини билиб олиши зарур бўлади.

Касбий маслаҳатларни ташкил этилишининг асосий тамонлари – бу касбий маслаҳат пунктлари, “Касб” билан боғлиқ хоналар, ёшларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ буюролар, маҳсус касбий маслаҳат пунктлари, касб ҳақида маълумот олиш билан боғлиқ бўлган корхоналар, психологик ва медицинага оида текширувлар билан боғлиқ тамонлар ва охирида касб танловчининг индивидуаль - психологик хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ текширишлар ҳисобланади.

Касбий маслаҳатни ўқитувчи тамонидан берилиши бу ёшларни аниқ касб танлашларига ёрдам беради. Касбий маслаҳат бераётган ўқитувчи касб танловчиларни қобилиятларини, қизиқишлирини, иқтидорларини, интилишларини ҳисобга олган ҳолда ва шунингдек уларни касб танлашларини рағбатлантириш орқали керакли бўлган натижаларни олиши мумкин бўлади. Агарда касб танловчиларни қизиқишлиари ва интилишлари бўлсаю, улардаги жисмоний соғлиқ ва психологик хусусиятлар шу касбга лойиқ бўлмаса у ҳолда касбга йўналтирувчи шахс касб танловчини эҳтиётилик билан диққатини бошқа касбларга қаратиш орқали уларни ўзларининг лаёқатларига мос касбларга қаратишлари лозим бўлади.



Қуйидаги расмда ўқитувчини психологик маслаҳатлари кўрсатиб берилеш билан бирга, ўзига хос талабларга ҳам жавоб берини кўзга ташланади. Айниқса медицинага хос текширувлар касб танловчини касбга бўлган жисмоний лаёқатини кўрсатиб беради.

Ўқитувчи касбий маслаҳатлар берш давомида ўқувчидаги ютуқларни ва камчиликларни кузатиб бориб ўқувчига ўз маслаҳатларини бериб бориши ва уни касбга тайёрлаши муҳим жараён ҳисобланади. Ўқувчиларни янги адабиётлар билан таништириш, касбга керак бўладиган психологик хусусиятларни кўрсатиш ва уларни ўқувчидаги ҳолатидан келиб чиқиб уларни ривожлантириш заруриятларини асослаб бериш. Бу каби кўплаб масалалари ўрганиб боириб, ўқувчидаги касбга бўлган қизиқишни янада шакллантириш ва ўз маслаҳатларини бериш керак бўлади.

З – савол. Касб танлашда билим манбаларини янада кўпайтириш. Касб танлашда ўз билимларига ва малакаларига ишонч хосил қилиш. Касб танлашда ирода кучи ва уни мустаҳкамлаш.

Ёшларни касб танлаш масалалари психология – педагогикада уларнинг фаолликларини ошиб боиши билан боғлиқ. Касб танлаш – бу ёш инсонларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қарорларни қабул қилиш ҳисобланади, яъни уларни катталар ҳаётига кириб боришлигини, ижтимоий фойдали меҳнат жараёнларида иштирок этишларидир.

Касб танлаш ёшларнинг қизиқиши, интилиши, қобилиятлари асосида танланган бўлса, бундай танланган касб ёшларни манфаатларига мос тушиши мумкин бўлади. Агарда касб бошқа омиллар асосида танланган бўлса, дейлик, танланган касб унинг уйига яқинлиги асосида, шу касбни эгаллаш мода бўлган бўлса, маоши кўпроқ бўлган бўлса бу танланган касб унга ёқмаслиги мумкин. Бу фикрлар инсонни касб танлаши унинг ўзига боғлиқлигини кўрсатади.

Касб танлаш жараёни – бу касб танловчини ўз қобилиятиги бўлган муносабатидан, яъни ўзининг имкониятларини таҳлилидан, ўзини англағани, ўзига берадиган баҳолардан келиб чиқадиган жараён эканлиги кўринади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки касб танлашдаги фаоллик, ўзини билиш жараёни билан (ўзини қизиқишларини, интилишларини, маъқул кўрганларини, темперамент ва харкатерини ўзига хос хусусиятларини) боғлиқдир. Бундан ташқари ўзига берадиган баҳо (бунда ўзини билиш жараёни билан касб тўғрисидаги тасаввурларни тақослаш асосида бериладиган баҳолаш назарда тутилади). Яна муҳим жараёни бу ўзини ривожлантириш (бунда бўлғуси касбни эгаллашга керак бўлган хусусиятларни ўзида шакллантириш ҳисобланади).

Америкалик изланувчилар яхши ва тўғри танланган касб инсонни ўзини ўзини ҳурмат қилишни ва ўзи ҳақидаги ижобий тасаввурни кўпайтиришга олиб келишини, бир сўз билан айтганда шахсни ўзини ҳурмат қилишга олиб келар экан. Бу инсонни бутун ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб, ўзини ижобий баҳолашга олиб келар экан. Шунинг учун касб танлаётган инсон касблар дунёси билан танишган бўлиши ва тўғри касб танлаган бўлиши керак экан.

Дунёда ҳар йили 500 та янги касблар пайдо бўлиб, шу касблар 5 – 15 йил яшаб кейинчалик йўқолиб кетар, базилари эса бутунлай янгича қўринишга эга бўлар экан.

Касб танлашда касб танловчининг мактабда ўтилаётган фанларнинг моҳиятини ўзлаштириш, улардан келажакда қайси соҳаларни эгаллашларига караб керакли даражаларини ўзлаштириб бориш муҳим ҳисобланади. Касб

танлашда билим бу энг аввало ўқувчининг мактаб фанларини ўзлаштириши ҳисобланса, иккинчиси бу келажагдаги ўзи учун қизиқарли бўлган касб ҳакида маълумотга эга бўлиш ҳисобланади. Учинчиси бу касб танловчининг иродаси, унинг ўзига хос бўлган иродавий кучларини сариф қилиши билан боғлиқ бўлади.

Касб танловчи ўз билимларини ва малакаларини мактабда ўкиш давомида, ўқитувчиларининг бераётган билимлари асосида ошириб боради. Агарда болада ирода бўлмаса бу ўзига хос ҳолда ҳар хил кўринишларга эга бўлган инсоний камчиликларни пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ва ота – оналар биргаликда боладаги иродавий кучни тарбиялаб борадилар. Болани ҳатти – харакатини маълум бир мақсадларга қаратадилар, уларни иродавий кучларини шаклланишига интиладилар. Касб танлай олмаган болаларда кўпроқ иродавий хусусиятларни ривож топмагнаи қўзга ташланади. Шунинг учун ҳам улар ўз фикрларини жамлай олмайдилар, бирор мустақил фикирга эга бўлмайдилар, ўзларини бошқаришда ҳам иккиланиб юрадилар.

Касб танловчида ирода кучи бўлгандагина у бирор бир касбга интилади, шу касбни қайсиdir унга ёққан тамонини билишган ҳаракат қилиб бориб ўз устида ишлаб боришини кузатиш мумкин бўлади. Инсон учун иродани психологик жараён сифатида ўрни жуда каттадир. Иродаси бўлмаган инсон бирор бир оддий ишни бажаришда ҳам қийиналади. Шунинг учун касб танлаётган ўқувчи қандайдир ўзи учун ёқадиган касбни танлаши, ўзи устида ишлаши, ўзини мустақил фикири бўлиши каби масалалрни ирода кучига асосланиб иш кўради. Бусиз унда иккиланишлар, қарор қабул қила олмаслик, сабр – тоқат каби кўплаб иродавий хусусиятларни бузилиши юз беради.

Инсондаги ирода кучи уни маълум бир билимларни, малакаларни, кўникмаларни шаклланиши ва мустаҳкамланишига олиб келади. Кўриниб турибдики инсоннинг иродаси ва уни мустаҳкамланиб бориши шахсни шаклланишини, маълум бир обрў ва эътиборга сазовор бўлишига олиб келади. Бунинг учун эса касб танловчи ўз иродасини мустаҳкамлаб боришга эътибор бериши жуда зарурдир.

4 савол. Касб танлашга қўйиладиган талаблар. Тасаввур ҳақида билимга эга бўлиш. Касбий маслаҳат ва унинг натижалари. Касбга йўналтирувчи маслаҳат ва унинг аҳамияти. (проф.консультация).

Касб танлаш бу ўзига яраша мураккаб жараён бўлиб бунда касб танловчининг ва касб ўртасидаги муносабат ётади. Касб танловчи касб танлаш учун ўзидаги бор бўлган имкониятларни синаган бўлиши ва ундан фойдалана оладиган бўлиши шартдир. Касб танлашга қўйиладиган талаблар касб танловчидан кўплаб масалаларга жавоб беришни талаб қиласди. Дейлик унда ўзига хос билимлар тизими бўлишини, касблар дунёси ҳақида маълумотларга эга бўлишини, ўз қобилияtlари ҳақида тушунчага эга бўлишини, ўзининг соғлиғи ҳақида маълумотларга эга бўлиши кабиларни билиши керак бўлади.

Касб танлашга таъсир этувчи шароитларга қўпгина касб асосланган омиллар таъсир этади. Булар касб танловчиларнинг қизиқиши ва манфаатлари, қобилияtlари, соғлигининг даражаси ва жамиятни кадрларга бўлган эҳтиёжлари ҳисобланади. Касб танлашнинг ўзига хос формуласи бўлиб, у қўйидагиларда кўринади. Бу касб танловчининг қўйидаги фикрларида “ҳохлайман”, “бажара оламан”, “керак” деган фикрларида кўринади.



“Ҳохлайман” – бу қизиқислар ва майил, ҳохишлар.

Қизиқиши – бу қандайдир фанни билишга бўлган иштиёқ, интилиш билан боғлиқ ҳодиса бўлиб, касб танловчини хатти – харакатидир.

Майил – касб танловчини маълум бир фаолият билан шуғулланишга интилишидир. Қизиқиши ва майилни бир бири билан мос тушуши ёки тушмаслиги мумкин. Уларнинг бирлиги битта, бир қанча ва кўпгина фаолиятларга қаратилган бўлиши мумкин.

“Бажара оламан” – қобилияйтлар, соғлиги даражаси.

Қобилияйт – бу маълум бир иш фаолиятини бажаришни онсонлаштира оладиган индивидуал қобилияйтлар ҳисобланади. Касб танловчини ўзлаштираётган билимларини енгил ваонсон ўзлаштира олиши ҳисобланади.

“Хохлайман” ва “бажара оламан”дан ташқари яна учинчи тамон борки бу “Керак” деб номланади. Бу меҳнат бозорининг эҳтиёжлари ҳисобланади.

Бу формула асосида касб танлашга бўлган талаблар асосан тушунтирилади. Касб танлашга бўлган талаблар моҳияти жиҳатидан қуийдаги саволларга жавоб беришни талаб қиласди. Яъни “ қандай қилсам ўз ҳаётимни 1/3 қисмини баҳтли қила оламан”. XVI асрдаёқ Френсис Бекон ўз ҳаётини баҳтли деб ҳисоблаганларнинг қўпчилиги ўзи ёқтирган касб билан шуғулланган инсонлар деб кўрсатган эди. Агарда ўзингиз ёқтиргмаган касб билан шуғуллансангиз у ҳолда хар куни камида 8 соат ёқтиргмаган касбингиз билан шуғулланасиз. Бу эса сизда толиқишини, тез чарчаб қолишни сабабчиси бўлади.

К.М. Гуревич ҳар қандай инсон бирор бир касбни эгаллаши мумкин дейди, лекин гап шундаки бу инсон шу касбни эгаллашга қанча вақт сарифлаган. Агарда у танлаган касбини ўзи қизиқиб танлаган бўлса у ҳолда ундаги қобилият касбни тез ўзлаштиришга имконият беради. Акси бўлса бу касбни танлашга қийинчиликлар пайдо қиласди. Албатта ўз устида ишлаб борган касб танловчи касбни онсон ва қулай ўзлаштиради.

Нотўғри касб танлаш тахминан учта йўналишда кўзга ташланади:

- 1) Касб дунёсини билмаслик – мовжуд касблар ва келажаги долзарб касбларни билмаслик.
- 2) Касб танлаш қонунларини билмаслик.
- 3) Ўз ўзини билмаслик – яъни “Мен нимага эга бўлишни хохлайман” ва “нимадан мен қониқаман” деган саволларга ўзида жавоб топмаслик.

Катта хажимга эга бўлган касбларни танлаш учун ўзига хос касблар классификацияси мовжуд. Касб классификациясини Е.А. Климов тамонидан

күрсатиб берилган таснифлари мавжуд. Унга асосан касбни бешта предмет, учта мақсад, түртта омиллар ва түртта меңнат шароитларига асосан таснифлаш мумкин. Клинов Е.А. меңнат қуролларига асосан бешта гурухни күрсатади. Бу “инсон - техника”, “инсон - инсон”, “Инсон - табиат”, “инсон – белгилар тизими”, “Инсон – бадий образ”.

4. Инсон – техника. Бу касб гурухига ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, техникани проектлаш ва тамирлаш билан боғлиқ бўлган касблар киради. Булар инженер, конструктор, лётчик, машинист, шоффёр, электрик, қурувчи ва бошқалар.
5. Инсон – инсон. Бу касб алоҳида ижтимоий характерга эга бўлиб ўзига хос руҳий ҳолатларни ҳам талаб қиласди. Бу касблар инсондан чидам ва талабни сўрайди. Ўзига маъсулиятни олишни, ўзидаги эмоционал ҳолатларни бошқаришни талаб қиласди. Буларга врач, ҳамшира, ўқитувчи, тарбиячи, официант, юрист, сотувчи, сартарош, экускурсовод ва бошқалар киради.
6. Инсон – табиат. Бу касб эгалари трик ва нотрик табиат билан алоқадаги кишилардир. Табиий ресурсларни ўрганувчи, хайвонлар ва ўсимликларни қаровчи, уларни даволаш билан боғлиқ соҳалар. Буларга агроном, зоотехник, ветиринар, кинолог, ўсимликишунос, геолог, эколог ва бошқалар киради.
7. Инсон ва белгили тизим. Бу касб намоёндаларига оғзаки ва ёзма нутқ билан боғлиқ, сон, микдор ва хужжатлар билан ишловчилар киради. Булар экономист, бухгалтер, лингвист, математиклар, программистлар, натариустлар ва бошқалар киради.
8. Инсон – бадий образлар. Буларга музика, бадий – адабиёт, актиёrlар ва бошқа соҳа эгалари киради. Булар ижодий иш одамлари ҳисобланадилар. Улар ижлдий фаолият билан шуғулланадилар. Бу соҳа эгаларида ижод қилиш қобилияти, талант, меңнатсеварлик каби тамонлар бўлиши зарур ҳисобланади.

Албатта бу санаб ўтганлар барча соҳаларни қамраб олмайди. Булардан ташқари кўпгина соҳаларни аралаш ҳолатларини кўрсатувчи касблар ҳам мавжуддир.

Касбга қўйиладиган талаблар бу инсон психик хусусиятлари ва жараёнлари билан ҳам боғлиқдир. Касб танловчи касб танлашда ўзидаги тасаввур жараёнини ҳам тарақкий этдирган бўлиши керак. Ўзи танлаётган касбни кўз олдига келтира олмаса у бу касбни

Такрорлаш учун саволлар

- 1 . Касбга йўналтиришда таълим ва унга бўлган эътибор. Таълим тизими, ундаги психологик шароит ва касб танлаш.
- 2 . Ўқитувчининг психологик маслаҳат хизматлари. Ўқувчиларда билим олишга бўлган интилишни янада ривожлантириш.
- 3 . Касб танлашда билим манбаларини янада кўпайтириш. Касб танлашда ўз билимларига ва малакаларига ишонч хосил қилиш. Касб танлашда ирода кучи ва уни мустаҳкамлаш.
4. Касб танлашга қўйиладиган талаблар. Тасаввур ҳақида билимга эга бўлиш. Касбий маслаҳат ва унинг натижалари. Касбга йўналтирувчи маслаҳат ва унинг аҳамияти. (проф.консультация).

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

1. Касбга йўналтиришда таълим муҳити ва ва шахс имкониятлари.
2. Психологик жараёнлар ва психологик хусусиятлар.
3. Касб танлашда уларнинг ўрни ва аҳамияти. Касбий лаёқат ва психологик хавфсизлик. Касб танлаш (проф.отбор)

1 – савол. Касбга йўналтиришда таълим муҳити ва шахс имкониятлари.

Инсонни касбга йўналтириш, уни хунарли бўлиб ўз ризқини ўзи топиб ҳаёт кечириши бу жамият учун энг зарур бўлган жараён ҳисобланади. Жамият ўз фуқароларини ўзи учун керак бўлган касбларга ўргатишга ҳар доим интилиб келган. Буни биз инсоният тарихидан жуда яхши биламиз. Жамиятнинг ривожланиши, тараққий топиб мустаҳкамланиши кўп жиҳатидан инсонга, унинг эгаллаган касбига боғлиқдир. Жамият инсонларни ишлаб чиқариши, янги ва янги билимларга суюнган ҳолда ишлаб чиқариш билан боғлиқ малакаларни ўзлаштириб боришига суюнади. Жамиятнинг ўзи ҳам ўзи учун керакли бўлган кадрларни яратишга, уларни тарбиялашга ва таълим бериб, ўргатиб жамиятга керакли кадр қилиб етиштиришга интилади. Демак жамият ҳам янги кадрларни яратишга эҳтиёж сезиб боради.

Жамият таълим беришда, яъни кадрларни тарбиялашда ўзининг ривожланганлик даражасида шароитлар яратиб беради. Бу эса жамиятнинг олдида турган манфаатлар, эҳтиёжлар ва қизиқишлоардан келиб чиқади. Таълим жараёнидаги муҳитни биз икки тамонлама тушунишимиз зарур. Бу биринчидан жамият тамонидан яратилаётган шароитлар бўлса, иккинчидан таълим олаётган шахсни ҳам субъектив дунёқарашларига боғлиқ бўлади. Инсонда маълум бир даражада ўзини англаш, жамиядаги эгалаши керак бўлган ўрнини билиб бориши, ўзидаги мақсад ва манфаатларни жамият манфаатлари ва мақсадлари билан боғлай олиши, ўзи ва жамият учун фойдали ишларни қилишга бўлган муносабатидан келиб чиқсан ҳолда шахс ўзига таълим олиш учун шароитлар яратади. Ҳар қандай қийинчиликларга чидам ва матонат билан, ирода кучини сариф қилиб бориб мақсади йўлида курашиб боради. Бу каби кўплаб тамонлар инсоннинг субъектив тамонини ташкил қилиб, асосан ундаги психологик жараёнларга боғлиқ бўлади. Инсон ўзида ўзи ёқтирган касбни эгалашга куч топа олсагина ўз орзуларига ва ниятларига етади. Бу ерда инсонни психик жараёнларини кураши кетади, яъни яхши йўналиш олиш ёки ёмон йўлга кириб кетиш. Енгил ҳаёт уни жазолайди. Мехнатга асосланган касбни эгаллаш эса уни рағбатлантиради. Кўриниб турибдики инсонни ўзида икки тамонни кураши ҳар доим юз бериб туради.

Инсон ўзини яхши тамонлари билан, иродаси ва чидами билан яхши касбларни эгаллаб боради ва жамиятда ўз ҳурматига сазовор бўлади. Буларнинг асосида инсонни ўз – ўзини англаш жараёни ётади.

Жамият таълим беришда ўз кадрларини яхши мутахассис бўлишини истаган ҳолда таълим учун шароитлар яратиб беради. Таълим муҳити жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб уни шакллантириш ва йўлга қўйиш кўпгина меҳнатни талаб қиласди.

Ҳозирда шахсга касб танлаш учун ва шу касбга ўқиш учун ҳамма шароилар мавжуддир. Жамиятимиз таълим тизимида олиб бораётган барча ишлар, ислоҳатлар фактат бир нарсага қаратилган, бу ҳам бўлса жамиятга керак бўлган билимли кадрларни тарбиялаш ва улардан жамиятга керакли бўлган манфаатларни олиш. Албатта инсон энг аввало ўз манфаатларига ўз эътиборни қаратади. Бу инсонни ўзи ёқтирган касбни эгалаши, ундан ўзи учун фойда олиши, бу касбда карьера қила олишга интилиши, ўз ишига ижодий ёндошиб ундан завқланиши каби манфаатларни кўзлайди. Инсон қачон ўзи танлаган касбдан фойда олади? Бу аввалим бор ўз манфаатларини жамият, давлат манфаатлари билан уйғунлаштирган ҳолда юз беради. Бу манфаатлар инсонда маълум бир қизиқишиларни, мативларни шаклланишига олиб келади. Албатта бундан ташқари кўплаб таълим муҳитига таъсир этувчи омилларни санаб ўтиш мумкин. Буларда қуидагиларни намуна сифатида кўрсатиш мумкин:

- Давлатимизни олиб бораётган ислоҳатлари асосан таълим муҳитини яхшилашга ва яхши кадрлар тайёрлашга қаратилгандир.
- Таълим тизимини шакллантириш ва таълимга керак бўладиган асосни яратиш, янги замонавий дарсликлар яратиш, ўқитишининг замонавий кўринишларини шакллантириш ва шу кабилар.
- Ўқувчи – талабаларни психологик хусусиятларидан фойдаланган ҳолда уларда янги педагогик асосдаги билимлар тизимини шакллантириш.
- Хар бир ўқув масканини замонавий талаблар асосида таъминлаш.
- Ўқувчилар учун зарур бўлган ўқув дарсликларини, ўқув қўлланмаларни яратиш ва уларда замонавий таълим тизимини акс этдириш.
- Ўқувчиларга қулайликлар яратиб бера оладиган кутибхоналарни шакллантириш.

-

Дарслар давомида ўқувчиларни мустакил фикирлай олишига зарур бўлган услублардан фойдаланиш ва шу кабилар.

Албатта бундай қулайликлардан фойдаланаётган ёшларни билим олишларида ўзларининг субъектив имкониятларини кўрсата олиш. Ўзини англаган ҳолда ички имкониятларини ишга солиш, жавобгарликни ҳис этиш, шахс сифатида шаклланишларига зарур бўлган ички резервлардан кенг фойдалана олиш. Ўсиб келаётган ёш авлод яратиб берилаётган имкониятларни ҳис этган ҳолда ўз – ўзини тарбиялаб бориб, шахс сифатида бу имкониятларни кенгайтириши зарур. Шахс сифатида ёшларда жуда кўплаб имкониятлар мавжуд. Булар 1) Шахсни ички резервлари, субъектив имкониятлари ҳисобланади. 2) Унга яратилган ташки имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз билимларини, малакаларини шакллантириб бориш. 3) Шахсдаги имкониятлардан яна муҳим тамони бу миллий қадриятларга асосланган ҳолда ахлоқий, эстетик, ижтимоий, иқтисодий билимларни ўзлаштириб бориб ўзидағи имкониятларни янада кенгайтириш ҳисобланади. 4) Шахс касб эгалashi учун зарур бўлган малакалар бу оиласда, атрофдаги яқинлар орасида шаклланади, уларнинг таъсири шахсдаги имкониятларни яна бир қиррасини ташкил этади. 5) Шахсни ўзлигини англаши, танлаган касбига интилиб бориши, бунинг учун ўзидағи психологик хусусиятларни шакллантириши ҳам унинг имкониятларини кўрсатади. 6) Ўқув масканларида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро фаолият ҳам ўқувчининг имкониятларини шаклланишига олиб келади.

Албатта ўқувчиларни талим олишларига яратилаётган муҳит жуда зарурдир. Яратилаётган шароит ўқувчилар орасидан ақилли, билағон, малакали инсонларни етиштириб чиқади. Шу билан бирга шахснинг ҳам ўз имкониятларини шу мақсадга қаратилиши кадрларни сифатини яхшилашга олиб келади. Шахснинг ўз имкониятларини кўрсата олиши бу психологик жараёнлар ва психологик хусусиятлар билан ўзвий боғлиқдир.

Савол. Психологик жараёнлар ва психологик хусусиятлар.

Касбга йўналтириш бу ўзига яраша муҳим ва зарурий жараён бўлиб, унда касбга йўналтирилаётган шахсни психологик хусусиятлари ва психологик жараёнлар муҳим ўрганиш керак бўлган ҳодисадир.



Маълумки **психика** – бу мия тамонидан мовжуд борлиқни акс этдириш, инсондаги учта психологик ҳодисани психологик жараёнларни, психологик ҳолатни ва шахснинг хусусиятлари кўринишидаги жараёндир.

Психологик жараёнлар – психологик фаолиятнинг мураккаб кўринишини ташкил этувчи психик ҳодисаларнинг элементлари ҳисобланади. Улар жуда қисқа вақт давом этади. Инсондаги психологик жараёнларга сезги, идрок, хиссиёт ирода, диққат, хотира, тафаккур ва бошқалар киради.

Психологик ҳолатлар – бу мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир, улар бир қанча кун ёки бир қанча хафта давомида давом этиши, яъни шу жараённи давомиликги содир бўлиши мумкин. Буларга инсондаги тетиклик, сўлғинлик, ишга лоёқатлилик ёки чарчоқ ҳолати, тез жаҳл чиқиши, паришанҳотирлик, яхши ёки ёмон кайфиятни бўлиши кабилар киради.

Шахснинг психологик хусусиятларига – инсонга хос индивидуаль – психологик жараёнлар киради. Бунга шахснинг индивидуаль – психологик жараёнлари, қизиқиши ва ишончлари, билимлари, малакалари, одатлари, темпераментлари, қобилияtlари, характерлари ва шу кабилар. Бу инсонга бутун

умрга берилади ёки маълум бир давр давомида юз беришига олиб келадиган ходиса ҳисобланади.

Инсон ҳаёт фаолияти давомида мана шу юқорида кўрсатилган психологик ҳолатларда бўлади. Инсон нимаики ишни бажармасин ундаги психик жараёнлар уни мақсади сари етаклайди. Худди шундай касб танлашда ҳам шундай жараёнларни инсон ўз бошидан кечириб боради.

3 Савол. Касб танлашда таълим мухитинг ўрни ва аҳамияти. Касбий лаёқат ва психологик хавфсизлик. Касб танлаш (проф.отбор)

Касб танлаш жараёнида ёшларда содир бўладиган ўзига хос жараёнлар бу ундаги жисмоий ва руҳий ўзгаришларда, ўзидағи ўзгаришлар асосида ўзини катта инсон бўлиб бораётганини билиб бориши, атрофдагиларни унга нисбатан катталардек муносабати ва шу каби жараёнлар инсонни энди ўз ҳаётини қуриш учун касб танлашига олиб келади. Касб танлаш учун эса унга билим ва малакалар жуда зарурдир. Касб танлаётган инсон ўзининг психологик жараёнларини ва психологик хусусиятларини бошқариши ва улардан фойдаланиши зарур бўлади. Дейлик, тикувчилик ёки тўқувчилик касбини ўзлаштириб бораётган ёш инсон ўзида шу касб талаб қиласиган психологик жараёнларни ривожлантириши ва унга тайёр туриши керак бўлади. Тикувчиликда психологик жараён сифатида дизайнга мос келадиган муҳим психологик жараёнлар талаб қилинади. Бу сезгирик, дидлик, диққатини ўсганлиги, ҳаёлинин ривожланганлиги, яъни тасаввурлири чуқур ва кенглиги каби кўплаб психологик жараёнлар керак бўлади.

Шахснинг ўзи танлаган касбига лаёқатлиги уни келажагини тамилланганлигини кўрсатади. Ўз ишига лаёқатли инсон умири бўйича ўзига керак бўлган кўпгина нарсаларга эга бўлади. Лаёқатсиз инсон эса ўзини ҳаётини қуришга имконияти бўлмаганидан кўпгина ҳолларда қийинчиликларга йўлиқади.

Касбга лаёқатликни шахсда икки йўналиш бўйича муҳокама қилиш мумкин; бири касбни мувофақиятли эгаллаш орқали, иккинчиси инсонни ўзини меҳнатидан қониқиши орқали. Бу кўрсатилган икки тамон ҳам нисбий бўлиб, у субъективликни кўрсатади. Шунга қарамасдан шу иккала йўналиш касбий лаёқатликни психологик характеристикасини беради.

Инсонни табиий хусусиятлари жуда катта, шунингдек чексиз эгилувчанлик имкониятларини беради. Инсон касбнинг жуда кўп кўринишларига мослашиши мумкин. ва уни субъект сифатида қондириши ҳам мумкин. Инсон эгаллай олмайдиган касб жуда камдир. Касбга тайёргарлик ва кейинги фаолият хар хил тарзада кечиши мумкин, булар ундаги хусусиятлардан

келиб чиқиб давом этади. Энг муҳими ва зарурий тамони бу касбий йўналганлик бўлиб, унда ижобий касбий мотивациялар муҳим рол ўйнайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касбга йўналтиришда таълим муҳити ва ва шахс имкониятлари.
2. Психологик жараёнлар ва психологик хусусиятлар.
3. Касб танлашда уларнинг ўрни ва аҳамияти. Касбий лаёкат ва психологик хавфсизлик. Касб танлаш (проф.отбор)

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шаҳри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

10 – мавзу. Касбга йўналтириш ва таълим жараёни иштирокчиларининг психологик, физиологик саломатлиги.

1 – савол. Касбга йўналтириш ва таълим жараёни иштирокчилари тушунчаси ва унинг шарҳи. Таълим жараёнида ўқувчиларга касбий маслаҳат, касбий саралаш, касб танлаш масалалари бўйича йўналишлар бериш.

2 – савол. Таълим жараёни ва касб танловчиларнинг психологик, физиологик сломатлиги. Ёш дварлар психологияси ва касб танлаш масалалари. Болаларнинг физиологик тузилиши ва уларнинг эволюцион даврлари. Касб танлашда болалар тараққиёт даврлари ва уларнинг эҳтиёжлари. Етук инсонни тайёрлашда медицина, психология ва фалсафий билимларнинг ўрни.

1 – савол. Касбга йўналтириш ва таълим жараёни иштирокчилари тушунчаси ва унинг шарҳи. Таълим жараёнида ўқувчиларга касбий маслаҳат, касбий саралаш, касб танлаш масалалари бўйича йўналишлар бериш.

Ўқитувчи ўз тарбиялаётган ўқувчиларга таълим бериб борар экан, шу билан бирга уларни касб танлашларига хам ёрдам беради. Бизга маълумки мактабнинг келажакда касб танлашга имконияти бўлган ёшларга таълим беришдан иборат асосий вазифаси – бу ўқувчиларнинг фан асосларини фаол, онгли, мустаҳкам ва тизимли равишда эгаллашини таъминлашdir. Булар асосида ўқитувчи ўқувчиларга маълум бир касбларни танлашлари учун тавсиялар бериб боради.

Таълим жараёни иштирокчилари – бу ўқитувчи ва ўқувчи ҳисобланади. Бу ерда таълим берувчи педагогни ва таълим олувчи ўқувчи назарда тутилади. Булар биргаликда таълим жараёни иштирокчилари ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки таълим олаётган ўқувчи ва таълим берувчи ўқитувчининг ўзига хос бўлган психологик хусусиятлари ва жисмоний имкониятлари мавжуд бўлади. Булар эса ўз навбатида таълим олишга ўз таъсирини кўрсатиб боради. Булар ҳақида биз олдинги маъruzamizda ҳам тўхтаб ўтган эдик.

Ўқитувчи таълим бериш давомида болаларнинг иқтидоридан ва қобилияти, қизиқишидан келиб чиқиб, мактабдан кейинги узулуксиз таълимни қайси йўналишига таълим олиш учун киришларига ёрдам беради. Бу ердан касбий маслаҳат берш учун ўқитувчи ўзи ҳам касбий маслаҳат тўғрисида маълумотга эга бўлиши кераклиги келиб чиқади.

Касбий маслаҳат (профессиональная консультация) – бу лотинча сўз бўлиб, касб тури, кўриниши, консультация – бу маслаҳат деган маъно келиб чиқади. Касбий маслаҳат бу асосан ёшларга касблар ҳақида илмий асосланган маслаҳат бериш бўлиб, у асосан ёшларни қобилияти, манфатлари, қизиқишлиари, интилишлари асосида касб танлашларига ёрдам берувчи соҳадир. Касбий маслаҳат ҳар бир касб ҳақида маълумотларга эга бўлиши, шунингдек кадрларга бўлган эҳтиёжлар, меҳнат фаолияти, касбнинг ижтимоий – иқтисодий ва санитар – гигиеник статуси, касбга ўқитиш ва инсонга касб қўядиган талаблар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак. Бунда инсон психик хусусиятларига, медицина ва жисмоний кўрсатгичларига ва касбга мос келмаслик тўғрисида ҳам маълумотга эга бўлиши керак.

Касбий маслаҳат – ёш даврларга қараб, маълумот даражасига қараб ва унда иштирок этаётган ўқитувчиларига, ота – оналарнинг иштироқига қараб мувофақиятли чиқади.

2 – савол. Таълим жараёни ва касб танловчиларнинг психологик, физиологик сломатлиги. Ёш даврлар психологияси ва касб танлаш масалалари. Болаларнинг физиологик тузилиши ва уларнинг эволюцион даврлари. Касб танлашда болалар тараққиёт даврлари ва уларнинг эҳтиёжлари. Етук инсонни тайёрлашда медицина, психология ва фалсафий билимларнинг ўрни.

Ўқитувчи ўқувчиларга таълим бериш давомида уларни касб танлашларига йўлланмалар берар экан шунинг билан бирга уларни психологик ва жисмоний саломатлиги ҳақида маълумотларга эга бўлиши керак бўлади. Касб танловчи хисобланган ўқувчилар ўзларини руҳан ва жисмонан соғлом эканликларини медицина кўригидан ўтиб тасдиқлашлари мумкин бўлади. Бундан ташқари мактаб психологлари ва врачлари ҳар доим уларни кузатиб борадилар. Психик хусусиятлари ёшига қараб ривожланиб бораётган ўқувчи ўзидағи психологик хусусиятларни кузатиш орқали ўзгариб боришини билиб боради. Боладаги дикқат, сезги, фаҳм – фаросат, характер, тафаккур қилиш, қобилият ва бошқа психологик хусусиятлар ўқувчининг ривожланиб бориши билан ўзгариб, такомилашиб боради. Айниқса бу ўсмирилик даврида жуда яққол кўзга ташланади.

Ўсиб бораётган болада жисмонан ўзгаришлар ҳам содир бўлиб боради. Ўқувчининг жисмонан имкониятлари кўпаяди. Ўзини ва жисмоний кучини бошқариш, танасидаги ўзгаришларни кузатиш орқали, ўзида катталарга ўхшаш тамонлар пайдо бўлишини қўради. Булар эса уни психологик жиҳатидан катталардек тутишга, ўзини маълум бир касбда қўришга интилтиради.

Умуман олганда ўқувчидаги психологик ва жисмоний тамонлар асосан унинг нерв – физиологик тамонлари билан боғлиқ бўлади. Инсондаги юз бераётган психологик ва жисмоний ўзгаришлар унинг мияси билан, психофизиологик жараёнлар ва нерв – физиологик жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлади. Буларни ўрганган олимлар инсонни касбига хос тамонларни ҳам кўрсатиб берганлар. Инсонни жисмоний ва руҳий соғлигини ўрганган олимлар қаторига И.М. Сеченевни, И.П.Павловни ва бошқа қатор олимларни кўрсатиш мумкин. Касб билан боғлиқ масалалар кўпроқ кейинчалик К.М.Гуревич номи билан боғлиқ боғлиқдир. К.М.Гуревич касб масаласи билан шуғулланар экан инсондаги индивидуал – психологик хусусиятларнинг асосида психофизиологик жараёнлар ётишини кўрсатиб, И.П.Павлов, Б.М. Теплов олиб борган ишларга суюнган ҳолда тушунтириб беришга интилади.

Ўқувчини ёши катта бўлиб борган сари ундаги характер, одатлар ўзгариб боради. Бу унинг жисмоний ва психологик тарақиёти билан боғлиқ бўлади. Хозирги вақтда индивидуал – психологик фарқланишлар фундаментал назарий ва амалий экспериментларга асосланади. И.П. Павлов тамонидан ташкил этилган ва Б. М. Теплов тамонидан ўрганилган нерв тизимининг хусусиятлари назарияси инсондаги психофизиологик томонларини асослаб беради. Бу назария бир қанча колективларни иши бўлиб, Б.М. Теплов ва унинг ходимлари бу ишни бошлаган бўлса, уни В.С.Мерлин колективи давом этдириди, Е.А. Климов ва бошқалар бу назарияни ҳар хил шаҳарларда ва чет элда ўрганишни давом этдирилар.

Б. М. Танлов кўрсатиб ўтганидек касб танлашдаги инсонни ҳар хил хатти харакати, унинг ўзига хослиги, унинг ишончи, қизиқиши, билими, лаёқати, одати, ўзига хослиги шахс психологик хаёти билан боғлиқ бўлади. Инсонда юз бераётган жараёнларнинг психологик ва физиологик томонларининг асоси бу ёки бу даржада содир бўлаётган шартли боғланишлар хисобланади. Теплов Б.М. бир хил шароитларда ҳам инсонлар бир – биридан ажралиб туришини, уларни билим олишида, иш бажаришдаги психо – физиологик имкониятлари ҳар хил бўлишини кўрсатиб ўтди. Бу жараён И.П.Павлов тамонидан номлаган нерв тизимида ёки олиб нерв фаолиятига боғлиқ бўлади.

И. П. Павлов тасаввурича нерв тизмини учта хусуяти мавжуд. Бу унинг кучи, харакачанлиги ва мувозанатлигидир. Булар нерв тизмининг хусусиятлари ўзаро муносабатда инсонга хос бўлган 4 та темпераментни шакллантириади. Булар сангивиник, холерик, флегматик ва меланхолик типлардир. Булар эса инсондаги жисмоний ва психологик жараёнларда, уларнинг ҳалотларини тушунтириб беришда катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу каби кўплаб тадқиқотларда касб танловчининг психологик ва жисмоний соғломлиги масаласи кўрилгандир. Ўқитувчи ўқувчи билан ўзаро

муносабатда бўлганида унинг психологик ва физиологик ҳолатларини ҳам ўрганиб боради. Танаси соғ ва руҳи соглом бўлган ўқувчи ўзи танлаётган касбни аниқ ва иродасига асосланиб танлаб олади.

Ёш даврлари ўзига хос бўлган психологик ва жисмоний тузилишни олиб келади. Касб танлашда боларни ёшига асосан ўзига хос бўлган психологик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда касбга бўлган муносабати шаклланади. Бу соҳада аввалдан ҳам инсонларни маълум бир ёшига қараб ажратишлар бўлган. Дейлик Қадимги Хитойда шундай классификация қилинган:

- * Ёшлик даври (20 ёш)
- * Никоҳга киришиш даври (30 ёшгача)
- * Ижтимоий вазифаларни бажариш ёши (40 ёшгача)
- * Янглишганлигини билиш ёши (50 ёшгача)
- * Ижодий ҳаётнинг охирги даври (60 ёшгача)
- * Истаган ёши (70 ёшгача)
- * Қарилик даври (70 ёшдан катта)

Инсон билимининг хар хил йўналишларида : пидиатрияда, антропологияда, психологияда ёшига қараб классификация қилишнинг хар хил кўринишлари мавжуд. Инсон ҳаётини дифференциациялашга қараб асосан унинг хар хил кўринишлардан фойдаланамиз.

Эрамиздан аввал VI аср – Пифагор классификацияси:

- Шакилланиш даври (0 – 20 ёш)
- Ёшлик даври (20 – 40 ёш)
- Кучга кирган даври (40 – 60 ёш)
- Қарилик даври (60 – 80 ёш)

Худди шунингдек касб танлаш билан боғлиқ бўлган кўплаб классификациялар мавжуддир. Дейлик, Д.Сьюпер классификацияси.

- 1) Ўсиш даври (туғилгандан то 14 ёшгача)
- 2) Изланиш даври (15 ёшдан 24 ёшгача)
- 3) Эгаллаган мартабасини мустаҳкамлаш (25 дан 44 ёшгача)
- 4) Эгаллаганларини сақлаб қолиш (45 дан 64 ёшгача)
- 5) Инқрор даври (65 дан кейинги даври)

Касб танлаш билан боғлиқ даврларга суюнган Е. А. Климов бўйича касб классификацияси. Бунда Климов Е.А. тўққизта фазани кўрсатади. Булар :

Шаклланмаган касб танлаш – бунда болаларда маълум бир касбга нисбатан қизиқиш ва хавас ортади.

Танлаш фазаси – бунда инсон касб танлашга тегишли масалалар билан бевосита шугулдана бошлайди ёки бу мажбуриш тарзда юз беради.

Мухлислик фазаси – бунда инсон касб танлаш йўлига ўтади ва уни эгаллади (бунда касб – хунар коллежлари, лицейлар, мактабларда ўқиётган талабалар ва олийгоҳларда касбни эгаллаб дипломга эга бўлган мутахассислар киради).

Мослашиш фазаси – ёш мутахассис коллектив меъёrlарига мослашади ва хархил касбий вазифаларни бажаради.

Интернал фаза – бу энди малакага эга бўлган ўз касбини севучи, мустақил равишда касб билан боғлиқ масалани еча оладиган шахс.

Уста бўлганлик фазаси – бунда ишчи оддий ва энг мураккаб касбга хос бўлган масалаларни еча олади. У ўзига хос индивидуал, қайтарилмас фаолият турини эгаллаган бўлади.

Авторитарлик фазаси – Авторитет – бу ўз касбини устаси, номи чиққан мутахассис ҳисобланади. Касбий вазифаларни бажаришда малакага, билимга, уддалай олишга, ишни ташкил эта олиш билан боғлиқ бўлган ёрдамчиларга эга бўлган шахсадир.

Шогирдлар яратувчи фаза- Ўз касбида уста бўлган бу инсон шогирдлар ортира олади ва хамфикрларга эга бўла олади.

Касб танлашда яна шуни билиш керакки болаларни жисмоний тузилиши ва ўсиб боришининг эволюцион даврлари мавжуд. Шулардан келиб чиққан ҳолда болалар ўzlари ёқтирган касбларни танлаб борадилар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касбга йўналтириш ва таълим жараёни иштирокчилари тушунчалиси ва унинг шарҳи.
2. Таълим жараёнида ўқувчиларга касбий маслаҳат, касбий саралаш, касб танлаш масалалари бўйича йўналишлар бериш.
3. Таълим жараёни ва касб танловчиларнинг психологияк, физиологик сломатлиги.
4. Ёш даврлар психологияси ва касб танлаш масалалари. Болаларнинг физиологик тузилиши ва уларнинг эволюцион даврлари.
5. Касб танлашда болалар тараққиёт даврлари ва уларнинг эҳтиёжлари.

6. Етук инсонни тайёрлашда медицина, психология ва фалсафий билимларнинг ўрни.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шаҳри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

11 – мавзу. Касб психологияси фани ва таълим мұхитида психодиагностик ғаолият. (Збсоат. охири)

1 – савол. Касб психологияси фани, таълим мұхити ва психодиагностик ғаолият.

2 – савол. Психодиагностика ва касб психологияси масалалари.

3 – савол. Касбий маслаҳат бериш учун ишлатиладиган тестлар.

1 – савол. Касбий психология фани, таълим мұхити ва психодиагностик ғаолият.

Инсонни касб танлашида, уни шу касбни әгаллашида ва кейинчалик нафақага кетишида касб психологиясини ўрни ва аҳамияти каттадир. Айниқса ёшларни ўзлари ёқтирган касбларини әгалашларида, шу касбга хос бўлган лаёқатлари борликларини билиб олишларида, шу касбга тайёргарлик кўришларида касб психологиясининг ўрни жуда каттадир. Касб психологияси инсон ва касб ўртасидаги юз берадиган психологик жараёнларни, психологик шароитларни ва инсонга тегишли бўлган психологик хусусиятларни ўрганиб бориб ёшларга ўз тавсияларини беради. Шунинг учун ҳам касб психологиясининг инсон ҳаёт ғаолиятидаги ўрни жуда каттадир.

Касбга тайёрлашда таълим тизимининг ва жамият ярататиган мұхитнинг ўрни ҳам жуда катта ҳисобланади. Таълим мұхити бу ёшларни яхши мутахассис бўлиб етишларига шароитлар яратади. Таълим мұхитини яратилиши кўплаб яхши кадрларни, яъни билимли, малакали, одамлар ва техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқаришга ўз улушини қўша оладига, интизомли, ҳалол ишлайдиган, жамият манфаатларини ўзининг манфаатлари билан қўшиб олиб бора оладиган, кенг дунёқарашга эга бўлган, инсонларни, замондошларини ўйлайдиган, ахлоқли ва эстетик билимларни ўзида мужассамлантирган шахсни шакллантиради. Бундай инсонни шакллантириш жуда кўп вақтни талаб қиласи. Жамиятда ҳар бир шаклланаётган шахсни қандай касбни әгаллашга ва унга бўлган лаёқати инсон учун билиши зарур бўлган манфаатлардан бири ҳисобланади. Бундай имкониятни эса касбий психодиагностика беради.

Психодиагностика – бу инсонни индивидуал – психологик ва психофизиологик хусусиятларини тахлил қиладиган, ўлчайдиган ва баҳолайдиган психология фаниниг бир йўналиши ҳисобланади. Касбий психологик диагностика эса айнан касбга хос бўлган инсондаги психологик жараёнларни ва хусусиятларни ўлчайдиган, тахлил қиладиган ва баҳолайдиган психологиянинг яна бир йўналиши ҳисобланади. Бу лар асосан инсоннинг амалий ҳаётини ўрганишга қаратилган жараёнлардир. Диагностика сўзи грекчадан олинган бўлиб, аниқлаш деган маънони билдиради. Психодиагностика – бу психология фанининг маҳсус йўналиши бўлиб индивидни, гурӯхларни психологик ҳолатини, хусусиятларини ўрганади ва баҳолаш учун маҳсус усуслар ишлаб чиқадиган соҳадир.

Психодиагностика бу инсон фаолиятини ҳамма қирраларини қамраб оладиган ва ундағи психик тамонларни амалий ўрганадиган фандир. Унинг соҳалари кўп бўлиб, шулардан бири бу касбий психология ҳисобланади. Касбий психодиагностика инсонларни касбларга хос бўлган қирраларини ўрганади, уларни касбий лаёқатларини, психологик хусусиятларини, меҳнат жараёнида юз берадиган психологик жараёнларини ва шу кабиларни ўрганиб боради.

Касбий фаолиятнинг психодиагностикаси инсонни касбий қизиқишларини ҳар хил саволлар орқали, маҳсус психологик тестлардан фойдаланган ҳолда ўрганади. Булар шахсни маҳсус касбий йўналишини чукур ўрганишга имконият беради ва унинг кўринишларини юзага чиқиши имкониятларини беради. Психодиагностика ёрдамида қуйидаги тамонларни аниқланади:

Касбий қобилияtlарни аниқлайди:

- Бошқариш қобилияtlарини аниқлаш;
- Ижодий имкониятни аниқлайди;
- Менежерлик қобилияtinini аниқлайди;

Шахсга хос бўлмаган хусусиятларни аниқлаш:

- Ютуққа олиб борувчи мотивларни ва мувофақиятсизликдан қўрқиши;
- Шахснинг иродавий хусусиятларини аниқлаш;
- Ишблармонлик қобилияtinini аниқлаб олиш;
- Ҳаётий ҳолатларни назорат қилиш даражаси.

Мослашиш (адаптация) ва иродавий хусусиятларни баҳолаш:

- Нерв – психологик барқарорликни баҳолаш;
- Эркакларни лидерлик хусусиятларини аниқлаш;
- Риск қилишга тайёргарликни аниқлаш;
- Аёлларни лидерлик хусусиятларини аниқлаш;
- Мослашиш қобилияtlарини ўсиб бориш даражасига баҳо бериш.

Инсонни ўзига касбни танлаши қўп ҳолларда унинг ҳаёт йўлини аниқлаб олишига олиб келади. Инсонларни тахминан 50 фоизи ўзи танлаган касбни

нотүғри танлаганидан шикоят қиласы. Инсонни маълум бир касбга лаёқати борлигини бу касбни танламасдан олдин аникланиши психодиагностика орқали аникланиши мумкин. Бу инсонни касб танлашида мақсадларини аниклаб олинишига олиб келади, шунингдек кишини эгаллаб турган мансабига мос ёки мос эмаслигини хам кўрсатиб беради.

Маълум бир касбий фаолиятни танлашда инсонни қизиқишлари, манфаатлари асосий туртки ҳисобланади. Бунда унинг билишга бўлган эҳтиёжи ва маълум бир фаолиятга интилиши ётади. Инсондаги қизиқиш уни маълум бир аниқ касбни танлашга шароит яратади.

Касбий қобилияtlарни аникланиши. Бошқариш қобилиятини аникланиши – бу бошқара олиш, раҳбарлик қила олиш билан боғлиқдир. Бошқара олишга хос тестлар инсонни шахсий характерини ва раҳбарлик, ташкилотчилик қила олишига хос имкониятларни синааб олади. Воҳоланки бошқарувчи – бу ловозимли шахс бўлиб, бу лавозимга тайинланади ва бошқаришга хуқуқи бўлган жавобгар шахс ҳисобланади. Шунинг учун хам бу шахс бошқариш қобилиятига эга бўлиши ва қўйидаги жараёнларда кўринади:

Мустақил равишда қарор қабул қила олиш;

Тахлил қила олишлик қобилияти, бу эса уни келажакни кўра олишга хизмат қиласи.

Ишблармонлик қобилиятига эга бўлиб, ўз мақсадларини эгаллашга, ўзига хос қайтарилмас ғояларга ва бир хил бўлган қарорларни қабул қила олишлик, уларни риск қилиш билан боғлиқлиги ва бу рискларни бошқара олишлик.

Ривожланган интиллект, ривожланган интуицияга, ижод қилишга қобилияти бўлиши.

Булардан ташқари бошқарувчи ташкилотчилик, киришувчанлик, мулоқат қила олишлик, илмий - техник, педагогик, математик қобилияларга эга бўлиши зарур. Бошқарувчидаги шунга мос малака, тайёргарлик, ишлаб чиқишидаги ва касбдаги малака, шунингдек шахснинг маълум бир йўналиши ва индивидуал – психологик хусусиятлари хам бўлиши зарур.

Бошқарув фаолияти амалиётида одамларни ишонтира олилиқ, айниқса катта сонли одамларини ишонтира олишлик қобилияти хам бўлиши керак бўлади.

Бошқариш қобилиятига қаратилган тестлар бу инсонни бошқара олиш қобилиятини шахсий характерларида келиб чиқсан ҳолда ва раҳбарлик, ташкилотчилик ишига интилишларини кўрсатиб беради. Бунинг учун эса инсонга катта малака, билим ва кўнималар керак бўлади. Бу бошқариш касбнинг “инсон - инсон” кўринишига тегишли бўлиб, бошқарувчидан ўзига

хос кўп талабларни қўяди. Бу ҳар хил даражадаги раҳбарлар, яъни бошқарувчи, мастер, кадрлар билан боғлиқ раҳбарлар ва шу кабиларга хосдир.

Ижодий имкониятларни баҳолаш: Ижодий имкониятларни диагностика қилиш:

Ижодий имкониятларни баҳолаш – инсон ривожланишидаги муҳим давр ҳисобланади. Муҳим илмий муаммоларни, назарияларни ечиш, кашф қилиш ва ихтро қилиш, бадиий асарларни яратиш – бу инсон ижодий фаолиятиинг натижасидир. Инсонларни индивидуал хусусиятлари кўпгина касблар учун маълум бир аҳамиятга эга бўлади. Ўзи эгаллаган касб соҳасида натижали иштирок этиш учун уларга ижодий ёндошиш зарур бўлади.

Ижод – бу энгаввало руҳлантирувчи меҳнат, инсондан кучли жисмоний ва маънавий куч сариф қилишни талаб қиласиган жараёндир. Маълумки ҳар қандай инсон ижодкор бўлиши ёки меҳнаткаш бўлиши қийин, чунки бу жуда мураккаб жараён бўлиб, инсонни бутун бир ҳолда эгаллаб олиб уни фикрларини, вақтини ва бошқа жараёнларни бошқаради. “Ижодий тафаккур”, “ижодий меҳнат” ларни машиқ қилдириш “эмоционал бой” шахсга тегишли бўлади. Инсоннинг ижодий фаолияти унинг малакаларини бойиб бориши билан, бошқа инсонларнинг малакаларини ўзиги сингдириши билан ўсиб боради. Ижодий фикрларни асоси бўлиб мотивлар ётади ва уларнинг сифати ижодкорнинг ортирган билимлари ва малакалари билан боғлиқдир. Агарда инсонда билишга эҳтиёж бўлмаса, у ҳолда ижодий фаолиятга хам умид боғламаса бўлади.

Ижодкор инсонга тегишли бир қанча асосий сифатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- v Меҳнатсеварлиқ, ишга нисбатан диққатли бўлиш ва ижодий муносабат;
- v Мустақиллиги, бажарувчанлиги, харакатчанлиги.
- v Билим ва умумий маданият.
- v Интуиция ва ақилнинг эгилувчанлиги.
- v Ишни ташкил қила олишлик вамалака, ривожлантириш.
- v Тўғрилик, ўзига нисбатан талабчанлик, ишонч.

Ўзига бўлган ишончга баҳо: Ўзига бўлган ишончни диагностикаси:

Ўзига бўлган ишончни бўлиши касб танловчи учун жуда зарур бўлган жараёндир. Бу жараён ўзига ишонмаган одамни ўзига ишончни бўлишини тарбиялаш ва ўзига бериладиган баҳони юқори бўлишига олиб келади. Инсонни ўзига бўлган баҳони ўрганувчи психологик тест шахсни ижтимоий – психологик харкатерлаш учун зарурдир.

Ўзига бўлган ишончни баҳолашга қаратилган жуда кўп критериялар бор. Булар ҳулқ – автор билан боғлиқ, эмоциональ, когнитив, социаль – психологик томонлардир. Ўзида ижобий тамонларни яратиш учун бошқаларга ижобий,

ғамхўрлик билан боғлиқ тамонларни кўрсата олиш керак бўлади. Бу жараёндан ролли ўйинлардан, моделлаштирилган шароитлардан фойдаланиш мумкин. Булар маълум бир мураккаб шароитларни вужудга келтиради ва шу ҳолатлардан чиқиб келади.

Ўзига ишонган одам ҳар қандай ҳолатда ютуққа эга бўлишига ва уни эгаллашга интилади. Бу соҳада ўтказиладиган тестлар, тренинглар инсонни ўзига ишончни бўлишини тамиnlайди.

Менежерлик қобилиятини аниқланиши:

Ҳозирги вақтда корхонани, ташкилотни бошқара оладиган ва уни фаолиятини ташкил қила оладиган яхши мутахассисларга талаб ўсиб бормокда. Менежерлар бошқарув – хўжалик раҳбарлигига кенг мустақилликни эгалладилар, айниқса муҳим иқтисодий ва маблағ масалаларида. Мисол учун, персаналларни бошқариш бу жуда мураккаб фаолият бўлиб, ҳар хил фаолият турлари қамраб олинади

Менежернинг ташкилотчилик қобилияти ўзида қуидагиларни қамраб олади:

- ☆ Бошқа одамнинг психологиясини чуқур ва тез тушуниб олиш қобилияти, унинг қобилиятларини ташкилот манфаатларига қаратса олиш;
- ☆ Одамларни руҳиятига таъсир эта олиш қобилияти, уларни бирлаштириш, йўналтириш ва колективнинг кучини йўналтириб турса олишлик;
- ☆ Ташкилотчилик ишига қизиқиши – барқарор қизиқиш ва унга психологик тайёр бўлиш, уни бажаришга бўлган эҳтиёж;
- ☆ Маълум бир қобилият ҳақида маълумотларга эга бўлиш, бу ҳолда менежерлик ҳақида, кадрларни танлаш ва жойига қўя олишликни тўғри ташкил этиш;
- ☆ Бу қобилиятларни ривожлантириш билан боғлиқ билимларни ўзлаштиришдан ташқари қуидаги сифатларга ҳам эга бўлиб бориш зарур: қатъиятли бўлиш талабчан бўлиш, мақсадга интилувчан бўлиш, харакатчан бўлиш, узоқни кўрадиган бўлиш, мустақил бўлиш, ишблармон бўлиш кабилар.

Шахсга хос бўлмаган хусусиятларни аниқлаш:

Ютуққа олиб борувчи мотивларга ва мувофақиятсизликдан қўрқишига баҳо. Ютуққа олиб борувчи мотивларга ва мувофақиятсизликдан қўрқишини ўрганувчи диагностика. Ютуққа эга бўлишга интилган киши ўзини тўла имкониятларини шу йўлда сарифлайди. Касб танлашда кишилар нотўғри касб танлаб қўйишдан қўрқадилар. Айримлар эса ўз фикрига эга бўлиб шу фикр учун барча чораларни кўради. Бундай ҳолат қўпинча ёшларни касб танлашларида юз беради. Шунинг учун уларни тўғри касб танлашларига ҳар

хил даражада маслаҳатлар берилиб борилади. Маслаҳатлар бериш учун эса психологлар тестлардан фойдаланадилар.

Шахснинг иродавий сифатларига баҳо: Шахсни иродавий сифатларини диагностика қилиш:

Инсонни ўз иродасини шакллантиришга ёрдам бериш учун, ўзидағи иродавий сифатларни тарбиялаш ва бошқариш учун тестлардан фойдаланиш зарур бўлади. Инсон олиб бораётган иш фаолиятида инсонни иродавий куч сариф қилиши зарур бўлган жараёндир. Инсондан айрим ишлар учун кўпроқ ирода қуки сариф қилинади. Инсон ўзига хос ҳолда билим олиш учун, малакага эга бўлиш учун, меҳнат қилиши учун, ўзига ёқсан иш билан банд бўлиши учун ва шу кабилар учун ҳар доим иродавий куч сариф қилиб туради. Инсондаги сабр – тоқат, чидам, ўзини ушлаб тура олишлик каби жуда қўп психологик сифатлар тестлар орқали аниқланади. Демак кўриниб турибдики инсон ҳар қандай касбни танлар экан у ерда унинг иродаси муҳим бир психологик жараён сифатида керак бўлади. Буларни ўлчаш ва ўрганиш эса касб танлаш учун жуда зарур жараён ҳисобланади.

2 – савол. Психодиагностика ва қасб психологияси масалалари.

Психодиагностика бу инсон ҳақидаги керакли бўлган психологик маълумотларни беради. Қасбий психологик диагностика ривожланиши, шаклланиши 1849 йилда Францияда ёзилган “Қасб танлаш бўйича қўлланма” китобини нашир қилишдан бошланди. Кейинчалик биринчи диагностика қилиш методлари пайдо бўла бошлади. Инсонни диагностика қилиш, унинг қобилиятларини ривожлантириш асосида хусусий маслаҳат берувчи идоралар шаклланди. Бу Англияда, АҚШда, Францияда пайдо бўлди. Фарбда бундай тизимни аниқ тизими шаклланди. У ўзига учта бўлимни қамраб олади. Булар - мактаб, меҳнат биржаси ва психологик лабараториялардир. Бу учта бўлим қасбга йўналтириш назариясини, аниқ диагностик усулларни, қасбни инсонга талабини тахлил қилишни ўзида қамраб олади.

Қасб танлашнинг биринчи назарияларидан бири бу Ф. Парсонснинг учомилли модели бўлиб, унинг асосий холатини Ф. Парсонс 1908 йилда шакллантириди. Қасбга йўналтириш ишининг учта фазаси унинг асосий ғоясини ташкил этади :

4. Биринчи, қасбга давогарнининг шахсий ва психологик қобилиятларини ўрганиш;

5. Иккинчи, бу касбни талабларини ўрганиш ва уларни психологик терминларда шакллантириш;
6. Учинчи, бу икки тамонни таққослаш асосида касбни инсонга қўядиган талабини ва инсонни шу касбга хос хусусиятларини ўрганилади.

Бу назария ўтган асрнинг 50 йиллари гача хукмрон назария сифатида бўлди. Кейинчалик унга нисбатан танқидлар ҳам пайдо бўлди. Бундай ҳолатни бўлиши бу инсонларни касб танлашга қаратилган тестларга қаттиқ берилганлиги бўлди. Тестлар орқали билдирилган фикрлар қатъий хукм сифатида қабул қилинди. Бундай изланишлар ва амалий ишланмалар касб қўйган талаблардан келиб чиқкан ҳолда инсонга таъриф ва характеристика сифатида берилди. Инсондаги мавжуд бўлган табиийлик ҳисобга олинмади. Инсоннинг индивидуал ҳислатлари, яъни унинг тафаккури, дикқати, хотираси, реакциясини тезлиги кабилар ҳисобга олинмади. Бу ерда “инсон – касб” муносабати касбдан келиб чиқкан ҳолда инсонга бўлган йўналиш тарзида ўрганилди. Мана шулар асосида касб танлаш ва касбий машқулар амалга оширилди.

Шуни айтиш керакки касб танлашни узоқ вақт давомида касб ва индивидуаллик ўртасидаги талабларни мослигини ўрганишни изланиш асосида ўрганиб келди. Бундай ёндошишни “диагностик” ёндошув деб номлаб, уни касбий маслаҳат ва касбга йўналтиришга тегишли деб баҳоладилар. Шу билан бирга касблар дунёси ўзгарувчанлиги касбларни инсонга қўядиган талаби ҳам ўзгариб боришини унутдилар. Шу билан бирга инсоннинг индивидуаллиги ҳам худди қотиб қолган, ўзгармайдиган жараён сифатида қаралди. Лекин шуни айтиш керакки қобилиятлар статистика билан боғлиқ эмас, балки болани тарбиялаш ва таълим бериш билан боғлиқдир. Бундан келиб чиқкан ҳолда айтиш керакки ҳар қандай диагностика бу “ривожланиш кесимини” кўрсатади холос, у узоқ давом этадиган прогнозни бермайди.

Субъектнинг фаолиятидаги ҳар қандай ҳаётий ўзгариш, мотивларни ўзгаришлари унинг қобилиятларини ривожланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун қобилиятни ўлчаётганда жуда эҳтиёткорлик билан уни тушунтириш ва шарқлаш керак бўлади. Фақат шуларга асосан касбга йўналиш беришга йўл қўймаслик керак.

Касб танлаш учун керак бўлган қобилиятларни ривожлантиришга керак бўладиган тестлар арсенали психологларда мовжуддир. Масалан, Амтхауэр Р. нинг тести уч парметрда – гуманитар, математик ва техник соҳада қобилиятларни кўрсатиб бериши мумкин.

Психодиагностика айниқса уни касб билан боғлиқ жараёнлари ёшларни ўзларининг лаёқатларидан келиб чиқкан ҳолда касб танлашлари учун мұхим восита ҳисобланади. Албатта фақат психодиагностик тамонларга сүяниш, яъни тестлардан фойдаланиш, сұхбатлар қилиш, болани ўз устида ишлаши, атрофдагиларни болага таъсири ва шу каби күплаб омиллар касб танлаётган болаги түғри касб танлашларида йўл йўриқ беришда фойдали ҳисобланади. Касб танлаётган болаларнинг онги, билими, малакаси, қизиқиши, ҳаётий эҳтиёжлари унинг фаолиятида етарли таъсирга эга бўлади.

Касб психологияси албатта ўз олдида турган вазифаларни ва мажбуриятларни ўташда психодиагностикага сүянади. Унинг имкониятларидан кенг фойдаланади.

3– савол. Касбий маслаҳат бериш учун ишлатиладиган тестлар.

Касбий маслаҳат – бу ёшларни ўzlари қизиқкан касбларини танлаб шу касб бўйича тайёргарлик кўришлари билан боғлиқ жараёндир. Касбий маслаҳат бериш учун эса шахсни диагностика қилинади, яъни унинг қизиқишлигини, интилишигини, қобилиятлари, лаёқатлари тестлар орқали синалади. Тестлардан олинган маълумотлар асосида эса психологлар ўз тавсияларини берадилар. Тест – бу инсон ҳақидаги маълумотлар олиш, уни маълум бир йўналиш бўйича имкониятларини синаш ҳисобланади. Тестлар ўтказиш орқали нафақат маълумот олиш балки, олинган натижалар асосида маслаҳатлар беришни ва маълум касбларга йўналишлар беришни ҳам ўзига мужассамлаб олади. Бу ерда фақат тестгина эмас балки ўқитувчи ўқувчини кузатиши, иш фаолиятларини ўрганиши ҳам зарур бўлади. Булар ҳам касбий маслаҳат беришда тест каби мұхим ҳисобланади. Албатта тестга қўйиладиган талаблар бунда ўз ифодасини топиши зарур.

Диагностика тестлар орқали инсон ҳақида унинг фаолиятлари ҳақида маълумотлар олади. Диагностика тестлар, сўровномалар, тренинглар орқали ўзига тегишли бўлган маълумотларни йиғиб олади. Психодиагностика тестлар орқали касб танловчининг касбга лаёқатини текшириб боради. Бунга мисол қилиб Дж. Холландни шахсни психологик типини аникловчи ва унга мос бўлган касбни кўрсатиб берувчи сўровномани, А.Е. Голомштокнинг “қизиқишликар тасаввурларини”, Климов Е.А. нинг Дефференциаль- диагностик

сўровномани, Федоршен Б.А.нинг “Коммуникатив ва ташкилий қизиқишлир”, Д. Беннеттнинг тестларини кабиларни кўрсатиш мумкин. Бундай тестларни ўтказиш ёшларни имконият ва қизиқишиларини ўрганиш билан боғлиқ бўлади. Инсонни қизиқишиларини психодиагностика қилиш улар билан ишлаш жараёнини енгиллаштириб, уларга тўғри маслаҳатлар беришга олиб келади. Биз қуйида А.Е.Голомштокнинг қизиқишилар харитасини мисол сифатида келтирдик.

Қизиқишилар харитаси методикасининг саволномаси (А.Е.Голомшток)

Қизиқишиларингиз соҳаси ва йўналишини аниқлашга қаратилган қўйидаги саволларнинг ҳар бирини дид билан ўқинг ва мумкин қадар аниқ жавоб беришга харакат қилинг. Агар саволда сўралган мазмун, сизга ҳар томонлама мақул тушса ва жуда ёқса, унда жавоб ва рақасининг тегишли катақчасига иккита плюс (++) белгисини қўясиз. Агар савол мазмуни шунчаки ёқса, унда битта плюс (+), агар ёқиши ёқмаслигини билмасангиз ёки иккилансангиз, унда ноль (0) қўясиз. Агар савол мазмуни сизга мақул бўлмаса, минус (-), агар жуда ёқмаса, яъни бу фаолиятни ёмон кўрсангиз, унда иккита минус (--) белгисини қўясиз. Вакт чегарланмаган, лекин дикаат билан, саволларни тушириб қолдирмай, тез-тез ўйлаб жавоб беринг. Диқат, бошладик!

Қўйидаги фаолиятлар билан шуғулланишини ёқтирасизми?

Ҳавас қиласизми? Истайсизми?

9. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ҳаёти билан шуғулланиш, танишиш.
10. География дарслиги, географияга оид китобларни ўқиши.
11. Геологик экспедициялар ҳақидаги бадиий ёки илмий – оммабоп адабиётлар ўқиши.
12. Одам анатомияси ва физиологияси дарслари ва шу соҳага оид дарсликлар китобларни ўқиши.
13. Уй – рўзгор дарслари ёки рўзгор ишларига тааллуқли вазифалар.
14. Физикадаги янги кашфиётлар ва буюк физикларнинг ҳаёти, ижоди ҳақидаги илмий – оммабоп адабиётлар ўқиши.
15. Химия фанидаги янги ихтиrolар ёки буюк химикларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқиши.
16. Техника соҳасидаги тегишли журналлар ўқиши (масалан, “Сирли олам”, “Фан ва турмуш”).
17. Илмий – оммабоп журналлардаги электроника ва радиотехника бўйича ютуқлар ва янгиликлар ҳақида мақолалар ўқиши.
18. Ёғочларнинг ҳар хил турлари ва уларни амалда қўллаш ҳақида билиш.
19. Ҳар хил металлар ва уларнинг хусусиятлари билан танишиш.
20. Қурилиш соҳасидаги ютуқларни билиш.
21. Ҳар хил турдаги транспорт (автомобил, темир йўл) ҳайдовчилари ҳақидаги китоблар ўқиши, фильмлар кўриши.
22. Учувчи ва косманавтлар ҳақида китоблар ўқиши, фильмлар кўриши.

23. Ҳарбий техника билан танишиш
24. Тарихий воқеалар ва тарихий арбоблар ҳақидаги китолар ўқиши.
25. Ўзбек ва жаҳон адабиёти классикларини ўқиши.
26. Газета ва журналларнинг мақола ва очеркларини мухокама қилиши.
27. Синфда ва мактабда бўлаётган ишлар ва воқеаларни мухокама қилиши
28. Мактаб ҳаёти (тарбиячи, ўқитувчи, сардорларнинг фаолияти) ҳақида китоблар ўқиши.
29. Милициянинг фаолияти ҳақида фильмлар кўриш, китоб ўқиши.
30. Ўқиётган, ишлаётган ёки яшаётган жойингизни чиройли қилиб безаш, нарсаларни сарамжонлаш, тартибга келтириши.
31. “қизиқарли математика”, “бош қотирма” ҳақидаги мақола ва китоблар ўқиши.
32. Иқтисодий географияни ўрганиши
33. Чет тили машғулоти.
34. Буюук рассомлар ҳаёти, таъсвири санъатнинг ривожланиши тарихи билан танишиш.
35. Машҳур саҳна ва кино артистларининг ҳаёти билан танишиш, улар билан учрашиш, фотосуратларини йиғиши.
36. Машҳур мусикачиларнинг ҳаёти ва ижоди билан, мусика санъати назариясига доир масалалар билан танишиш ва ўрганиши.
37. Спорт ва буюк спортчилар ҳақида журнал, газета, китоблар ўқиши.
38. Биология, ботаника, зоологияни ўрганиши.
39. Географик ихтиrolар ва маълумотлар орқалиҳар хил мамлакатлар билан танишиш.
40. Машҳур геологларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўқиши.
41. Одамлар қандай қилиб касалликлар билан курашишини ўрганганликлари ҳақида, врачлар ва тиббиёт соҳасидаги ютуқлари ҳақида ўқиши.
42. Енгил саноат корхоналарига экускурсияга бориш.
43. “Физиклар ҳазиллашадилар”, “Қизиқарли физика” соҳасида китоблар ўқиши.
44. Табиатдаги химиявий ҳодисаларни кузатиш, химиядан тажрибалар ўтказиш, химия реакцияларини боришини кузатиш.
45. Замонавий техниканинг энг сўнгги ютуқлари билан танишиш (радио ва телекўрсатувларни эшлишиб, кўриб, газеталардаги мақолаларни ўқиб).
46. Радиотехника тўғаракларига қатнашиш ёки электрларнинг иши билан танишиш.
47. Металларган ишлов беришда ишлатиладиган ҳар хил ўлчов асбоблари билан танишиш, улар билан ишлаш.
48. Ёғочдан уй жиҳозларини тайёрлаш жараёнини кузатиш, мебелларнинг янги намуналарини ишлаш.
49. Қурувчилар билан учрашиш, уларнинг фаолиятини кузатиш.
50. Йўл харакати воситалари ҳақида оммабоп адабиётларни ўқиши.
51. Денгизчилар ҳақида китоблар ўқиши, фильмлар кўриши.
52. Ҳарбий мазмундаги фильмларни кўриш, китоб ўқиши, катта тўқнашувлар ва жанглар тарихи билан танишиш.
53. Ўзимизда ва чет эл миқиёсида бўлаётган сиёсий воқеаларни мухокама этиши.
54. Адабий – танқидий мақолаларни ўқиши.

55. Радио ва телевизордан ҳар хил янгиликлар ва ахборот кўрсатувларини эшитиш ва кўриш.
56. Туман, шаҳар, республикада бўлаётган кундалик воқеалардан хабардор бўлиш.
57. Ўртоқларингизга дарсларни бажаришда ёрдам бериш ва тушунтириш ишларини олиб бориш (агар ўзлари қила олмасалар).
58. Дўстларнинг, танишларнинг ёки адабий қаҳрамонларнинг қилмишларини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш ва баҳолаш.
59. Оиланинг озиқ – овқат билан таминланишига аҳамият бериш, сайёҳатлар чоғида ҳамма учун овқатланишни ташкил этиш.
60. Математика соҳасидаги кашфиётлар, буюк математиклар ҳаёти ва фаолияти ҳақида илмий – оммабоп адабиётларни ўқиши.
61. Халқ хўжалиги режаларининг бажарилиши билан қизиқиш.
62. Чет тилида бадиий адабиётларни ўқиши.
63. Редколлегия аъзоси бўлиш, газеталарни бадиий безаш билан шуғулланиш.
64. Драмма театри ва ёш тамошабинлар театрига бориш.
65. Опера ва симфоник музикаларни эшитиш.
66. Спорт мусобақаларини тамоша қилиш, спортга доир радио ва телекўрсатувларни эшитиш, кўриш.
67. Биология тўгарагига қатнашиш.
68. География тўгарагида шуғулланиш.
69. Ердаги менералларнинг географик тарқалиши ҳақида тасвирлар, маълумотлар ийғиши ва хариталар тузиш.
70. Одам организми хислатларини, касалликнинг пайдо бўлиш сабаблари вадаволаш усусларини ўрганиш.
71. Пазандалик тўгарагига қатнашиш, уйда овқат тайёрлаш.
72. Физикадан тажрибалар ўтказиш.
73. Эритмаларни тайёрлаш, реактивларнинг оғирлигини ўлчаш.
74. Ҳар хил механизм (соат, дазмол)ларни йиғиши, тузатиш.
75. Аниқ ўлчов асбоблари (осциллограф, амперметр, вольтиметр)ни ишлатиш, улар ёрдамида ҳар хил ҳисобларни олиб бориш.
76. Металдан ҳар хил деталлар ва буюмлар ясаш.
77. Ёғочдан ҳар хил қисмлар ва ашёлар ясаш ёки ёғочни бадиий безаш (ўймакорлик, куйдириш, нақш бериш).
78. Ҳар хил иморатларнинг эскизларини, курилишларнинг чизмаларини бажариш.
79. Ёш темир йўлчилар ва ёки автоҳаваскорлар тўгарагига қатнашиш.
80. Парашутчилар сексиясида, авиомоделчилар тўгарагида иштирок этиш ёки авиакулиб ишида иштирок этиш.
81. Ўқ ёй отиш тўгарагида шуғулланиш.
82. Ҳар хил халқлар ва мамлакатларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганиш.
83. Адабиёт фанидан синф ва уй иншолари ёзиш.
84. Ўзга одамларнинг харакатлари, хулқи ва ҳаётини кузатиш.
85. Жамоат топшириқларини, бирон бир ишни бажариш, ташкил этиш учун ўртоқларни уюштириш, бирлаштириш.

86. Кичик ёшдаги болаларга қарашиб, уларгакитоб ўқиб бериш, шуғулланиш, ҳар хил ҳикоялар гапириб бериш ёки бирон бир ишда уларга кўмаклашиш.
87. Тенгдошлар ва кичик болалар орасида тартиб ва мунтазам интизом ўрнатиш.
88. Сотувчи, ошпаз, официантларнинг фаолиятини кузатиш.
89. Математика тўгарагида шуғулланиш.
90. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиш масалаларини ўрганиш, ишлаб чиқариш корхоналарида ҳисоб – китоб ва режалаш борасидаги ютуқлар ҳақида билиш.
91. Чет тилидаги луготлар билан ишлаш, яхши таниш бўлмаган тилда ўзига хос мураккаб нутқ хусусиятларини тахлил қилиш.
92. Музей ва бадиий кўргазмаларга бориш.
93. Тамошабинлар олдида, саҳнада бадиий фаолият кўрсатиш.
94. Бирон бир мусиқий асбобда ўйнаш.
95. Спорт ўйинларини ўйнаш.
96. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг ривожланишини кузатиб, ёзиб бориш.
97. Мустақил равишдагегорафик хариталарни тузиш, ҳар хил географик маълумотларни тўплаш.
98. Геология музейлари учун кўргазма материаллар, менерал тўплами йифиши.
99. Врач, ҳамшира, доришуносларнинг фаолияти билан танишиш.
100. Бичиш ва тикиш тўгарагига қатнашиш, ўзингизга ва оиласизга тикиш.
101. Физика тўгарагида шуғулланиш ёки физика бўйича қўшимча машғулотларга қатнишиш.
102. Химия тўгарагида шуғулланиш ёки химия бўйича қўшимча машғулотларга бориш.
103. Техника тўгарагларидан бирида шуғулланиш (самалёт, денгиз кемалари, бошқа иншоат моделини ясаш).
104. Электр асбоблари, аппаратлари ва ҳар хилэлектр машиналарнинг тузилиши билан танишиш, ишни кузатиш ҳар хил радиоускиналар ва ўлчов асбоблари билан шуғулланиш.
105. Мехнат дарсларида металга ишлов бериш устахонасида шуғулланиш.
106. “Моҳир кўллар” ёки ёғочга ишлов бериш тўгарагида шуғулланиш.
107. Қурилишда бўлиш, қурилиш жараёни ва безаш ишларини кузатиш.
108. Транспорт ва йўловчиларнинг йўл харакати қоидаларини бажаришларини кузатиш.
109. Эшқак эшувчи, елканли қайқчи, аквалангчи (ғаввослар) тўгарагларида ва сувда чўкаётганларни кутқариш биргадасида қатнашиш.
110. Ҳарбий (масалан “шунқорлар”) ўйинида иштирок этиш.
111. Тарих музейларига бориш, маданий обидалар ва ёдгорликлар билан танишиш.
112. Адабиёт тўгаракларида шуғулланиш, адабиётдан қўшимча машғулотларда иштирок этиш.
113. Шахсий кундалик тутиш.
114. Халқаро ахвол ҳақида синфда ахборот бериш.
115. Тарбиячилик (масалан сардорлик) ишларини бажариш.
116. Одамларнинг хатти – харакатлари ва одатда яширадиган баъзи бир хулқларининг сабабларини очиш.
117. Магазинда харидорларга керакли буюмларни танлашда ёрдам бериш.

118. Математикадан қийин масалаларни ечиш.
119. Пуллик кирим – чиқимларнианиң хисобини олиш.
120. Чет тили тұғарапларыда шуғулланиш ёки чет тилидан құшимча дарсларда қатнашиш.
121. Бадий тұғарапларда шуғулланиш.
122. Бадий – ҳаваскорлик күрікларыда иштирок этиш.
123. Хорда ашулла айтиш ёки мусиқа тұғарапларыда қатнашиш.
124. Спорт сексияларининг бирида иштирок этиш.
125. Биология олимпиадаларыда қатнашиш ёки үсімліктер ва ҳайвонлар күргазмасини тайёрлаш.
126. Географик экспедицияда қатнашиш.
127. Геологик экспедицияда қатнашиш
128. Касалларни ахволини кузатиш, ғамхұрлық қилиш, тегишли ёрдам беріш, ахволларини енгиллаштириш чораларини күриш.
129. Ошпазлик ва қандолатчилик күргазмаларыга қатнашиш ёки бориш.
130. Физика олимпиадасыда фатнашиш.
131. Химиядан қийин масалаларни ечиш.
132. Техник схема ва чизмаларни таҳлил қилиш, уларни мустақил равищда тузиш.
133. Мураккаб радиосхемаларни таҳлил қилиш.
134. Ишлаб чиқариш корхоналарыга экскурсияларға бориш, ускуна ва дастгоҳларнинг янги турлари билан танишиш, уларда ишлаш ёки тмирлаш ишларини кузатиш.
135. Ўз қўлим билан ёғочдан бирор нарса ясаш.
136. Қурилиш ишларыда имкон даражада ёрдамлашиш.
137. Автомобил, тролейбусларга хизмат кўрсатиш ва таъмираш ишларыда баҳоли кудрат қатнашиш.
138. Ҳар қандай об- ҳаво шароитида ҳам “тез ёрдам” самалётларини бошқариш.
139. Қатъи ўрнатилган тартиб бўйича яшаш, кун тартибиға қатъи риоя қилиш.
140. Тарих тұғарагида шуғулланиш, тарихий маълумотларни тўплаш, маърузалар қилиш.
141. Адабиёт манбалари билан ишлаш, ўқиганларим ҳақида таассуротларимни кундаликка ёзиб бориш.
142. Мунозараларда ва китобхонлар конференцияларыда қатнашиш.
143. Ўқувчилар жамоатчилиги йиғилиши ёки мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш.
144. Тарбияси ёмон болаларга таъсир кўрсатиш, болалар ва ўсмирлар тарбияси масалалари ҳақида кattалар билан муҳокама қилиш.
145. Милиция ишига ёрдам беріш, “милициянинг ёш дўсти” тұғарагига аъзо бўлиш
146. Доим ҳар хил одамлар билан мулоқатда алоқада бўлиш.
147. Математика олимпиадияларыда қатнашиш.
148. Товарлар ва уларнинг нархини келиб чиқишини билиш, ойлик маош, меҳнатни ташкиллаштиришни тушунишга харакат қилиш.
149. Дўстларим билан чет тилида гаплашиш.
150. Таъсвирий санъат қўргазмаларыда қатнашиш.
151. Театр тұғарагига бориш.

152. Театр кўрик – танловларида қатнашиш.
153. Спорт мусобақаларида қатнашиш.
154. Боғда ёки томортқада ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни тарбиялаш ва парвариш қилиш.
155. Жойларни харитавий (топографик) кўринишда суратга олиш.
156. Берилган дастур бўйича мураккаб ва жиддий топшириқларни бажаришга тўғри келадиган қийин ва узоқ муддатли саёҳатларга бориши.
157. Шифохона, поликлиника ёки доихонади ишлаш.
158. Озиқ – овқат ёки енгил саноат корхонасида мутахассис бўлиб ишлаш(тикувчи, бичувчи, қандолатчи).
159. Физикадан қийин масалалар ечиш.
160. Химиявий ишлаб чиқариш корхонасида ишлаш.
161. Техник ижодиёт кўргазмасида иштирок этиш.
162. Электроэнергетика ёки радиоэлектроника соҳасида ишлаш.
163. Дастгоҳ (станок) да ишлаш, ҳар хил деталлар, буюмлар тайёрлаш.
164. Чизмалар асосида моделлар, ёғочсозлик ишларини бажариш.
165. Курилиш биргадасида ишлаш.
166. Йўловчи ёки юкларни ташиш, йўл харакати қоидаларига қатъий роия қилиш.
167. Бўронли об- ҳавода катта дарё ёки очиқ денгизда ишлаш.
168. Харбий инженер ёки қўмондон бўлиш.
169. Она диёрнинг тарихий обидаларига саёҳат қилиш.
170. Ҳикоялар ёзиш, шеър ва масал тўқиши.
171. Деворий газета ёки даврий матбуот учун мақола ёки очерк ёзиш.
172. Меҳнат шанбалигида биргадага бошчилик қилиш.
173. Кичик болалар учун ўйинлар, байрамлар ташкил этиш.
174. Юридик ташкилотларда ишлаш (суд, прократура, адвокатура, хукукий маслаҳатхоналарда).
175. Одамларга ҳар хил катта кичик хизматлар кўрсатиш.
176. Ҳар доим математик билимлар талаб қиладиган ишларни бажариш.
177. Халқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий, режалаштирилиши ва молиявий таъминланиши соҳасида ишлаш.
178. Чет тилидан олимпиада, танлов ва конференцияларда қатнашиш.
179. Тасвири санъат кўргазмаларида иштирок этиш.
180. Саҳнада ёки кинода ўйнаш.
181. Мусиқачи, мусиқий режиссиёр ёки мусиқа дарсидан ўқитувчи бўлиш
182. Физкультура ўқитувчиси ёки тренет бўлиш.

Бу берилган саволлар ўзининг кўп жабҳаларни қамраб олиши билан инсонда ўзига ҳос ҳолда булар ҳақида маълумот бўлишини ҳам талаб қиласди. Куйидаги таблицаларда қайси касбга лаёқати, қизиқиши борлиги кўзга ташланади.

ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ

Фамилия Исми

1	30	59	88	117	146
2	31	60	89	118	147
3	32	61	90	119	148
4	33	62	91	120	149
5	34	63	92	121	150
6	35	64	93	122	151
7	36	65	94	123	152
8	37	66	95	124	153
9	38	67	96	125	154
10	39	68	97	126	155
11	40	69	98	127	156
12	41	70	99	128	157
13	42	71	100	129	158
14	43	72	101	130	159
15	44	73	102	131	160
15	45	74	103	132	161
17	46	75	104	133	162
18	47	76	105	134	163
19	48	77	106	135	164
20	49	78	107	136	165
21	50	79	108	137	166
22	51	80	109	138	167
23	52	81	110	139	168
24	53	82	111	140	169
25	54	83	112	141	170
26	55	84	113	142	171
27	56	85	114	143	172
28	57	86	115	144	173
29	58	87	116	145	174

Касбий фаолият соҳалари		Кизикишларнинг ифодаланганилиги	
Даража лар	Балл	Юкори	≥8
Ўртча дан юкори	5-7		
Ўртча	1-4		
Ўртча дан паст	(-5)-0		
Паст	≤(-6)		
Натижалар			

	0 -2.0	2.1- 4.0	4.1 -8.0	8.1-10.0	10.1-12	

Такрорлаш учун саволлар

- 1 . Касбий психология фани, таълим муҳити ва психодиагностик фаолият.
2. Психодиагностика ва касб心理学и масалалари.
3. Касбий маслаҳат бериш учун ишлатиладиган тестлар.
4. Психодиагностик изланишларнинг аҳамияти.
5. Касб心理学и фани ва психодиагностиканинг ўзаро алоқаси.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўйтони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб心理学и. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.

15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

12 – мавзу. Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар ва мотивация.*

1 – савол. Касб танлаш ва унга таъсир этувчи омиллар. Касб танлаш ва шахс мотивлари. Касб танлашда таъсир этувчи омиллар. Инсон қизиқиши, эҳтиёжи, манфаати ва яхши яшаш орзуси.

2 – савол. Мотивация тўғрисида умумий тушунча. Мотивация психологик воқелик сифатида. Мотив ва мотивация методологияси. Касб танлаш ва мотивлар.

1 – савол. Касб танлаш ва унга таъсир этувчи омиллар. Касб танлаш ва шахс мотивлари. Касб танлашда таъсир этувчи омиллар. Инсон қизиқиши, эҳтиёжи, манфаати ва яхши яшаш орзуси.

Касб танлаш жараёни – бу ижтимоий фойдали жараён бўлиб инсонни ўзи танлаган касби орқали жамиятга қўшадиган хиссаси хисобланади. Касб танлаш бу инсонни ўзини англаши жараёни билан боғлиқдир. Чунки инсон ўзини катта бўлиб боришини англайди ва келажакда маълум бир касб бўйича ишлиши зарурлигини сезади. Бу танлаган касби инсонни қониқтириши, эҳтиёжларини қондириши ва келажак ҳаёти учун асос бўлишини англаши орқали юз беради. Бу жараённи дунёни кўплаб психолог мутафаккирлари ўргангандар.


Касб танлаш бу ўзига хос бўлган мураккаб жараён бўлиб, у инсон ва унинг психологик, физиологик, ижтимоий, моддий имкониятлари билан боғлиқ бўлади. Касб танлашнинг ортида инсон ётади – бу унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, қизиқишилари, қобилиятлари ва ўзига хос психологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Бу фикр хар бир касб танловчининг психологик хусусиятларидан келиб чиқкан ҳолда индивидуал ёндошиш кераклигини англагади.

Касб танловчиларнинг касб танлашларига кўпгина омиллар ўз таъсирини кўрсатади. Бунда биринчи ўринда шахснинг касбга бўлган эҳтиёжи, унинг мотивлари, лаёқати, қизиқиши, иқтидори ва қобилияти кабилар туради. Яна шуни айтиш керакки касб танлашда инсоннинг жинсига асосан ҳам касбларга

йўналтириш муҳим ҳисобланади. Бу каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни касб танлашларига йўналиш бериш ўзига хос тамонларда кўзга ташланади. Бу касбий маориф ёки касблар ҳақидаги билимлар бериш ҳисобланади. Бунда ўқувчиларни касбнинг моҳияти, ҳар бир касбни инсон олдига қўядиган талаблари ва вазифалари, жамиятга керакли даражалари кабилар билан таништирилади. Касб маорифи инсонни ёши, жинси, савияси, билимлари, ақл – фаросати каби тамонларга асосан хилма хил тарзда амалга оширилади.

Касб танлашга яна ўқувчиларга касбий маслаҳатларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Касбий маслаҳат ўқувчиларни касб танлашларида, бу касбни моҳиятини ва мақсадларини чуқур уларнинг онгига етказиб бериш ва уларда маълум бир қизиқиши шакллантириш билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Касбий маслаҳат бу шахснинг иштиёқи, хаваси, интилиши, қобилиятларига мос касб – хунарни танлашлари учун муҳим объектив ва субъектив шароитлар яратиш билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Шахс тамонидан бирор бир касбни танлаш унинг билимларидан келиб чиқкан ҳолдаги мотивларга боғлиқ бўлади. Мотив деганда нимани тушунамиз? Мотивлар ҳақида жуда кўплаб таърифлар берилган. Мотив лотинча сўз бўлиб movere - харакатга келтирувчи, ундовчи деган маънони билдиради. Мотив субъектнинг эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятга ундовчи хатти – харакатлардир. Та什қи ва ички шароитларнинг йигиндиси сифатида субъектни маълум бир фаолиятга фаоллигини чақиравучи йўналишдир.³⁴ Мотивация ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган табиий ва ижтимоий шарт – шароитларга, жисмларга хулқ – атворни йўналтирувчи қўзғатувчи тариқасида баҳоланиши мумкин. Инсонни эҳтиёжларидан келиб чиқиб унинг кўплаб мотивларини ажратиш мумкин. Мотивларни Э.Фозиев ва А. Жабборовлар тавсиясicha қўйидаги кўринишларини кўрсатиш мумкин.³⁵



Доимий мотивлар,
қисқа муддатли
мотивлар, узок
муддатли мотивлар

Кучли мотивлар
Үрта суръатдаги мотивлар
Бүш, кучсиз мотивлар

Реал(аниқ), вөкө мотивлар
Долзарб мотивлар
Потенциал мотивлар

Бизнингча, касбий (профессионал) мотивлар қуидаги гурухларга бўлинади деб кўрсатадилар юқоридаги авторлар. 1) ижтимоий мотивлар; 2) жамоавий мотивлар; 3) процессуал мотивлар; 4) рағбатлантирувчи мотивлар ва бошқалар.

Ўқувчиларни касб танлашига оид кўплаб фикрлар мавжуд. Шундай фикрлардан бири Е.А.Климовга тегишилдири. У касб танлашни учта томонини ажратиб кўрсатади.

1. Шу касбда ишлашни исташ (хоҳлайман)
2. Касбни эгаллашга бўлган қобилият, имкониятларни ҳисобга олиш ва кейинчалик яхши натижага эришиш (бажара оламан).
3. Танлаган касбга халқ хўжалигини эҳтиёжларини ҳисобга олиш (керак)

Шунингдек, Е.А.Климов тамонидан касб танлашнинг аниқ омиллари ҳам ажратилади. Булар қуидагилар:

- 1.Ўзни қизиқиш ва хоҳишлирини ҳисобга олиш;
- 2.Ўзидаги қобилиятларни ҳисобга олиш;
- 3.Касб ҳақида маълумотларга эга бўлиш;
- 4.Ота – онанинг фикрларини ҳисобга олиш;
- 5.Синфдошларини, тенгдошларини, ўртоқларини фикрларини ҳисобга олиш;
- 7.Ишлаб чиқариш бозорини ҳисобга олиш;
- 8.Маълум бир касбни тайёрлаш бўйича дастурларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш.

А.И.Зеличенко ва А.Г.Шмелевлар касб танлашнинг ички ва ташқи факторларини кўрсатиб у ёки бу касбни тайёрлашнинг мотивларини асослаб берадилар. Касб танлашга таъсир этувчи мотивларни ташқи ва ички омилларга бўлиб кўрсатиш мумкин. Булар қуидагича кўринишга эга:

Ташқи мотивацион факторлар:

- 1) Касб танлашда инсонга ўтказиладиган **босимлар**: тавсиялар, маслаҳатлар, бошқа кишилар тамонидан кўрсатилган йўл –йўриқлар, шунингдек инсонга ўз таъсирини кўрсатувчи кинодаги, адабиётдаги қаҳрамонлар; объектив характерга эга бўлган талаблар (армияда хизмат қилиш, оиланинг моддий ҳолати ва шу кабилар)
- 2) Инсонни ўзига тортиб олувчи ва ўзидан итарувчи фаолият турлари: ташқарида ўраб турган одамларнинг “ижтимоий ютуқ” эталонларининг бирлиги (мода, обрў, хурофат...).
- 3) Инерция: бошланғич ижтимоий роллар стериотипи (оилавий, неформал груп аъзоси...); одатий машғулотлар (мактабда ўтиладиган фанлар асосида шаклланадиган, машғулотлар ва шу кабилар).

Ички мотивацион факторлар

- a. Касбнинг хусусий мотивацион факторлари: меҳнат қуроли, меҳнат жараёни (ёқимли – ёқимсиз, эстетик тамонлари, фаолиятнинг бир ҳиллиги ёки хар ҳиллиги, юутуқнинг доимийлиги –эхтимоли, иш фаолиятининг енгил – оғирлиги, меҳнатнинг индивидуаллиги ва колективлиги, шу меҳнатда кишини ривожланишга яратиладиган имкониятлар).
- b. Меҳнат шароитлари: жисмоний (ишни иқлимга хос ҳаркатористикаси); худудий географик (ишни яқин жойда жойлашганлиги); ташкилий шароити (мустақил бўлиши – бўйинсуниши, меҳнатни боҳолашдаги объективлик ва субъективлик); ижтимоий шароит (ишни қийинлиги – енгиллиги, касбий маълумот, ишга жойлашишни онсонлиги, ишнинг ишончлилиги, иш режимининг эркинлиги – чекланганлиги, ижтимоий микроклимат).
- c. Касбдан ташқариги мақсадларни амалга оширишни имкониятлари борлиги: ижтимоий ишларга имкониятни борлиги, ўзи ҳохлаган ижтимоий обрўга эга бўлиши, моддий таъминланганликни яхшилиги, дам олиш ва маълум бир нарсалар билан шуғулланишга имкониятларни борлиги, соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун имкониятни борлиги, мулоқатга киришиш учун имкониятни бўлиши.

Инсон ҳаётида қизиқишининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Касб танлашда, шу касбга йўналтиришда инсонни қизиқишилари асосий мотивлардан бири ҳисобланади. Инсон маълум бир қизиқишилари пайдо бўлиши учун унда маълум бир психологик жараёнлар юз беради. Болаликда у катталарни кузатар экан ўзида маълум бир жараёнларга, шу жараёнларда содир бўладиган ходисаларга хавас, орзу, интилиш пайдо бўлади. Шунинг учун хам ўзининг ўйинларида шу жараёнларни такрорлаб ўйинлар ўйнаб боради. Шулар асосида болаларда қизиқиш ва интилишлар пайдо бўлади. Қизиқиш шахснинг муҳим психологик хусусиятларидан бирини ташкил этади. Қизиқишида инсонга хос бўлган индивидуал – психологик хусусиятлар мужассамлашган бўлади. **Қизиқиш** – бу инсонни эҳтиёжларидан, манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда, унинг дунёқарashi, билимлари асосида инсонга хос бўлган орзу хаваслари, интилишлари билан боғлиқ бўлган психологик жараёндир. Қизиқиш билимларнинг онгли, пухта ва барқарор, англанган ҳолда ўзлаштиришда шахс қобилияти ривожланишига, дунёни мукаммалроқ тушунишга, билим савиясини кенгайишига ёрдам беради.

Инсондаги қизиқиш энг аввало унинг эҳтиёжларидан келиб чиқади. Инсон бирор нарсага эҳтиёж сезсан шу объектга ўзининг диққатини қаратади. Объект ўзининг зарурлиги билан инсонни диққатини тортади ва унга маълум бир эҳтиёж сезиб боради. Инсонни диққатини тортган шу объект инсон ҳаёт фаолияти учун қизиқарли бўлса, унинг эҳтиёжини қондирса, демак шу объект инсонни интилишига сабаб бўлади.

2 – савол. Мотивация тўғрисида умумий тушунча. Мотивация психологик воқелик сифатида. Мотив ва мотивация методологияси. Қасб танлаш ва мотивлар.

Мотив хақида жуда кўплаб таърифлар берилган ва уларнинг хар бири ўзича тўғри ҳисобланади. Мотив бу инсонни ҳаёт фаолияти билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Инсон шуғулланаётган хилма – хил фаолият турлари айнан унинг мотивлари билан боғлиқ бўлади. Шунингдек инсон бирор қасбни эгаллаши учун уни шу қасбга интилтириб турувчи мотивлар, қизиқишлар бўлиши зарур бўлади. Бундан кўриниб турибдики инсонни фаолияти унинг шу фаолиятга етаклаб борувчи мотивлар билан боғлиқ бўлади. Инсон юқорида кўрсатганимиздек эҳтиёжлардан келиб чиқсан ҳолда ўз мақсадлари асосида маълум бир фаолият турлари билан шуғулланади. Бу эса инсон шуғулланаётган фаолият унинг эҳтиёжлари ва ундан келиб чиқсан ҳолда фаолиятга ундовчи мотивлардан келиб чиқшини кўрсатади. Шундай қилиб мотив – фаолиятга ундовчи, мақсад эса – инсонни маълум бир фаолият билан шуғулланиш орқали ўз эҳтиёжларини қондиришни вужудга келтириш ҳисобланади. Қасб танлашда ўқувчини англанган мативлари уни маълум бир қасбни аниқ танлаб олишига сабаб бўлади. Бу йўлда хар доим шундай бўлмайди. Ўқувчи маълум қасбни танлаш давомида мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда яқин, қисқа ва узоқ давом этадиган мотивларга дуч келади.

Инсонни қасбни тўғри танлаши унинг ҳаётий жараёнларини тўғри танлаб олишига жуда катта таъсир этади. Ўқувчини ёки қасб танлаётган инсонни ўзига ёқсан қасбини ўз қизиқиш, эҳтиёж ва манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда танлаб олиши ўз ҳаёт фаолиятини деярли тўғри белгилаганлигини билдиради. Қасбни тўғри танлаш – бу узоқ давом этадиган ҳаётий жараёндир. Бу жараённи натижалилиги инсонни психологик имкониятларини қасб фаолияти талаблари ва моҳияти билан мос келганда кўриш мумкин. Шунингдек шахсни ўз қасбий карерасини таминлашдаги ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар ва унга мослашиш қобилияtlари билан ҳам боғлиқдир. Бизга маълумки қасб танлашга жуда кўплаб омиллар таъсир этади.

Шуни айтиш керакки касб танлаш энг аввало ўқиши жараёни билан боғлиқдир. Ўқиши фаолиятини ташкил этиш билан ўсиб келаётган ёшларни касб танлашларни узвий боғлиқдир. Ёшларни қизиқишилари ва имкониятларини ҳисобга олиш ва ўқишини ташкил қилиниши яхши, сифатли, рақобатбордош кадрларни тайёрлашнинг асоси ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча шахсни йўналтирилган маълумот олиши Л.С. Выготскийнинг назарий фикирларида ўз ифодасини топган. Бу лар қўйидагиларда кўринади:

- 1) Тарбия жараёнининг асосида ўқувчининг ижобий фаолияти бўлиши керак ва тарбияловчининг бутун санъати шунга қаратилган бўлиши ва фаолиятни бошқариб турилиши зарурдир.
- 2) Тарбияланувчининг шахсий малакаси педагогик ишнинг асоси бўлиши керак.
- 3) Агарда ўқитувчининг таъсири болага кучсиз бўлса, у ҳолда махсус муҳит орқали унга кучли таъсир этиш зарур
- 4) Тарбия ўқувчининг ортирган шахсий малакаси ороқали амалга оширилади. Бу муҳит билан белгиланади ва ўқитувчининг роли муҳитни ташкил этиш ва бошқаришдан иборат.

А.И.Гебос ёшларни ўқишига бўлган ижобий мотивларига қўйидагиларни киритади:

- * Ўқишининг яқин ва охирги натижаларини англашида;
- * Ўзлаштирилаётган билимларни назарий ва амалий аҳамиятини англашда;
- * ўқув материалларини хиссий шаклларда тушунтириб бериш;
- * Илмий тушунчаларни “келажак йўналишида” тушунтириб бериш;
- * ўқув фаолиятиникасбий йўналиш асосиад олиб бориш;
- * ўқув фаолиятида муаммовий холатларни юзага келтирадиган вазифаларни танлай олиш;
- * ўқув гурӯхларидаги қизиқувчилар ва “билиш билан боғлиқ бўлган психологик иқлимини” шакллантиришда.

Касб танланишда ўқувчининг қайси касбга қизиқишини ва нима учун шу касбни танлаганини қўйидаги тамонлар билан синааб олиш мумкин бўлади. Алоҳида карточкага хукм тарзида танланган касбни (ўқишини) мотивларини ёзиб чиқиши керак. Бу ёзиб чиқилган мотивларни ўқувчига бўлиб чиқишини

тавсия этиш керак. Бу қуйидаги тамонларни ўзида акс этдирган бўлади: а) ўзи учун аҳамиятлилигига қараб беш гурухга бўлиш; б) умумий белгилардан ўзи учун аҳамиятлироқ бўлган 10 тасини ажратиб олиш. Бунда қуйидаги мотивлар сони берилади:

1. Ўқувчи яхши ўқиши керак.
2. Мен ўқитувчини айтганларини аниқ ва тез бажаришга интиламан.
3. Мен синф олдида ўқишимга жавоб беришни тушунаман.
4. Мактабни тутатганимдан кегин мен ўқишини давом этдирман.
5. Яхши мутахассис бўлиш учун яхши билимларга эга бўлиш керак бўлади.
6. Одамлар мен билан қизиқиб мулоқат қилишни ҳохловчи инсон бўлмоқчиман.
7. Яхши баҳолар олмоқчиман.
8. Ўқитувчи ва ота – онамдан мақтовлар эшитмоқчиман.
9. Мен сифда юқори рейтингга эга бўлмоқчиман.
10. Синфнинг энг яхши ўқувчиси бўлмоқчиман.
11. Мени жавобларим синифда энг яхши жавоб бўлишини ҳохлайман.
12. Дарсдан ташқари мени қизиқ тирадиган фан бўйича қўшимча дарслар олмоқчиман.
13. Синфни ўзимни ёмон ўқишим билан орқага тортмоқчи эмасман.
14. Ёмон ўқишим учун сифда ва уйда урушишларни ҳохламайман.
15. Ёмон баҳолар олмоқчи эмасман.
16. Менга математика дарслари ёқади.
17. Менга тарих, адабиёт, тил ва бошқа фанлар ёқади
18. Менга ўқитувчини янги фикрлар асосида дарсни тушунтириб бериши ёқади.
19. Дарс янги ва қизиқарли бўлишини ҳохлайман.
20. Қийин масалаларни ечишни ёқтираман.
21. Дарсда гапирилаётган мавзу бўйича муҳокама қилишни ёқтираман.
22. Дарсда қийинчиликларни енгиб ўтишни яхши кўраман.
23. Ўқитувчи сени ютуқларингни кўриб, тўғри баҳолашини яхши кўраман.
24. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчини ютуқларини кўриши бу жуда яхши ходиса.

25. Ўқитувчини дарсни ҳар хил ташкил этиши жуда зўр.

Булар асосида натижалар тахлили:

1–15- ижтимоий мотивлар

6–25 – ўқув мотивлари

1 – 3 – жовобгарлик ва бурч мотиви

4–6 – ўзини ривожлантириш ва ўзини белгилай олиш мотиви

7 – 9 – ўз ютуқларини ошириш мотиви.

10 – 12 – обрў мотиви

13 – 15 – ноқулайликдан қочиш мотиви

16 – 18 - дарс моҳияти мотивлари

19 – 21 – ўқув жараёни мотивлари

22 – 25 - рағбатлантириш мотиви

Бу тест саволида касбни танлаган инсонни нима учун шу касбни танлаганлиги аниқланади. Бунда уни тўғри танлаганлиги ёки кимларнингдир таъсирида шу нарса амалга ошганлиги қўзга ташланади.

Такрорлаш учун саволлар

- 1 . Касб танлаш ва унга таъсир этувчи омиллар.
2. Касб танлаш ва шахс мотивлари.
3. Касб танлашда таъсир этувчи омиллар. Инсон қизиқиши, эҳтиёжи, манфаати ва яхши яшаш орзузи.
4. Мотивация тўғрисида умумий тушунча.
5. Мотивация психологик воқелик сифатида.
6. Мотив ва мотивация методологияси. Касб танлаш ва мотивлар.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.

3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

13 – мавзу. Касбга йўналтиришда ўқув фаолияти ва касб мотивацияси.

Режа

- 1.Касб танлаш ва ўқув фаолияти.
- 2.Ўқув мотивлари диагностикаси.
- 3.Ўқув мотивлари экспериментал натижаларининг таҳлили.
- 4.Ўқишига муносабатни аниқлаш натижалари ва касб танлаш.
- 5.Касб мотивацияси.
- 6.Касб танлашда мотивацион мақсад , эмоция ва қизиқиши.

1 – савол. Касб танлаш ва ўқув фаолияти.

Касб танлаш бу мураккаб ва жавобгарлик билан боғлиқ психологик жараёндир. Касб танлаётган инсон ўзидағи мавжуд субъектив имкониятлар ва ташқаридан унга ўз таъсирини ўтказаётган объектив тамонлар асосида касбни танлайди. Касб танлаш ҳақидағи фикрларимизда инсоннинг энг биринчи мүгим омили бу ундағи билим ва малакалар тизими эканлигини юқорида кўрсатган эдик. Ёшларни касб танлашлари бу уларнинг мактабдаги олган билимлари, кузатишлари орқали олган малакалари, кўникмалари асосида содир бўлади. Ёшларда билим бўлмаса улар учун қайси касбни эгаллаш ҳам бар бир бўлиб қолади. Чунки улар бу касбга умуман қизиқмайдилар ва унга интилмайдилар ҳам.

Бу каби мисоллар касб танлашда ўқув фаолияти энг муҳим тамонлардан ҳисобланишини кузатишлари мумкин бўлади. Касб танлашда ўқув фаолиятини тушуниш учун ўқув фаолиятини ўзи нима ва у қандай тизимга эга деган масалалар туради.

Касб танлаш учун хам худди инсон фаолиятини бошқа жабхалари каби билим, малака, кўникма ва шу иш фаолиятини бажара олишни уddaлаш каби жараёнлар талаб қилинади. Касбий таълим бу маҳсус таълим бериш йўналишига тааллуқли бўлиб, у касбий – техник, ўрта ва олий таълим тизимида олиниши мумкин.

Касбий таълим маълум бир касбларга тегишли бўлган билимларни, малакаларни ўзлаштириш орқали содир бўлади. Дейлик, енгил саноатда касб – хунар колледжларида ўқитилаётган талабаларни матолар тўқишига, улардан

инсонларга хушбичим кийим – кечаклар тикишни, тўқув машиналарини тамирловчи усталарни тарбиялашда кўзга ташланади. Олийгоҳларда эса шу соҳани яхши билган уларни ижодий ривожлантира оладиган мутахасисслар яратилади. Бунга мисол қилиб, педагогларни, психологларни, врачларни ва бошқа касб эгаларини кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб айтиш мумкинки касбий талимда касбни бошланғич, ўрта ва олий даражадаги кўринишлари яратилади.

Касбий таълим бу касбни эгаллашга қаратилган бўлиши ва қуйидаги йўналишларда изланишлар олиб бориши керак. Бу изланишлар касбий тайёргарлик муаммолари, ўзи учун касбни аниқлаб олиш ёки касб танлаш, касбий ўз – ўзини англаш, субъектни касбий ривожланиш этапларини тахлил қилиш, бу жараёнлар билан боғлиқ бўлган психологик муоммоларини ўрганиб бориш.

Касбий таълимни ташкил қилиш бир қанча тамоилларга (принциплар) бўйсимиши керак.

1. Касбий таълим тамоилларини хозирги замон маҳсусс таълим тенденцияларига мос тушуши кераклиги.

2. Касбий таълимни фундаменталлаштириш тамоили билим, дунёнқарашларни шакллантириш, билимлар тизимини ўзлаштириш масалаларини ўзида қамраб олиш.

3. Касбий таълимни индивидуаллаштириш тамоили – бу у ёки бу касбни намоёндасини касбга хос бўлган хусусиятларни шакллантириш муоммаларини ўрганишни талаб қиласди.

Шундай қили айтиш мумкинки касбий таълим психологик фанларни йўналишларидан бири бўлиб, педагогик психология таркибида шаклланади. Касбга ўқитиши орқали маҳсус касбга хос бўлган билимлар, малаклар, уddyalай олиш каби каби тамонларни бутун ҳаёти давомида (касбни эгаллаш, касбий маҳоротга эга бўлиш, карьера қилишни ривожлантириш, касбий ўсиб бориш) ларни эгаллаб боради.

Касб танлаш ва ўқув фаолияти ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган фаолият ҳисобланади. Касб танлаш учун касб танлаётган инсон албатта билимларга эга бўлиши, бу билимларни ўзлаштирган бўлиши шарт ҳисобланади. Юқорида айтганимиздек касб танлаётган инсон билимларсиз хеч қандай касбни эгаллай олмайди. Касбга хос билимларни ўзлаштириш, ўқитиши ташкил қилиш, бу

билимларни касб танловчига етказиб бера олишлик каби тамонлар касб танлашда энг муҳим тамонлардан ҳисобланади. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги содир бўладиган ўзаро мулоқатлар натижасида юзага келади. Касб танлаш ва ўқув фаолияти бир қанча омилларга боғлиқ бўлар экан. Энг аввало касб танловчининг ўзлигини англаши, ўзига баҳо бера олиши, ўзини тутган ўрнини тўғри белгила олиши, олдига қўйган мақсад ва манфаатларини кўз олдига келтира олиши каби қатор масалалар билан боғлиқ бўлади. Кейинги омил жамиятни касбга бўлган эҳтиёжи биалан боғлиқ бўлади. Шунингдек бу билимларни етказиб бераётган кадрлар ҳам жуда катта ўрин эгаллайди. Касб танлаш ва ўқув фаолияти ўзаро таъсирда бўлиб кўпроқ инсонни ўзига боғлиқ бўлади. Инсондаги субъектив тамонлар уни касб танлашига олиб келади, лекин буларни ўқув фаолиятисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистонда ўқиш учун тайёрланаётган шароитлар, кадрларни тайёрлашга берилаётган эътибор, ўқув шароитларини тубдан ўзгартириш билан боғлиқ бўлган ислоҳатлар, янги кадрларни яратишга қаратилгандир. Бу соҳада ўқитишнинг янги усусларини тадбиқ қилиш, кадрларни ўйловчи, ақил билан ишловчи қилиб тарбиялаш энг муҳим тамоиллардан ҳисобланади. Кадрлар тайёрлашда уларни берилаётган билимларни ва малакаларни ўзлаштира оладиган ва тез қарорлар қабал қиласидиган, чуқур билимга эга бўлган қилиб тайёрлаш жуда зарурдир.

Касб танлаш ва ўқув фаолияти ўзаро таъсирда ва бирликда бўлганда жамият учун керакли бўлган кадрлар яратиш масаласи ҳал этилиб борилади. Бунда асосий омиллар бўлиб касб танловчи, ўқитувчи, жамият манфаатлари ётади.

2 – савол. Ўқув мотивлари диагностикаси.

Касб танлашда ўқув мотивларини диагностика қилиш, ўқувчиларни ўқишга бўлган мусабатини билишга олиб келади. Ўқув мотивларини диагностика қилиш ўқувчини касб танлаш давомида қайси касбга қизиқишини, шу касбга хос бўлган психологик хусусиятларни бор ёки йўқлигини аниқлаб беришга ёрдам беради. Ўқув мотивларини диагностика қилиш кузатишга, фаолиятларни ўрганишга, савол – жавобга ва асосан тест саволларига суюнади. Мактабда ўқишни мувофақиятлилигини диагностика қилиш учун ҳар хил мутахасислар тамонидан тестлар ишлаб чиқилган бўлиб, уни ўқув фаолиятларидаги ютуқларни ўрганувчи тестлар, ютуқли тестлар, дидактик тестлар ва хатто ўқитувчи тестлари (бунда ўқитувчи ўзлаштиришни синаш учун сухбат ва сўров методларидан фойдаланади) деб аташ мумкин.

Америкалик психолог А. Анастази айтганидек сони жихатидан бу тестлар биринчи ўринда тураси. Мувофакиятга қаратилган тестлар асосан ўкув мотивларини диагностика қилишга қаратилган бўлиб, ўкувчини аниқ билимлар билан ёки маълум ўкув фанини мувофакиятли ўзлаштиришни кўрсатиб беради. Бунда қўйилган баҳога нисбатан унинг билими қанчалик объектив эканлиги аниқланади.

Ўкув мотивлари диагностикаси – бу ўкувчини ўқишга бўлган муносабатини ҳаракатга келтирувчи жараёнларни ўрганади Бундан келиб чиқсан ҳолда мотивларга озгина бўлсада тўхтаб ўтамиз. Мотив – бу маълум бир ҳаракатга ундовчи англашган қўзғатувчилар ҳисобланади. Бунда инсон ўзини холатини, шароитини, имкониятларини баҳолайди, мақсадларидан ва манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ҳаётий ҳаракатга киришади. Мотив – бу ҳаракатга ундовчи сифатида, ҳаракатнинг асоси сифатида бўлиши учун унинг ўзи шаклланган бўлиши керак.

Ўкув фаолияти мотивлари ҳақида алоҳида гаприш жойиз, чунки фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида у билим, малака, кўнималарни ўргатиш, ўзлаштиришнигина эмас, балки шу нарсалар унинг мақсади сифатида намоён бўлади.

Онгли ўқишининг асосий мотивлари бўлиб унинг вазифаларини англаш билан боғлиқ бўлган ва келажак фаолиятга ёшларни тайёргарлик кўриш жараёнлари ҳисобланади. Чунки ўқиш – бу инсоният яратган билимларни, дунёни билиш, билимларни билишга бўлган қизиқишлиар каби ўзига хос инсоннинг интилишлари орқали юз беради. Лекин шу билан бирга ўқиш мотивлари бўлиб бир қанча жараёнлар кўзга ташланади. Бу ўз кучини ва қобилиятларини кўрсата олишда, синфда ўз билимларини намоиш қилишда эгзамен ва текширишда ўкувчи учун шахсий муаммо бўлиб кўринади.

Ўқиш жараёни вазифалар тизими ёки дарслар сифатида ўқитувчилар тамонидан қўйиладиган масалалар сифатида ўкувчини ўқитувчи ва шу каби давлат олдидаги мажбуриятлари сифатида бажаришни ва унга амал қилишни талаб қилиб қўйганлигини, ўз олдидаги мажбуриятларни бажариш учун у албатта ўқиши, ўзлаштириши зарурлигини анграб боради. Ўқиши онгли тарздалиги ўкувчини берилаётган ўкув материалларини ўзлаштириш зарурлигини кўрсатади.

Инсонларни, ўкувчиларни берилиб ўқиши учун уларни ўзларида шу соҳага қизиқиш бўлиши керак бўлади. Бу айнан ўқишининг ўзига ёки фанга қаратилган қизиқиш бўлиши, шунингдек бавосита қандайдир қизиқишини тўлдирадиган билимлар тизими хам бўлиши мумкин.

У ёки бу фанга бўлган қизиқишлиар устунлиги ҳар хил бўлиши мумкин. Асосан улар қуйидагиларда кўринади:

- 1) Предметнинг ўзига бўлган бевосита қизиқиш, яъни фаннинг ўзидағи акс этадиган ҳақиқатга қизиқиш;
Бу фанга қизиқиш жуда кучли ва барқарор бўлиб, ўқувчи ўзига қизик бўлган тамонларни, дарслар зерикарли бўлса хам ажратиб олади.
- 2) Қизиқиш фан талаб қиласидиган ақлий фаолият характерини чакиради.
- 3) Айрим ҳолларда фанга қизиқиш ўсмирда унинг ҳохишлари ёки фанни ўзлаштиришни онсонлиги билан боғлиқ бўлади.
- 4) Қизиқиш келажакдаги фаолият тури билан боғлиқ ҳолда хам содир бўлиши мумкин.

Ўқув мотивларини ўрганишда ўқувчининг ўқишига бўлган ижобий мотивларни ўрганиш хам муҳим ҳисобланади. А.И.Гебос (1977) ўқишига бўлган ижобий мотивларни шаклланишини кўрсатувчи омилларни ажратди. Бу қуйидагилар киради:

- ** ўқишини яқин ва оҳирги мақсадини англаш;
- ** ўзлаштирилаётган билимни назарий ва амалий ахамиятини англаш;
- ** ўқув материалларини эмоционал баён этиш;
- ** ўқув фаолиятини касбий йўналиши;
- ** ўқув фаолиятидаги муоммоли шароитни вужудга келтириш;
- ** ўқув гуруҳидаги билишга интилевчанлик ва билишга интилиш билан боғлиқ психологик иқлим.

Ҳозирги вақтда ўқув жараёнида ўқитувчини педагогик жарёнини эфективлигини (натижалилигини) ошириш иши муҳим ва зарурый ходисалардан бўлиб турибди. Лекин ўқитувчи ва ота – оналар болани “ўқиши ҳохламаяпти”, “яхши ўқиши мумкин эди, лекин ҳохиш йўқ” деган афсусларни эшитамиз. Бу ҳолатда ўқувчидаги билим олишга қизиқиш йўқлигини қўрамиз.

Ўқитувчилар ўқувчиларда ўқишига, билим олишга бўлган қизиқшини бўлмаслиги, уларни яхши ўқишлирига олиб келмаслигини кўрсатадилар. Шунинг учун хам ўқув масканлари олдида ўқувчини яхши ўқиши, келажакда ўзи ёқтирган касбни эгаллашлари учун ўқув фаолиятига олиб келувчи мотивларни яхши, ижобий тамонга силжитиш мақсад қилиб қўйилади. Ўқитувчилар фаолиятини кузатар эканмиз, кўпчилик ўқитувчилар ўқишига олиб келувчи мотивларга эътибор бермаслигини гувоҳи бўламиз. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги бола мактабга келдими демак улар ўқитувчи

чизган чизиқдан чиқмаслиги керак деб ҳисоблайди. Шундай ўқитувчилар ҳам учрайдики салбий мотивларга асосланиб иш кўради. Бундай ҳолатларда ўқувчиларда ҳар хил ёқимсиз ҳолатлардан қочиш: ўқитувчи ёки ота – оналар тамонидан жазоланиш, ёмон баҳоларни қўйилиши ва шу кабилардан қочишга интилиш пайдо бўлишини кўрамиз. Кўп ҳолларда ўқувчи илгаридек ўзини эркин тута олмаслиги, ўзи ҳохлаган ишини қила олмаслиги каби чеклашлар унда мактаб ва ўқитувчи олдида жазоланишдан қўрқиши хиссини шакллантиради. Бундай ҳолатлар ўқувчини чеклашга олиб келади.

Албатта бу билан ўқувчини чеклаш ёки жазоламаслик керак демоқчи эмасмиз. таъим ва тарбияда рағбатлантириш ва жазолашнинг ўрни мавжуд. Лекин бола нима учун жазоланаётганини ва рағбатлантирилаётганини онглаши керак бўлади. Яъни буларни ўрнида ва кўрсатиб қилиш амалга ошириш уларда тарбияланишни тўғри бўлишига олиб келади.

Ўқувчиларни ўқишига бўлган мотивларини диагностика қилиб бориб, уларда ўқишига бўлган ижобий муносабатни тарбиялаш ва келажакда ўзи танлаган касбни эгалашларида ёрдам беришини кўрсатмоқчимиз. Бунда ўқитувчи ўқувчилардаги ижобий мотивларни тарбиялаш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз.

1. Мотив ҳақидаги назарий билимларни таҳлил қилиш.
2. Ўқувчиларни мотивацион йўналишини ўрганиш.
3. Ўқув мотивларини ривожлантириш ва шакллантириш йўлларини топиш.
4. Бу топилган ўқув мотивларини ривожлантириш ва шакллантириш йўлларини амалиётга тадбиқ этиш.
5. Эришилган ютуқларни таҳлил қилиш.
6. Кўйилган мақсадларни эгаллаш ва янада ривожлантириш йўлларини белгилаб олиш.

Бу кўрсатилган жараёнлар педагогни ўқув мотивларини диагностика қилишига чорлайди ва болада қандай мотивларни ривожлантириш орқали уларни ўқишига бўлган интилишларини шакллантириш мумкинлиги масаласи ечилиб борилади. Ўқувчини ўқишига бўлган интилиши ёки ундаги салбий мотивлар аниқланади ва ўқитувчи шулар устида иш олиб бориб бу диагностик маълумотларга суянган ҳолда амалий ишларни ташкил этади.


Бу юқорида кўрсатилган жараёнларни хаммасини ўрганиш натижасида мантикий – тизимли модель сифатида кўрсатиш мумкин бўлади. Бу қуйидагича кўринига эга.

Мақсадга олиб борувчи модель



Л.И.Божовичнинг фикрича бундай муносабатнинг моҳиятини очиб берувчи муносабат бўлиб мактаб ўқувчисини ўқув фаолиятини мотивларини йифиндиси ҳисобланади.

Ўқув фаолияти турларини диаграммаси



Билиш билан боғлиқ мотивлар – бу ўқув фаолияти ва уни бажариш жараёни билан боғлиқдир. Бу мотивлар ўқувчиларни янги билимлар ва ўқув мотивлери билан, уларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. У билимларга қизиқишининг чукурлиги: янги омилларни ўрганиш билан, ходисаларнинг муҳим жараёнлари, дедуктив холосалар, қонуният ва тенденциялар, назарий принциплар, асосий ғоялар ва шу кабиларга асосланади.

Ижтимоий мотивлар. Бу ўқувчини бошқа одамлар билан ҳар хил ижтимоий ўзаро таъсирини ўрганади. Мисол учун: жамиятга фойдали инсон бўлиш, ўз бурчини адo этиш, ўқиши кераклигини тушунганлиги, жавобгарлик хиссини сезгани, билим олишга интилиши кабиларда бошқалар билан мулоқатда бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.Касб танлаш ва ўқув фаолияти.
- 2.Ўқув мотивлари диагностикаси.
- 3.Ўқув мотивлари экспериментал натижаларининг таҳлили.
- 4.Ўқишга муносабатни аниқлаш натижалари ва касб танлаш.
- 5.Касб мотивацияси.
- 6.Касб танлашда мотивацион мақсад , эмоция ва қизиқиш.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т., Маънавият.2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.

10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т.,2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

14- Мавзу. Касбга ўқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш.

1 савол. Ўсиб келаётган ёшларни касбга ўргатишда индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш асосида ёндошиш.

2савол. Касбга йўналтиришда, касб танлашда индивидуал ва дифференциал томонлар.

1 савол. Ўсиб келаётган ёшларни касбга ўргатишда индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш асосида ёндошиш.

Ўсиб келаётган хар бир авлод ўзининг бошқа авлодларга нисбатан фарқланиши билан келади. Уларни касбга йўналтириш ўзига хос тамонлар билан ажralиб туради. Педагогика айнан шундай тамонларни ҳисобга олган ҳолда уларга малака ва билимлар бериб боради. Бу эса педагогни хар доим янги усуулларни қўллаши демакдир. Педагогикани муҳим вазифаларидан бири бу ўкувчиларни ўқитиш давомида унга хос бўлган индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқитишдир. Бу жараённи муҳимлиги педагоглар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Ўкувчиларни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш уларни ўқитишдаги индивидуал ва дифференциал ҳолда ёндошишда кўзга ташланади. Булар дидактив принципларни амалга оширишдаги индивидуал ва дифференциал ёндошишларда кўзга ташланади. Хозирги вақтда “индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш” га бир бутун ёндошиш йўқдир. Айримлар уларни тушунтиришда уларга хос синонимларга ёндошсалар, айримлари шулардан биттасини олиб уни кенг маънода ишлатишга интиладилар. Айримларнинг фикрича ўқитишни индивидуаллаштириш ўқитиш темпини, мақсадини, ўқитиш усуулларини, укув материалларини ўзлаштиришга бўлган даражани ва шу кабиларни ўзгариб туришида кўради. Бунга умумий белгилар асосида шакллантириладаиган гурухларни такил этиш ҳам киради.

Индивидуаллаштиришга баҳо бериб бу ўкувчини индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, унинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, имкониятларидан келиб чиқсан ҳолдаги ўзига хос усуулларда ва шаклларда ўқитиш деб тушунмоқ керак. **Дифференция** эса – бу ўкувчиларни маълум бир хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гурухларга ажратиб ўқитиш ҳисобланади.


Индивидуализацияни ва дифференциацияни ўзига хос тарихи ҳам мавжуд. Ўқитишининг индивидуал ва дифференциал тамони бу Д.Дьюининг реформистик ғоялари билан боғлиқ.

Касб ўргатишда, малакаларни ва билимларни беришда индивидуал ёндошишни кўпгина олимлар ўрганганлар. И.Унтнинг илмий ишларида индивидуализация бу инсонни ўқитиш давомида маълум бир хусусиятларни хамма шаклларида ҳисобга олишни назарда тутади. Дифференциация эса ўқувчиларни индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб ва гурухлаштириб маълум бир маҳсус ўқитишлирда ундан фойдаланишни назарда тутади. Бу ҳолатда индивидуализация дифференциацияга нисбатан кенгроқ тушунилади.

Кенг тарқалган ёндошишлардан бири бу дифференциал ўқитиш ҳисобланиб, бунда ўқувчининг индивидуал хусусиятларини бир кўриниши сифатида ўзига қамраб олади. Бу ҳолатдаги ўқув – тарбиявий жараён, яъни ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб ўқитиш – бу **дифференциал ёндошиш** деб номланади. Бундай ўқитишини эса **дифференциал ўқитиш** деб аталади.

Ўқитишининг бундай ҳолатларида ички ва ташқи дифференциацияни ажратилади. Ички дифференция деб оддий гурухлардаги ўқувчиларни индивидуал хусусиятларини ўқитиш давомида ҳисобга олиш назарда тутилади. Хамма ўқувчилар битта дастур, битта режа асосида ўқитилади, лекин ўқитувчи индивидуал усуллардан, шакллардан ўқитиш давомида фойдаланади. Кўрсатиб берилаётган рамкадаги ички дифференциацияни ўқитишининг индивидуал ёндошиши деб белгиланади.

Ташқи дифференция - бу ўқувчиларни маълум бир белгилар, қобилиятлар, қизиқишлир асосида маҳсус ташкил этилганлигига кўринади. Бундай гурухларда маҳсус тузилган дастур ваўқув қўлланмалар асосида олиб борилади. Буларни қуйидаги схемада кўришимиз мумкин бўлади.




2савол. Касбга йўналтиришда, касб танлашда индивидуал ва дифференциал томонлар.

Дифференциал ўқитишнинг педагогик – психологик асослари. Дифференциал ўқитишнинг асосида ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ётади. Энг аввало ўқиш фаолиятига таъсир этувчи психологик жараёнлар ва уларни инсондаги акси ётади. Бундай хусусиятлар етарли даражада кўп. Боладаги ўқиш фаолиятини ривожлантирувчи қуйидаги тамонлар: ақлий риволанганлик даражаси, бунда ўқишига бўлган интилиш ва ўзлаштирилган билимлар назарда тутилади.

Таълим олмоқ деганда шахсни интеллектуал тизимини тушунилади – бу ўқувчининг ўқув фаолиятини махсулдорлигини кўрсатиб берувчи ақлнинг сифалари билан боғлиқ жараёндир. Таълим олишнинг даражаси ва махсуслиги ақлнинг бир қанча хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Булар ўзлаштиришнинг тезлиги, тафаккурнинг эгилувчанлиги ақлнинг чуқурлиги, фикрлаш фаолиятини англанганлиги, ақлнинг мустақиллиги ва шу кабилардир. Ўқувчининг касбга йўналтиришда, касб танлашда индивидуал ва дифференциал тамонлар уларнинг психологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Бу соҳани эса дифференциал психология фани ўрганиб боради.

Маълумки инсондаги психологик ўзига хослик унинг индивидуаль психологик тамонлари билан боғлиқдир. Буларга темпераментни, характерни, қобилиятларни, инсонни қизиқишини кўрсатиш мумкин бўлади. Касб танлашда индивидуал ва дифференциал тамонлар шахсдаги психологик хусусиятлар, айниқса унинг қизиқиши билан узвий боғлиқдир. Касб танлашда дифференциация бу ўқувчиларни қобилиятыни, қизиқишини, лаёқатини ҳисобга олиш ҳисобланади. Касб танлашда индивидуаллаштириш эса ўқувчининг индивидуал хусусиятларини барча шакл ва кўринишларида ҳисобга олишdir.

Касб танлашда ўқувчининг ўқишини индивидуаллаштириш ўқув материалларини дифференцияция қилишни ҳисобга олишни талаб қиласди. Бу жараёнда ўқув материалнинг хар хил хажм ва қийинлиги даражасидаги вазифалар тизимини қайта ишлаб чиқилади, гурухларда ўқитишни ташкил қилишни тизими ишлаб чиқилади. Бу жараёнда касб танловчи хар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Бундан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки “ички дифференция” ва “индивидуаллаштириш” моҳияти жиҳатидан бир хил, мос жараёндир.



Таълимнинг хозирги даражасида хар бир инсонни маълумоти ва жамиятнинг индивидуал имкониятлари бир бутун ҳолда стратегик ресурс ҳисобланади. Шу бўлаётган ислоҳатлардан келиб чиқсан ҳолда ўқитишнинг индивидуал ва дифференциал тамонларига бошқача қарашлар хам шаклланиб бормоқда. Бунда меҳнат бозорининг талабларидан келиб чиқсан ҳолда ўқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаштириш шаклланмоқда.

Мактабдаги ўқитишни индивидуаллаштириш қуйидаги тамонлар билан амалга оширилади.

Мазмуннинг вариантилиги (турлилиги):

- ✓ Асосий компонентлар
- ✓ Мактаб компоненти

Ўқитиш жараёнини ташкил қилиш:

- Индивидуал танлов асосидаги дарслар;
- Дарслар;
- Индивидуал режа (мастер - класс);
- Интенсив (инглиз тили);
- Индивидуал ўқитиш;
- Семинар;
- Амалиёт;
- Маъруза;
- Маслаҳат;
- Экускурсия;
- Тренинг;

Ўқитиш жараёнининг шакллари;

- Коллектив
- Гурӯхий
- Индивидуал
- Мустақил

Ўқитиш жараёнини методлари;

- Муаммовий – изланувчи;
- Муаммовий;
- Эксприментал;
- Режалаштирилган
- Аналитик;
- Мустақил;
- Фронтал ва ш.к.

Ўқув тарбиявий жараёнда ўқувчиларни индивидуал шаклланишига дифференциал ўқитишнинг характеристи хам ўз таъсирини ўтказади. Ўқувчиларни ўқитишни дифференциаллаш педагогик жараённи индивидуаллаштириш сифатида кўзга ташланади ва асосли таълимни ташкил

қилиш сифатида бўлиши мумкин. Булар асосида таълим компонентларини амалга оширилади.

Дифференцияни қўйдаги кўринишларини фарқланади:

- Регионал – мактаб типлари бўйича (махсус мактаблар, гимназия, лицей, колледж, хусусий мактаблар, комплекс ўқув тамонлар).
- Мактаб ичидағи (даражасига асосан, профил бўйича, алоҳида, чуқурлаштирилган, касбга йўналтириш, потоклар);
- Параллел тарзда (хар хил даражадаги гурухлар ва синвлар: гимназияга хос, лицейга хос ва ш.к.);
- Синивлараро (факультативлар, йўналтирувчи, хар хил ёшдаги гурухлар);
- Синф ичидағи ёки фанлар ичидағи (синф таркибидағи гурух).

Дифференцияни қўйидаги усуллари ўзини оқлайди:

- Вазифанинг моҳияти хамма синф учун бир хиллиги, лекин кучли ўқувчиларга масалани ечиш вақти қисқартирилади.
- Вазифанинг моҳияти хамма синф учун бир хил, лекин кучли ўқувчиларга кўпроқ хажмда ва мураккаброқ тарзда берилади.
- Синф учун умумий вазифа берилади, лекин кучсиз ўқувчиларга ёрдам берувчи материаллар берилади (таянч схемаси, алгоритим, таблица, намуна, жавоб ва ш.к.).
- Кучли, ўрта ва кучсиз ўқувчиларга кучли ва моҳияти жиҳатидан хар хил даражадаги дарслардан фойдаланилади.
- Тавсия этилган бир қанча вариандаги вазифалар ўқувчиларга танлаш учун тавсия этилади. Кўпроқ материалларни мустаҳкамлашда фойдаланилади.

Ўқиши давомида дифференциядан фойдаланиш шахсни ижодий имкониятларини шаклланишига; фаолликни ошишига ва ўқув мотивларини кучайишига , ижодий педагогик тафаккурни шаклланишига олиб келади.

Ўқишини индивидуаллаштириш ва дифференциялашни муҳим асосларидан бири бу ўқувчининг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш билан боғлиқ жараёндир.

Касб танловчининг дифференциал ва индивидуал тамонлари бўйича Гуревич К.М. тамонидан илмий изланиш ишлари олиб борилган. Унинг ишларида инсоннинг темпераментларидан келиб чиққан ҳолда касб танлашнинг муҳим тамонлари ёритиб берилган.

Такрорлаш учун саволлар

- 1 . Ўсиб келаётган ёшларни касбга ўргатишида индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш асосида ёндошиш.
2. Касбга йўналтиришида, касб танлашда индивидуал ва дифференциал томонлар.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А *Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

15 мавзу. Касбий психология ва ўқув фаолияти мотивлари, уларни классификацияси

- 1 Савол. Касбий психология ва касбга йўналтиришда ўқув фаолияти мотивлари.
- 2 Савол. Ўқув мотивларини классификацияси.

1 -Савол. Касбий психология ва касбга йўналтиришда ўқув фаолияти мотивлари.

Ўқувчи ёшларни касбга йўналтиришнинг муҳим бўлимларидан бири бу уларни ўқитиш ҳисобланади. Касбга йўналтириш бу онсон кечадиган жараён эмас. Бунда касбни танлаш учун ўсиб келаётган ёшларни қизиқишилари, эҳтиёжлари, манфаатлари, шарт – шароитлари, имкониятлари, интилишлари, англашлари, шунингдек улардаги индивидуал – психологик тамонлари, жисмонан соғломликлари, физиологик тузилишлари каби кўплаб объектив ва субъектив омиллар керак бўлади. Буларни билишлари учун уларда атрофдагилардан ўрганиш, ахлоқий нормаларга роя қилиш, фанларни ўзлаштириш ва ўзларидаги имкониятлардан фойдаланиш зарур бўлади.

Касбга йўналтиришнинг энг муҳим томони бу ўқишига тортувчи мотивлар ҳисобланади. Мотив бу ўқувчининг фаолиятига, хатти – ҳаракатга ундан турувчи жараёндир. Ўқувчини ўқишига тортиб турувчи, уни шу касбга қизиқиши, уни англаб етиши ҳисобланади. Ўқувчи ўзи севган касбни эгаллаши учун ўқиши кераклигини, шу касбга зарур бўлган билимларни мактаб программаларидан билиб олиши ва ундан ташқаридаги билимлар билан танишиш керак бўлади.

Ўқувчининг хати-ҳаракатини тўғри ушуниш учун энг аввало уни ҳаракатларини мотивини тушуниш лозим бўлади. Бир ҳаракатларни бажарганда ҳам уларни мотивлари ҳар хил бўлиши ўзига хос томонлари билан ажрлалиб туруши мумки. А.Н.Леонтьев мотив ва мақсад тушунчаларини ажратади.

Мақсад – бу инсон томонидан англанган ва кейинги натижаларни тасаввур қилиш бўлса, мотив – бу мақсадга интилишга қўзғатувчи жараёндир. Мотивларни тушунилган ва аниқ таъсирдаги тури мавжуд. Ўқувчи нима учун ўқиши кераклигини тушунади, лекин бу уни ўқув фаолияти билан шуғулланиши учун етарли бўлмайди. Аниқ шароитларда тушунилган мотивлар аниқ таъсирга эга бўлади. Мисол учун, биринчи синф ўқувчиси иложи борича

дарс қилишни чўзишга интилади. У дарс тайёрлаш кераклигини тушунади, бўлмаса ота-онасини хафа қилиши, икки олиши мумкинлигини англайди, шу билан бирга ўқиш унинг мажбурияти. Вазифаси эканлигини тушунади. Лекин буларнинг ҳаммаси уни дарс қилишга мажбур қила олмайди. Болага энди шундай дейилса: “Дарсни тайёрламагунингча ўйнашга чиқмайсан дейилса”, у ҳолда бундай огохлантириш унга таъсир этиб уй вазифасини бажаради. Боланинг онгидаги сўзсиз бошқа мотивлар (яхши баҳо олиш, ўз бурчини адо этиш) мавжуд, лекин булар тушуниладиган мотивлар.

2. Ўқиш мотивлари

Мотив – инсон ҳулқ - атворининг ички барқарорлиги, харакатга ундовчи тушунчадир. Мотивация эса ҳулқ - атворининг психологик ва физиологик бошқаришнинг динамик жараёни бўлиб, унга ташаббус йўналганлик ташкилотчилик, қўллаб - қувватлаш киради. Таълим жараёнида ўқиш мотивлари «**нима учун?**», «**нимага?**», «**қандай мақсад билан?**» каби саволлар асосида юзага келади. Мотивлар биринчидан ўқув фаолиятига ундаса, иккинчидан, мақсадга эришиш учун зарур йўл ва усуллар танлашга ёрдам беради. Ўқув фаолиятида ўқув мотивлари ўқувчилар томонидан танланиб, улар ўқувчининг мақсад, қизиқиши, келажак режалари билан бевосита боғлиқ бўлади.

Ўқув фаолиятининг мативациясининг манъбалари мавжуд бўлиб, уларга қўйидагилар киради.

1. Ички манъбалар. Улар инсоний туғма ёки ортирилган эҳтиёжлар билан белгиланади. Улардан энг муҳими туғма информацияга бўлган эҳтиёждир. Ортирилган эҳтиёжлар эса гностик ва ижтимоий эҳтиёжлар хисобланади.

2. Ташқи манъбалар. Улар шахснинг ижтимоий ҳаёт шарт – шароитлари билан белгиланади.

Талабалар уларнинг биринчиси бўлиб, жамиатни шахсдан талаб қиласидиган доимий ҳулқ - атвори билдирилади. Боғча, мактаб, оила боладан жуда кўп ишларни амалга оширишни талаб қиласиди.

Ижтимоий кутиш хар биримиздан маълум билимлар, кўникумалар даражасини бўлиши, зарурлигини жамият кутишини билдиради. Масалан, бир ёшли бола юриши керак. 7 ёшдан у ўқиш керак, 15 ёшдан у касб танлаши керак деб ҳисоблаймиз. Имкониятлар – шахс фаолиятини белгиловчи объектив шарт – шароитлардир. Масалан, боланинг ундан бой кутубхона уни китоб ўқишига ундейди.

3. Шахсий манбалар. Бу шахснинг қадриятлар системаси установкалари тояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятнинг кетишига таъсир этиб таълим жараёнининг мативациясини ташкил этади. В.А.Крутецкий ўспириналарда учрайдиган мативларнинг қуидагиларини алоҳида ифодалайди:

- а) Бирор ўқув фанига қизиқиш;
- б) Ватанга фойда келтириш истаги;
- в) Шахсий қобилятини рўкач қилиш;
- г) Оилавий анъаналарга риоя қилиш;
- д) Дўст – биродарларга эргашиш;
- е) Моддий таъминлаш ва хоказолар.

3. Билимларни ўзлаштириш жараёни ва унинг психологик компонентлари

Таълим жараёнининг натижаси ўзлаштириш ички ва ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ равишда ўзгартиришdir. Таълим бир одамнинг бошқасига билим ва кўникмалар беришидир. Билим, кўникма ва малакалар таълим жараёнининг натижасидир. Билимларни ўзлаштириш жараёни муаммоси *П.Я.Гальперн* ва *Н.Ф.Тализина* томонидан ўрганилган. Улар ақлий хатти – харакатларини босқичма – босқич шакиллантириш назариясини ишлаб чиққанлар. Муаллифлар ақлий хатти – харакатларни моддий холда ташқи нутқ ёрдамида ҳамда ақлий шакилда, фикрда номоён бўлишини изохлаб берадилар. Ақлий хатти – харакатларнинг *биринси босқичи* расм, схема, диаграмма ва шартли белгилар тарзида ўз ифодасини топади. Ақлий хатти – харакатларнинг *иккинчи босқичи* кўргазмалардан олган тасаввурлари тўғрисида ўқувчиларнинг овоз чиқариб, фикр юритишдан иборат. *Учинчи босқич* эса, субъект онгида тасаввур, тушунча, қонуният, хосса, хусусият, операция, усул тариқасида номоён бўлади. Маълумки, ўқувчиларга таклиф этиладиган ахборотлар ақл бовар қилмайдиган даражада тезлик билан кўпайиб бормокда. Шунингдек, уларнинг жуда тез эскириб қолиб, янгилашни тақозо этиши ҳам ўз – ўзидан маълум бўлмоқда. *Тўртинчи босқич* бажарилган хатти – харакатлар ички режада овоз чиқарилмай бажарилади. *Бешинчи босқич* эса фаолиятни фикран бажаришга ўтилади.

Бундан равшан кўриниб турибдики, материални асосан ёдлаб олиш ва хотирада сақлаб қолишга асосланадиган таълим ҳозирги талабларга қисман жавоб бермоқда. Ўқувчиларга ҳамиша янгиланиб турадиган ахборотни мустақил ривишда ўзлаштириб боришга ва ўқиши битириб келгандан кейин, кишига жадал суръат билан ўсиб бораётган фан – техника тараққиётидан орқада қолиб кетмаслик имкониятини берадиган қобилятлар тараққиётини берувчи тафаккур сифатларини таркиб топтириш муаммоси биринчи ўринга чиқиб бормоқда. Таълим жараёнида ўзлаштиришнинг муваффақияти қўйдагиларга боғлиқ:


- 1. Таълим мазмунига;**
- 2. Ўқув режалари, дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мавжудлиги;**
- 3. Таълим методикаларини таомиллашганлиги;**
- 4. Ўқитувчи маҳорати;**
- 5. Ўқувчининг индивидуал психологик хусусиятлари;**

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли индивидуал типологик хусусиятларга эга ўқувчилар учун таълимнинг ягона қулай, оптимал шароитларини яратиш мумкин эмас. Аммо ўзлаштиришнинг самарадорлигини оширишда муоммала таълим, ноанъанавий таълим усулларини қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

2 - Савол. Ўқув мотивларини классификацияси.

Инсон фаолиятининг муҳим тамонларидан бири бу унинг ўқиши ва малакага эга бўлишидир. Ўқиши орқали киши ўз эҳтиёжларини қондириш йўлларини излайди. Ўзи учун зарур ва қизиқарли бўлган касбни танлаб олади ва шу йўлда изланиб боради. Ўқишига олиб келувчи кўплаб сабаблар мавжуд бўлиб инсон шу мативлар асосида харакатга келади ва фаолият кўрсатиб боради. Бизга маълумки ўқувчи ўзини ўқишига бўлган муносабатида кўпгина ҳолларда ўқимасликка баҳоналар излайди. Ўқувчиларни ўқишига бўлган интилишларини шакллантирибгина қолмай, балки уларни билишга бўлган интилишларини ҳам вужудга келтириб бўладими? – деган савол туғилади. Ҳа! Албатта бу соҳада диагностика тизимларини ўрганишда ўқитишни сифатини оширишнинг кўринишларидан бири бу мотивларни ўрганиш ва уни билиш фаолиятидаги таъсирчанлигини ошириш ҳисобланади. Мотив – бу инсондаги маълум бир моддий нарсага ёки маънавий рағбатлантиришга интилиш, фаолият қилиш бўлиб, бунда кишини хатти – харакатга ундан туради. Мотивларни уйғотувчи асосий манба бу эҳтиёж ҳисобланади. Инсондаги ҳар қандай фаолият ҳар доим

маълум бир мотивларга эга бўлади. Инсон қанчалик ўз мотивларини чуқур ва кенг англаған сари ўзини хатта – харакатларини шунчалик яхши бошқара олади. Ўқув мотивларини тахлил қиласр эканмиз уни икки тамонини кўрсати ўтамиз.



Ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлган мотивлар ўзида ўрганиш билан боғлиқ бўлган моҳиятни олиб юради (янги омиллар, билим, ходиса...), ва ўқиш жараёни (интеллектуал фаолиятни шаклланиши, фикирлаш, твициларни енгиб ўтиш...). Ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мотивлар ўзига социаль мотивларни қамраб олади (жамият олдидаги бурч ва жавобгарлик: класс олдида, ота – она олдида, ўқитувчи олдида, ...), тор шахсий мотиалар (мақтов олишга интилишда, яхши баҳо олиш, биринчи бўлиш мақсади...), салбий мотивлар (ёмонликдан қочиш ва шу кабилар). Бу мотивларнинг ҳар бири алоҳида ўқув мотивини ривожига таъсир этади.

Ўқувчиларни ўқиш билан боғлиқ мотивлари кўпгина психологлар тамонидан ўрганилганлиги сабабли уни кўплаб вариантлари мавжуддир. Дейлик, Т.А. Илина тамонидан тавсия этилган вариант қуйидагичадир.

Бевосита уйғотувчи мотивлар:

- Ўқитувчининг шахси ва фаолияти билан боғлиқ бўлган мотивлар. Бунда ўқитувчи танлаган мотивлари ва усуллари ётади.
- Ижобий эмоцияларга асосланган ихтиёrsиз диққатга сунадиган мотивлар.

Келажакка боғлиқ бўлган мотивлар:

- Бу ўқувчини келажаги билан боғлиқ бўлган, унинг мақсадга интилиши билан боғлиқ мотивлар.
- Бу маълум бир предметга, маълум бир фаолиятга ҳохиш билан боғлиқ, шунингдек ўртоқларининг мақтовини ҳохлаш билан боғлиқ мотивлар.
- Мотивларни қўрқинч билан боғлиқ бўлиши, дейлик ота – она олдидаги ва ўқитувчи олдидаги қўрқинч.
- Мақсадни онглаган ҳолдаги ихтиёрий диққат билан боғлиқ мотивлар.


Ақл билан боғлиқ мотивлар:

- Ақлий фаолият жараёни билан боғлиқ мотивлар.
- Мустақил равишда масалага жавоб бериш, бу масалани ҳал этиш билан боғлиқ хиссиёт, ақлий фаолиятдан қониқиши билан боғлиқ мотивлар.
- Болаларни ақлий фаолият усулларига ўргатиш, умум таълимни ўзлаштириш билан боғлиқ мотивлар.

Бу ажратиш жуда ҳам шартлидир, чунки мотивлар бир бири билан бирлашиб кетган, улар бир бирига ўтиб туради, бирлашади; бундан ташқари мотивлар ёшига қараб ҳам ўзгариб туради; дейлик кичик мактаб ёшидагиларда бевосита уйғотувчи мотив мотивлар устун турса, катталарда – ижтимоий вакелажакка уйғотувчи мотивлар устун туради.


Ўқув фаолиятини мотивларини Т.А.Илина яна бир вариантини илгари суради. Унинг фикирича бу икки тенденцияга асосланади. Бири ютуққа эга бўлиш бўлса, иккинчиси мувофакиятсизликдан қочиши ҳисобланади.

Т.А.Илинанинг икки варианти бўйича




Бунда ўқитувчининг вазифаси – ўқувчиларда мувофақият қозонишга ишончни ривожлантириш, энг кичкина ютуқни ҳам рағбатлантиришлари керак бўлади. Диққатни мувофақиятсизликка қаратмасликлари керак бўлади.

Бундан ташқари А.К. Маркованинг мотивларни классификация қилиш варианти ҳам бор. Бу қуидагича кўринишга эга:



Мотивни бундан ташқари яна қуидаги ҳам классификация қилиш мүмкін. Бу қуидаги:



Юқоридаги фикирлардан келиб чиқсан ҳолда ўқув фаолияти бўйича қуидаги хulosаларни кўрсатамиз:

1. Ўқув фаолиятининг етакчи мотиви бўлиб ташқи ёки ички мотивлар бўлиши мүмкін.
2. Мотивлар ривожланишини мотивларни билиш билан боғлиқ энг муҳим жараёнлардандир. Шуни ҳам кузатиш жойизки ташқи ижобий мотивлар ташқи салбий мотивларга айланмаслиги керак.
3. Ҳар бир ўқувчи ташқи мотивлар таъсирида бўлади, чунки ўқув фаолияти ҳар доим ярим мотивлашгандир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касбий психология ва касбга йўналтиришда ўқув фаолияти мотивлари.
2. Ўқув мотивларини классификацияси

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

16 – мавзу. Касбга ўқитишда педагог фаолиятининг психологик муаммолари

1. Касбга ўқитишда педагог фаолияти ва унинг психологик муаммолари.
2. Педагогик ихлос ва уни касбга йўналтиришдаги аҳамияти.
3. Ўқишига муносабат ва интеллектуал сифатлар. Ахлоқий – иродавий фазилатлар. Ишблармонлик хислатлари.
4. Касбга хос хислатлар ва уларни ривожлантириш масалалари.

1 Савол. Касбга ўқитишда педагог фаолияти ва унинг психологик муаммолари.

Педагогнинг ўқитишдаги роли ҳамма умумпедагогик фанларда тан олинган ва бу соҳа эгаларини фаолияти муҳимлиги кўрсатиб берилган. “Педагогика” термини икки хил аҳамиятга эга. Биринчиси – бу фан, илмий изланиш макони. Иккинчиси – бу амалий фаолият, касб, санъатdir. Машҳур инсонларнинг номини кўпинча унинг тарбиячиси бўлган педагоглар номи билан боҳлайдилар.

Касбга ўқитишда педагог фаолиятининг муҳим тамонларидан бири бу унинг, яъни ўқитувчи шахси номи билан боғлиқлиги ҳисобланади. Унинг у ёки бу хусусиятлари ўқитиш давомида кўтарилиши ёки пасайиши мумкин бўлади. Энг аввало бу “махсус ўқитувчилик хусусияти” ҳисобланиб, бунга “ўқитувчининг илмий тайёргарлиги” ва “ўқитувчининг шахсий таланти” киради.

Касбга ўқитишда педагог фаолиятининг биринчи объектив характери бу педагогнинг ўзи ўқитаётган фанини яхши билиши, Яъни бу мутахассислик бўйича илмий тайёргарлиги яхши бўлиши, унга яқин фанларни ҳам билиши, кенг маълумот эгаси бўлиши, фаннинг метадологиясини билиши, дидактик принципларга эга бўлиши ва ниҳоят ўзи ишлаётган болаларни яхши билиши керак бўлади. Иккинчи хусусияти- бу субъектив характерга эга бўлган ва педагоглик санъатини, педагоглик маҳоратини, педагог ижодини қамраб оловчи хусусиятдир. Иккинчи тамон педагоглик тактни, педагогик мустақилликни ва педагоглик талант, санъатни ўзига қамраб олади. Бу жараёнда

педагогни ўзи мустақил бўлиши, эркин ижодкор, яратувчи бўлиши, хар доим харакатда, изланишда ва тараққиётда бўлиши керак бўлади.

Касбга ўқитишида педагог фаолиятида бундан ташқари “ақлий” хусусиятларга кирувчи “максус” хислатлардан ташқари шахсий – “иродавий - аҳлоқий” хусусиятлар хам муҳим рол ўйнайди. Бунга ўқитувчининг эътиборлилиги, зийраклиги (айниқса кучсиз ўқувчиларга) ҳололиги, чидамлилиги, ўзини ушлаб тура олиши, ўз ўзини танқид қила олиши болаларга бўлган муҳаббати киради.

Касбга ўқитишида педагог фаолиятида унинг ижтимоий роли, ўрни, вазифалари ва унга бўлган талаблари, унга бўлган ижтимоий муносабатлар хам муҳим ҳисобланади. Бундан келиб чикқан ҳолда ўқитувчининг касбий – педагогик тайёргарлиги ва ўзини тайёрлаши педагогик фаолиятининг психологик муаммолари қаторига киради.

Ўқитиши жараёнида педагог фаолиятининг учта компонентини ажратиш мумкин. Булар конструктив (тузулиши), коммуникатив (алоқа йўли) ва ташкил қилиш фаолияти. Педагог фаолиятининг **конструктив** компоненти – бу ўқитувчи фаолиятида дарсни тузилишини шакллантириш, конструктивлаш ҳисобланади. Бунда ўқитувчи дарсни тузилишини ташкил этиши, ўқувчиларни дарсдан ташқаридаги тадбирларини шакллантириши, мактаб дастури асосида ўқув материаларини танлаб олиш, буларни дарсликлардан ва хар хил методик ишланмалардан олган ҳолда ўқувчиларга етказиб бериши кабиларда кўринади. Буларнинг хаммаси бир бутун дарс жараёнини тузилишини, дарсдан кейинги қилинадиган иш фаолиятларини хам тузилишини конструктивлаб беришда кўзга ташланади. Айниқса касбга ўқитишида педагогнинг бу фаолияти муҳим ҳисобланади. Албатта касбга ўқитиши давомида, дарсни конструктивлаш, яъни тузилишини шакллантириш давомида ўқитувчи шахсини олдида ўзига хос психологик муаммолар ва уларни ечими ётади. Бунда ўқитувчига қўйиладиган талаблар, ўқувчида содир бўладиган психологик жараёнлар, улар ўртасидаги ўзаро муносабатларда кўзга ташланиб, ўзига хос бўлган психологик муаммоларни вужудга келтиради.

Ўқитувчи фаолиятининг иккинчи муҳим қисми бу **коммуникатив** (алоқа йўли) ҳисобланади. Бу педагог фаолиятидаги муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади. Бу педагог фаолиятида кўплаб психологик муаммолар келиб чиқади. Ўқитувчи бу жараёнда ўқувчи билан, унинг ота – онаси билан, мактаб администрацияси билан ва ўқитувчилар билан ўзаро алоқада бўлади. Айнан ўқитувчининг ўқувчига бўлган муносабати ва улар ўртасидаги ўзаро муносабат конструктивлик ва ташкилотчилик муносабатида кўплаб психологик муаммолар юзага чиқади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларда,

ўқитиши билан боғлиқ жараёнларда эмоционал кечинмалар ўқитишининг ўзига хос эмоционал тамонларини кўрсатиб беради.

Ўқитувчининг ўқувчига бўлган эмоционал муносабатини беш типи мавжуд. Булар ижобий – эмоционал фаол муносабат; ижобий – эмоционал пассив муносабат; салбий – эмоционал фаол муносабат; салбий – эмоционал пассив муносабат ва бир хил бўлмаган муносабатлар.

Касбга ўргатишида педагог фаолиятидаги ўқувчилар билан бўладиган эмоционал – ижобий фаол муносабатларга ўқитувчининг ўқувчига бўлган очик кўнгилли муносабати, ўқувчида яхши шахсни кўриш, унифаол рағбатлантириб бориш натижасида уларни бир бирларига ёрдам беришларини, ташаббускорликларини, синфда ўртоқлик хиссини шакллантириб борилади. Албатта бу қўрсатилган жараёнларнинг хам ўзига яраша психологик муаммолари ва ечилишини талаб қиласидиган тамонлари бор.

Ўқитувчи фаолиятидаги **ташкилотчилик** тамонлари. Ўқитувчи фаолиятида ташкилотчилик фаолияти муҳим жараёнлардан биридир. Уни конструктивликдан ажратиб бўлмайди, улар бир бутун жараён ҳисобланади. Ўқитувчи дарс давомида нимани мўлжаллаган бўлса, у ўқитувчининг билиши, уддалаши, ташкил қилиш қобилияти билан боғлиқ бўлади. Фақат шундагина ўқувчи билим билан тамилланади.

Ташкилий компонент ўзида учта йўналишни қамраб олади: ўзини айтмоқчи бўлган фикрларини ташкил этишда; дарсда ўзини тутишни ташкил этишда; болаларни фаолиятини ташкил этишда, яъни уларни билиш жараёнларини хар доим фаоллаштириб туришда кўринади.

Россиялик психолог А.И.Шербаков педагог фаолиятининг бу компонентларидан ташқари қўшимча тамонларини хам киритади. Бу информация – маълумот берувчи тамонлар (материалларни билиш ва етказиб бера олиш санъати) Ривожлантирувчи (мактаб уқувчини бир бутун ҳолда ривожланишини бошқаради) йўналиш берувчи (шахсни йўналишлари, унинг мотивлари), изланувчанлик (педагогик жараёнда ижодий изланиш, экспримент ўтказишини уддалай олиш, ўзини моҳоратини ва тажрибасини умумлаштира олиш).

2 – савол. Педагогик ихлос ва уни касбга йўналтиришдаги аҳамияти.

Ўқитувчи меҳнатининг жамият учун жуда катта аҳамиятга эгалиги хамиша, хамма замонда эътироф қилиб қилиб келинган, Хозирда Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим соҳасидаги ислоҳатларда ўқитувчининг роли ва аҳамияти жуда каттадир. Ўқитувчилар ўз фаолиятларини ёшларни тўғри тарбиялашга ва жамиятга етук мутахасиси сифатида тайёрлаб беришни олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бу соҳада улар ўз касбларига ихлос қилган ҳолда ёндошиб, жамият қўйган мақсадлар сари илдам бормоқдалар. Бунинг учун улар педагогик ихлос асосида ёшларни ўzlари қизиққан касбларга йўналтириб бориб уларни келажакда яхши касб эгаси бўлишлари учун тайёрлаб бормоқдалар.

Педагогик ихлос – бу педагогни ўз касбига бўлган содиқлиги, уни таълим бериш ва тарбиялаш ишларидағи жонкуярлиги, ўз ишига берилганлиги, фаоллиги, холислиги, ишига вафадорлиги, ундаги қобилияtlар ва бағри кенгликнинг чексизлиги кабилар ҳисобланади. Педагогик ихлос тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, у педагог шахсини, педагог аҳлоқини, педагогик қобилияtlарни, педагог нутқини, педагог психологияси каби қатор тамонларни ўзида қамраб олгандир. Педагогик ихлос педагогни узоқ йиллар давомида педагогик фаолиятга чин қалбидан хизмат қилиш билан боғлиқдир. Педагогик ихлос бу педагогнинг сабр – такоти, чидам билан ёш авлодни тарбиялаш жараёни бўлиб, педагогни олдига қўйилган барча талабларни ўз вақтида бажариб бориб обрўга эга бўлиш жараёнидир.



Педагогнинг бу фаолияти жуда қийин, қўплаб меҳнатни талаб қиласиган фаолият тури ҳисобланади.

Педагогни ўз касбига мавжуд бўлган ихлоси уни касбга ёшларни йўналтиришда аҳамияти жуда катта бўлади. Педагогик ихлос энг аввало педагогни ўз касбни севишдан бошланади. Педагог ёшлар билан ишлашдан чарчамайди, уларни севади ва уларни малакали бўлишларига ёрдамлашади. Педагог ўз касбига садоқатли бўлиш билан бирга у жамият олдидаги маъсулиятни ҳам сезиб туради. Қадимги грек философларидан бири бўлган Платон, агар кавушдўз ёмон уста бўлса, давлат бундан унчалик кўп зарар кўрмайди – фуқоролар бир мунча ёмонроқ кийиниб юрадилар, холос, аммао болаларни тарбияловчи киши ўз вазифаларини ёмон бажарса, мамлакатда нодон ва ёмон одамларнинг бутун бир авлоди вужудга келади, деб ёзган эди. Демак педагогни ўз касбига бўлган ихлоси орқали, жамиятга яхши инсонлар этишиб чиқади ва улар жамият манфаатлари учун хизмат қиласидилар.

Ўз касбига ихлос қиласиган педагоглар танлаган касбларидан нолимайдилар, узларини хар доим шу касбга лойик тутишга интиладилар. Педагогик ихлос бу ўзига яраша чидам ва сабр – тоқатни талаб қиласиди. Йиллар давомида педагогда ўз касбини ардоқлаш, касбга тегишли бўлган маҳоратни ўсиб бориши, касбга ижодий ёндошиш каби хислатлар шаклланиб боради. Таниқли педагоглардан бири касбига бўлган ихлосни қуидагича кўрсатиб беради. Менинг бутун ҳаётим ўзим учун ёрқин ҳаёт бўлди. Умримда зериккан вақтим бўлганини билмайман... Ўз ота – оналарига нисбатан мени кўпроқ яхши кўрадилар. Яхши кўришларининг бойиси шуки, мен уларга бутун ҳаётимни тикканман. Мени кўз ўнгимда улар ўсиб ривожлана бошлайдилар, уларнинг фикирлари таркиб топади, уларда энг яхши одатлар

вужудга келади. Улар китоб билан ишлашни ўргана бошлайдилар, китоб эса инсоннинг энг катта хазинасиdir. Бу фикрларни айтаётган муаллим ўз касбини содиқ инсони, ўз касбига ихлос қўйган улуғ зотdir.

Педагогик ихлос – бу ўқитувчининг ўз касбига бўлган содиқлиги ва шу йўлдаги доимий изланиш ҳисобланади. Ихлос бу психологик тушунча булиб инсонни бирор бир касбга, ходисага бўлган содиқлиги, бу касбни ўзгартирмаслиги, хар доим шу касбни улуглаши билан боғлиқ жараёнdir. Инсондаги ихлос ўзига энг аввало эҳтиёжни, манфаатни қамраб олиб, шундан келиб чиқсан ҳолда унда шаклланадиган қизиқишлиар, мотивлар, установкаларга асосланади. Инсондаги ихлос унинг фаолиятини барча соҳаларида кўзга ташланади. Инсон бирор касбга ихлос қилиши учун бундан ташқари унда ирова кучи, дикқатнинг ўзига хос тамонлари, ҳаёл, тафаккур, ўзига хос бўлган индивидуал – психологик хусусиятлар шакллантирилиб борилиши керак бўлади.

Педагогик ихлос – бу педагогни ўз касбига бўлган иродавий тамонларни мужассамлантирган жараён бўлиб, ёшларни касбга тайёрлашда жуда катта кучни сариф қилишни талаб қиласди. Педагог ўз қобилиятларидан келиб чиқсан ҳолда ёшларни касб –хунарга йўналтириб туради, уларга билимлар бериб бориб, малакаларини тарбиялайди, касбга хос бўлган лаёкатни шакллантиришга кўмаклашади. Педагогнинг ўз касбига бўлган садоқати, ёшларни касбга йўналтиришда иродавий кучни, ақлий салоҳиятни сариф қилишни талаб қиласди. Бизга маълумки ёшлар ўзига хос бўлган хулқ – атворга эгадир. Уларни шу касбларга йўналтириш учун эса педагог ўз касбини яхши билиши ва бошқа фанлар, касблар ҳақида билимга эга бўлиши керак бўлади. Албатта педагогдаги қаътийлик, чидам, меҳнаткашлик, болаларни ўзини кетидан эргаштира олишилик каби қобилиятлар педагогни меҳнатини рўёбга чиқаради.

Кўриниб турибдики педагогик ихлосни ёшларни касбга йўналтиришдаги аҳамияти ниҳоятда катта ва бу ихлос педагогни фаолиятини юзага чиқиши учун зарурдир. Педагогни ихлосини тақдирлаб турилиши, яъни уни моддий ва маънавий рағбатлантириш педагогдаги ихлосни янада оширади.

Ўқитувчидаги педагогик ихлосни шакллантиришда унинг шахсий ва қисқача характеристикасини қўйидагича тасаввур қилиш мумкин.

- Юксак даражадаги фуқаролик жаваборлиги ва ижтимоий фаоллик;
- Гуманистик йўналиш, болаларга бўлган муҳаббат;
- Маънавий маданият, зиёлилик;

- Илмий – педагогик тафаккурнинг инновацион стили, янги қадрият ва ижодий қирраларни яратишга тайёр бўлиш, юксак касбий маҳоратни кўрсата олиш;
- Жисмоний ва психологик соғломлик касбий лаёқатлилик;
- Мустақил ўз – ўзини таълим олиши учун бўлган эҳтиёж ва унга тайёр бўлиш.

3 - савол. Ўқишига муносабат ва интеллектуал сифатлар. Ахлоқий – иродавий фазилатлар. Ишблармонлик хислатлари.

Педагог ўз фаолияти давомида ёшларга таълим ва тарбия бериб боради. Ёшларни ўқитиш уларга билим ва малака бериш вазифаси ўқитувчини ҳар доим ўз устида изланишига, малакасини ошириб боришни талаб қиласди. Шу билан бирга ўқитувчи ёшларни ўқитиш масаласига жуда катта маъсулият билан муносабат қиласди. Педагог ёшларни билим ва малакалар билан таъминлаш учун аввалом бор ўзи ва ўқувчиларни ўқишига бўлган қизиқишиларни шакллантириб боради.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўқишига бўлган қизиқишини шакллантириш учун уларда интеллектуал сифатларни вужудга келтиради, шакллантиради ва уларда ўқишига бўлган етук муносабатларни тарбиялади.

Ўқувчиларни интеллектуал – ижодий фаолияти маъзмунига қуйидаги гурӯҳий шароитлар киради:

- Ташкилий шароит: ижодий ёндошувчи ўқитувчилар гурӯхини тузиш;
- Маълумот берувчи шароит :
 1. Изланиш фаолиятини ташкил қилиш билан боғлиқ каталогларни яратиш;
 2. Қобилиятли ва изланишга моил бўлган болалар ҳақида база яратиш;
 3. Изланиш ишлари билан шуғулланаётган ўқитувчилар базасини яратиш;

4. Ўқувчиларни изланиш билан боғлиқ маълумотлар баъзасини яратиш;
5. Ўқувчи ва ўқитувчиларни ўтказилиши керак бўлган конкурслар билан, уларга қўйиладиган талаблар билан таништириш;
6. Ота – оналар мажлисини ўтказиш ва ота – оналарга маслаҳатлар бериш
7. Ижодий гурӯх ҳақидаги қоидаларни ишлаб чиқиш ва изланиш ишини ёзиш ҳақида йўриқнома яратиш

Методик шароит:

1. ўқувчи ва ўқитувчиларни изланиш фаолиятига муносабатларини, таълимни ривожлантириб борувчи технологияга, инновацион жараёнларга тайёргарлигини диагностика қилиш;
2. ривожланиб борувчи технологияни ўқитувчилар тамонидан фойдаланишни ўқув - тарбиявий жараёнлардаги ҳолатини тахлил қилиш;
3. ўқитувчиларни ривожланиб борувчи янги технологиялар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиши;
4. таълим беришда изланишнинг назарий асослари билан ўқитувчини таништириш;
5. ўқувчиларни изланиш фаолиятига раҳбарлик ҳақида таништириш;
6. методикани яратишни асосини шакллантириш;
7. ўқитувчиларни қобилиятли болалар билан ишлаш курсларида ўқитиш;
8. Таълимни ривожланиб борувчи технологиялар асосидаги тажрибаларни умумлаштириш;
9. касбий ўсиб бораётган ўқитувчини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш.

Психологик сифатлар:

1. Ўқувчиларни интеллектуал – ижодий қобилияtlарини диагностика қилиш, изланиш фаолиятига иқтидори бор бўлган болаларни аниқлаш;
2. Изланиш билан шуғулланаётган болалар билан тренинглар ўтказиш;
3. Коррекцион ривожланиб борувчи дарсларни ташкил этиш;
4. Ўқувчилар, ота – оналар ва ўқитувчилар учун маслаҳатлар ташкил этиш;

Педагогик шароит:

1. Мактаб илмий жамиятини ташкил этиш;
2. Ўқувчилар даражасида изланиш ишларини олиб боришга назарий тайёргарлик киритиш;
3. Мактаб илмий анжуманини ташкил этиш ва ўтказиш;
4. Ўқувчиларни шаҳар, вилоят, республика конференцияларида иштрок этишларини рағбатлантириш;
5. Фан кунини ўтказиш;
6. Билиш билан боғлиқ бўлган ўйинлар, конкурсларни ташкил этиш ва ўтказин ва ш.к.

Интеллектуал амалий ишларни олиб боришда ўқитувчига зарур бўлган амалларга шуларни киритиш мумкин. Албатта бу ерда молиявий харажатлар хам бордир.

Ўқитувчилар бугунги ўқувчига барча фанлардан яхши билимлар олишларини имкониятларини яратишлари керак. Улардаги интеллектуал имкониятларни тарбиялаб боришлари, уларни ўқишига бўлган муносабатларини қизиқтиришлар орқали шакллантириб боришлари зарур бўлади. Бу билимлар билан танишган ўқувчилар аниқ ҳолларда яхши фикрлар айта олишлари, ўзларини қобилиятларини кўрсата олишлари мумкин бўлади. Ўқувчига берилаётган билимларни хаммасини унга етказиб бермасдан уни муаммоли вазиятларга қўйиш орқали ўйлашга, хулоса қилишга, ўзича янгиликларни яратишга мажбурланади. Бундай ишларни олиб бориш уларда тафаккур қилишни, фикрлашни шакллантиради. Психологлар бундай жараён хамма болаларда мавжудлигини ва уни тарбиялаб бориб яхши таълим олган инсонларни яратиш мумкинлигини кўрсатиб ўтганлар.

Интелектни шарқлашни хар хил бир биридан фарқ қилувчи тамонлари бор. Бугунги кунда интелектни универсал ҳодиса сифатида психологик тушунтириш мумкин. Бунинг асосида маълумотни маълум бир тезлиқда ва аниқликда қайта ишла оловчи генетик тарзда асосланган нерв тизимининг хусусияти ётиши мумкин. Бу фикрни Х.Айзенк айтиш билан инсондаги интелектни нерв тизими билан боғлиқлигини кўрсатиб ўтади. Инсондаги нерв тизими ва унинг физиологик хусусиятлари шахснинг интеллектуал имкониятларининг асосини ташкил этади. Бу соҳада қўплаб мутахасислар ўз тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўқувчининг интеллектуал имкониятлари ва уни рўёбга чиқиши албатта унга мерос бўлиб қолган нерв тизими ва унинг имкониятлари билан ҳам боғлиқдир. Ўқишига муносабат ва интеллектуаль сифатлар бу педагогни ва ўқувчини имкониятлари ва биргалиқдаги харакатлари билан боғлиқ бўлади.

Интеллектнинг тизимиға қуидаги қобилиятлар кириши мумкин: вербаль, сонли, маконга хос. Буларнинг хаммаси биргалиқда конвергент тафаккурни характерлайди. Ўқитувчи болалар билан иш олиб боиб улардаги интеллектуал имкониятларни билиб бориши учун улардаги тафаккурга хос бўлган жараёнларни ўзлаштирган бўлиши зарурди.

Конвергент тафаккур (лот. ўхшаш, мос келиш) – тафаккур шакли. Бу болалардаги интеллектуал фикрлаш қоидаларининг кўриниши ҳисобланади. Маълум бир вазифаларни ечишнинг алгоритимларини аниқ ишлата олишга асосланган, яъни шу масалани кетма – кетлиқда ечишни инструкцияси берилган ҳолда унга амал қилиш тушунилади. “Ақилли” ва “фаҳм - фаросатли” сўзларни синоним сифатида ишлатилади. Бундан ташқари ақиллий бу жуда катта ва бой билимга эга бўлиш ҳамдир. Яна шуни айтиш жойизки ҳақиқий ақилли одам ечилиши маълум бўлмаган ва хаттоки ҳеч кимга уни ечилиш йўли маълум бўлмаган вазифаларни ечиш билан боғлиқдир.

Креативлик (лот.- яратувчанлик) - индивидни ижодий қобилияти бўлиб туб янгиликларни яратувчи янги ғоялар билан характерланади. Торренснинг фикрича креативлик муаммоларни хис этишни кучлилиги, билимлардаги дифицит ёки бу билимга қарма – қаши бўлган фикрлар, буларни аниқлашдаги характер, ўзлари яратган гипотезалар асосида уларни ечишга интилиш кабиларни креативлик ўзига қамраб олишини кўрсатади.

Креативликни баҳолаш учун хар хил дивергент тафаккур, шахсий сўров, фаолиятни натижалигини таҳлил қилиш тестларидан фойдаланилади.

Гильфорд креативликни характерловчи 16 та гипотетик интеллектуаль қобилиятларни ажратади. Шулардан асосийлари:

- Тезлик, чаққонлик (маълум вақт ичидаги фикрлар сони);
- Эгилувчанлик (бир фикрдан иккинчисига онсонлик билан ўта олишилик);
- Ўзига хослик, такрорланмаслик (умумий қабул қилинган фикрлардан фарқ қилувчи фикрларни яратса олиш қобилияти);
- Билимга қизиқувчанлик (бошқаларга қизиқ бўлмаган муаммоларга ундаги хиссиётни кучлилиги);
- Унумдорлик;

Истедод ва лаёқат – бу шахсни маълум бир фаолиятни бажаришдаги реал ва потенциал мувофақиятни таъминловчи ва бир ёки бир қанча соҳада ўртачадан юқори бўлган натижаларга эришишdir.

Истедод кўзга ташланувчи ёки яшрин, умумий ёки маҳсус бўлади.

Маҳсус истедод кўринишлари:

- Интеллектуаль (конвергент тафаккурни юксак натижалари);
- Техник
- Ижодий (дивергент тафаккурни юксак кўрсатгичлари);
- Бадиий;
- Матор – харакатли (спортдаги);
- Ижтимоий (лидерлик);
- Академик;
- Интеллектуаль – рациональ қобилият (чап ярим шарлар);
- Эмоциональ – бадиий қобилият (ўнг ярим шарлар).

Истедод кўрсатгичлари :

- Билимга қизиқиш ва билишга бўлган эҳтиёж анъанавий таълим чегарасидан чиқиб кетади;
- Юксак интеллектуаль ва ижодий натижалар
- Абстракт тафаккур ва нутқни юксак даражаси (нутқ орқали хулосалар қила олиш);
- Мулоқатдаги енгиллик, киришувчанлик;
- Фаоллик;
- Ўқув фаолиятидаги юксак мотивация;
- Дунёни бир бутун кўринишини стихиялик асосда кўриш.

Педагогни ёшларни тарбиялашдаги интеллектуал тамонларни шакллантирилиши яна унинг аҳлоқий – иродавий фазилатлари билан боғлиқдир. Инсоннинг аҳлоқий онги унинг эмоциональ жараёнлари ва хулқ – автори билан биргалиқда юз берадиган мураккаб жараёндир. Инсондаги аҳлоқ унинг ҳаёти давомида шаклланиб боиб аҳлоқ ҳақидаги билимлар, мерослар, қадриятлар билан бирга ўзи ҳаёти давомида ортирган билимлар, малакалар асосида шаклланиб боради. Аҳлоқий онгни шаклланиши ва ривожланиши аҳлоқий принципларни билишни, меъёрни, ўзини жамиятдаги аҳлоқ билан боғлиқ ўрнини ҳар доим англаб бориши ва уни фикрлаши асосида таҳлил қилиб бориши билан боғлиқ бўлади.

Педагонинг аҳлоқий онги аҳлоқий билимлар, аҳлоқий хиссиёт, ишонч, ирода ва идеалларга асосланган ҳолда ўзининг касбига хос хатти – харакатларда кўзга ташланади. Педагонинг аҳлоқи бу шахс аҳлоқий маданиятининг бир бўлаги бўлиб, ўзида умуминсоний, миллий, касбий маданиятни бирлаштириб туради.

Педагог шахсининг аҳлоқий маданияти – бу бир бутун элементлар тизими бўлиб, қўйдагиларни ўзига қамраб олади:

✚ ахлоқий тафаккур маданияти (ахлоқий хулосалар чиқара олиш, ахлоқий ва эстетик билимлардан фойдалана олиш, яхшилик ва ёмонлик, гармония ва гўзаллик тушунчаларини фарқлай олиш, ахлоқий меъёрларни амалиётда тадбиқ эта олишлик);

✚ маданиятни хис эта олиш (ахлоқий жараёнларга ўзини муносабатини кўрсата олиш, ичидан шу ходисага дардкаш бўла олиш);

✚ ўзини тутиш маданияти – бунда конкрет амалиётда хар хил фикрларни, билим ва хисларни кундалик ҳаёт меъёрига айланиб маълум бир харакатга келишини хис этиб бориш;

✚ этикетни маълум мулоқатларда ушлаб туро олишлик, яъни стилда, манерада, регламент шаклларида.

Педагогнинг ахлоқий онг тизимиға қуйидагилар киради:

- ✚ Ахлоқий қарашлар;
- ✚ Фоялар, ишончлар;
- ✚ Ахлоқий хиссиётлар – бу болаларни ўқитишида ва тарбиялашда содир бўлувчи ахлоқий жараёнлар.

Педагог ўз фаолияти давомида ишларини ташкил қилиш жараёнида ишблармонлик қобилиятларидан фойдаланиши зарур бўлади. Ишблармонлик нима? Бу педагогни ўқитиши жараёнида уни ташқил эта олиши ва унумли дарсларни ташкил эта олишидир. Ишблармон ўқитувчи ўзидағи қобилиятларни ишга солган ҳолда болаларга берилаётган дарсларни ташкил этиш, болалрни имкониятларидан тўла фойдалана олиш, дарсларни сифатини оширишга интилиш каби кўплаб тамонларни ўзида акс этдиради. Педагогнинг ишблармонлиги бу ўзида психологик тамонларни қамраб олувчи жараён хисобланади. Педагог ишблармон бўлиши учун энг аввало диққатини муаммога қаратса олиши, бу масалаларни тафаккурга хос бўлган жараёнлардан ўтказа олиши, ўз ҳаёлларида уни режалай олиши ва ҳал қилиш йўлларини топиши керак бўлади. Педагог ўқувчилар билан бўладиган муносабатда уларга хос бўлган психологик хусусиятларни билиши ва улардан кенг фойдалана олиши ҳам зарурдир. Ишблармон ўқитувчи ўзида маълум бир психик хусусиятларни ривожлантириши ва улардан унумли фойдалана олиши зарурдир. Ишблармонлик ўқитувчини ўз фаолиятини режалай олишни, дарсларни ўтишга таъсир этувчи омилларни яхши билиши, билим ва малакаларни хар доим ривожлантириб боришни, хар доим ўқувчиларни кузатиб боришни ва улардаги психик хусусиятларни диққат билан ўрганишни талаб қилиб боради.

Такрорлаш учун саволлар

- 1.Касбга ўқитишида педагог фаолияти ва унинг психологик муаммолари.
- 2.Педагогик ихлос ва уни касбга йўналтиришдаги аҳамияти.
3. Ўқишига муносабат ва интеллектуал сифатлар.Ахлоқий – иродавий фазилатлар. Ишблармонлик хислатлари.
- 4.Касбга хос хислатлар ва уларни ривожлантириш масалалари.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т.,Маънавият.2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўйстони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т.,2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

17 мавзу - Касбга ўқитишда тарбиялаш ва ўз – ўзини тарбиялаш психологияси

- 1- Савол. Касбга ўқитишда тарбия ва унинг роли.
- 2- Савол. Касб танлашда инсонни ўз ўзини тарбиялаши психологик жараён сифатида.
- 3 - Савол. Инсонни ўз “Мен”лигини таниши ва касб танлашдаги унинг ахамияти.

1-Савол. Касбга ўқитишда тарбия ва унинг роли.

Касбий тарбия тарбия тизимининг бир қисмини ташкил этади. Унда “инсон - касб” муносабатларини шакллантирилади. Касбий тарбиянинг изланиш обьекти сифатида серқирра йўналишларга эга: булар ижтимоий, фалсафий, ижтимоий – педагогик, ижтимоий – психологик, маданий – маънавий ўрганиш йўналишларидир. Бозор иқтисоди муносабатларига ўтиш даврида касбий тарбиянинг эътиборга лойиқ бўлган ижтимоий - иқтисодий, маданийлашганлиги, ижтимоий – педагогик ва психологик йўналишлари кўзга ташланади. Айнан касб – мутахасисси сифатида ижтимоий касбий компитентлик ва касбий маданият унинг тараққиётида биринчи даражали ролни ўйнаши кўринади.

Жамиятнинг ҳозирги тараққиёти, ўзининг мураккаблиги ва ўзгариб бориш жараёнлари билан характерланади. Бунда ёш мутахасиссларни шахсини шакллантириш ва касбга йўналтириш, жамиятнинг моддий бойликларини яратувчи, уни янги касбий моҳорат ва маданият билан таъминловчи

инсонларни тарбиялаш вазифаси ётади. Юксак даражадаги касбга эга бўлган, ўз ишининг устаси бўлган шахсларни тарбиялаш бу жамиятни тараққиётини ва ижтимоий муносабатларини бир хилда ривожлантириш шароитини яратади.

Тез ўзгараётган технологиялар, ундаги илмийлик даражаси касбий мослашишни, янги касбий психологияни, янги даражадаги маданиятни талаб қилиб бормоқда. Бозор иқтисоди шароитида касбни яхши эгаллаш инсонни ижтимоий химояланганлигини бир кўриниши ҳисобланиб, унинг ижтимоий ўзини тасдиқлашини, ўзини шу фаолиятга бахшида этишини ва аъло даражада иш блармонликни ташкил этишга олиб келади. Хозирги касб соҳасини эгаллаётган инсонни рақобатбардош мутахасис сифатида на фақат кенг ва сифатли билими, балки юксак даражадаги касбий маданияти, касбий тарбияланганлиги, касбий компитентлигини эгаллаш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Хозирда ёш касб эгаларини тарбиялашда қуйидаги тарбия йўналишлари қўзга ташланади. Булар ижтимоий, ватанпарварлик, фуқоролик, ҳуқуқий-фуқоролик, бадиий-эстетик, миллий ва шу кабилар.

Касбнинг маънавий элементларига: 1) ишлаб чиқариш қуроллари ва меҳнат қуролларини ишлата олиш қобилияти; 2) амалий ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлиш, ишлаш давомида предметларни хусусияти ва меҳнат қуролларини ишлата олишни эгаллаб бориш; 3) фанни эгаллаш давомида илмий билимларни эгаллаб бориш.

Ёшларни касбга тарбиялаб борища қуйидаги меҳнат билан боғлиқ тарбия кўринишларини ажратиш мумкин:

- Меҳнатга психофизиологик тайёргарлик – жисмоний имкониятларни ривожлантириш ва маълум бир амалий фаолиятни бажаришдаги қобилиятларни ривожлантириш;
- Ижтимоий – психологик тайёргарлик – шахсни хар хил жамоадаги мослашиш имкониятларини ривожлантириш;
- Меҳнатга аҳлоқий – психологик тайёр бўлиш – интизомлилик, меҳнатнинг ижтимоий мотивацияси, одамларга бўлган муносабат, ўзи ишлаётган жамоага муносабат, табиатга эҳтиёткорлик билан бўлган муносабат, жисмоний меҳнатга бўлган эҳтиёж ва ш.к.
- Иродавий тайёргарлик – шахсни сифатли шакллантириш, уни меҳнат фаолиятидаги кўникма, малака ва ўзини бошқара олиш фаолияти; ўзини фаолиятини ташкил қила олиш, мустақиллиги, ўзига ишонч, ўз меҳнати натижаларига ва бошқаларнинг меҳнат натижаларига талабчанлик, буюрилган ишга бўлган жавобгарлик, интизомлилик, ўзини назорат қила олишлик ва ш.к.

- Мехнатга эстетик тайёргарлик – ўз меҳнатини сифатли ва гўзал қилиб ташкил этишга бўлган талаб;
- Меҳнатга амалий тайёргарлик – иш қобилиятини ўстириб бориш, етарли даражада жисмоний ва ақлий ўсиб бориш, билимларини ўстириш, умумий меҳнат жараёнида кўникма ва малакаларни ўстириб бориш
- Ўзини касби меҳнат тарбиясида ўстириш –ўкувчиларни ўқиш давомида касбни эгаллашга бўлган фаоллигини ўстириш ва ўз устида ишлашни ташкил этиш.

Касбий тарбия тизимиға кирувчи қуидаги компонентарни ажратамиз:

1. Мақсадли – касбий тарбияни асосий мақсадини ўзида акс эттириб – у касбий фаолиятнинг рақобатбардош субъектини, шахсни шакллантиришга қаратилгандир. Хар бир касб инсонга ўзини махсус талабларини қўядики, инсон бу талабларни қондириши керак бўлади. Хар бир касбда ўзининг қонун – қоидалари, аҳлоқий нормалари ва қадриятлари бўлади. Инсонни буларни идрок этиши унинг ижтимоий - касбий ўз – ўзини англашни вужудга келтиради. Инсонни касб билан уйғунлигига тайёргарлиги бу касбий тарбия жараёнида амалга ошади.
2. Мотивлашганлиги – аниқ бир касбни ижтимоий аҳамиятини англаш, шахсий ва касбий манфаатларни мос тушганлиги, инсонни психофизиологик, жисмоний хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касбни танлаш, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари билан амалга оширилади.
3. Маданийлашганлиги - касбни умумий маданиятнинг бир бўлаги сифатида англанганлиги, касбга усталик ёки косибчилик каби қарашда, моддий манфаатдорлик берувчи сифатида қарамаслик керак бўлиб, уни моддий – маънавий маданият, касбий тарбиянинг бир бўлаги сифатида англаш керак.
4. Ижтимоий – иқтисодий – бунда шахс ўзини худди маълум бир хусусий мулкни олиб юрувчи сифатида англаши; у ўзини маълум бир манфаатларни уйғотувчи бир бутун иқтисодий муносабатларни бир бўлаги сифатида англаши;
5. Психологик – бу уқувчиларнинг техник тафаккурида, конструктивлашда кўзга таланиб, уларни касбга бўлган йўналишида юз беради. Шунингдек уларда шу касбга бўлган аҳлоқий – психологик шаклланишда ҳам кўзга ташланади.
6. Педагогик – бу касбий тарбиянинг асосий компоненти ҳисобанади. У бутун бир таълим – тарбиявий жараённи ўзига қамраб олиб касбий шахсни тарбиялашга ва уни шакллантиришга қаратилгандир.

Ўрганилаётган хамма касбий тарбияни учта гурухга бирлаштириш мумкин:

*индивидуал

*гурхий

*оммавий

Ёшлар ўртасида олиб борилаётган касбий тарбиянинг қўйидаги методларини кўрсатиш мумкин бўлади:

1. Шахсни онгини шакллантириш методи;
2. Фаолиятни ташкил қилиш методи ва ижтимоий ҳулқ – атворни шакллантириш тажрибаси;
3. “фаолиятни ва ҳулқ – атворни рағбатлантириш” методи.

Касбий тарбияда шунингдек синф раҳбари ўқувчилар билан ишлаш методларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади:

- Ўқувчиларни фаолиятини ва ривожланишини кузатиш методидан.
- Ўқувчиларни ўқиш ва ўқишдан ташқариги фаолиятини ўрганиш методидан.
- Анкета ўтказиш методидан
- Ўқувчиларни педагогик – психологик характеристикасини тузиш методидан.

Касбий тарбиялашда ўқувчилар билан ишлашда қўйидаги шаклларни ҳам кўрсатиш мумкин:

- Касбга йўналтирувчи дарслар;
- Экускурсиялар;
- Касбга йўналтириш билан боғлик синф саотлари;
- Мутахасисслар билан учрашиш;
- Профессиографик изланиш;
- Ота – оналар билан касбга тегишли йиғилишлар ва ш.к.

Касбий тарбия касб психологиясининг асосий масалаларидан бўлиб у педагогик психологиянинг ўрганиш тармоғларига ҳам киради. Педагогик психология билан боғлик бўлган касбий тарбия касбга ўқитиш ва унга хос бўлган касбий тарбиянинг механизмларини ўрганади. Касб тушунчаси асосида меҳнат фаолиятининг маълум бир йўналиши назарда тутилиб, унга хос бўлган тарбия масалалри ҳам унинг ичига кириб кетади. Унда маълум бир тайёргарлик кўриш ва инсон манфаатлари учун керакли бўлган моддий

таъминот масалалари ётади. Ёшларни шу касбга тайёрлашда эса унга хос бўлган касбий тарбия ҳам ўз ўрнини эгаллайди.

2- Савол.Касб танлашда инсонни ўз ўзини тарбиялаши психологик жараён сифатида.

Инсон улғайиб бориб ўзи учун керакли бўлган, ўзини ва болаларини боқа оладиган касбни танлай олиши зарур бўлади. Ҳаётда инсонга қизиқарли бўлган жуда кўп касблар мавжуддир. Психолог ва педагоглар инсон бу касбларни эгаллай олишини ва бунга уларда барча имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб берадилар. Инсон хилма хил касблардан фақат биттасинигина эгаллаши, уни ўзининг манфаатларидан келиб чиқиб танлаши керак бўлади. Бундай жараён, яъни касб танлаш қандай тарзда содир бўлади. Инсонни касб танлаши ва унга тайёргарлик бу узоқ давом этадиган жараёндир.

Касб танлаш бу бирданига бўладиган жараён эмас. Касб танлаш бир қанча этаплардан ташкил топади. Бу этаплар бир бутун ҳолда юз беради. Бу этапларни давомийлиги қуидагилардан ташкил топган.

- Ташқи шароитлар;
- Касб танлаётган субъектнинг индивидуал хусусиятлари.

Касб танлашнинг 8 та тамонини Е.А.Климов кўрсатиб беради. Булар

- 1) Оиладаги катта ёшдаги оила аъзоларининг тутган ўрни, яъни таъсири;
- 2) Ўртоқлари ва тенгдошларини тутган ўрни;
- 3) Синф раҳбари, мактаб ўқитувчиларининг тутган ўрни;
- 4) Шахснинг касбий режалари;
- 5) Қобилиятлари;
- 6) Танлаган касбини ижтимоий тан олинганлик даражаси;
- 7) Касб ҳақида маълумотларга эга бўлганлик;
- 8) Фаолияти давомидаги интилишларидан.

Инсонни касб танлаши психолог И.Коннинг фикрича болалик давридан бошланади – бу ўйинлар тарзида, бунда бола хар хил касб билан боғлиқ ўйинларни, ролларни ўйнайди. Бола бу ролларни бажаришда хар хил символик нарсалардан фойдаланади. Дейлик стулдан – раста, қоғоздан – пул сифатида фойдаланади. Булар асосида маълум бир роллар ўйналади.

Касб танлашда инсон энг муҳим жараённи бошидан кечиради. Бу касб танлашда ўз – ўзини тарбиялаш, тайёрлаш ҳисобланади. Ўзини касб танлашга диққатини қаратилиши болада шу касбга бўлган интилишлардан бошланади. Бу интилишлар ҳар хил мативлар асосида содир бўлади. Инсон ўзи учун керакли бўлган касбни танлаши жуда кўплаб омиллар асосида шаклланиб боради. Лекин бу омилларни ўсиб келаётган авлод ўзида сингдириши ва онгли равишда касбни танлаши лозим бўлади. Касб танлашда инсон ўз ўзини тарбиялаб боради, бу эса инсонни ўзини англаши, мақсад ва манфаатларини чуқур тахлил қилган ҳолда амалга ошириши билан боғлиқ бўлади.

Ёшлардаги касб танлаш жараёни бу психологик жараён бўлиб уларни шу касбга олиб келувчи омилларга асосланади. Ёшлардаги психологик жараёнлар ва хусусиятлар бир хил бўлмайди. Бу уларнинг индивидуал – психологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Айрим болалар ўзлигини англаб олган бўлсалар, айримлари бошқаларнинг таъсирига тушади. Демак кўриниб турибдики касб танлашда болага ички ва ташқи омиллар таъсир этади. Боладаги тетиклик ва бўшлик бу касбни танлашига сабабчи бўлади.

Ўз – ўзини тарбиялаш – бу онгли фаолият бўлиб инсонни шахс сифатида ўзини тўла тўқис имкониятларидан фойдалана олиш ҳисобланади. Инсон ўзини бошқариш механизmlарини фаоллаштириш асосида амалга ошириши керак бўлган мақсадларни, ғояларни, шахсий фикрларни аниқ билишга асосланади. У бевосита тарбия билан боғлиқ ҳолда шахсни шакллантириш жараёнини мустаҳкамлайди, балки уни янада ривожлантиради. Ўз – ўзини тарбиялашнинг зарурий компонентлари – бу инсонни шахсий ривожланишини ўзи тахлил қилиши, ўзини ўзи тасдиқлаши ва ўз ўзига ғояларни сингдириши ҳисобланади.

Ўз – ўзини тарбиялашнинг зарурий шарти бўлиб энг аввало ўзини яхши билиш, ўзига тўғри баҳо бериш ва ўз – ўзини англаш ҳисобланади. Ўз – ўзини тарбиялаш бир қанча объектив ва субъектив сабаблар билан: хаммадан яхшироқ бўлиш, жамиятни фуқароларга бўлган талаби билан, уларнинг маълумоти ва сифати билан, ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашдаги педагогик таъсирлар билан боғлиқ. Мана шулар асосида ўз – ўзини тарбиялаш учун ички шароитлар шаклланиб эҳтиёжлар, манфаатлар, қарашлар ва ишончлар асосида инсонда ҳаётий ғоя ва мақсадлар аникланади.

Инсонни ўз – ўзини бошқариш механизмларини фаоллашиши асосида, ўз – ўзини тарбиялаш шахсий ҳаёт мазмунини, мақсадларини аниқ англаб олинади. Ўз – ўзини тарбиялашнинг зарурий компонентлари – бу шахс ривожланишининг рефлексияси, ўз – ўзига ҳисобат бериш, ўз – ўзини назорат қилиш ҳисобланади. Ўз – ўзини тарбиялаш усулларига қуидагилар киради: ўзидан қониққанлик, ўз – ўзини муҳокама қилиш, ўз – ўзини ишонтириш, ўз – ўзига мақсадларни, манфаатларни сингдириш, шунингдек ўз – ўзига буюруқ бериш. Ўсмирлик даврида ўз – ўзини тарбиялашда мухим ролни ўзига баҳо бериш ўйнайди. Бунда бола ўзининг имкониятларига баҳо беради ва ўзини шунга тайёрлаб боради.

Педагогика ўз – ўзини тарбиялаш тушунчасига инсоннинг ички руҳий дунёсини қўяди. Ўз – ўзини тарбиялашда ташқи омиллар – бу фақат ташқи шароитлар, уни қўзғовчи омиллар, харакатга келтирувчи манфаатлар ҳисобланади. Шунинг учун хам философлар, психологлар ва педагоглар инсон руҳиятига уни ривожлантирувчи, харакатга келтирувчи куч деб қарайдилар. Тарбиялаб бориш давомида ўсмирни ўзини ўзи тарбиялашга хам эътиборни жалб қилиш керак бўлади.

Ўз – ўзини тарбиялаш маълум бир даражада шахсни ривожланганлигини кўрсатади, яъни уни ўз – ўзини англаганлиги, ўзини хатти – харакатларини бошқаларнинг харакатлари билан таққослашда кўзга ташланади. Ўз – ўзини тарбиялашни асослари бўлиб вайнсонни етуклигини кўрсатувчи тамонлар бўлиб кишининг ўз имкониятларига, ихтидорларига бўлган муносабатини, ўзига берган баҳони тўғрилиги, ўзидаги камчиликларни кўра олишлик ҳисобланади. Ўз – ўзини тарбиялаш – бу субъектнинг англанган фаолияти бўлиб, ўзини шхс сифатида тўла намоён қилиш, ўзини мақсадларини, ғояларини, шахс сифатидаги моҳиятини чукур англаган ҳолда ўзгартириб боришидир. Ўз – ўзини тарбиялаш – бу онтогенез даврида кечикиб кириб боради, инсон ўзлигини онглаб бориши билан ўзига бўлган эътибор кучаяди ва ўзини – ўзи тарбиялашга эътибор берилади.

3- Савол. Инсонни ўз “Мен”лигини таниши ва касб танлашдаги унинг аҳамияти.

Инсонни дунёга келиши ва ривожланиб бориши бу биологик ва социал жараёнларнинг натижасидир. Инсон ривожланиб бориши давомида ўзида психологик ривожланиш этапларини босиб ўтади. Шундай ривожланиш жараёнларидан бири бу инсонда ўз “Мен”лигини таниш ҳисобланади. Психология фанида ўзига баҳо бериш, ўзини билишни, англашни, ўзининг “Мен”лигини билиши деб ҳисобланади. Ўзини – ўзи англаш – бу демак ўзини кучига, имкониятларига, шахсий сифатларига, уларни ривожланганлик даражасига етарли даражада баҳо бера олиш ҳисобланади.

“Мен” концепцияси – бу ўзи ҳақида ўзида умумлашган тасаввурлардир. Ўз хусусий шахси ҳақидаги установкалар тизимиdir. “Мен” концепцияси инсонда болалик давридан бошлаб шаклланади. Буни қисқача қуидагича кўрсатиб ўтамиз:

- 1) Ўзини атрофдаги дунёдан ажратиш чақалоқлик даврдан бошлаб то 2 ёш атрофида тугалланади. Бу жараёнда бола ўзини танасини ташқи муҳитдан алоҳида эканлигини ва фақат ўзига тегишли эканлигини тушунади. Икки ёшли бола ўзини ойнада таниб олади ва ўзига тегишли бўлган нарсалар чегарасини белгилайди (дейлик “менинг ботинкам”, “менинг қўғирчоғим”), у ўзини ва бошқаларни алоҳида мавжуд эканлигини ажрата олади.
- 2) Ўзига бўлган муносабатни шаклланиши мактабгача даврда юз беради. Бола бу даврда ўзини “яхши” деб ёки “эплаб олмайдиган” деб ҳисоблайди. Асосан боладаги бундай ўзига баҳо бериш унинг атрофидаги ота – онаси, aka – ука, опа – сингилларнинг таъсирида бўлади. Бундай ўзига бўлган муносабат кейинчалик ундаги Мен –

концепциясини асоси бўлиб қолиши мумкин. Боладаги “Мен” образини шаклланишига кўпроқ ота – оналар таъсир этадилар. Отa – оналар боладаги тўхри ёки нотўғри харакатлар билан уларни таъминлайдилар. Бу тарбия сифатида содир бўлиб, болани ота – онанинг харакатларини қузатиш орқали ҳам содир бўлади.

3) Ўзини бошқалардан маълум бир хусусиятлар билан фарқ қилишини кўриш бу “Мен образи”ни ташкил этади. Кичик мактаб ёшида ўзини ҳурмат қилиш бу дарсларни ўзлаштира олиш қобилияти билан боғлиқдир. Мактабда яхши ўқиётган болалар ёмон ўқиётган болаларга нисбатан ўзини ҳурмат қилиш юқори бўлади. Агарда бола таълимга эътибор бермайдиган муҳитда бўлса у ҳолда болани яхши ўқиши ҳеч қандай ҳурматга эга бўлмайди.

4) Ўсмирлик даврида ўз – ўзига баҳо бериш жиддий характерга эга бўлади. Бу даврда ўсмирлар уларни атрофдагилар қандай тарбиялаётганлиги ҳақида қайғурадилар. Айнан шу даврда уларнинг ақли, тафаккури шу даражада бўладики, улар ўзини ўраб турган дунёни қандайлиги ва бу шароитда уларни ўзи қандай бўлиши керак деган масала уларни ўйлантиради. Бу каби янги билиш қобилияти ўсмир болаларни эго – айнанлик – ўзи ҳақида бир бутун тасаввурларни пайдо қиласи.

Ўзига баҳо бериш шахсни ижтимоий мослашишини сезиларли даражада белгилаб беради. У шахсни ҳулқ – авторини ва фаолиятини бошқариб туради. Ўз – ўзини баҳолашнинг ўз фаолияти жараёнида ва шахслараро ўзаромуносабатда юз беради. Ўзини ҳурмат қилишга ва ўзини баҳолашни шаклланишига кўпгина омиллар таъсир этади. Булар илк болалик даврданоқ бошланади, яъни – ота – онанинг муносабати, тенгқурлар ўртасидаги ҳолат, педагогларни муносабатлари билан боғлик бўлади. Ўзи ҳақидаги одамларнинг фикри таққослаш орқали инсон ўзига ўзи баҳо бера бошлайди. Шуниси диққатга сазоворки инсон аввало бошқаларни баҳолашга ўрганади, кейин эса ўзини ҳам баҳолайди. 14 – 15 ёшга келиб ўсмир ўзини таҳлил қилиш ва ўзига ҳам баҳо беришга ўрганади.

Психологияда ўзига баҳо бериш ўзини билишнинг феномени сифатида қаралади. Ўзини билиш – бу инсонни ўз – ўзини англаш бўлиб, ўзини “Мен”лигини англаш ҳисобланади. Ўзини англаш – бу инсонни ўз қучига ишониш, имкониятларини баҳолай олиш, шахсий сифат даражасини ва уларни ривожланганлигини кўра олиш ва ўзига ҳисобат бериш ҳисобланади.

Касбни танлашда шахсни ўз – ўзини баҳолаши – бу ўзини шу касбга лаёқатлигини, шу касбга мослигини ёки мос эмаслигини танлаган

касбининг талабларидан келиб чиқиб баҳолаши ҳисобланади. Ўз – ўзини баҳолаш хар қандай психик жараёнлар каби ҳаёт давомида шаклланади.

Психологик педагогик адабиётларда касб танлашдаги қарорларни тушунтириб беришда хар хил ёндошишлар мавжуд. Айримлар касб танлашни худди фаолиятни танлаш каби тушунтирадилар. Баъзилар эса касб танлашни инсонни қизиқиши ёки касбий йўналиши сифатида қарайдилар. Бу масалага тўғрироқ ёндошганлар инсонни касб танлаши унинг фаоллиги ва эҳтиёжлари билан боғлиқлигини кўрсатганлар ҳисобланади.

Инсонни касб танлашидаги ўз “Мен”лигини англаши уни танлаётган касбини англаб, баҳолаб, ўз лаёқатларини чамалаб кейин танланишига олиб келади. Ўз “Мен”лигини англамаган ҳолда танланган касб, бу ўйлаб, чамалаб қилинмаган иш бўлади. Бундай касбни танлаган шахс кейинчалик ўз касбни ўзгартириши, ундан норози бўлиши, ишга жони – дили билан ёндошмаслигини кўрсатади.

Касб танлаш атрофида турган кишилар ўзларини билишга хос бўлган алоҳида психологик қайфиятда бўладилар. Касб танлаётган бу кишилар учун ўзларини имкониятларига баҳо бериш, шу жумладан касб билан боғлиқ имкониятларига касбга киришга халақит қиласиган тамонларини ва касбга киришишга боғлиқ имкониятларини баҳолай олиш характерлидир. Лекин ўсмирлар касб танлашида ўзига баҳо беришлари яхши ривож топмаган. Уларнинг кўпчилиги касбни танлашдаги имкониятларини яхши тахлил қилмаган ҳолда, юзаки баҳолаб танлашади. Кўп ҳолларда улар касб танлашни етарли даражада баҳолай олмайдилар ёки ўта юқори боҳолай бошлайдилар. Булар оқибатда уларни нотўғри касб танлаганлигини кўрсатади.

Ўз “Мен” лигини англаш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. “Мен” образи ёки ўз – ўзини англаш бирданига шаклланмайди, балки йиллар давомида шаклланиб боради. В.С. Мерлин бўйича кўплаб ижтимоий омиллардан 4 таси “Мен” образини шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Булар:

- Ўзини бошқалардан фарқ қилишини англаш;
- Ўз менлигини фаолиятдаги фаол субъект сифатида англаш;
- Ўзини психологик хусусиятларини, ўзига эмоционал баҳо беришни англаш;
- Мулоқат ва фаолият асосида ортирган малакаларга суюнган ҳолда ўз – ўзига ижтимоий – аҳлоқий баҳо беришни, ўзини хурмат қилишни шаклланиши.

Булар инсонни ўз менлигини шаклланиб бориши билан бирга касб танлашга ҳам ўз таъсирини ўтказиб боради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Савол. Касбга ўқитишида тарбия ва унинг роли.
2. Савол. Касб танлашда инсонни ўз ўзини тарбиялаши психологик жараён сифатида.
3. Савол. Инсонни ўз “Мен” лигини таниши ва касб танлашдаги унинг аҳамияти.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010й

16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

18 мавзу . Педагогик фаолиятнинг психологик муаммолари

- 1- савол. Педагогик фаолият, касбий тарбия ва унинг психологик тамонлари.
- 2- Савол . Педагог шахсига қўйиладиган талаблар ва мажбуриятлар. Шахсни тарбиялашда педагог ва ўқувчи мулоқати.
- 3- Савол. Касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг индивидуал – психологик тамонлари ва уларни педагог тамонидан ҳисобга олиниши.
- 4- Савол. Ҳозирги замон ўқувчиси ва касбга йўналтириш масалалари.
- 5 - Савол. Касбга хос масалаларни ечишда психолог ва педагоглардаги психологик муаммолар.

1 савол. Педагогик фаолият, касбий тарбия ва унинг психологик тамонлари.

Касбга ўргатишда ва тарбия беришда педагог фаолиятининг ўрни ва роли жуда каттадир. Педагог фаолияти ҳақида дунёнинг кўплаб мутафаккирлари ўз фикрларини беришган. Педагогик фаолият – бу жамиятнинг ёши катта бўлган авлодларининг фаолияти бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш унинг касбий мақсади ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг изланиш обьекти педагогика фанингхар ҳил йўналишлари: дидактика, хусусий услублар, тарбиялаш назарияси, мактабга кириш кабилар ҳисобланади. Педагогик фаолиятнинг психологик тамонларини психологик билимларнинг бир бўлаги сифатида белгилаш мумкин. Бу психологик билимдаги ўқитувчининг психологик меҳнат қонуниятларини ўрганиш, ўқитувчи жамият талаб қилаётган мақсад ва педагогик фаолият тизимини қандай идрок этаётганлиги, ўзгартириб бориши ва ҳаётга тадбиқ этиши, қўйилган

вазифаларни долзарблигини, маълум аниқ шароитлардан келиб чиқсан холда ўз фаолиятининг мезон ва шаклларини ўрганиши киради.

Педагогик фаолиятнинг моҳияти ва психологияси ижтимоий омиллар билан белгиланади – бу ўқитувчининг жамиятдаги ўрни ва вазифалари билан, жамиятни ўқитувчидан талаб билан, ижтимоий – психологик омиллар билан; ўқитувчи шахсига ва фаолиятига атрофдагиларни муносабати ундан кутилаётган натижалари, унинг ўзини педагогик фаолиятдаги кутаётган натижалари ва установкалари билан боғлиқдир .

Педагог ўз фаолиятида фақат ўқитмайди балки, болани тарбиялаб ҳам боради. Педагог фаолиятида таълим ва тарбия ёнма – ён амалга оширилади. Касбга ўргатиш, касбга тайёрлаш бўлғуси касб эгаларини нафақат билим, малакалар билан таъминлаш балки, уларни тарбиялашни, маънавий – маданий билимларини ўзлаштириб боришни ҳам талаб қиласди. Касбга хос бўлган тарбия педагогика фанининг бир тармоғи сифатида ўрганилиб келинмоқда. Бўлғуси касб эгалари ўзларининг касбий маданиятларини ўзлаштириш билан бирга инсониятга хос бўлган маданият, маънавият каби жараёнларни ҳам ўзлаштириб бориб умуминсоний талабларга жавоб бера олишлари зарур бўлади.

Шуни айтиш жойизки, агарда педагогика тарбиянинг мақсади, вазифалари, методлари билан иш олиб борса, тарбия психологияси педагогик психологиянинг бир тармоғи сифатида тарбиялаш жараёнининг ички психологик моҳиятини ўрганади. Бундан келиб чиқсан холда касбий тарбиянинг психологик қонунларини ва механизмларини очиб бериш зарурий жараён бўлиб, унда касбга хос шахсни шаклланишини, унинг тарбиялашни янги методлари ва шакллар тизими ўрганилади.

Психология тарбияни тарбияловчилар ва тарбияланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат сифатида ўрганади. Шунингдек, бу ерда яна тарбияловчилар ўртасидаги ва тарбияланувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳам жараён сифатида ўрганиб борилади.

Тарбия жараёнини ташкил қилиш – бу инсонни субъектив дунёсини ривожлантириш, ижтимоий қадриятлар ва жамиятда қабул қилинган аҳлоқий нормалар асосида мустақил қарорлар қабул қилиш билан боғлиқдир.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, тарбия – бу янги авлодларга ижтимоий – тарихий малакаларни бериш; инсон онгига ва хулқ – авторига мақсадга йўналтирилган ҳолда, унда маълум бир қадриятларга йўналтирилган тушунча, принциплар, установкаларни шакллантириш асосида ижтимоий ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёргарликни ривожлантириш ётади.

Шахс тараққиётининг маълум психологик тамони – бу ўсиб келаётган ёшларни ёш даврлар (онтогнез) билан боғлиқ жараёнидаги характерини

шаклланиши бунда “яқинда юз берадиган ривожланиш” ва ундаги сенизитив даврлар билан бөлгіктер.

Шу даврда социум (ижтимоий ақыллы мавжудот) нинг тарбия жараёнига таъсири жуда каттадир. Чунки бу даврда ўсиб бораётган инсон ижтимоий фикрларга, ўзини қуршаб турған атрофдагилар орасида ўзини тасдиқлашга зийраклик билан эътибор беріб боради. Бу қонунларни билиш педагогик амалиётни бир бутун тарзда ташкил этишни, болаларни, ўсмирларни, ўспириналарни мустақил бўлишга, қаътий бўлишга, жавобгарликни сезишга, ўзини қадрини хис қилишга, ижодий фаолликка, танқидий тафаккурга эга бўлишга ўргатади. Бу жараёнда ижтимоий ва оиласвий тарбияни бирлигини таъминлаш муҳим бўлиб, унда шахсни ривожланишдаги орқада қолишилар коррекция қилинади.

Тарбия билан, унинг илмий асосланиши билан педагогика ва психологиядан ташқари философия ва социология фанлари хам изланиш олиб борадилар. Психологик акс этдиришни хисобга олмасдан туриб тарбиянинг асосий масалаларини ечиб бўлмайди ва хатто масалани тўғри кўйиб бўлмайди. Чунки уларнитушуниш учун шахс психологиясини, инсоний муносабатларни, ҳар хил ижтимоий жамоаларнинг фарқини билмасдан бу масалаларни тўғри ечиб бўлмайди.

Тарбиялаш унинг мақсадини белгилашдан бошланади. Тарбиянинг асосий мақсади – болани шахс сифатида шакллантириш ва ривожлантириш ҳисобланиб, унда ижтимоий хаётда фойдали бўлган ва жамиятда яшashi учун зарур бўлган хусусиятларни шакллантириш ётади.

Касбий тарбиянинг мақсади. Бунда тарбия – бу болани ижтимоийлашувининг муҳим тамонларидан биридир. Таълимнинг диққат марказида фақат инсоннинг билиш жараёнлари, унинг қобилияtlари, билимни ўзлаштириши, кўникма ва малакаларни эгаллаш ётса, тарбияда инсонни шахс сифатида шаклланиши, унинг дунёга бўлган муносабати, шунингдек жамиятга ва инсонларга бўлган муносабатларини тарбиялаш ётади.

Таълим ва тарбия учун умумий бу инсонни ижтимоий амалиётни ўзлаштириш ҳисобланади. Махсус тамони эса бу субъективлаштириш, яъни бу малакани қабул қилиш қадриятлар сифатида эканлигида кўринади. Тарбияга буни тадбиқ этилганда бу шахснинг сифати ва хусусиятлари, унинг ижтимоий ҳулқ – авторининг шакллари бўлса, таълимга бу билим, кўникма ва малакалар киради.

Тарбия воситалари. Тарбия воситаларига ташкил қилинган ва ташкил қилинмаган таъсиrlар киради ва у тарбияланувчидаги маълум бир ҳулқ –

авторни ва психологик сифатни вужудга келтиради. Бу жараёнга инсонни ҳулқ – авторини шаклланиши билан боғлик бўлган: ўрганишлар киради.

Тарбия воситалари бўлиб: тарбиячининг шахсий намунаси, ҳулқ – автор намуналари, педагогикадаги, адабиётдаги ва санъатдаги юксак баҳоланувчи меъёрлар ҳисобланади.

Психологлар тарбиявий иш методларини ишлаб чиқиб, тарбияга мовхум тарзда қараб бўлмаслигини ва баҳолаб ҳам бўлмаслигини қўрсатиб ўтганлар. Бу усуллар қўлланилаётганда, биринчидан тарбиялананаётган ўқувчининг ёш ва индивидуал хусусиятларини, иккинчидан шу ўқувчи аъзо бўлган болалар коллективининг хусусиятларини, учинчидан тарбиявий таъсир қўрсатиладиган муайян аниқ шароитларни ҳисобга олиш зарур.

Касбий тарбияга хос шахсни тарбиялаш учун мактаб, лицей, коллежлардаги талабанинг барча вазият ва ҳолатларда тўғри йўл тутишини *исташ* ҳамда тўғри йўл тутиши учун унинг нима қилишини билиш, ўзи хурмат қиласидиган кишиларнинг нима қилаётганларини кўриш ва ўзи ҳам тўғри ҳулқ – авторли бўлишни *машқ қилиши* (бу – энг муҳим) зарур. Тарбияга, аҳлоққа доир муайян принциплар ишлаб чиқилган бўлиб, тарбияланувчилар билан бўладиган сухбатда шуларга риоя қилиш зарур бўлади:

1. Тарбияга, аҳлоққа доир сухбатлар мазмuni жиҳатидан тегишли ёшдагиларга тушунарли бўлиши лозим. Мавхум тушунчалар, мураккаб мулоҳазалар билан толиқтириб қўймаслик керак.
2. Сухбат ўтказиладиган гурӯхни, унинг йўналишини, бу гурӯх аъзоларининг ўзаро муносабатларини, ўқитувчига, ўқишга ва бошқаларга муносабатини яхши билиш зарур.
3. Ёшлар билан бундай сухбатларни тез тез ўтказиб турмаслик керак. Улар билан бўладиган сухбатларни маълум бир тадбирларга боғлаб ўтказиш яхши натижани беради.
4. Сухбатни ёрқин, яхшилаб танлаб олинган аниқ мисолларда, ҳаётий воқеалар ёки адабий асарлардаги фактларни ҳамда кузатишларни таҳлил қилишдан бошлаб, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўтиштавсия этилади.
5. Эмоционал тарзда келтирилган, ёрқинва таъсирчан образларга оқилона таяниш (нафис санъатдан, адабиёт асарларидан фойдаланиш, кинофильмлар ёки театр асарларига коллектив бўлиб бориш ва уни эслаш) зарур.
6. Тарбияланувчининг онгига сингдирилаётган қоидаларнинг яхшилаб асослаб берилиши, исботланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга.
7. Тарбияланувчиларда фаолликни уйғотиш, жонли равишда фикр алмашиш истагини уйғотиш, уларнинг фикирини авж олдириш ва ўзларини аҳлоқ масалалари устида ўйлаб кўришга мажбур қилиш зарур.

2- Савол. Педагог шахсига қўйиладиган талаблар ва мажбуриятлар. Шахсни тарбиялашда педагог ва ўқувчи мулоқати.

Ҳар қандай касбий фаолият у билан шуғулланаётган инсондан шу ўзи шуғулланаётган касбга хос бўлган талабларни ва мажбуриятларни билишни ва унга амал қилишни зарурий қилиб қўяди. Касбга хос бўлган талаб ва мажбуриятлар сифатида юксак касбий маҳоратни ва шу касбнинг устаси (мастери) бўлишни зарур қилиб қўяди. Педагог замонлар ва авлодлар тамонидан саралаб, тўпланиб келаётган ютуқларни, билимларни маданият сифатида ўсиб келаётган ёш авлодга етказиб бериб, уларни жамиятга ва унинг келажаги учун зарур бўлган шахс сифатида тарбиялаб боради.

Педагог нафақат ўқувчиларни фан асосларига ўргатиб боради, балки уларни ҳар тамонлама ривожлантириб, ўстириб бориб, жамиятга ўз меҳнатларини қўшишга, моддий неъматлар яратишга ҳам ўргатади. Бу эса жамиятга ва инсонларга хизмат қилиш, ўзини ва жамиятни бойиб боришига олиб келади. Ўқитувчи ўзининг меҳнати билан жамиятдаги ишлаб чиқаришнинг бошида туради ва шунингдек ижтимоий прогресснинг, ижодий потенциалнинг асосини ҳам яратишда иштирок этади.

Педагогнинг юксак мажбуриятлари ва унга қўйилган талаблар, кадрлар тайёрлашнинг муҳим талаблари сифатида зарурий жараён ҳисобланади. Бу жараённи ўтган замоннинг мутафаккирлари, алломалари жуда яхши тушунгандар ва булар ҳақида ўз фикр – мулоҳазаларини ҳам айтиб кетганлар. Уларнинг фикирича ўқитувчи қуидаги талабларни қондиришлари зарур бўлган.

Чукур ва ҳар томонлама билимни олиб юрувчиси бўлиш “бошқаларни ўқитишини ўзига мажбурият қилиб олган инсон, билимга эга бўлмасдан туриб, шу ишга қўл урса, у ахлоксиз бўлади” Гельвеций

Коменский А.Я. ўқитувчиларни ўз касбини севишга чакирган уни “Кўёш каби юксак” эканлигини тушунишларини талаб килган.



Бўлғуси педагогларга ҳар хил жиддий талаблар қўйилади. Бу талаблар асосий ва қўшимча талабларга ажратилиши мумкин бўлади. Асоий ва доимий талабларга:

- *Болаларга бўлган муҳаббат;
- *Ўз педагоглик касбини севиш;
- *Ўзи севган педагоглик касби бўйича билимларни етарли бўлиши;
- *Кенг эрудицияга эга бўлиш;
- *Педагогик интуиция;

- *Юксак тараққий этган интиллект;

- *Юксак даражадаги маданият ва аҳлоқ;

- *Болаларни ўқитиш ва тарбиялашга хос бўлган ҳар хил методлар ва тушунчаларга эга бўлиш.

Юқорида санаб ўтилганларсиз гогик фаолият мувофақиятли бўлмайди. Бу жараёнлар ҳам туғма бўлмайди, балки педагогнинг кўп йиллар давомида қилган меҳнатининг натижаси сифатида шаклланиб боради.

Педагог фаолиятига қўйилган қўшимча талаблар – бу педагог шахсига қўйиладиган, доимий бўлган ва хар доим педагогга керак бўлган талаблардир. Булар педагогдаги мулоқатга киришувчанлик, артислик, хушчақчак ҳулқ, яхши дид, интизомни ва тартибни ўзидан ва бошқалардан талаб қилиши ва шу кабилар. Бу хислатлар албатта яхши, лекин педагогга қўйиладиган асосий хислатлардан пастроқ туради. Бунга мисол қилиб мулоқат қилиши пастроқ бўлган математика ўқитувчисини олсак, у мулоқати паст бўлишига қарамай асосий талабларга жавоб берган ҳолда яхши ўқитувчи бўлиб қолади. Шу билан бирга бу қўшимча хислатлар ҳам ўини таъсири билан ўқитувчини бойитади ва уни ўзига хос бўлган қайтарилмас шахс сифатида шакллантириб туради.

Асосий ва асосий бўлмаган педагогик сифатлар биргаликда педагогни индивидуаллигини, яъни ўзига хос қайтарилиш шахслигини вужудга келтиради.

Шахсни тарбиялашда педагог ва ўқувчи мулоқати. Шахсни тарбиялашда унинг муҳим тамонларидан бири бу педагог ва ўқувчи ўртасидаги содир бўладиган мулоқат ҳисобланади. Бу жараёнда педагог ўз вазифаларини амалга ошириб бориб ёш авлодга ўз билимларини ва тарбиясини бериб боради. Ўқувчининг вазифаси ўқитувчи, устози бераётган билимларни ўзлаштириб бориш ҳисобланади. Психология ва бошқа фанлар тамонидан олиб борилган изланишлар болалани бир ҳил бўлмаслигини, уларни тузилиши, нерв – физиологик хусусиятлари, маънавияти, дунёқарashi, шу вақтгача ортириб келган билимлари, яшаш шароитлари ва шу кабилар, тарбияланувчиларни бир ҳил эмаслигини тасдиқлайди ва шунга асосан билимлар беришни талаб ҳам қиласди.

Педагогик мулоқат – бу педагогнинг ўқувчилар билан дарсда ва дарсдан ташқарида содир бўладиган касбий мулоқати ҳисобланади. У ўзига хос маълум педагогик вазифани бажариб, ўқув фаолиятидаги ижтимоий – психологик иқлимини яхшилашга қаратилган, яъни ўқитувчилар ўртасидаги мулоқатни ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқатларни шаклланишидаги ижтимоий - психологик иқлимини вужудга келтиради. Мулоқатнинг ютуғи бу таълим ва тарбия соҳасидаги мувофақиятларни ривожлантириш ва янада яхши шакллантиридир.

Тарбиялаш ўзининг моҳияти жиҳатидан – ўзаро мулоқатга киришиш жараёнидир, яъни унинг асосида ўзаро мулоқатга киришиш ётади. Мулоқат орқали педагог ўқувчиларни ҳулқ – авторини ва фаолиятини ташкил қиласди. Уларни ишларини, ўзларини тутишларини баҳолайди, юз бераётган жараёнлар, ҳодисалар ҳақида маълумотлар беради, хар ҳил хатти – ҳаракатлардан куюниш хиссини беради, ўз имкониятларидан ишончни йўқолишига йўл қўймайди.

Болалар билан суҳбатлашиш, катталар билан суҳбатлашишга нисбатан анчайин қийин ўтади. Бу жараёнда педагог боланинг ички дунёсидаги кечеётган қарама – қаршиликларни, унга сўз билан мурожат қилганда содир бўладиган эмоционал кечинмаларни ҳисобга олиши, унинг катталар билан бўладиган муносабатидаги ёлғонларга бўладиган хиссини билиб туриши керак бўлади. Болаларда бўладиган мулоқат нафақат сўз билан яна хар ҳил жестлар, мимикалар, қарашлар ва хатто жим туриш орқали ҳам содир бўлади.

Мулоқат технологияси – бу энг аввало ўқитувчи шахсини касбий фаолиятда ўзини имкониятларини кўрсатиш воситаси ҳамдир. Ўқитувчини ўқувчи билан бўладиган мулоқати хар хил вазифаларни бажаради:

- 1) Маълумот берувчилик;
- 2) Меъёрий вазифаси;
- 3) Билим бериш вазифаси;
- 4) Коммуникатив вазифаси;
- 5) Бошқариш вазифаси;
- 6) Тарбиялаш вазифаси.

Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги бўладиган педагогик мулоқатга кўпгина педагоглар эътибор бериб ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Булар қуидагилар: Макаренко А.С . ўқитувчини педагоглик маҳоратини техникасини яхши эгаллаш кераклигига эътибор берган. Шацкий С.Т. ҳам бу соҳага эътибор бериб ўқитувчи нафақат ўзи талаб қилаётган талабларнинг моҳиятига эътибор бериши, балки уларни шакли ва тонига ҳам ўз эътиборини қаратиши кераклигини кўрсатган. Сухомилинский В.А. ҳам ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги мулоқатга эътибор бериб, мактабда айтилган ҳар бир сўз ўйланган, ақилли, мақсадга мувофиқ, ўз вазнига эга бўлиши – бу аниқ инсонга жонли тарзада қадрсизланмаган ҳолда қаратилган бўлиши ва унинг қиммати ҳар доим ошиб бориши керак деб кўрсатади.

Педагог ва ўқувчи ўртасида бўладиган мулоқатда муҳим тамонлардан бири бу мулоқат қилиш стили (демократи ёки авторитар) ҳисобланади. Ўқиши жараёнини ва интизомни яхшилаш учун авторитар йўлдан фойдаланилади. Бунда ўқишини ҳохламайдиган, қизиқиши йўқ, дарсларда фаол бўлмайдиган ўқувчиларга қаратилади.

Демократлаштириш – бу шахс ва жамиятнинг қизиқишлирига қаратилган бурилишdir. Бунда ўқитувчи бўйсунтиришдан гуманизациялашга асосланган, эркин фикрловчи, ўз эҳтиёжи ва қизиқишилари асосида бошқариш ҳисобланади. Бунда ўқиши ва ўқишдан ташқари жараёнларда бўладиган мулоқатларда ижобий муҳит содир бўлади.

3- Савол. Касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг индивидуал – психологик тамонлари ва уларни педагог тамонидан ҳисобга олиниши.

Касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг индивидуал – психологик тамонларини ҳисобга олиш муҳим жараёнлардан ҳисобланади. Бу масалалар балан шуғулланаётган мактаб психологи хар бир ўқувчидағи индивидуал психологик тамонларни ҳисобга олиши зарурдир. Қўйилган бу масаланинг долзарблиги касбга йўналтириш ва уни диагностика қилиш билан боғлиқ бўлиб, бунда маълум бир тавсиялар берилади. Касбга йўналтириш бу ўспринлик даврининг 15 – 18 ёшига тўғри келади. Бу даврда ривожланиш ўз охирги стадияларини бошидан кечираётган давр бўлади. Бу даврда ўсприннинг тафаккури эмоционал характерга мос тушади, унинг интеллектуал фаолияти аффектив (очиқ эмоциональ) кўринишида содир бўлади.

Ўсмирда бу даврдъ ўз – ўзини англаш сезиларли равишда ўсади. Бу ўсиш оддийгина ўсишдан иборат бўлиб қолмасдан, у сифат жиҳатидан ўзига хос характерга эга бўлади, бу ҳол ўз шахсининг маънавий – психологик хусусиятларини аниқ ҳаётий мақсадлар ва интилишлар нуқтаи назаридан англаш ва баҳо бериш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлади. Ўспирин ўзининг устунлигини ва камчиликларини ўсмирга нисбатан яхшироқ ва чуқурроқ баҳолай олади. Ўспиринда ўз – ўзини тарбиялашга эҳтиёж ўсади.

Касбга йўналтиришда ўқувчининг индивидуал – психологик тамонлари улардаги содир бўлаётган психологик жараёнлар билан психологик ҳолатлар билан ва характер, темперамент, қобилият каби тамонлар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Педагогик фаолият, касбий тарбия ва унинг психологик тамонлари.
- 2 . Педагог шахсига қўйиладиган талаблар ва мажбуриятлар. Шахсни тарбиялашда педагог ва ўқувчи мулоқати.
3. Касбга йўналтиришда ўқувчиларнинг индивидуал – психологик тамонлари ва уларни педагог тамонидан ҳисобга олиниши.
4. Ҳозирги замон ўқувчиси ва касбга йўналтириш масалалари.
5. Касбга хос масалаларни ечишда психолог ва педагоглардаги психологик муаммолар.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият.2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.К Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т.,2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

19 мавзу. Касбий қобилиятларни шаклланганлигини диагностика қилиш.

- 1 - Савол. Касбий фаолият тушунчаси. Ёшларда касб тушунчаси ва улардаги қобилият имкониятлари.
- 2 - Савол. Қобилиятни ажратиб берувчи тестлар ва улардан фойдаланиш масалалари.
- 3 - Қобилият ва яхши тайёрган кадрлар масаласи. Касб танлашда қобилият ва унинг психологик тамонлари.

1- Савол. Касбий фаолият тушунчаси. Ёшларда касб тушунчаси ва улардаги қобилият имкониятлари.

Изланувчи ёшлар касб – хунар ва уни эгаллаш, ҳаётларини, келажакларини ҳал қилувчи омил эканлигини билиб борадилар. Шулардан келиб чиқиб **касб** – **бу инсон ҳаёти учун зарур бўлган, жамиятдаги ҳуқуқий нормаларга жавоб берадиган, инсонни келажагини белгилаб берадиган ўзига хос мураккаб бўлган жараён** деб белгилашимиз мумкин. Касб – бу инсонни маълум бир эҳтиёжларини ва манфаатларини ўзи танлаган касб фаолиятидаги билимлари, лаёқати, малакаларига хос хусусиятлари орқали намоён бўлишидир. Касбга хос бўлган жараёнлар, уларни эгаллаш, танлаш инсон психологияси билан боғлиқ. Касб психологияси айнан шундай мураккаб жараёнларни ўрганиш орқали ёшларни ўzlари қизиққан касбга йўналиш берувчи мураккаб фан ҳисобланади. Ҳар бир касбнинг ўзига хос бўлган томонлари, инсонларни ўзига жалб қила оладиган қирралари мавжуд бўлиб, инсон бу жараёнларни кузатиб бориб шу

касбни эгаллашга интилади. Бу жараёнларда инсон ўзини рухияти билан шу касбга хос бўлган психологик томонларни ҳам шакллантириб боради.

Касбий фаолият тушунчаси бу жуда кенг ва ривожланиб борётган жараён ҳисобланади. Ҳар бир даврнинг ривожланиши ва ўзига хос характеристидан келиб чиқкан ҳолда инсоният касбий амалиёти кенгайиб боравервди. Касб тушунчаси, яъни профессия – professio - лотинча сўз бўлиб “оммовий чиқиш” деган маънони билдиради. Касб - бу инсон меҳнат фаолиятининг кўриниши ҳисобланади. Бунда инсон бир бутун назарий ва амалий малакаларни эгаллаган бўлади. Кўпгина касблар ўзининг йўналишларига бўлиб, бу касб йўналишларини эгаллаганларни шу соҳанинг мутахасисслари деб юритилади. Дейлик врач касби, бу касб ўз навбатида шу касбнинг йўналишлари бўйича мутахасиссларга, яъни врач терапевт, хирург, окулист, невропатолог ва бошқаларга бўлинади. Кўриниб турибдикি бу касб жуда қўплаб мутахасиссларга бўлинади.

Ҳар бир даврда ёшларни ўзи танлаган касби ҳақида мустаҳкам тасаввурлари бўлади. Ёшлар касб ҳақида жамиятдаги талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқкан ҳолда тасаввурларга эга бўладилар. Ёшлардаги касб ҳақидаги тушунчалар ёшлик даврдан бошлаб тадрижий ривожланиб бориш асосида шаклланади. Ёшларни касбий йўналиши ўзига хос ёш даврлар билан боғлиқ ҳолда ривожланиб боради. Мактабгача бўлган даврда болаларда сюжетли – ролли ўйинлар кенг тарқалади, улардан бир қисми касбий ўйинлар характеристига эга бўлади. Болалар врач, сотувчи, тарбиячи, ўқитувчи, шафёр, ошпаз каби ролларни ўйнашади. Кейинчалик болаларда касбга йўналиш берувчи биринчи меҳнат қилишга интилиш, яъни шини йғишириш, гулларга қараш, кийимларини тозалаш ва шу кабилар жуда катта аҳамият касб этади. Бу каби жараёнлар болада меҳнат қилишга қизиқиши уйғотади. Булар ҳар қандай фаолиятнинг асосини ташкил этувчи ижобий мотивацияларни ташкил этади ва умуман катталарни меҳнати ҳақидаги билимларни бойитиб боради. Касбий ролли ўйинларнинг натижаси – бу оддий меҳнат жараёнларини бажариш, катталарни қилаётган меҳнатларини кузатиш болаларда мактабгача бўлган “касб танлашнинг” кўриниши ҳисобланиб, булар асосида улар касбларни фарқлаш, ҳар хил меҳнатларни билишга олиб боради.

Кичик мактаб ёшида эса болалар катталарга таклид қилиб борадилар. Бу ерда катталарни, ўқитувчиларни, ота – оналарни, қариндошларни, яқин танишларни балаларда қайси касбга лаёқати борлигига баҳо бериш бошланади. Бу ердаги иккинчи муҳим тамон бу болалардаги хусусият – яъни мотивлардаги ютуқ ва асосий фаолияти кўриниши бўлган ўқиши жараёни ҳисобланади. Болаларни ўқищдаги, ўйин фаолиятидаги ва меҳнатдаги фаолиятлари асосида ўз қобилиятларини англаш, уларни ўзлари ҳохлаган касб

ҳақида тасаввурларини шакллантиришга олиб келади. Боладаги кичик мактаб ёшидаги қобилиятларни ривожланиши уларда индивидуал фарқланишини яққол күрсатиб қўяди, булар эса қайси касб уларга ёқишини кўрсатиб берувчи спектрларни ривожлантиради. Ўқиши ва меҳнат фаолияти болалардаги қайта такловчи ва натижага эга (ижодий) ҳаёлни ривожланишига олиб келади. Бундай қобилиятлар асосида ҳар хил меҳнат турларини моҳиятини тушуниш шаклланади, ўзини шу фаолиятда ишлашини тасаввур қиласди. Болада ранглардаги касбий ҳаёл пайдо бўлади, бу эса унинг келажагида қандай касб танлашига ўз таъсирини ўтказади.

Ўсмирлик ёши – бу даврда ўсмир биринчи маротаба ўз нафсониятига асосан касб танлашга киришади. Ўсмирлик бу шахс бўлиб шаклланнишнинг энг муҳим, жавобгарликни хис қилиш билан боғлиқ даврдир. Бу давр ҳар хил меҳнат турларига аҳлоқий муносабатлар ўрнатиладиган даврдир. Бу даврда ҳар хил касбни танлаш билан боғлиқ қадриятлар тизимиши шаклланниши билан боғлиқ давр ҳисобланади.

Катталарни ташки кўринишларига тахлид қилиш билан ўғил болалар “ҳақиқий эркаклар”га хос бўлган касбларни танлашни ҳохлаб қоладилар (дейлик, лётчик бўлишни, косманавт бўлишни ва шу кабила). Қизлар эса аёлларга хос бўлган ишларни кўзлайдилар (дейлик, қўшиқчи бўлишни, тикувчи бўлишни, сухондон бўлишни ва шу кабилар.). Рамантик касбларга интилиш оммовий ахборот маълумотлари орқали уларда шаклланади.

Ёшларни 14 – 15 ёшидаги касб танлаши бу жуда қийин ва мураккаб жараёндир. Бу даврда улар қайси касбни танлашлари ҳали етарли аниқланмаган бўлади. Келажакн аниқ кўра олмаслик уларда – ўзининг “Мен” лигини англаш рефлексиясини ривожлантиради. Улар ўзларига Мен кимман? Менинг қобилиятим қандай? Менинг ҳаётий идеалларим қандай? Мен ким бўлишни ҳохлайман? каби саволларни бера бошлайдилар. Кўпгина касбий мактаб ўқувчилари учун бундай ўз – ўзини тахлил қилиш касбий ўз – ўзини аниқлаб олиш билан боғлиқ бўлган психологик жараёнларни уйғотади. Лекин айнан касбий ўқув масканларида, лицей ва каллаежларда ўқиётган ўқувчилар касбий билимлар олиб ўзларини айнан касбларини белгилаб олишлари зарур бўлган даврдир. Лекин амалиётдаги статистик маълумотлар бу ёшларни ўзлари учун маълум бир касбни танлаб олганликларини психологик асослаб берган эмас. Уларни келажакка психологик интилиши, шуни кўрсатадики улар ўз келажакларини тўғри танланган касбларсиз, бу касбларни эгалламасдан туриб ўз келажакларини кўра олмасликларини кўрсатади. Шундай қилиб айтиш мумкинки, бу даврда ўсмирлар учун ўқув касбий йўналишни ўзлари учун танлаб олиши энг муҳим, зарурий жараёндир. Бунда улар касбга ва унинг йўналишларига бўлган муносабатларни шакллантириб борадилар. Ўсмирлик

даврининг, яъни жисмонан етилиш ва руҳан бир ҳилликка ўтиши қўп жиҳатдан уларни босик ва ўйлаб иш қилишга олиб келади. Ўзларини “Мен”лигини таниб бориб ўzlари учун керак бўлган касбларни танлай оладилар.

Шахс шакланишининг ҳар хил даврларида касбий ўз – ўзини белгилаш

Ёши	Касб танлашнинг даврлари	Касбий ўз – ўзини белгилашнинг усуллари
Мактабгача болалик даври (7 ёшгacha)		Касбий – ролли ўйинлар
Кичик мактаб ёши (11 ёшгacha)		Касбий индукциялар
Ўсмирлик ёши (15 ёшгacha)	Биринчи нафсоний касбни белгилаш	Бўёқлардаги ҳаёлий касблар. Рамантик бўёқлардаги касбий мўлжаллар.
Эрта ўспринлик даври (18 ёшгacha)	Иккинчи реалистик белгилаш	Шароитдан келиб чиққан холлардаги касбий йўналиш. Касбий маълумот вакасбий тайёргарликни танлаш.
Ўспринлик (23 ёшгacha)	Касбий маълумот ва касбий тайёргарликни танлаш	Ўкув – касбий майдонида ўз – ўзини белгилаш
Ёшлик даври (27 ёшгacha)	Касбий адаптация биринчи профессионализация	Касбий йўналишни мустаҳкамлаб бориш. Аниқ иш жойига ўзини белгилаб бориши.
Етуклик даври (33 ёшгacha)	Иккинчи маротаба профессионализация	Касбда ўзини аниқлаб олиш
Етуклик даври (60 ёшгacha)	Касбий маҳорат	Касбий маданиятда ўзини ўрнини белгилаш
Қарилик даври (75 ёшгacha)	Менторинг -устозлик	Ижтимоий фойдали ва оиласвий ҳаётда ўзини белгилаш

2- Савол. Қобиляйтни ажратиб берувчи тестлар ва улардан фойдаланиш масалалари.

Ёшларни касб танлашларида уларнинг қобиляйтлари катта рол ўйнайди. Касбга хос бўлган қобиляйтларни борлиги ва боланинг ўзини қизиқиши тўғри касб танлашга, бу танлаган касбидан қониқиши хиссини туйишга олиб келади. Қобиляти бўлган болалар ўзларини касб танлашларидағи имкониятлари билан бошқа болаларга нисбатан тез ўз йўлларини топа олишларига олиб келади.

Ёшларни ўзлари учун қизиқарли ва манфаатли бўлган касбларини танлашлари учун уларни қобиляйтларини тест синовлари орқали текшириш мумкин бўлади. **Психологик тест** – бу стандартлаштирилган вазифалар бўлиб, уни бажариш текширилувчини психофизиологик ва шахсий характеристикасини ўлчаб беради. Тест – сўзи инглизчадан олинган бўлиб, **си nab қўриш, текшириш** деган маънони билдиради. Демак тестлар орқали инсонни барча ҳаётий жараёнларини си nab қўриш мумкин бўлади.

Инсонларни диагностика қилиш уларни қобиляйтларини синаш қадимда мавжуд бўлган. Дейлик, қадимги Хитойда эрамизгача 2200 йил аввал давлат ишларида ишламоқчи бўлган одамларни қобиляйтларини синаш усуслари бўлган. Хар уч йилда мансабдорлар имтиҳон қилиниб уларни олтига санъат турлари бўйича синалган. Булар музика, камондан отиш, отда юриш, ёзиш, ҳисоблашсанъана ва урф – одатларни билишларидан иборат бўлган. Давлат тизими учун бу имтиҳон катта аҳамият касб этган. Бунда синалаётганларни қобиляйтлироқлари, билимдонлари, давлат хокимиятига яхши муносабатда бўлганлари танлаб олинган. Бу каби тестлардан ўтказиш билан боғлиқ бўлган воқеалар кўпгина халқларда содир бўлиб турган.

Англиялик биолог Френсис Галтон бир қатор тестларни яратиб, бунда инсонни қўриш қобилятини, эшитиш қобилятини, мускулларни кучини билишга қаратилган ва бошқа сенсоматор вазифаларни ўрганди. Галтон сенсор фарқларни ўрганувчи тестлар бу инсонни интеллектини кўрсатади деб ҳисоблаган эди. Америкалик психолог Джемс Кеттел оғрикни ҳис этиш, хотирадаги ва бошқа психологик жараёнлардаги фарқланишларни ўрганди. Кеттелга биринчи маротаба тестларга қўйиладиган талаблар тегишли бўлиб, у ҳамма текширилувчиларга бир ҳил шароит яратишни, тест ўтказишни вақтини чеклашни, тамошабинларни бўлмаслигини, статистик методлар асосида натижаларни ишлашни критиш таллуқлидир.

Хозирги замон тестига француз олимни Альфред Бине катта хисса қўшиб инсон тафаккурини тестда текширишни олиб кирди. Т.Симон билан биргаликда у инсонни тушунчаларига, хукм ва хуносаларига тегишли бўлган

тестларни ишлаб чиқди. Ўтган асрнинг 30 –чи йилларида хисоблаш машинаси яратилиб тест натижаларини объектив хисоблашга имкониятлар яратди.

Хозирда тестларни жуда кўплаб кўринишлари мавжуд. Булар :

- ❖ Предметли тестлар – интеллектуал шахсий ва шахсларо тестларга бўлинади.
- ❖ Тестларда топшириқлардан фойдаланишининг алоҳида хусусиятлари бўйича амалий образли ва сўз тестларига бўлинади.
- ❖ Тест материалларининг таснифи бўйича синалевчига талаблар, бланкали ва аппаратурали тестлар.
- ❖ Объект бўйича баҳолаш – процессуал тестлар ютуққа эришиш тести, ҳолат ва хусусиятлар тести.

Интеллектуал тестлар шахсни ақлий фаолияти ривожланганлик даражаси ва уларни алоҳида билиш жараёнларини (идрок, дикқат, хаёл, хотира, нутқ) баҳолашда қўлланилади.

З-савол. Қобилият ва яхши тайёрланган кадрлар масаласи. Касб танлашда қобилият ва унинг психологик тамонлари.

Қобилият – бу инсонни индивидуал – психологик хусусияти бўлиб, унинг фаолиятида кўринади ва бу фаолиятни мувофакиятли бажаришига шароит хисобланади. Қобилиятда билимларни, малакаларни, кўникмаларни эгаллаш онсон кечади ва тез эгалланади, чуқур ўзлаштирилади, пухта бўлади. Қобилиятнинг ўзига хос бўлган даражалари мавжуд бўлиб, унга истедод, талант ва гениаллик киради.

Истедод, зеҳн – бу кўпқиррали жараён бўлиб, қобилиятни пайдо бўлиши учун асос хисобланади. Қобилиятни ривожланишида у фақат бошланғич, илк моментдир. Талант ва гениаллик қобилиятнинг даражалари хисобланади. Талант – бу инсонни маълум бир фаолиятидаги юқори даражаси хисобланади. Гениаллик – бу ижодий қобилиятнинг олий даражасидир.

Ёшлиардаги қобилият уларда қуйидаги хусусиятларни бўлишини талаб қиласиди:

- *кузатувчанлик
- *билимга қизиқиши
- *умумлаштира олишлик (хулоса)
- *мустакил қарор қила олиш
- *ижодий ҳаёлни бўлиши.

Ёшлардаги қобилиятни шаклланишига таъсир этувчи тамон сифатида пецептив – рефлексияни кўрсатиш мумкин.

- a. Объектни хис қила олиш
- b. Билимга қизиқиш
- c. Ўзини шу жараёнга тегишли эканини хис этиш
- d. Ўзидаги касбга бўлган интилишни хис этиб туриш

Ёшларни қобилиятини ривожлантириб борища уларни ўзларини ривожлантиришга бўлган интилишлари ётади. Ўзларини ривожлантириш учун уларда қуидаги тамонлар бўлиши керак бўлади.

- *Билимга интилиш
- *Режалаштира олиш
- *Конструктивлай олиш
- *Мулоқатга қириша олиш
- *Ташкилотчилик тамонлари.

Такрорлаш учун саволлар

- 1- Савол. Касбий фаолият тушунчаси. Ёшларда касб тушунчаси ва улардаги қобилият имкониятлари.
- 2- Савол. Қобилиятни ажратиб берувчи тестлар ва улардан фойдаланиш масалалари.
- 3- Қобилият ва яхши тайёрланган кадрлар масаласи. Касб танлашда қобилият ва унинг психологик тамонлари.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., МАънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўstonи ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 Г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.

9. Ғозиев Э.Ғ. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик луғат. Т.,2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

20 – мавзу. Касб танлаш ва ундаги инқирозлар.

1. савол. Касб танлашда ёшларда содир бўлувчи инқирозлар. Инқироз тушунчаси ва унинг таърифи. Ёш даврлар билан боғлиқ инқирозлар.
- 2 – савол. Соғлиғи билан боғлиқ инқирозлар. Психологик инқирозлар. Девиант хулқ – атворт билан боғлиқ инқирозлар.
- 3 савол. Касб танлашда адашиб қолиш билан боғлиқ инқирозлар. Касб танлашда зиддиятлар, келишмовчиликлар ва ўзлигини англамаслик масалалари.

1 - савол. Касб танлашда ёшларда содир бўлувчи инқирозлар. Инқироз тушунчаси ва унинг таърифи. Ёш даврлар билан боғлиқ инқирозлар.

Касб танлаш бу ўзига яраша мураккаб жараён бўлиб, унда касбни танлашда иккиланишлар, адашишлар, инқирозли жараёнлар юз беради. Касб танлаш ҳар доим бир хил даражада бўлмайди. Бу инсондаги кўпгина психологик, физиологик жараёнлар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Биз ҳар биримиз хаётимиз давомида бир неча маротаба “кризис” тушунчаси билан учратамиз. Кризис бу ўзбек тилида “инқироз” деган маънони билдиради. Кундалик хаётимизда бу тушунчани биз қўплаб ишлатамиз, яъни ишлаб чиқаришдаги кризис даври, психологик кризис ва касалнинг кризис даврлари ҳақида гапирамиз.

Кризис ҳақидаги назария яқинда пайдо бўлди. Бу Е. Линдемоннинг 1944 йилда чиқарган мақоласидан бошланди. Чет эл психологларининг фикрларича кризис назариясига тўртта интелектуал харакат ўз таъсирини кўрсатган.

- 1) Эвалюция назариси ва уни умумий ва индивидуал мослашишига таъсири
- 2) Инсон мотивациясини ўсиши ва ютуғи назарияси.
- 3) Инсоният тарақиётига хаётий циклар асосида ёндашиш.

4) Экстремал стресслар билан биргалиқдаги қизиқишилар.

Кризис назариясими асоси бўлиб психоанализ (биринчи навбатда психологик бир хиллик ва психологик химоя тушунчалари), К. Роджерснинг бир хилғоялари, шунингдек роллар назарияси ҳисобланади.

“Кризис” сўзи грекчадан ағдарилганда – бурилиши пункти, асос, бошланғич деган маънени билдиради.

Психологияда бу категория шундай тушунилади:

- Биринчидан, хаётий кризис сифатида, яъни инсон хаётидаги бурилиш даври сифатида ;
- Иккинчидан, жуда қийин ўтиш даври, - кассалик, стресс, травма ва шу кабилар билан боғлиқ бурилиш даври; шахсий хаётдаги эмоционал ахамиятли воқеалар ёки хаётнинг тубдан ўзгариши;

А. Ребернинг фикрига кризис бу кундалик, оддий хаётдан тубдан оғиш ҳисобланади. Кризис – бу хар кунги фаолиятни умумий ахамиятини йўқотиш ҳисобланади.

Кризис – бу мураккаб ўтиш холати бўлиб, олдинги ҳаёт тарзида яшашни имконяйтларини йўқотиш (ёки қийинлашиши) ва кейинчалик ўзини янги “Мен”ни қандай яшашини билмаслик билан боғлиқ қийинчиликлар ҳисобланади.

Кризис босқичлари:

- Шок ва довдираб қолиш (жароҳатланувчи ходисаларини инкор этиш)
- Воқеликни англаш ва маъносини излаш (фазаб, адолатсизликни хис этиш, воқеликни бузишга интилиш)
- Чуқур ғам ва хафагарчилик (рухий азоб, фикрни йиғишнинг қийинлиги, кучни йўқотиш)
- Қайта ташкил этиш ва янгиликни туғилиши (хотира образларини вужудга келтириш).

Шахснинг касбий ривожланишдаги кризислари

Кризис	Кризисни вужудга келтирувчи факторлар	Каризисни йўқотиш йўллари
Касбий ўқув йўналиш кризиси. (14 – 15 ёки 16 – 17 ёш)	Маъум бир касбни танлаш ва уни тадбик этиш. “Мен”концепциясини пайдо бўлиши ва унинг коррекцияси.хаётни ўзгаририб юборувчи тасодифлар.	Касбга ўргатувчи корхонанаи танлаш ёки касбий тайёргарлик кўриш йўллари.
Касб танлаш кризиси (16 –	Касбий маълумотлардан	Касбий ўқув фаолиятини

18 ёш)	ватайёргарлиқдан қониқмаслик. Ҳаёт фаолиятни ижтимоий – иқтисодий ўзгариши. Ётакчи фаолиятни күриб чиқиши.	мотивларини ўзгариши. Касб танлаш коррекцияси.
Касбий экспектации (ожидание) кризиси (18 -20 ёш)	Касбий адаптациянинг қийинчилеги. Янги етакчи фаолиятни ўзлаштириш. Кутилаётган касб билан реал фаолиятни түгри келмаслиги	Касбни эгаллашни фаоллашуви. Мехнат мотивларини ва “Мен” концепциясини корректировка қилиш.
Касбий ўсиш кризиси (23 - 25 ёш)	Эгаллаб турган мансаби ва мартабасидан қониқмаслик. Эҳтиёж ва малакасини янада ривожлантириш. Оила куриш ва иқтисодий етишмовчилик.	Малакасини ошириш. Карьера қилиш. Иш жойини ва фаолиятни ўзгартыриш. Хобби, оила ва турмуш.

Инқироз тушунчаси ва унинг таърифи. Инсоннинг ёш даврига қараб уни босиб ўтадиган инқирозларини психолог олимлар ўрганиб, унинг даврларини асослаб берганлар. Ёш даврларига қараб инсонда ҳаёти давомида юз берадиган инқиозлар, кризислар қонуний тарзда уч ёшда, етти ёшда ўн бир – ўн уч ёшда содир бўлади. Албатта шуни ҳам унутмаслик керакки инсонни ҳаётини кейинги даврларида ҳам ўзига хос бўлган инқирозлар бўлади. Бу кризис бир ой ёки бир- икки йил давом этиши мумкин. Айниқса ўсмирлик даврида. Бу даврда жиддий психологик ўзгаришлар, шахснинг ўзгариб бориши, ривожланишнинг жуда тез, шиддат билан бориши кризиснинг кўриниши сифатида кўзга ташланади. Кризис даврининг хусусиятлари сифатида болани қийин тарбияланиши, атрофдагилар билан кескин конфликтларга бориши, оғриқли ва қийин кечадиган кечинмаларни бошидан ўтказиши кабилар билан характерланади. Дейлик, уч ёшли болада кризис даврида қайсаарлик, зиёнли харакати, ўз ҳолиҷа бўлиб қолишини кўрамиз. Етти ёшдаги болалардаги кризисда психик бир хилликни бузилишини, иродадаги барқарорликни бузилишини, кайфият ҳам бир хил бўлмай ўзгариб туришини ва шу кабиларини кузатамиз. Ўн уч ёшдаги ўсмирда эса кризис даврида иш қобилияти пасаяди, мактабдаги ютуқлар камаяди ва шу кабиларни қузатиш мумкин. Шуни ҳам таъкидлаш керакки ҳар бир кризис даврининг асосий моҳияти ижобий ўзгаришларга олиб келади. Дейлик, етти ёшли болада негатив (салбий)лик асосида унинг мустақиллиги шаклланади ва тенгдош болалар билан бўладиган ўзаро мулоқатда мазмунли, хилма хил муносабатлар юзага келади. Кризисни кечиши кўпгина ҳаётий жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Булар ўқитувчини қобилияти ва тайёргарлигидан, оиладаги психологик мухитдан ва тарбиядан келиб чиқади. Демак қўриниб турибдикি кризисдан кегин юзага кладиган ижобий тамонлар бу ўқитувчидан, унинг қобилияти ва билимларидан, оиладаги юз берадиган муносабатлар натижаси бўлган психологик мухитдан ва болага

бериладиган тарбиядан келиб чиқади. Ҳар бир даврнинг кризиси ўзининг ўзига хос тамонлари билан ажралиб туради.

Инсонда ўзининг яшаси ва ўзини тасдиқлаши, катталардек бўлиб бораётганини атрофдагиларга кўрсатишга интилиши, ўзидаги ўзгаришларга бўлган муносабати, катталар билан тенг муносабат қилишга бўлган интилиши ва шу кабилар болада ўзини кўрсатишга бўлган психик жараённи вужудга келтириб боради ва биз уларни кризис сифатида биламиз. Шундан келиб чиқкан ҳолда болалардаги айrim кризисга хос бўлган тамонларни кўрсатиб беришга интиламиз.



Ёш даврлар билан боғлик инқирозлар. Бунинг учун биз кичик мактаб ёшидан бу масалага қараб, ундаги кризисларни тахлил қилиб кўрамиз. Кичик мактаб ёши (7 – 12 ёш). Бу ёшда асосий фаолият – бу ўқув фаолияти хисобланади. Бу жараёнда катталар илмий тизимдаги тушунчаларни олиб юрувчи сифатида тушунилади. Субъект учун ўзидаги ўзгаришларни юз бериши янгиликнинг предмети хисобланади. Ўқув фаолияти бу ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолияти шакли сифатида қаралади. Бу даврда болалардаги ўйин фаолияти илгарида гидек қолаверади. Болада хамкорлик ва рақобат хисси ривожланади, шунингдек адолат ва адолатсизлик тушунчалари шахс сифатида маънога эга бўлиб боради. Бу даврда бола фаолиятида техник операциялар ривожланади. Болада ақлий ривожланиш даражаси аниқ мантиқий операцияларни бажаришда элементар мантиқий муҳокама қилиш шаклланади. Боладаги ахлоқий онг даражасини кўрадиган бўлсак унда конвенциональ (шартли) ахлоқ ташкил топади. Ўзини эҳтиёжларидан келиб чиқкан ҳолдаги таъсдик асосида олиб боради, ўзи учун аҳамиятли бўлган

одамлар билан яхши муносабатни қўллаб туриш асосида ўзини тутади, бундан келиб чиқсан ҳолда ўз авторитетини ушлашга интилади. Боладаги меҳрибонлик “Сени билишсин” тарзида бўлади. Бунда унда илгари муаммо бўлмаган бўлса, ота – она билан муносабат яхши бўлса. Боладаги эҳтиёж бу уни бошқалар ҳурмат қилишини ҳохлайди.

Ўсмирлик кризиси 12 ёш. Бу кризиснинг сабаби – ўсмирни катталар дунёсида чиқиши, ўзидаги оила муҳитида сингдирилган қадриятлар тизимини қайта кўриб чиқиши, ўзини ва жамият муносабатларини солиштириш жараёнига олиб келади. Бу даврнинг характеристикаси шундаки бола ўқув фаолиятидаги ва хатто маълум соҳадаги қобилиятга эга бўлганлигига қарамасдан ундаги маҳсулдорлик камаяди, яъни фаолияти пасаяди. Бу даврда бола маълум бир муҳитдан қочишига интилади, ёлғизликни ҳохлаб қолади, интизомни бузади ва унга роия қилмайди, зиддиятга боришига ва жанжаллашишга интилади. Шу билан бирга унда ички холоватсизлик, норозилик, ёлғизликка интилиш, ўзини бошқалардан ажратиш каби тамонлар кўзга ташланади. Кризиснинг охирига келиб болаларда ўз хулқ – атворини ихтиёрий бошқариш ва бошқара олиш, уларда катталик хиссини пайдо бўлиши ва рефлексия ривожланади. Бу улардаги киризиснинг ижобий натижаси сифатида пайдо бўлади.

12 – 15 ёшдаги ўсмирлик даври. Улардаги асосий фаолият бу тенгдошлари билан шахсий – интим муносабатлар ҳисобланади. 12 – 13 ёшга келиб болаларда уларни ижтимоий катталикларини тан олишга бўлган эҳтиёжлар пайдо бўлади. Жамиядаги ўз хуқуqlарини англаш, ижтимоий фойдали фаолият билан ўзларини қониқтира олишлари каби тамонлар уларни тез ривожланишлари учун шароит яратади. Ўзини ижтимоий муносабатлар тизимидағи ўрнини англаши, ўзини ижтимоий аҳамиятли субъект эканлигини англаш бориши каби жараёнлар юз беради. Уларнинг фаолиятида мотивлашган эҳтиёж муносабатлари шаклланади. Ўсмирларни ақлий ривожланиш даражаси ҳақида гапирганимизда уларда формал фикрлаш даражалари, яъни маниқий фикрлаш қобилиятини шаклланиши, ақлий операцияларни бажара олиш жараёнлари ривожланади. Ўсмирдаги аҳлоқий онгининг даражалари ҳақида сўз кетганда унда автоном аҳлоқни вужудга келиши, унинг хатти – харакатлари ўзининг виждони орқали амалга ошади. Энг аввало ижтимоий ютуқларга асосланган принципларга орқа қиласи, кегин эса умуминсоний аҳлоқий принципларга сунади. Ўсмирдаги эҳтиёжлар бу бошқалар билан бўладиган муносабатда ўзини ўрнини белгилаб олиши, уни ҳурмат қилишга бўлган эҳтиёжни пайдо бўлиши, унга бўлган ишонч ва уни тан олиш, мустақиллигини ҳурматлаш. Кризис даврнинг натижалари:

Ўз ўзини англашни ривожланиши;

- Дунёқарашини ривожланиши ва фалсафий тафаккурни ривожланиши;
- Назарий билимлар тизимини шаклланиши.

15 ёшга хос ўсмирлик кризиси. (Бу даврни фалсафий тахлил даври деб баҳоласа бўлади). Бу даврда ўсмир кўпроқ мустақилликка ва “кагтталарга” хос позицияни шароит бўлмасада эгаллаб боришга интилади. Бу даврда у, яъни ўсмир жizzаки ва бошқалардан фарқланувчи ўзига хос фикирларни билдиришга интилади. Бу даврга тегишли бўлган қатор қарама – қаршиликлар унда мавжуд бўлади. Ўсмирдаги хаддан ташқариги фаоллик уни қаттиқ чарчашиб олиб келади; ақлга сифмайдиган хушчақчақлик умидсизлик билан алмашади, ўзига бўлган ишонч уятчанликка ва қўрқоқликка ўтади; юксак аҳлоқлилик ишончсизлик билан алмашади, мулоқатга бўлган интилиш ёлғизлик билан алмашади, нозик дид бепарволик билан алмашади. Бу ёшдаги кризиснинг охирига келганда ўсмирда қўйидаги янги тамонлар вужудга келади:

- **касбини ва ўз шахсига хос бўлган тамонларни аниқлаб олиш;**
- ўз ҳулқ – авторини мазмунга эга бўлган қадриятлар асосида бошқариш;
- ўз шахсига хос бўлган қадриятлар тизимини шакллантириш;
- мантиқий тафаккурни шаклланиши;
- гипотетик – дедуктив тафаккурни шаклланиши;
- ўз шахсига хос бўлган фикрларни шаклланиши;
- Ўзини индивидуаллигини англаш.

Психологлар кризис билан боғлиқ бўлган қўплаб масалаларга ўз жавобларини беришга интилиб келмоқдалар. Кризисни инсон ҳаётидаги ўрни, унинг сабаблари нимада, унинг оқибатлари қандай бўлади, кризисни емириш билан боғлиқ бўлган оқибатларидан қандай қочиш мумкин, қандай омиллар, қандай психологик ўзига хос тамонлар инсонни бу кризислардан сақлаб қолиши мумкин деган қатор саволлар уларни ўйлатади. **Кризис** – грекча - kreses - сўзидан олинган бўлиб, ечиш, бурилиш пункти, натижа деган маънони билдиради. **Кризис психологияда қандайдир сабаб ёки шахсий ҳаётдаги туб бурилиш асосидаги оғир ҳолат деб тушунилади.**


11 – 15 ёшдаги кризис ҳақида гапирганимизда унинг ўзига хос тамонлари мавжуддир. Бу даврда жинсий етилиш даври билан боғлиқ бўлади. бундай ҳолат янги имкониятлар ва янги боғлиқликларни юзага келтиради. Булар эса эски стерiotипларни тўла ўзgartириб юбориши мумкин бўлади. Бу даврни яна ўтиш даври деб ҳам юритилади. Бу давр биринчи маротаба қарама – қарши жинсга гармоник призма орқали қараш бўлиб, энди эскича тенгдош сифатида

эмас, балки уни бошқа жинс сифатида қараңшаш шакилланади. Ўсмирлардаги жинсий қизиқиши уларда ўзларини “эго”ларини, яъни “Мен”лигини шакллантиради. Бу даврда ўсмирлар ўзининг ташқи кўринишига диққатларини қаратадилар, ўзларига нисбатан малакали бўлган ўғил ва қиз болаларни сўзларига эътибор берадилар.

Ўсмирлардаги ҳар доим катта киши бўлишга интилиш, уларни ота – оналар билан зиддиятга олиб келади, ўзларини шу даврни кечираётганлигини ҳам унугиб қўядилар. Бу даврдаги қийинчиликларни олдини олиш учун психологларга ва психотерапевтларга мурожат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.



Қўйида кризисни сабабларини кўрсатиб берувчи объектив ва субъектив ходисаларни тизимини расмда кўрсатиб берилган. Бу хилма хил сабаблар асосида бола ривожланишида ўзгаришлар содир бўлади.



Бошқаришни
етилмаганлиги

Фаолиятни
қийинлашиши



Психология тарихида кризисни паталогия сифатида қарамаган психолог олим бу Л.С.Виготский ҳисобланади. У навбатдаги ёш билан боғлиқ бўлган кризисга секин асталик билан ўтиш, айниқса болалаик даврида, шахсни бақувват бўлишига, атроф – муҳитдаги салбий ҳолатларга қарши туро оловчи иродавий инсон бўлиб етишишига олиб келади деб баҳо беради. Лекин шу билан бирга бундай аста секинлик билан кризисни ўтказиш учун муҳитда коррекция ишини олиб бориш ва агар психолог бунга аралашса мутахасис сифатида уни ҳам бу соҳани жавобгарлик асосида олиб бориши талаб қилинади.

Элконин Б.Д. ёш даврлар кризисини пайдо бўлиши сабаби бу инсонда ўрнашиб қолган тушунчалар ва ҳаётда аста секин пайдо бўлган янги тамонлар ўртасидаги зиддиятлар деб тушуниради.

2 – савол. Соғлиғи билан боғлиқ инқирозлар. Психологик инқирозлар. Девиант хулқ – автор билан боғлиқ инқирозлар.

Касб танловчиларнинг соғлиғи касб танлашда энг муҳим тамонлардан ҳисобланади. Бизга маълумки ўқувчиларда ўсиш, ҳаёт жараёнлари давомида ўзига хос бўлган жисмонан камчилаклар бўлади. Булар айримлари авлоддан ўтса, баъзилари ортирилган бўлади. Бу эса уни касб танлашида инқирозни вужудга келтиради. Бу инсонни жисмонан ортириб борган камчилиги ҳисобланиб ўзи орзу қилган касбни танлашга ҳалақит беради. Бунинг натижасида унда маълум бир норозичиликлар пайдо бўлади. Болалардаги бундай психофизиологик камликларни тиббий назоратдан ўтказиш давомида аниқлаш мумкин. Болаларни врач назоратидан ва психолог назоратидан

үтказиб туриш ва уларни келажакда қандай касб эгаси бўлишларни аниқлаш кўп жихатидан ота – оналарга боғлиқ бўлади.

Болаларни соғлиғи билан боғлиқ инқирозлар, энг аввало улардаги жисмоний етишмовчилик, авлоддан ортириб олган касаллик, хар хил травмалар, оиласдаги муҳит, ўзи ортирган касалликлар ва шу кабиларда кўринади. Бу касалликлар ўсмири ўзи орзу қилган касбини эгаллашга ҳалақит беради. Дейлик ҳозирда болаларда қандли диабет касаллигини кўпайиши. Бу оиласдаги ёки ўзаро муносабатлардаги стресслар билан боғлиқ бўлади. Ёки хар хил юқумли касалликларни бўлиши, уларни имкониятларини чеклаб қўяди.

Психологик кризислар – бу янгиликни пайдо қиладиган зарурӣ, керак бўлган довулдир. Лекин инсонлар бошқаларни бошқариш учун шундай қиладиган бўлса, у ҳолда уларнинг ўzlари аста секинлик билан ўzlарини ҳаётларини бузиб борадилар.

Касб талашда худди жисмоний камчилик каби психологик камчиликлар бўлиб улар ҳам кишини ўзи хоҳлаган касбни эгаллаши учун йўл бермайди. Бу инсондаги нерв – психологик касаллаклар таркибига киради. Буни психологик инқирозлар билан боғлаб тушунтирилади. Шуни айтиш мумкинки психологик инқирозлар ҳар хил кўринишда содир бўлади. Уларни эндоген ва экзоген кўринишларини ажратиш ва уларни тахлил қилишга харакат қиласиз. Эндоген психологик инқирозларга, яъни аниқ бир индивидни ички омиллари билан боғлиқ жараён (авлоддан мерос бўлиб қолган касалликлар, инсон миясининг атрофияси, қаричилик ва ш.к.)ларга, шизофренияга тегишли, маникал – депрессив психоз, Паркинсон касали, эплепция ва шу кабилар киради. Экзоген касалликларга ташқи факторлар асосидаги, муҳитнинг таъсиридаги симптоматик ва интоксикатик психозлар, психогеник (психик травмалар асосидаги психозлар, алкагол, наркотик, шунингдек шахсни ривожланишидаги паталогиялар) киради. Психологик инқирозларни даражасига қараб невроз ва психоз касалликларга ажратиш мумкин. Мисол учун Фобия (грекчадан - қўрқиши) – бунда инсонни нимадандир қўрқиши, ваҳимага тушушини кўришимиз мумкин. Бунда инсондаги вегитатив нерв тизимида бузилиш юз беради. Бунинг натижасида унинг юраги тез уриб кетади ва ўзи жуда ҳам терга ботиб кетади. Бу каби касаллик невроз ҳолатида, психоз ва мияни касалланишида учрайди. Унинг хар хил турлари мавжуд. Дейлик, нозофабия – бунда киши касалланишидан қўрқади, социофабия – бунда киши кўпчилик олдида сўзлашдан қўрқади, макондан қўрқиши – бунда инсон ёпиқ жойлардан, очиқ жойлардан, баландликлардан қўрқади. Невротик фабия – бу кишини ечиб бўлмайдиган зиддиятлардан қўрқиши. Бу инсонлар ўртасидаги бўладиган муносабатдаги зиддиятлардан, фикрлардаги зиддиятлардан қўрқиши кабиларда кўзга ташланади.

Бундан ташқари психик инқирозларга инсондаги агрессив ҳолатлар ҳам киради.

Депрессия – бу инсонни фаол бўлмаслиги, ишларда иштирок этишга интилмаслиги кабиларда кўринади. Невротик шахс сўзсиз дивиант хисобланади, лекин у ижтимоий ҳаётда ҳали иштирок этиши мумкин. Лекин дивиантнинг ҳолати хавфлироқ кўриниши бу психоз хисобланади. У қуйидаги кўринишларда мавжуд:

- Шизофрения – бу реал воқелиқдан четлашиш, аутизм деб аталади. Аутизм- грекчадан ўзим деб аталади. Бунда инсон энг охирги бегоналашувни бошидан кечиради. Бошқалар билан муносабатда бўлмайди ва ўзининг дунёсида яшайди.
- Паронайял – доимий алаҳсираш, ақлни пасайиши, шахсни ўзгариши.
- Аффектлар – бу дивиант шахсни ҳолатини бирданига кўтарилиб кетиши билан ва бу кайфиятни пасга тушиб кетиши билан боғлиқ маникал – депрессив ҳолатдир.

Касб танлашда яна дивиант ҳулқ – атвор ҳам борки улар ҳам инсонни касб танлашига ҳалақит беради. Бунга кўплаб мисолларни ҳаётдан келтириш мумкин. Буларга хукуқни бузиш, ақлан носоғлом бўлганлиги, фоҳишабозлиги, наркаманлиги, ароқхурлиги, жамиятда қабул қилинган нормалардан оғишганлиги кабиларни кўрсатиш мумкин. Дивиант – бу жамиятда қабул қилинган меъёрлардан оғиш деган маънени билдиради. Шартли равища инсондаги бундай хатти харакатни уч қисмга ажратиш мумкин. Булар ижтимоий – ҳуқуқий, клиник ва психологик.

Психологлар Ц. П. Карапенко ва Т.А.Донскойлар дивиант ҳулқ – атворни қуйидаги типологиясини кўрсатадилар.

- Ижтимоий ҳулқ – атворга зид бўлган (хулиганлик, дарбадарлик, ўғрилик, жиноят, фаҳишабозлик, вандализи (моддий бойликларга вахшиёна муносабат) ва х.з)
- Ауддиктив ҳулқ – атвор – (норкамания, таксикомания, чекиш, кампьютерлик ва азарт ўйинлар, сексуал аддукция, фетишизм (сажда қилиш), кўп овқат ейиш ёки оч юриш, ритмга асосланган музикалар эштиш, қандайдир фаолиятга муккаси билан кириб кетиш, ҳаётий зарурый жараёнларни эсдан чиқариш).
- Суицид ҳулқ – атвор
- Конформлилик (қулайлик) ҳулқ – атвори
- Нарцистик ҳулқ – атвор

- Фанатик хулқ – атворт
- Аутик хулқ – атворт
- Жавобгарлиқдан қочиши
- Ёлғон гапириши
- ховотирланиши

Дивиант хулқ – атвортини худди шундай психолог Змановский Е.В. ҳам уч гурухга бўлади. Булар:

- Булар ижтимоий хулқ – отворга қариши – ҳуқукка қариши бўлган хар қандай харакатлар (ҳуқукни бузиш, хулиганлик, ўғирлик, наркотиклар билан боғлиқ жараёнлар ва ш.к.)
- Амарал хулқ – атворт (агрессив хулқ атворт, сексуал оғиш, дарбадарлик, мактабдан қочиши ва ш.к.).
- аутодеструктив (ўз – ўзини йўқ қилиши) хулқ – атвори (суицид хулқ – атворт, озуқ овқат ва химик жараёнларга мухтожлик, фанатиклик, спортнинг экстремал кўринишлари)

Дивиант хулқ атвортини чет эллик олимлар ўрганганлар. Булар антропоцентрик назоия асосчилари П.Келли, Э.Кречмер, Ч. Ломброза, У. Шелдон, психоаналитик назария асосчилари: З.Фрейд, К.Юнг, Э.Эриксон ва бошқалар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касб танлашда ёшларда содир бўлувчи инқирозлар. Инқироз тушунчаси ва унинг таърифи. Ёш даврлар билан боғлиқ инқирозлар.
- 2 . Соғлиғи билан боғлиқ инқирозлар. Психологик инқирозлар.
3. Дивиант хулқ – атворт билан боғлиқ инқирозлар.
4. Касб танлашда адашиб қолиш билан боғлиқ инқирозлар.
5. Касб танлашда зиддиятлар, келишмовчиликлар ва ўзлигини англамаслик масалалари.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўйтони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шаҳри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

21 – мавзу. Онгли касб танлаш ва касбга йўналтириш масалалари.

- 1 – савол. Ўқувчиларни тарбиялаб бориш, билим бериш ва онгли касб танлашга тайёрлаш.
- 2 – савол. Онгли муносабат ва касб танлаш масалалари. Онгли ҳаракат бу психик жараёнлар билан узвий муносабатлардир. Онг ва психик жараёнлар.
- 3 – савол. Инсон онги ва унинг манфаат ва эҳтиёжлари. Инсон онги ва касб танлашда унингўрни. Онгли равишида касб танлаш бу инсон келажаги.

1 – савол. Ўқувчиларни тарбиялаб бориш, билим бериш ва онгли касб танлашга тайёрлаш.

Ўқувчиларга таълим бериш ва тарбиялаб беришнинг асосий вазифаси уларни келажак ҳаётга тайёрлаш ҳисобланади. Ўқувчиларни билим бериш орқали ва уларга ахлоқий малакаларни ўргатиш – бу уларни келажакда ўзлари учун ва ўз ҳаётлари учун керак бўлган тарбияни олиш ҳисобланади. Улар ҳар хил дунёқарашга, психологик хусусиятларга эга бўлганликлари учун ҳам касб танлашда ҳар хил ёндошадилар. Ўқувчиларни касбга ҳам тайёрлаб бориш, уларга тарбия бериш билан боғлиқдир.

Ўқитувчи фаолиятидаги асосий мақсад бу ўқувчиларни онгли равишида касб танлашларига тайёрлаш ҳисобланади. Бунинг учун улар ўқувчиларни тарбиялаб боришилари ва ўзлари ҳохлаган касбларида меҳнат қилишга тайёрланишлари зарур бўлади. Касбга йўналтиришнинг асосий стратегик мақсади ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда ўқитувчи ўз олдига аниқ ва яқин орада бажарилиши керак бўлган вазифаларни қўяди. Буларга ўқувчиларни аниқ билимлар билан қуроллантириш, уларда малака ва кўникмаларни шакллантириш, ижодий имкониятларини ва эҳтиёжларини очиб бериш,

эстетик ва аҳлоқий онгини тарбиялаш ва ш.к. киради. Буларни натижасида ўқувчиларни билим даражасини ва шахс сифатидаги имкониятларини аниқлаб бериш ётади. Ўқувчиларни тарбияланганлиги асосида уларни яқин ва узоқ мақсадлари, ижтимоий аҳамияти, шунингдек шахсий мақсадлари рўёбга чиқади.

Ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг натижаси бу касбга йўналтиришда кўзга ташланади. Ўқитувчи фаолиятининг натижаси ўқувчилардаги психологик кўринишида ўз аксини топади, яъни уларнинг билимларида, уддалай олишларида, малакаларида, шахсга хос тамонларини кўринишида, дунёқарашларида, маънавий эҳтиёжларида акс этади. Уларда қадриятлар ва ҳоявий характерларни шакллантириш, уларни ривожлантиришга ва ўзларини англашларига олиб келади.

Ўқувчилар фаолиятининг натижаси – бу аниқ бир касбни танлаб олишларида, уларни бажаришни уддалай олишларида, шу соҳани билиб бориш имкониятларида кўринади.

Ўқувчини маълум бир касбни танлаб олишларига ёрдамлашиш муҳим жараён ҳисобланиб, боладаги шахсий имкониятлар ва сифатлар шу касбга мос келиши муҳим ҳисобланади. Қуйидаги саволларга жавоблар, яъни “Мен кимман”, “Мен нимани ҳохлайман”, “Мени қўлимдан нима келади” каби саволлар бебаҳо ёрдам берувчи саволлар ҳисобланади. Бу саволларга эса психологиянинг ёш йўналиши бўлган психодиагностика жавоб беради. Бу йўналишнинг асосий принциплари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Энг умумий талантлилик. Талантсиз инсон йўқ, балки ўз иш фаолиятини тополмаган инсон бор.
2. Ўзаро устунлик. Агар сиз бирор бир нарсани бошқаларга нисбатан яхши бажара олмасангиз, демак сиз бошқа соҳада иш фаолиятини яхши бажара оласиз.
3. Ўзгаришлар албатта рўй беради. Инсон ҳақидаги бирор бир хукм, хулоса охиргиси ҳисобланмайди. Сиз бирор бир янгиликни билиб борар экансиз, албатта эртасига сизда бир оз бўлсада ўзгариш юз беради. Шуни айтиш жойизки касбни онгли танлашдаги психодиагностика тест методлари орқали олиб борилади.

Касбга онгли равишда қарашни ўқувчиларни мотивлашган фаолияти сифатида қарашимиз, яъни касбнинг моҳияти билан тушунишга йўналтирилганлиги билан, ўзидағи имкониятларни амалий жиҳатдан синашни, келажакдаги касбни эгаллашга бўлган фаол тайёргарликни, ўзида шу касбга хос сифатларни тарбиялаш кабиларни тушунамиз.

Ўқувчиларни касбга бўлган онгли муносабати хали етарли даражади ўрганилмаган. Бу ердаги онгли “муносабат” олимлар тамонидан хар хил таҳлил қилинган. Дейлик, А. Маркова нинг фикирича – муносабат бу ўзини ва бошқа инсонларни ўраб турган фаолиятнинг ички ҳолати ҳисобланади. Н. Морозова эса буни манфаат, қизиқиши сифатида тушунтириб берган. Морозова муносабатни фаолияти билан боғлиқ бўлган хиссиётлардан келиб чиқкан ҳолда тушунтиради. Шундай қилиб билим, касбнинг моҳияти мотив сифатида хатти- харакатларга ундан турувчи ҳисобланади.

Ёшларни касбга онгли муносабати бу улар тамонидан танланган касбни ижтимоий ва шахсий аҳамиятлилиги билан боғланган тарзда ҳам тушунтирилади.

Танланган касбни ижтимоий аҳамиятини ёшлар тамонидан англаниши бу танланган касбни мамлакатнинг иқтисодий – ижтимоий жиҳатдан ривожланишига таъсир этишини англаш билан ҳам боғлиқ бўлади. Бунда мамлакатни ишлаб чиқаришини ривожлантириш, халқ хўжалигини етук кадрлар билан таъминлаш ва ўзини бу харакати билан юртини бозор муносабатларидаги инфраструктурасини тўлдириш эканлигини англаш юз беради.

Касб танлашнинг онгли муносабати – бу зарур бўлган билимларни борлиги билан белгиланади. Бунга энг аввало инсон фаолиятидаги хар хил касбларни кўринишларини ва шаклларини, уларнинг моҳиятини тушунтириб берувчи билимлар керак бўлади.

Бозор иқтисодига йўналтирилган касбий йўналиш ёшларда хозирги иқтисодни, менежмент бошқариш назариясини, бозор муҳитидаги маркентинг фаолияти ва мўлжаллни, патент олишга киришни, маълумотларни билишни ва уларни моҳиятини тушуниш – бунинг учун информатика ва информаяларни асосларини эгаллаган бўлишлари керак бўлади.

Ўсмирни касб танлашда ўзини аниқ мақсадларини англаб олиши ва касбга эга бўлишга интилиши – бу кўп қиррали жараён ҳисобланади. Бунда учта асосий омиллар бирлашиши ва уларга мослашиш керак бўлади: Бу Мен ҳохлайман, Мен эплай оламан, Мен қила оламан омиллариридир.

- “Ҳохлайман” – бу шахснинг интилиши, қизиқиши, ҳохлаши.
- “Эплай оламан” – бу инсоний имкониятлар (физиологик ва психологик, шунингдек шахснинг таълим ресурслари).
- “қила оламан” – меҳнат бозорининг эҳтиёжлари, инсонни жамият одамлар, оиласи ва шу кабилар олдидағи мажбурияtlари.

Ўсмирдаги касбий йўналиш ўзида қуйидагиларни қамраб олади:

- Касб дунёсига мослашиш (қандай касблар мавжуд?, бу касб эгаси нима билан шуғулланади?)

- Ўзи учун қизиқарли бўлиши ва бу соҳада унинг имкониятлари қандайлигини (қўлидан қандай ишлар келишини) англаб олиши.
- Мехнат бозорига мослашиш, яъни хозирда қандай касблар жамиятга кераклигини билиш.
- Таълим тизимидағи бозор муносабатлари, яъни бола қизиқаётган касб бўйича олинадиган билимларни қаердан олиш мумкинлигини англаш.

Асойи тарбиячи бўлган ота – оналар ўз болаларига касб танлашда ёрдамчи ҳисобланадилар. Улар билан очик сухбат, болалар қайси касбга қизиқишларини билиб олишлари ва уларга ўз ёрдамларини беришлари зарур бўлади. Агарда улар танлаган касб ота – онага ёқмаса уларни райини қайтармаган ҳолда, нима учун айнан шу касбни танлаганлигини ва бунинг асосида нималар ётганини билиб олишга ота – оналар интилишлари зарур бўлади. Уларни асосий омилларини билиб олгач, ўз маслаҳатлари билан ёки мисоллар орқали бу касбга бўлган муносабатларини ўзгартиришга харакат ҳам қилишлари мумкин бўлади. Албатта ота – онларнинг ўзлари ҳам бу соҳада саводли бўлишлари, ўз билим ва кўникмалари билан болага етарли йўналиш бера олишлари керак бўлади. Баъзи ота – оналар фарзандининг кейинги ҳаёти билан қизиқмайдилар ҳам. Агарда бола маълум касб ҳақида гапирса “ўқиб шахарни олиб берармидинг” деб ҳам қўядилар. Бу билан боладаги орзуларни, хавасларни улар йўққа чиқаришлари мумкин бўлади. Болани аввалом бор келажагдан жуда катта умидлари, орзулари, хаваслари, интилишлари мавжуд бўлади. Касб танлашда ҳам шу орзулар онгли равшда рўёбга чиқади.

Ўсмирлардаги онгли равишдаги касб танлаш қуйидагиларга асосланади:

- 1) Касблар дунёси ҳақидаги билимларга;
- 2) Танланаётган касб тўғрисидаги билимларга;
- 3) Ўз қизиқишлари ва манфаатларини ўрганишга;
- 4) Ўзидаги қобилияtlарни ўрганишга;
- 5) Ўзини кучли ва кучсиз тамонларини ўрганишга;
- 6) Ўз соғлиғини яхши билишига;
- 7) Оиланинг моддий тамонларини ҳисобга олишга;
- 8) Мехнат бозоридаги ҳолатни ҳисобга олишга.

Ўсмир тарбияси билан боғлиқ тамонларни амалга ошириш зарур бўлган тамонлар. Ўсмири қайси йўлдан боришини англаб олиши, яъни қайси касб бўйича билимлар олишини аниқлаб олиши зарури жараён ҳисобланади. Бу соҳада кўпроқ “керак” омили ишлай бошлайди. Бугунги ижтимоий – иқтисодий шароитда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга бўлади.

*ижтимоий заказ, меңнат бозоридаги ҳолат;
*оилани моддий таъминланганлик даражаси;
*таълим олишда ёрдам олиш имконияти;
*шу касб йўналишида меңнат ҳаққини олиш шароити;
*касбий таълимда маҳаллий инфраструктураси.

*Бола ҳохлаётган (Мен ҳохлайман) касбни, мутахасиссликни танлаш. Танланган мутахасисслик билан танишиш ва инсонга бу касб қўяётган талаблар билан танишиш.

*болани имкониятларини ҳисобга олиш (Мен эплайман)
*қизиқиш ва интилишлари;
*ўқишидаги ютуқлар ва қобилиятлар;
*ўзининг кучли ва кусиз тамонлари;
*соғлиги билан боғлиқ шароитлар.

Психологлар инсон онгли равишда касбни қуидагилар асосида танлаб олишлари керак деб ҳисоблашади

- Ўзининг “Мен” образи орқали. Худди шу “Мен” образи касби карьерани интеграция, дифференцияция ва уни ташкил қилишни бошқариб туради. “Мен” образида инсон ўз образини, ўзи хақидаги фикирлаши ва ўзига баҳо бериши шаклланади.
- Интеллекти: умумий қобилиятлар тизими ва ўқишига, ўрганишга бўлган қобилиятлар намоён бўлади.
- Махсус қобилиятлар: умумий ва махсус қобилиятларни ривожланиш даражаси, уларни тузулиши. Ҳар қандай касб “касбга хос бўлган хусусиятларни” инсонда бўлишини талаб қиласи. Дейлик рассомга – образли тафаккур, ткувчига дизайн ва қобилият ва шу кабилар. Шунинг учун бирор бир касбни танлагандан шу соҳага лойиқ қобилият борлигини билиш керак бўлади.

2– савол. Онгли муносабат ва касб танлаш масалалари. Онгли ҳаракат бу психик жараёнлар билан узвий муносабатлардир. Онг ва психик жараёнлар.

Ўсиб келаётган ўсмирларни касб танлашида уларнинг онгли муносабати танлаган касбларини тўғри танлаганликларини ва бу танлаган касбларидан қониқишлирини шакллантиради. Ўсмилардаги онгли муносабат бу энг аввало

буларни билимлари ва ўзлигини таниганликлари билан баҳоланади. Ўзини таниб олган ўқувчи албатта бирор бир касбни маҳкам ушлайди ва уни ўрганишга интилади. Ўқувчидаги онгли муносабат ҳақида гапирап эканмиз, буни яхши тушунишимиз учун онг ва онгли муносабат тушунчаларини бир кўриб чиқамиз.

Инсон психикасининг тараққиёти бу биологик эволюция қонунлари таъсири билан рўй берган бўлса, унинг онгини ривожланиши ижтимоий – тарихий қонунлар асосида амалга ошади. Демак кўриниб турибдик инсон ижтимоий – биологик мавжудот бўлар экан, унинг онгли муносабати ҳам худди шундай жараёндир. Инсоннинг онги бу унинг асоси бўлган мия фаолияти, унинг соғломлиги, ишлаш фаолияти имкониятлари билан бирга, инсон яшаётган муҳит, шахслараро муносабат, ҳаёти билан боғлиқ фаолият, инсонга хос бўлган фазилатларни эгаллаб, тил, ақл, онг ёрдамида камол топиб боради.

Онг психикани яхлит тарзда ифодаловчи юксак шакли ҳисобланаб, инсонни якка ва хамкорлик фаолиятининг (бу мулокат, нутқ, тил воситасида) ижтимоий – тарихий тараққиётининг маҳсали сифатида юзага келгандир. Онгнинг таркибий қисмига билиш жараёнлари кириб, билиш эса инсонни, яъни уни ўраб турган борлиқ билан алоқасини тамиллаб турувчи сезги, идрок, диққат, хотира, ҳаёл, тафаккур каби жараёнлар билан асосланади.

Инсон онгининг психологик тушунтиришнинг яна битта кўриниши- бу инсонни объект ва субъект ўртасидаги аниқ фарқланишини, яъни шахснинг “Мен” деган тушунчаси билан “Мен ” эмас тушунчасини аниқлаб олиши, уларнинг ўзаро алоқасини билиб боришда кўринади.

Онгни яна бир таснифи сифатида шахснинг мақсади, манфаати, эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган фаолият ҳисобланаб, унда бу фаолиятга ундовчи мотивлар муҳим ҳисобланади.

Онгнинг яна бир муҳим таснифи бу унинг эмоционал (хиссий) муносабатлари ҳисобланади. Шахс онгига унинг дунёқараши, билимлари билан боғлиқ ҳолда хар хил ҳис – туйғулар (хар хил даражада ижобий ва салбий, барқарор, статик, динамик) кечинмалар, стресслар, аффект ҳолатлари кириб боради ва унинг шунга хос хатти – харакатларида ифодаланади.

Онгнинг барча вазифалари инсонга хос бўлган нутқда ва тилда ифодаланади. Онг предметига фаоллик, йўналганлик, интенциаллик хусусиятлари киради. Булар: а) онгни доимо ниманидир тушунишга интилишида; б) рефлексияга нисбатан қобилиятилилкда; в) ўз – ўзини кузати, яъни ўзини англашда; г) мативацион – инсон фаолиятига мазмун берувчи қадриятлилигига кўзга ташланади.

Касб танлашдаги имкониятларни инсоннинг онги ва онгли муносабатлари билан боғлайдиган бўлсак, у ҳолда инсон онгини тузилиши билан танишиб

чиқамиз. Онгни тузилишини кўпгина олимлар ўзларича тахлил обьекти сифатида кўриб чиқсанлар. Дейлик, профессор Э.Фозиев буни қуидагича тарифлайди. Онгни тузилиши:

- 1) Онгни таркиби:
 - а) образни ҳис қилиш имконияти;
 - б) борлиқдаги нарсаларнинг қадр – қиммати;
 - в) атроф – муҳит обьектларининг маъно касб этиши.
- 2) Онгнинг вазифалари:
 - а) акс эттирувчанлик;
 - б) ижодийликни вужудга келтирувчанликги;
 - в) баҳоловчанлиги;
 - г) бошқарувчанлиги;
 - д) рефлексивлиги;
 - е) маънавийлиги.
- 3) Ўз ўзини англашнинг омиллари:
 - а) оиласвий муҳит таъсири;
 - б) миллий муҳит ва миллий тил воситалари;
 - в) маърифий, маънавий, маданий қуршов;
 - г) маҳсус ҳаётий вазиятлар ва фавқулотдда ҳодисалар.
- 4) Онгнинг хислатлари:
 - а) борлиқ обьектлари ва жамият субъектлари билан муносабат ўрнатиш;
 - б) биосфера ва неосфера ҳодисаларини англаш (тушуниш, билиш);
 - в) табиий ва ижтимоий ҳодисалар ҳамда ҳодисаларга ҳамдартлик (эмпатиянинг намоён бўлиши).
- 5) Онгнинг хусусиятлари:
 - а) реактивлиги;
 - б) сезирлиги;
 - в) рефлексивлиги;
 - г) тараққиётнинг ихтиёrsизлиги (спонтанлиги);
 - д) полифониклиги;
 - е) диалогизмга мойиллиги.
- 6) Онгнинг турлари :
 - а) индивидуал;
 - б) гурӯҳий;
 - в) жамоавий;
 - г) этник;
 - д) миллий;
 - с) ижтимоий.

Касб танлашда ўсмирнинг онгли муносабати айнан онгнинг тузилишидан келиб чиқади. Ўсмирда касб танлашда онгли муносабат ўз ўзини англашдан бошланади.

3– савол. Инсон онги ва унинг манфаат ва эҳтиёжлари. Инсон онги ва касб танлашда унингўрни. Онгли равишда касб танлаш бу инсон келажаги.


Онг бу инсоният тарихий – тараққиётидаги энг ноёб ва такрорланмас жараёндир. Инсон онгини кўп қирралиги уни ўрганувчи обьектларни ҳам хилма – хиллигини кўрсатади. Онг муаммосини фалсафада, психологияда, психотрияда, физиология, кибернетика каби кўплаб фанлар ўрганади. Инсон онги бу жуда мураккаб табиий жараён ҳисобланиб, унинг ўзига хос қонуниятлари ва юз бериш хусусиятлари мавжуд. Инсон онги унинг бутун ҳаётий жараёнларини бошқариб боради ва инсонга ҳос бўлган, унинг тириклиги ва тараққиёти билан боғлик бўлган барча жараёнларни бошқаради. Инсон ҳаёти давомида кўплаб ўзини триклигини таъминловчи ҳодисаларга муҳтоҷ бўлади. Шу ҳодисаларни амалга ошириб бориб ўз ҳаётини таъминлайди. Бундай зарурий ва бажарилиши шарт бўлган ҳодисалар энг аввало унинг биологик мавжудот сифатида яшашини таъминлайди. Инсоннинг эҳтиёжлари унинг учун энг зарур бўлган, амалга ошириши керак бўлган жараёнлар ҳисобланади. Инсон эҳтиёжларини кўпгина олимлар ўрганганлар. Улар инсон этиёжларини моддий ва маънавий эҳтиёжлар тарзида ва бошқа кўринишларда бўлиб чиқсанлар. Кўплаб эҳтиёжлар мовжудлиги ва уларнинг классификацияси ҳам берилган.

A.Маслову эҳтиёжлар перамидаси



Инсонни касбга бўйлган интилиши унинг маънавий эҳтиёжлари қаторига киради. Бу ҳақида Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги Э.Юсупов шундай ёзади: “Маънавий камолат муайян ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқдир. Эҳтиёж ва зарурият йўқ жойда ҳеч қандай юксалиш бўлмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам инсон маънавият даражаси билан белгиланади.”³⁶ Кўриниб турибдики инсонни касб танлаши бу унинг маънавияти билан, онгининг ривожланган даражаси билан боғлиқ бўлар экан. Инсон эҳтиёжи бу унинг ўз мақсад ва манфаатларини онглаганлиги ва уни қондириш йўлида харакатланаётганлигидан дарак беради. Инсон фаолияти бу унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиши ва бу эҳтиёжлар инсонда маълум бир манфаатларни уйғотишини кўриш мумкин. Қуйида инсон эҳтиёжларини қондириш ва унинг фаолияти билан боғлиқлик даражасини кўрсатувчи схема берилган.

³⁶ Э.Юсупов инсон камолотининг маънавий асослари Т. Университет. 1998 й. 8 б



Касбга йўналтиришнинг мақсади бу жамият тамонидан кўрсатилган бўлиб унинг вазифалари ва эҳтиёжларидан келиб чиқади. Ўқитувчининг асосий фаолияти ўқувчиларни онгли тарзда касб танлашларига тайёрлаш ҳисобланади. Кўйилган мақсад стратегияси ва ўқитувчининг касбга йўналтириш вазифаси ўз олдига яқин ва аниқ вазифаларни қўяди. Бу вазифалар ўқувчиларни маълум билимлар билан қуроллантириш, эстетик онгини тарбиялаш, уларда аҳлоқий, тарбиявий билимларни шакллантириш ва шу кабиларни қамраб олади. Натижада булар ўқувчини шахс сифатида ривожланиш даражасини шакллантириб боради. Бунда ўқувчини онги шаклланиб бориб, ўзини яқин ва узоқ мақадларини амалга ошириши керак бўлган фаолиятларини белгилаб олиш жараёни шаклланиб боради. Тарбияланганлик даражасидан келиб чиқиб уларни узоқ ва яқин мақсадларини амалга ошириш керак бўлган вазифаларни бажаришга қаратилади.

Педагог ва тарбиячи фаолиятининг натижаси бу касбга йўналтириш жараёнида кўринади. Педагог фаолиятининг натижаси бу ўқувчининг психологик қиёфасида, яъни билимларида, уddyalай олишида, малакаларида, шахс хусусиятларида, дунёқарашида, маънавий эҳтиёжларида қўзга ташланади. Ўқувчиларда предметлар ва ғоялар ҳақидаги фикрларни шаклланиши бу ўзини ўсиб бораётганлигини англашdir. Бунда ўқувчини интеллектуал, аҳлоқий, эстетик, ижодий ва шу каби тамонлари ривож топиб ўз “Мен”лигини таниб боради, оқибатда ўзини онглаш жараёни шаклланиб боради.

Ўқувчилар фаолиятининг натижаси – бу аниқ бир касбни танлаб олиш, бунда унинг билимлари, уddeлай олиши, кўрсата оладиган имкониятлари шаклланади. Ўқувчилар ўқитувчи билан бирга ўзлари амалга ошираётган фаолият бу қандайдир тақлид ёки ўйин эмаслигини, балки уларни жиддий келажакка тайёргарлик фаолияти эканлигини онглашлари зарур.

Касб танлашга онгли муносабат – бу энг аввало мовжуд бўлган билимлар асосида содир бўлади. Бунга энг аввало инсон фаолияти ҳақидаги тизмли билимларни касб кўриниши ва типларини, уларни мазмунини киритиш мумкин.

Касб танлашга онгли қараш – бу

- Шахсни мотивлашган йўналишида;
- Ижтимоий ва алоҳида касбни танлашни аҳамиятини англашда;
- Касбга йўналтирувчи билимлар тизимини эгаллаганда;
- Булғуси меҳнатга фаол тайёргарлик ва ўз имкониятларини синаб борища;
- Касбга зарур бўлган сифатларни ўз – ўзида тарбиялашда кўринади.

Касбни онгли танлаш қўйидагиларга асосланади:

- ☆ Касблар ҳақидаги билимлар;
- ☆ Алоҳида танланаётган касб ҳақидаги билимлар;
- ☆ Ўз қизиқишиларини ўрганишга;
- ☆ Ўз қобилиятларини ўрганишга;
- ☆ Ўзини кучли ва кучсиз тамонларини билишга;
- ☆ Ўз соғлиги ҳақида маълумотга эга бўлишга;
- ☆ Оиласини моддий таъминланганлик даражасини билишга;
- ☆ Меҳнат бозорини ҳисобга олишга.

Ўқувчи 9 синфни тугатгандан сўнг қайси йўлдан боришини ҳал қилиши зарур бўлади. Бу ҳолда энг асосийси “**керак**” фактори муҳим ҳисобланади. Бугунги ижтимоий – иқтисодий шароитда биринчи даражали аҳамиятга қўйидагилар киради:

- Ижтимоий талаб, мөхнат бозоридаги ҳолат;
- Оилани моддий таъминланганлик даражаси;
- Таълим олишдаги ёрдам олиш имкониятлари;
- Шу соҳада мөхнатига ҳақ олиш имкониятлари;
- Касбий маълумоти ҳақида маҳаллий инфроструктура.

Ўқувчи ҳохлаётган касбни ва мутаҳассисликни танлаб олиш (“Мен ҳохлайма”) танланган мутаҳассислик билан танишиш, инсонга бу касбни қўядиган талаблари билан танишиш.

Ўқувчини имкониятларини ҳисобга олиш (“Мен қила оламан”)

- Қизиқиш, интилишлари;
- Ўқишдаги ютуқлари ва қобилият имкониятлари;
- Ўзини кучли ва кучсиз тамонларини билиш;
- Ўз соғлигини билиш.

Такрорлаш учун саволлар

- 1 . Ўқувчиларни тарбиялаб бориш, билим бериш ва онгли касб танлашга тайёрлаш.
2. Онгли муносабат ва касб танлаш масалалари. Онгли ҳаракат бу психик жараёнлар билан узвий муносабатлардир.
- 3.Онг ва психик жараёнлар.
4. Инсон онги ва унинг манфаат ва эҳтиёжлари. Инсон онги ва касб танлашда унинг ўрни.
- 5.Онгли равишда касб танлаш бу инсон келажаги.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўйтони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психоdiagностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т.,2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

22 - мавзу. Касбга йўналтириш ва унга хос масалалар таҳлили.

1. Касбга йўналтириш ва унинг олдида турган масалалар.
2. Касбга йўналтиришда ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат.
3. Ўқувчиларни психик етуклиги, онгли харакати ва уларни касб танлашдаги аҳамияти.

1 – савол. Касбга йўналтириш ва унинг олдида турган масалалар.

Хозирги давр ўзининг янги тамонлари билан ўтган даврлардан ажralиб туради. Хозирда Ўзбекистон ўзининг мустақил қадамини ташлаб, ўзи учун янги бир кадрларни тайёрлаб бормоқда. Бу кадрлар эса ўсиб келаётган ёш авлод билан, уларни касб танлашлари билан кўзга ташланади. Ёшлар жамиятимиздаги яратилган имкониятлардан кенг фойдаланган ҳолда ўзларига

каслар танлаб бормоқдалар. Бунда жамиятимиз тамонидан ёшларни тарбиялаш ва таълим бериш билан боғлиқ бўлган амалий ва назариш ишлар ҳаётга тадбиқ қилиниб борилмоқда. Бу “таълим тўғрисидаги” қонун ва кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурлари билан бирга амалга ошираётган ишларда кўзга ташланади.

Ёшларни касбга йўналтириш масаласи хозирда ўзига хос бўлган талаблар билан узвий боғлиқдир. Энг аввало жамиятимиздаги ёшлар тарбияси билан боғлиқ бўлган масалалардан келиб чиқади. Булар жамиятни ёшларга қаратилган сиёсатида, ёшларни таълим олиш билан боғлиқ бўлган “таълим тўғрисидаги” қонунда ва кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури билан боғлиқ хужжатларда, давлат тамонидан олиб борилаётган амалий ишларда, шунингдек ёшларнинг хам ҳаётий фаолиятларида кўзга ташланади. Кўриниб турибдики ёшларни касбга йўналтириш энг аввало жамият ва унда яратилган шароитлар билан боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқсан холда касбга йўналтиришнинг объектив омиллари шаклланади.

Касбга йўналтириш ва унинг олдида турган кўплаб масалаларни ўрганиш орқали шуни кўриш мумкинки, бу масалаларни объектив ва субъектив масалалар асосида ўрганиш мумкин бўлади. Объектив масалалар бу касбга йўналтиришга боғлиқ бўлмаган жамиятдаги омиллар ҳисобланса, субъектив масалалар бу ёшларнинг ўзига боғлиқ бўлган масалалр ҳисобланади. Шулардан келиб чиқсан холда касбга йўналтиришга таъсир этувчи омилларни кўриб чиқишига ва уларни тахлил қилишга интиламиз.

Касбга йўналтириш бу ёшларни лаёқати бўлган ва ўзлари қизиккан касбларига эга бўлишларига ёрдам берувчи соҳа сифатида жуда зарур бўлган йўналиш ҳисобланади. Замонавий касб йўналиши билан боғлиқ бўлган масалалар хозирги вақтдаги кўпгина омиллар билан боғлиқдир. Айниқса жамиятимизни бозор муносабатларига ўтиши бу соҳада кўплаб изланишлар олиб боришни талаб қиласи.

Ёшларни хозирда ким бўлишига интилиши уларни бу саволни жавоблари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки уларда лаёқатлилик, қобилият, ижодий ёндошиш ва шу кабиларни хам талаб қиласи. Ўсиб бораётган талаблар эса ёшларни касбга йўналишларини янада жиддий ўйлашларига олиб келади. Ижтимоий муаммо бўлган касбга йўналтириш бу энг аввало объектив қарама – қаршиликлардан, шунингдек бир хил бўлмаган субъектив ўзига хос тамонларни енгиб ўтиши зарур бўлади. Яъни ўзини ўрнига асосан касбга йўналтириш тизими ёшларни ўз ҳаёт йўлларини топа олишлари, касбга адаптация қилишларини таъминлаш билан бирга меҳнат ресурслари бўлган уларни хам жамиятда бир хил тақсимлаши зарур бўлади.

Касбга йўналтириш вазифасидан келиб чиқиб шуни кўрсатиш мумкинки, бу йўналиш давлат ташкилотлари бўлган, мактаб, оила, касбий – техник, ўрта маҳсус, олий таълим ва бошқа ижтимоий институтларни, унинг бажариши керак бўлган узлуксиз ва замонавий илмий асосдаги ташкилий ишларида, касбга йўналтириш, мактаб ўқитувчисига касбий характеристика бериш, уларни ижтимоий – иқтисодий прогнозларга асосланган холда координация қилиш зарур бўлади.

Касбга йўналтириш яна шуниси билан аҳамиятлики, у хар тарафлама гармоник ривожланиб бораётган инсонни тарбиялашда унинг муҳим қисмини ташкил этади, яъни ахлоқий, меҳнат, ақли, сиёсий, эстетик ва жисмоний ривожланиб бораётган шахс сифатида, укув – тарбия жараёнининг муҳим бўлган ҳисобланади шундай қилиб айтиш мумкинки касбга йўналтириш бу хар бир инсонни ривожланишида, шунингдек жамиятни бир бутун холда вазифасини ўташда муҳим бир жараёни ҳисобланади. Бу ердан кўриниб турибдики касбга йўналтириш хаммага тушунарли бўлиб – бу мактаб ўқувчиларини касбга йўналтириш, касб танлашлари билан боғлиқ ходисадир.

Касбга йўналтириш – бу ёшларни ўzlари танлаган ва касбларини аниқлаб олиш жараёни бўлиб, бунда шахснинг лаёқатлари қизиқишилари, кабилияtlари ва жамиятнинг кадрлар бўлган эҳтиёждан келиб чиқсан мақсадли фаолиятлари ҳисобланади.

Ишнинг асосий вазифаси;

1. Касбга йўналтириш назариясини ўрганиш, бунга касбга йўналтиришнинг обьектлари ва принциплари хам киради
2. Касбга йўналтириш ишларида фойдаланиладиган методологияни ўрганиш
3. Касбга йўналтириш ишини режалаштиришни усувларини кўриб чиқиш ва ўқувчиларни касбий тарбиялашга ёрдамлашиш.
4. Ёшларни ижтимоий – касби адаптацияси билан боғлиқ фаолиятни баҳолаш.

Касбга йўналтиришни амалга иширишда ўқувчиларнинг хоҳиши, уларни соғлиги, шахсга хос индивидуаль – психологик хусусиятларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Касб танлашнинг муҳим тамонларидан бири бу касб танлаш учун эркин шароит яратишдир.

Касб танлашнинг муҳимроқ бўлган муаммолари:

- Хар хил касбга ва мутахасисликка жамиятни бўлган муносабатлари;

- Касбни ўзлаштиришга имкон берувчи, инсонга хос бўлган хусусиятларга талаблар ва касб туктаи назаридан қўйиладиган хусусиятлар;
- Ёшлардан меҳнат фаолиятида талаб қилинадиган касбга хос бўлган соғлиқ – саломатлик ва уни баҳолаш;

Бундан ташқари меҳнат қилиш шароити билан боғлиқ бўлган медико – физиологик масалалар хам муҳим ҳисобланади. Касбий маслаҳат ва касбий йўналишларни медико – физиологик йўналиши бўлган гигиенасига қўйидагилар киради:

*оммовий касб бўлган мутахасисларда хозирги меҳнат қилиш шароитига баҳо;

*Ишлаётганларнинг организимига қўйиладиган талаблар (санитарик характеристика, профессиограмма).

*касбга йўналтиришда касбларни гурухлаш тамонлари.

*касбни эгаллашдаги асос бўлган хизмат қилувчи психофизиологик вазифалар ва сифатларни тадбик қилиш қонуниятлари.

*касбий маслаҳат ва касбий йўналишдаги врачлик маслаҳатларида соғлиғи бўлмаган ва меъёлардан чеклашган болаларга маслаҳатлар бериш.

*ўсмирларни касбий шаклланишига фаол таъсир этувчи имкониятларни асослаб бериш.

2- савол. Касбга йўналтиришда ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат.

Касбга йўналтириш энг авало бу мулоқат билан боғлиқ жароён бўлиб ўқитувчини ўқувчини касбга йўналтиришининг асосий йўли ҳисобланади. Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқат ва муносабат ўзига хос ҳолда ўсиб келаётган авлодни касб танлашлари учун имкониятлар яратади. Албатта бу жараён ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги юз берадиган ўзаро мулоқатда, муносабатда содир бўлади. Мулоқатнинг асосий ташкилотчиси бу ўқитувчидир. Ўқувчи эса ўқитувчи олиб бораётган муносабатда асосий билим оловчи, касбларни ва борлиқни билиб борувчидир. Албатта у хам фаоллик кўрсатмаса бу ютуқларга эга бўла олмайди.

Бугунги кунда психолгик – педагогик фанлар шуни асослаб бермоқдаларки биз болани қандай тарбияламоқчи бўлсак унда шу жараёнларга нисбатан ижобий тамонларни шакллантироғимиз зарур. Мълумки у ёки бу муносабат фаолиятда шаклланади. Таълим ва тарбиянинг кўпгина мураккаб муоммалари ўқитувчининг болалар билан бўладиган мулоқатини нотўри олиб боганлигидан келиб чиқади.

Педагог тамонидан бола шахсига таъсир этишнинг муҳим тамонларидан бири бу педагогни шу болалар колективига аъзо бўлиши ва колективга хос бўлган “Биз” тушунчасини шакллантиришдан келиб чиқади. Чунки бунда педагог бу жараёнда коллектив манфаатлари ҳақида бош қотиради. Яъни улар билан бирлигини кўрсата олади. Бу эса болаларда ўқитувчига нисбатан ишончни келтириб чиқаради.

Педагогнинг муҳим хусусиятларидан бири бу болалар билан ўзаро мулоқатни ташкил қила олиш қобилиятида кўзга ташланади. Рус педагоги К.Д.Ушинский тарбияловчи ва тарбияланувчилар ўртасидаги муносабат ва мулоқат уларнинг ахлоқий тарбияланишига таъсир этадиган энг муҳим тамонлардан эканлигини кўрсатиб ўтган эди.

Педагогик фаолият тажрибаси шуни кўрсатадики ўқитувчидаги ўкув – тарбиявий ишнинг методологияси ва фан асосларининг ўзи бунда етарли бўлмайди. Бунда хамма билимлар ва амалий тамонлар ўкувчига фақат жонли тилда ва бевосита мулоқатда берилади. Бу фақат мактабда эмас балки олийгоҳларда хам кўзга ташланади.

Ишонч билан айтиш мумкинки мулоқат орқали болага берилаётган билим ва тарбиянинг кўз илғамас тамонлари айнан шу ўзаро мулоқатда берилади. Кўпгина педагоглар бола билан бўладиган ўзаро мулоқат, муносабат уни ўқитаётган фани асосида бўлади. Педагогик жараёнларда ўзаро алоқа биринчи ўринда туриб, педагогнинг болалардан хурсанд бўлиши, болаларни ўзларини шахс сифатида яратишларига олиб келади.

Таълимда учта асосий вазифа : таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнлари бир бутун тарзда кечади. Бу жараёнда мулоқат қилиш қандай ишлайди ? – деган савол туғилади. Таълим бериш вазифаси ўқувчилар билан бўладиган психологик мулоқатни таъминлайди; таълим олишнинг ижобий мотивациясини шакллантиради; биргаликда ақлий ва билиш билан боғлиқ бўлган изланишни вужудга келтирадиган колективдаги психологик шароитни яратади.

Мулоқат орқали тарбиявий вазифаларни бажариш давомида педагогик ва тарбиявий муносабатлар вужудга келади, педагог ва бола ўртасидаги психологик мулоқат шаклланади. Бунинг натижасида шахснинг билишлилик йўналиши шаклланади, психологик тўсиқлар бартараф этилади, колективдаги

ўқиши билан боғлиқ фаолият, ўзаро муносабат яхшиланиб, ўқув фаолияти мувофақиятли шаклланади.

Мулоқат орқали ривожланнувчи вазифаларни ечиш давомида психологик холат, шахсни ўз – ўзини тарбиялаш ва ўз ўзини билимлар билан таъминлаш рағбатлантирилади. Бунда:

- Шахсни мулоқат орқали ривожланишини чеклаб турувчи социал – психологик факторлар енгиб ўтилади (биқиқлик, уятчанлик, ўзига ишончни йўқлиги ва ш.к.).
- Ўқувчини индивидуал – типологик хусусияти юзага чиқиши учун имкониятлар яратилади.
- Шахснинг муҳим хусусиятларини шаклланиши ва ижтимоий – психологик коррекцияни ривожланиши учун имкониятлар яратилади.

Педагог ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқатни тўғри шаклланиши учун қуидагилар муҳимдир.

1. Тарбияланувчиларни билиш, ўзаро ишонч ва психологик камфортни шакллантириш;
2. Дидактик вазифаларни ечиш учун қуидаги фаолият компонентлар: мотивлар, муаммовий ҳолатлар муҳимдир.
3. Дидактик мантиқ ва ижтимоий - психологик мантиқлар ўртасидаги ўзаро ҳисобга олишни бузилиши ва уларнинг ҳисобга олинмаслиги ўқув фаолиятини натижаларини тушуб кетишига олиб келади.

Албатта энг аввало болаларга бўлган муҳаббат – бу энг асосий мулоқатнинг ўзаги, асоси ҳисобланади. Бу эса педагогнинг касбий хусусияти ҳисобланади. Кон – Калик В.А.нинг педагогик мулоқатнинг классификацияси бўйича қуидагиларни кўрсатиш мумкин. а) биргаликдаги ижодий фаолият билан шуғулланадиган мулоқат; б) ўртоқлик асосидаги мулоқат; в) масофавий мулоқат; г) қўрқитишига асосланган мулоқат; д) хазиллашишга асосланган мулоқат.

3- Савол. Ўқувчиларни психик етуклиги, онгли харакати ва уларни касб танлашдаги аҳамияти.

Касб танлаш бу ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у узоқ давом этадиган жараёндир. Ўқувчилар ўзлари танлаган касбни эгаллашлари учун энг аввало ўзларини психологик жиҳатдан тайёрлашлари зарур бўлади. Бунда улар касб

танлаш учун етилган бўлишлари зарурдир. Ёшларни касб танлашлари учун психологик етуклиги деганда нимани тушунамиз. Бунда ўсмирларни ва ўспринларни ўз ёшига нисбатан етилганлиги назарда тутилади. Инсонларни психологик етилиши ҳақида жуда кўплаб фикрлар мавжуддир. Хўш ўсмирнинг психологик етуклиги нимадир?

Ёшларни касб танлашдаги психологик етуклиги унинг маънавий, руҳий, жисмоний ва ўз – ўзини англаши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Касб танлашдаги асосий психологик етуклик қўйидагиларда кўзга ташланади:

- Ўзининг “Мен” лигини англаш ва оиласидан муносабатларда, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларда фаол қатнашиш.
- Бошқалар билан бўладиган муносабатда ўзини “Мен” лигини кўрсата олиш ва бошқаларнинг хам “Мен” лигини ҳурмат қилиш, керак бўлса сабр – тоқатли бўлиш.
- Ўзини эмоционал хиссиётларини ушлаб туроши олиш ва ўз ўзини англаш.
- Дунёни ўз хоҳишлидан эмас балки қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш.
- Ўз қобилиятларини англаб бориш, ўзини кучли ва кучсиз тамонларини билиб бориш.

Касб танловчининг ижтимоий ва психологик етуклиги бу асосан унинг сиёсий, ахлоқий, эстетик кўрсаткичлари билан боғлиқ бўлади. Буларга қўйидагилар киради:

- Жавобгарлик хиссини ривожланиши;
- Ижтимоий тафаккурнинг борлиги (бунда бошқа одамларни хам тушуниш қобилияти, хар хил шароитдаги ҳолатларни хам кўра олишлари).
- Бошқа одамларни ўйлаш билан боғлиқ эҳтиёжларни хам қобилият сифатида кўра олишлари;
- Жамият ҳаётида фаол қатнашиш қобилиятларини пайдо бўлиши.
- Ўз қобилиятларидан ва билимларидан самарали фойдаланиш қобилиятини пайдо бўлиши;
- Ўз тараққиёт йўлида пайдо бўлган муаммоларни конструктив равишда еча олиш.

Ҳаётий мақсад – бу мавжуд бўлган йўналишлар бўйича харакатланиш; бу эришиш керак бўлган натижаларга эришиш ва уни эгаллаш ҳисобланади.

Кўриниб турибдики ўсмирнинг касб танлашдаги психологик етуклиги энг аввало ундаги психологик жараёнларни, ҳолатларни ривожланганлиги билан боғлиқdir. Ўсмир ўзини руҳий – психологик соғломлигини англаши, ўзидағи жисмоний етуклигни меҳнат қилиш жараёнларида синаши, ақлий ва иродавий қувватга эга эканлигини сезиб бориши керак бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Касбга йўналтириш ва унинг олдида турган масалалар.
2. Касбга йўналтиришда ўқувчилар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро муносабат.
3. Ўқувчиларни психик етуклиги, онгли харакати ва уларни касб танлашдаги аҳамияти.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. *Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.* Т., 1998 й.
3. *Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч.* Т., Маънавият.2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психоdiagностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .

13. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

23 – мавзу. Касбий ўз – ўзини англаш ва касб танлаш.

1. Ўқувчиларни ўз “Мен”лигини ва жамиятдаги ўрнини, келажагини англаб бориши.
2. Ҳаётий масалаларни ҳал этаётганда ўз касби ва унинг кераклиги даражасини билиб бориш ва қизиқиши.
3. Касб танлаш давомида ирода, хотира, тажриба, малака, билимлар, улдалай олиш, ўз касбини севиш каби тамонларни англаб бориш жараёни.

1 Савол. Ўқувчиларни ўз “Мен”лигини ва жамиятдаги ўрнини, келажагини англаш бориши.

Касб танлашда ўсмирларнинг ўз “Мен”лигини таниб боришлари бу мухим ижтимоий психологик жараёндир. Ўсмир ва илк ўспринлик даври ўз – ўзини англаш билан боғлиқ ҳисобланаби, бу даврда улар ўз “Мен”ининг қизиқиб борадилар. Бу жараённи ҳисобга олиш эса касб танлашда жуда ҳам зарур ҳисобланади.

Ўсмирдаги мен бу унинг ўзини онглаши билан, ўзига баҳо бериши билан, ўзини оиласидаги ўрнини белгилаши билан, ўзини ижтимоий ҳаётдаги ўрнини топиши билан ва ш. к. билан боғлиқ жараёндир. Ўсмир менлигини бир бутун образ тарзида ўз ўзига баҳо беришга қаратилган установка сифатида қараш керак бўлади. Бунда ўсмир ўзини билишга қаратилаган когнитив – образлар тарзида, ўзини қобилиятини синаш тарзида, ташки кўринишига баҳо бериш тарзида, ижтимоий аҳамиятлилигини билишга ва уни баҳолошга интилади. Бу ҳолатда ўсмирда эмоционал ҳолатлар – ўз ўзини хурматлаш, ўзини севиш, ўзини харакатига баҳо бериш кабилар кўзга ташланади. Ўзига баҳо беришда ўзини баҳосини кўтаришга интилади, ўзига бўлган хурматни эгаллашга харакат қиласди.

Ўз “Мен”лигини англаш жуда мураккаб ҳодисадир. “Мен”ликни машқ қилишлар, илгариги ва хозирги даврдаги “Мен”ликни хис қилишлар орқали шакллантириш мумкин бўлади. Ўзини “Мен”лигини англаш ўз индивидуаллигини ўзига хос моҳиятини хис қилишдир. Бунда инсон ҳақиқатда қандайлигини ва бошқалардан нима уни ажратиб туришини хис қилиши керак бўлади. Бу ўзига хос индивидуал моҳият шахс билан ҳам, унинг танасини тузилиши билан ҳам. Ақл даражаси билан ҳам, эмоцияси билан ҳам ҳеч қандай умумийликка эга эмас. Унинг ўз ўзини англашга асосланишига қарамасдан, ўз ўзини англашнинг холати деб ҳам қараб бўлмайди.

Шу нарса маълумки кун давомида бир қанча ҳолатларда ўз “Мен” лигимизни сезиб қоламиз. Дейлиқ, гурухда ўқитувчи бирор бир талабага ўз эътирозини билдирганда, у талаба ўзини бошқалардан алоҳида эканлигини ва берилган таъсирга нисбатан ўзини оқлашга интилади. Бундай шароитда талаба дарров ўзини англаш, шу билан бирга уят, кўрқинч, ноқулайлик ва шу кабилар пайдо бўлади.

Ўз –ўзини англаш - бу инсонни ўз “Мен”лиги билан айнанлаштириш бўлиб, у ўтмиш ва келажакни бирлаштириш ҳисобланади. Ўз “Мен”лигини англаш шунингдек ҳақиқат билан боғлиқ бўлмаган ўзини идроки, эмоцияси ва фикрларини айнанлаштиришдан ҳам қочиш ҳисобланади. Шунинг билан айтиш керакки “Мен” ҳеч қандай эгоизм билан боғлиқ эмас. Шу билан бирга

биз “Мен шу машинани олишни ҳохлайман”, “Мен мева егим келаяпди”, деганимизда “Мен”ни назарда тутмаймиз. Бизни “Мен” - тоза ва мутлок ақилли бўлиб, у кузатади, билиб боради, тахлил қиласи ва хулоса чиқаради.

Инсон ривожланиб, ўсиб борар экан ёшиккаталашиб бориши билан унда ўзига хос табиий ва психологик жараёнлар ҳам ўзгари боради. Дейлик ўқувчи ўзини мустақиллигини ва ўзини алоҳида шахс экалигини ёши катта бўлиб борган сари сезиб боради. Унда шу ёшига яраша муносабатлар ҳам шакилланиб бориб ўзлигини танийди. Ўқувчи ўзини катта бўлиб бораётганини ва унинг олдида маълум вазифалар турганини, бу вазифаларни у бажариши шартлиги унинг онгидаги шаклланиб боради.

Улғайишга янгиликлар –
Мустақиллик. “Ўзини тасдиқлаш”
“Касб дунёси”

Улғайишга янгиликлар – фаол ўзини билишга,
ўзини қабул қилишга интилишни давом
этиши. “ўзини топиш”

Улғайишга янгиликлар – ўрта звено ўқувчмси қаторига
кириш, фаол ўзини билишни бошланиши. “ўзининг
“Мен”лигига йўлакча”, “Мен катта бўляяпман”

Улғайишга янгилик – янги ижтимоий позицияни
қабул қилиниши. “Мен ўқувчиман”

Инсон ўз ўзини “Мен”лигини англаб борар экан хар бир даврга тегишли бўлган ўзгаришларни бошидан кечиради. Юқоридаги расмда айнан шулар акс этдирилгандир.

Ўз ўзини англашни шаклланишига: атрофдагиларни берган баҳоси ва тенгдошлар ўртасидаги статус таъсир этади. “Мен - реал” ва “Мен идеал”ларнинг ўзаро муносабати ҳам таъсир этади. Ўз фаолияти натижаларига берилган баҳо ҳам уни шаклланишига таъсир этади.

В.С.Мерлиннинг фикирича ўз – ўзини англаш – бу мураккаб психологик тизим бўлиб ўзида тўртта таркибий қисмни қамраб олади.

1) Ўз “Мен” лигини англаш ;

- 2) Ўзини айнан мослигини англаши;
- 3) Шахсий психик сифатларни англаш;
- 4) ижтимоий – аҳлоқий ўз ўзини баҳолаш тизими.

Буларнинг хаммаси бир бири билан боғлиқ, лекин улар бирданига шаклланмайди. Ўзини ўзи англаш деганда ўз шахсини, ўз “Мен”лигини жисмоний, маънавий ва ижтимоий мавжудотлигини англаш назарда тутилади.

Ўқувчи ўз етилиб бориши жараёнида мана шу каби тамонларни босиб ўтади. Ўқувчининг ўзини “Мен”лигини англаши ва келажакдаги вазифалари уни жамиятдаги ўрнини эгаллашга ва унга таъсир этаётган объектив омилларни англаб бориши натижасида жамиятда ўз ўрнини топишга интилишини кўрамиз.

2 Савол. Ҳаётий масалаларни ҳал этаётганда ўз касби ва унинг кераклиги даражасини билиб бориш ва қизиқиши.

Ўқувчи ўз ҳаётини қуриш ҳақида биз юқорида кўрсатганимиздек ўзини “Мен”лигини англаб бориш давомида билиб боради. Ўз ўзини англаш ўқувчини ёшини ва олаётган билимларини ошиб бориши туфайли амалга ошади. Ўқувчи атрофдагилар билан мулоқатда бўлар экан инсонни келажагдаги ўзгаришларини ҳам кўриб боради. Ўзи учун керакли бўлган қарорлар қабул қилиб ўзини келажаги учун керак бўлган касбни танлаши зарурый ҳолатлигини кўради.

Ўқувчи ўз ҳаётини қуриш кераклигини ва бу ҳаётни таминлаш учун у ўзига ёқкан касбни танлаши зарурлигини, бу касб эса уни кейинги ҳаётини қуришининг асоси эканлигини англаб боради. Бунда ўқувчи ўзидан катта бўлган инсонларни ҳаёт кечириш тарзи билан танишиб боради, уларнинг оиласари борлигини, бу оиласи боқиши учун улар қандайдир фаолиятлар билан банд бўлишини, бу фаолият эса улар ўзлари учун аниқлаб олган касблардан келиб чиқишини тушунади. Бу жараёнларни кузатиб бораётган болалар келажакда улар ҳам шундай тарзда ҳаёт кечиришларини ва шундай ҳаётга тайёргарлик кўришларини англаб борадилар. Ўз ҳаётини келажагини анлаган фарзандлар ўзларини меҳнатлари жамият учун, ўзлари учун зарурлигини ва келажакдаги ҳаётларини қуришда албатта бирор касбни эгаси бўлишларига қизиқадилар.

Инсон ўз ҳаёти давомида қандайдир жараёнларга қизиқади. Бу қизиқиш болаларда ёшлигиданоқ кўзга ташланади. Дейлик айрим болалар хар хил хашоратларни ўйнайдилар. Улар қўнғизларни оёғини узиб олиб, уларни ичини ёриб кўрадилар. Уларга сен нима учун шундай қилдинг деб савол берилса, жавоб шундай бўлади: - “бу қўнғизларни нима харакатга солаяпди. Уларни ичида нима бор?” каби саволлар берадилар. Бу саволларни ўзи болаларни ёшлигиданоқ атрофдаги воқеаларга қизиқишини кўрсатади. Болалардаги қизиқиш нима у?, нега шундай?, уни ким харакатлантирвотди? Каби кўплаб саволларни ўрганишга қаратилади. Чунки боладаги қизиқиш шу қадар кучли бўладики, у қўйган саволларга жавоб топишга жон жаҳти билан ҳаракат киласди.

Ўсмир ёшида эса энди унинг ақли кўплаб саволларга жавоб бера олади. Ривожланиш айниқса руҳий ривожланиш ўсмирда янада кўплаб саволларни туғдиради. Мактабдаги олинган билимлар, атрофдаги кишиларни кузатиш, ота – оналарининг ўзаро муносабати ва болалари билан бўладиган мулокати фарзандларга кўпгина ҳаётий билимларни бера олади. Энди улар бу билимларни синаб кўришга ҳам интиладилар. Лекин атрофдаги руҳсат берилган ва ман қилинган чегара олдида улар ҳар доим ўйлашда бўладилар. Бу жараёнлар уларда ўзига яраша психологик ҳолатларни ва жараёнларни ривожланишига олиб келади.

Ўқувчиларни ўз ҳаётий масалаларни хал қилишда энг биринчи масала бу уларни ўзларига ёқсан касбни танлаш ҳисобланади. Касб танловчилар ўзлари танлаган касбни кераклигини билишлари учун уни яхши билишлари зарур. Бу касб уларни нимаси билан қизиқтириши керак бўлади. Ўзи танлаган касбни кераклигини касб танловчи англаб олиши учун қўйидагиларни ҳисобга олиш керак бўлади:

- 1) Бу ўқувчининг касбга бўлган қизиқиши ва интилиши;
- 2) Касбни кераклиги даражаси- бу бозор муносабатлари билан хам боғлиқ. Бунинг учун жамиятга , ўзи яшаётган худудга қандай касблар зарурлиги ҳақида маълумотларга бўлишнинг зарурлиги;
- 3)Касбни кераклиги даражаси касб танловчининг соғлиғи, психологик ҳолатлари ва шу кабилар билан боғлиқлиги;
- 4)Касбни кераклиги даражаси касб танловчининг бу касбни яхши билиши ва кадрлай олиши билан боғлиқ.

Касбни кераклиги даражаси – бу юксак иқтисодий күрсаткичлар билан боғлиқ бўлиб, унга касбни дароматлиги, хар доим кераклиги, юқори даражадаги малакани зарурлиги, маълумоти, имтиёзлилиги, одамларни назорат қилиши, ресурслари, шунингдек субъектив тамонлари, яъни ҳурматини қилиш, ишонч, ўз имкониятларини кўрсата олиш кабилар билан боғлиқ бўлади. Шундан келиб чиқсан ҳолда касбни кераклик даражаси қўйидаги тамонлар билан боғлиқлиги хам кўзга ташланади:

Иқтисодий тамонлари:

- Мутахасиссга бериладиган ҳаққи.
- Карьера қилишга имкониятини борлиги.
- Мехнат бозорида хар доим кераклиги.

Ижтимоий – психологик :

- Ишга қизиқиши;
- Вазифани бажаришни мураккаблиги;
- Ижодий ёндошишнинг улуши;
- Ўз имкониятларини кўрсата олиш.

Касбни кераклиги даражасига таъсир этувчи омилларга қўйидагилар киради:

- 1.Оиладаги катталарнинг таъсири
- 2.Ўртоқларининг касб танлашдаги позицияси
- 3.Мактаб педагог ва ўқитувчиларининг позицияси
- 4.Шахснинг касб режалари
- 5.Қобилиятлари
- 6.Ижтимоий тан олинганлик даражаси
- 7.Маълумотларга эгалиги
- 8.Лаёқатлилиги.

Касб танловчининг муҳим масалаларидан бири бу касб танлаш бўлса унинг кераклилиги даражаси инсон учун муҳим манфаатлардан бири ҳисобланади. Чунки инсон ўзи танлаган касби унга ва атрофидагиларга ўз таъсирини ўтказиши аниқдир. У танлаган касб ўзининг ҳурмат талаблиги, одамларни эътиборидалиги билан касб танловчини ўз эҳтиёжларини қондирганлигини кўрсатади. Инсонни танлаган касби ўзи учун ва атрофдагилари учун қизиқарли бўлиши унда касбга нисбатан қониқиш хиссиникелтириб чиқаради.

З Савол. Касб танлаш давомида ирода, хотира, тажриба, малака, билимлар, уддалай олиш, ўз касбини севиш каби тамонларни англаб бориш жараёни.

Ўсиб келаётган ёшлар ўзларини ривожланишлари давомида психологик хусусиятларини ёш даврлар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб борганлигини сезишиди. Асосий мақсадлари ўқиш бўлганида улардаги психологик жараёнлар ўқиш билан бирга ўзгариб бориб атрофдаги бўлаётган жараёнлар асосида шаклланиб борган. Лекин ўсмирлик ва ўспринлик даврларида энди улар олдига қўйилган кўплаб талаблар асосида уларда янгича бир дунёқараш шаклланиб боради. Бу уларни етилганлигини, ёшлари катта бўлиб катталар орасига кириб бораётганлигини кўрсатади. Булар асосида эса улар ўзларини мустақил ва хеч кимга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз иродаларидан келиб чиқсан ҳолда қарорлар қабул қилишлари мумкинлигини сезадилар. Ўзларини катталар каби тутишга, ўзлари учун қарорлар қабул қила олишга ҳукуқлари борлигини биладилар. Шулардан келиб чиқсан ҳолда ўзлари учун касб ҳам танлай бошлайдилар. Бу жараён ўзига яраша мураккаб бўлиб, улар бу соҳада етарли қарорлар ҳам қабул қила олмайдилар. Албатта ёшлар ҳар хил даражада бўлганликлари учун айрим ёшлар ўзлари қарор қилсалар, айримлари эса бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўладилар. Ўсиб келаётган ёшлардаги ўзгаришлар, уларнинг психологик ва ижтимоий жабҳалардаги ўринларини ўзгариб бориши, тафаккур қилиш ва иродали бўлиш каби кўплаб психологик хусусиятларни янада кўпроқ ривожлантириш кераклигини кўрсатиб қўяди.

Касб танлаётган ёшларда касб танлаш учун зарур бўлган муҳим психологик хусусиятлар зарур бўлади. Бу энг аввало унинг жисмоний соғлиги бўлса, унинг яна бир муҳим элементи бу ёшларнинг руҳан соғломлиги ҳисобланади. Инсондаги психологик хусусиятларни ривожланиб бориб ўз ёшига мос бўлган ҳолда акс этиши уни касб танлашдаги имкониятларини кўпайтиради. Касб танлаётган ёшларда энг аввало иродани мустаҳкам бўлиши, тафаккур қилишини нормадалиги, ундаги хаёлни ўзига хос шаклланганлиги, сезгирилиги, диққатини ўзини қизиқтиган обьектларга жамлай олиши, тажрибаси, малакалари, билимлари, бу қўйилган жараёнларни уддалай олиши, ўзи қизиқсан касбга бўлган муносабати каби кўплаб тамонлар жуда зарур бўлган ходисалар ҳисобланади.

Касб танлашда касб танловчининг иродали бўлиши яъни бир касбни қизиқиб танлаб олиб унинг қийинчиликларини кўриши билан ундан юз ўгириб бошқа касбни танлашга интилиши унинг иродасизлигини кўрсатади. Касб

танлаётган одамга иродани зарурлиги танлаган касбини ўзгартирган ҳолда уни яхши эгаллашга интилишида ва керак бўлса шу соҳанинг устаси даражасига етишга ҳаркат қилишида кўзга ташланади. Касб танловчи ўзи севгви касбни эгаллаши учун куч сариф қилиши, бунинг учун эса унда сабр тоқат, чидам, интилиш бўлиши кераклигини талаб қилади. Ҳақиқатда ҳам иромда инсонни фаолликка ундовчи жараён бўлиб, инсонни ўз хавасларини, орзу истакларини, тилак ва хоҳишларини амалга оширишда асосий воситалардан ҳисобланади. Ўсмирлар касб танлашлари давомида иродавий куч сариф қилиб, ўзларини бошқариб бориб, танлаган касбларини элаллашга интилибборадилар. Албатта бу жараён хаммада бир ҳил кечмайди. Бу ўзига хос хавас бўлиб қолиши ва келажакда танлаган касбини ўзгартиришига олиб келиши ҳам мумкин.

Ёшларни касб танлашларида инсоннинг хотираси ва тафаккури ҳам катта ўрин эгаллади. Ёшлар билим ва тажрибаларни ўз хотираларига сақлаб бориб улардан кейинчалик қойдаланишга интиладилар, яъни касб танлаётганда ортирган билим ва малакаларига суюнган ҳолда касб танлашни режалаштириб борадилар. Албатта кўплаб касбларни санаб ўтиш ва улар ҳақида маълумотга эга бўлиш зарурдир. Бу жойда биргина техника университетида бакалавр ва магистратура бўйича битираётган касб эгаларини санашнинг ўзи қанчалик каблар кўплигини ва улар яна тармоқлардан ҳам ташкил топганини кўрамиз. Бакалавриат бўйича 40 ва магистратура бўйича 50та мутахасисслар тайёрланганлиги эълон қилинди.³⁷ Бу каби касб эгалари бошқа олийгоҳларда ҳам тайёрланмоқда. Уларнинг билимлари ва малакалари эса жамият учун керак бўлган муҳим омил ҳисобланади. Касб танлаовчи тажрибани олаётган билимлари ва малакалари орқали билиб боради, бундан ташқари катталарнинг сухбатларидан, олиб бораётган иш фаолиятларидан ва бошқа кузатиш обьектларидан ўрганиб боради.

Касб ўрганувчи ўзи танлаган касбини қизиқишлари орқали танлаб олар экан у шу касбни яхши билиши ва уни севиши зарур бўлади.

³⁷ Халқ сўзи 2016 й.29 март № 61



Касб танлаб бориши даврида ўқувчи ўз ёқтирган касбга хос бўлган билимларни ва малакаларни ўрганиб боради. У кўплаб маълумотлар олиш орқали танлаган касбини жамиятдаги ўрнини, ўртоқларини баҳосини, ўзидағи имкониятларни, ўқитувчилари берадиган таърифларни, ота – онаси тамонидан бу касбни таърифланишини ўрганади.

Ўқувчи танлаган касбини уddyalай олишини ўз тасаввурларида кўриб чиқишга ва келажак режаларини тузга олиши керак бўлади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ўқувчиларни ўз “Мен”лигини ва жамиятдаги ўрнини, келажагини англаб бориши.
2. Ҳаётий масалаларни ҳал этаётганда ўз касби ва унинг кераклиги даражасини билиб бориши ва қизиқиши.

3.Касб танлаш давомида ирода, хотира, тажриба, малака, билимлар, уддалай олиш, ўз касбини севиш каби тамонларни англаб бориш жараёни.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўйтони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Фозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик лугат. Т., 2010 й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015 й

24 – мавзу. Шахс ва касб танлашда шахснинг шаклланиб бориши.

- 1 – савол. Шахс ва уни касб танлаб бориш давомида ўзгариб бориши. Касбга хос бўлган психологик жараёнларни сезиш ва унга амал қилиш.
- 2 – савол. Шахснинг ўз устида ишлиши, билим олиши ва жиддийлик масалалари. Шахсни ўзи танлаган касбга содиқлиги, жавобгарлиги, ижодий ёндашиши ва талантлигини намойиш қилиш масалалари.

3 -Үзгариб бораётган шахсга бўлган талаб ва зарурият масалалари.

4

- савол. Ҳозирги замон касблари

ва уларга бўлган эътибор.

5- савол. Шахс, бозор муносабатлар ва касб танлаш муаммолари.

1 – савол. Шахс ва уни касб танлаб бориши давомида ўзгариб бориши.

Касбга хос бўлган психологик жараёнларни сезиш ва унга амал қилиш.

Инсон ҳаётга келар экан у инсоният яаратган моддий ва маънавий бойликларни ўзлаштириб, ўзгариб бораверади. Яъни моддийлашган зотга айланиб, ўзини қайтарилимаслигини кўрсатиб боради. Инсондаги хулқ – автор вақт ва шароит билан боғланган ҳолда ўзгаради ва янги қўриниш олади. Инсондаги бу ўзгаришларни ўрганган олимлар қаторига Д.Келлини, К.Роджерсни, А.Маслоуни, З.Фрейдни, К. Юнгни ва бошқаларни киритиш мумкин. Инсондаги ўзгариш унинг ҳаёт жараёнлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Инсонни шундай ўзгаришларидан бири бу унинг касб танлаши ва унга бўлган эътибори билан боғлиқдир. Бу ўзгаршлар ўсмирда ўзига хос ҳолда содир бўлади. Касб танлаш ўсмирга ўз таъсирини ўтказиб унда шу касб танлаш жараёни билан боғлиқ мураккаб ҳолатларни вужудга келтиради. Ўсмирда психологик хусусиятлар ўзгариб боради, унинг ўз “Мен”лигини таниш орқали, тафаккурини ўсиши, ақлий жиҳатдан етилиб бориши каби жараёнлар ўз таъсирини кўрсатади.

Ёшларни касб танлаб бориши давомида ўзгариши бир қанча омиллар билан боғлиқ бўлади. Бу энг аввало уларни касб танлашдаги қийинчиликлари билан, бошқаларни ёрдамига муҳтоҷликлари билан боғлиқдир. Чунки ўсмир хали тўла етарли бўлмаган, ақлий даражаси ва ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган шароитда бўлади. У жамиятдаги маънавий билимларни олиб бориб, унга амал қилиб етилиб боради. Бунда эса унинг атрофидагилар ўз ёрдамини беришлари лозим бўлади.

Касб танлашда ўсмир қандай қийинчиликларга тўғри келади? Булар қуйидагиларда кўринади.

Биринчи қийинчилик – ўсмирнинг ижтимоий етилмаганлиги, мустақил қарор қабул қилишга тайёрмаслиги. Афсуски оиласвий ва мактабдаги тарбиялар мустақил қарор фабул қилишга ўргатмайди. Шу билан бирга ўсмир биринчи маротаба касб танлашни оғирлигини ўз бўйнига олади. Ота – оналар эса болани касб танлаш даврида хар хил муносабат қўрсатадилар. Бир хил ота – оналар ўғли ёки қизига ўз иродасини ўтказишга харакат қиласидилар.

Бир хиллари ёрдам беришдан ўзини четга оладилар ва болани эркин касб танлашига халақит бермайдилар. Болага тайёр қарорни тавсия этмаган ҳолда, уларга маслаҳат, йўл – йўриқ кўрсатиб, тушунтириб ўз маслаҳат ишларини олиб боришлари лозимдир.

Иккинчи қийинчилик – касб танлашга таъсир этиш билан боғлиқ омилларни билмаслик. Касб танлаётган ўсмирга қандай омиллар таъсир этаётганлигини билмаслик, уларни ҳисобга олмаслик.

1. Бу ўсмирнинг соғлиғи;
2. Касб танлашда боланинг интилиши, қизиқиши, қобилияти;
3. Ўсмирнинг танлаган касбни моҳиятини тушуниши.
4. Иқтисодни кадрларга бўлган эҳтиёжини хам ҳисобга олиш.

Касб танлашдаги яна бир қийинчилик - бу касбга даво қилувчиларни бир хил бўлмаган (ўзига юқори ёки паст баҳо бериш) даражаси ҳисобланади.

Ўсмирни касб танлашида яна бир қийинчилик – бу ўсмирга хос бўлган юқори эмоционал холат ҳисобланади. Бунда ўсмир касбни ташқи тамонига эътибор беради. Касбдаги рамантик тамонлар, унинг ялт этиб кўринадиган одамлар эътибор берадиган тамонлари ўсмирни қизиқтиради. Дейлик, модельер, уголовний бўлимнинг терговчиси, бизнесмен бўлиш кабилар.

Ўсмирнинг яна бир қийинчилиги – бу улардаги касблар ҳақидаги маълумотларни йўқлиги ҳисобланади. Бунда ота – оналар ўз фарзандларига касблар ҳақида маълумотлар бериши ва уларнинг онгидаги уларни тизимини шакллантириши лозим.

Ўсмирдаги яна бир қийинчилик – бу таълим олиш тизимидағи паст оринтир олиш, уларни билмаслик ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Шахс ва уни касб танлаб бориш давомида ўзгариб бориши.
2. Касбга хос бўлган психологик жараёнларни сезиш ва унга амал қилиш.

3. Шахснинг ўз устида ишлаши, билим олиши ва жиддийлик масалалари. Шахсни ўзи танлаган касбга содиқлиги, жавобгарлиги, ижодий ёндашиши ва талантлигини намойиш қилиш масалалари.

4. Ўзгариб бораётган шахсга бўлган талаб ва зарурият масалалари.

5. Ҳозирги замон касблари ва уларга бўлган эътибор.

6. Шахс, бозор муносабатлар ва касб танлаш муаммолари.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.

2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.

3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й

4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.

5. Одоб бўстони ва аҳлоқ гулистони. Т., 1994 й.

6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.

7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.

8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.

9. Ғозиев Э.Ғ. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ 2003 й.

10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.

11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.

12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .

13. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.

14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.

15. Фалсафа / энциклопедик луғат. Т.,2010й

16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

25 - мавзу. Касбий хавфсизлик психологияси масаласи.

1.Касбий хавфсизлик психологияси ва унинг олдида турган кўплаб масалалар. Янги техникани ҳаётга кириб келиши ва ундаги хавфсизлик талаблари.

2.Инсонда касб psychologyи билан боғлиқ психологик жиҳатларни тарбиялаб бориш. Касб psychologyи, касб танлаш, касбга йўналтириш ва янги касбларни пайдо бўлиши.

3.Меҳнатни илмий ташкил этиш масалалари ва кадрларни меҳнатга тайёрлаш

4.Янги кадрлар тайёрлашда касб psychologyи олдида турган вазифалар.

5. Хавфсизлик масаласи ва меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликлар, ютуқлар ва тўлдириш керак бўлган билимлар.

1.Касбий хавфсизлик psychologyи ва унинг олдида турган кўплаб масалалар. Янги техникани ҳаётга кириб келиши ва ундаги хавфсизлик талаблари.

Касбий фаолиятнинг психологик хавфсизлигини психологик хавфсизликнинг бир бўлаги сифатида қараш мумкин. Психологик хавфсизлик инсон меҳнат фаолиятида юз берадиган баҳтсиз ходисаларни ўрганади ва унинг олдини олиш масалаларини кўтариб чиқади. Унинг ўрганиш обьекти бўлиб касбий фаолият ҳисобланади, яъни маҳсус билимларни ва амалий малакаларни ўзлаштириш давомида уларнинг тажрибаларини ортиб бориши ҳисобланади.

Касбий фаолиятлар ўртасида катта фарқланиш бўлишига қарамасдан уларнинг асосида инсон – унинг субъекти сифатида ётади. Бунда умумий бўлиб психологик масалалар ётади, яъни инсонни меҳнат фаолияти давомида хавфсизлигини таъминлаш, уларни меҳнатларини яхшилаш интилиш ётади. Бу ндан келиб чиқкан ҳолда айтиш мумкинки психологик хавфсизликнинг изланиш предмети бўлиб инсоннинг психологик фаолияти ҳисобланади.

Психологик фаолият – бу инсон миясининг вазифаси бўлиб, реал борлиқдаги предмет ва ходисаларни акс этдиради. Психологик фаолиятини таҳлил қилинганда уни шахснинг психологик жараёнларини, психологик ҳолат ва хусусиятларидан ташкил топганлигини кўрамиз.

Психологик жараёнлар психологик фаолиятнинг асосини ташкил этади. Уларсиз билимлар шаклланмайди ва ҳаётий тажриба ҳам ортирилмайди. Бунда когнитив (билиш), эмоционал ва иродавий жараёнлар ажратилади.

Психологик ҳолат – бу психологик жараёнларнинг статистик даражасига тегишли. Улар хилма хиллиги билан ва вақтнинг характери билан бир

биридан фарқланиб турадилар. Психологик ҳолат инсонни ўраб турган шароитга ва ҳолатга мослашишини (адаптациясини) бошқариб туриш вазифасини ўтайди. Психологик хавфсизлик муаммоларнидан келиб чиқсан ҳолда катта қизиқишини фаолиятдаги чарчаш ва зўриқиши ҳолати ташкил қиласи. Шунингдек алоҳида психологик ҳолат бўлган стресс, ховотирланиш, аффект ҳолати, алкагол ҳолати ва бошқалар ҳам киради.

Психологик хусусият – бу инсон психикасини барқарор намоён бўлиши хисобланади. Унга инсон характери, темпераменти, ўзига баҳо бериш ва ш. к. киради. Инсонга хос сифатларга унинг ақиллийлигини, эмоционаллиги, иродавийлиги, аҳлоқийлиги, меҳнаткашлиги кабилар киради. Бир хил бўлган психологик ҳолат вақтига қараб ҳар хил баҳоланади. Масалан, аффект психологик ҳолат сифатида маълум бир вақт ичида субъектнинг эмоционал, билишга интилиш, ҳулқ – автор ҳолати сифатида боҳоланса, шу ҳолатни ўзи бошқа вақт бирлигida инсонни қизиққонлигини, ўзини бошқара олмас, ғазабли қилиб кўрсатади.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги хавфли ўзаро таъсир ва хавфсизликни таъминловчи асосий йўналишлар хақида гап кетганда уни ўрганиш ҳозирги даврнинг ҳам долзарб масалаларидан бири хисобланади.

Касбий фаолиятдаги психологик хавфсизликни меҳнат хавфсизлигини таъминловчи бўлғаги сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин. Жисмоний хавфсизлик келиб чиқиши сабабларини уч гурухга – хавфли ҳулқ – автор, хавфли ва зиён етказувчи омилларни уч йўналишини аниқлашга ва касбий фаолиятини хавфсизлигини таъминлашга қаратилгандир – булар психологик хавфсизлик, техник хавфсизлик ва ишлаб чиқариш санитарияси ҳисобланади.

Психологик хавфсизлик - бу инсон фаолият кўрсатаётган муҳитдаги ижтимоий - психологик ҳолат, инсоннинг психологик жараёнлари, хусусиятлари, уларни меҳнат қилиш давомида бошқариб, назорат қилиб бориши билан боғлиқ жараён ҳисобланади.

Техник хавфсизлик – бу ташкил қилинган ва техник воситаларни тизими, уларни инсон фаолиятига, унинг хавфсизлигига таъсирини камайтиришга қаратилган билимлар тизими.

Ишлаб чиқариш санитарияси – бу ташкил қилинган ва техник хавфсизлик орқали инсонга таъсир этиб турувчи барча омиллар киради.

Психологик бахсиз воқиевлар ишлаб чиқаришда кўпгина сабаблар асосида юз беради. Ишлаб чиқаришдаги муҳитнинг меҳнат хавфсизлигига таъсири

бевосита ва бавосита бўлади. Бевосита бу ишлаб чиқариш муҳитидан келиб чиқади, дейлик турбани ёрилиб кетиши. Бунда кутилмаган ҳолат юз бериш билан бирга бу айнан ишлаб чиқаришдаги муҳитни ташкил этади. Бавосита таъсир этувчи сифатида ишхонадаги полнинг сирғончиқлиги ҳисобланниши мумкин. Бунда ишчи уни олдини олиши ва унга ўзига яраша ишлов бера олиши мумкин бўлади. Бундан ташқари меҳнат хавфсизлигига ёритиш тизими, микроклимит, шовқин, ишчи жойларини бўёклари, ранглари кабилар ҳам таъсир этади. Иш жойини ёруқлик билан тўғри таъмирланмаса, ёруқлик манбасини нотўғри ўрнатилиши, ёруқликни меъёрида берилмаса ҳам иш жараёнида авария ҳолатлари юз бериши мумкин бўлади. Иш жойида микроклиматни ёмонлиги ҳам, дейлик хавони иссиқлиги жуда катта бўлиши ёки жуда паст бўлиши, хавони тозалик даражасини меъёрида бўлмаслиги каби тамонлар ҳам иш жойида авария ҳолатини юзага келтиради.

Меҳнат хавфсизлигига ижтимоий муҳитни ҳам таъсири бўлади. Ижтимоий муаммолар инсонни меҳнатга муносабатини, меҳнат мотивациясини ва ишчи гуруҳдаги шахслар аро муносабатга таъсири бўлади, бунинг натижасида меҳнат хавфсизлиги вужудга келади. Бу омиллар меҳнат хавфсизлигини, меҳнат интизомини ва техник хавфсизликни белгилаб беради. Буларга:

- Меҳнат мотивацияси ва меҳнат хавфсизлиги - меҳнат аҳлоқи ва меҳнатга муносабат, меҳнатдан қониқиши, иқтисодий ва аҳлоқий рағбатлантириш меҳнатни химоя қилишни шакллантиради, хавфсиз иш шаклини ва хулқини ишлатишга шароит яратади, бунинг натижасида безиён фаолиятни оптимал ривожлантириш имкониятлари яратилади.
- Ижтимоий муҳит ва меҳнат хавфсизлиги – коллективдаги ижтимоий муҳити яратувчи бу ишчи гуруҳи ҳисобланади – бу гуруҳ аъзолари ўртасидаги ўзаромулоқатдир. Номақул ижтимоий муҳит инсонни аҳлоқига ва жисмоний ҳолатига таъсирини ўтказади. Бу эса меҳнат интизомига (техник хавфсизлик талабларига роия қилиш), ва меҳнатнинг ўзига муносабатида (ишлаш жараёнидаги хулқига) таъсир этади.
- Ишчи гуруҳини бошқариш ва меҳнат хавфсизлиги – раҳбарнинг бошқаришдаги методи меҳнат хавфсизлигига таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жамиятнинг ривожланиши яратилаётган кўплаб техникаларни яратилиши билан боғлиқ бўлиб бормоқда. Булар инсон меҳнатини енгиллаштириб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифатини янада яхшилаш, оммабоп ва талабга лойиқ бўлишини ҳисобга ҳам олмоқда. Янги

техникалар яратилиши билан уларни ишлатиша ўзига хос бўлган хавфсизлик тамонлари хам хисобга олинмоқда.

Хозирги замон техникалари асосан кампьютерлаштирилган ва уларни инсон программалаштирган ҳолда бошқаришни кампьютер зиммасига бермоқда. Бу дегани инсон меҳнатдан ўзини озод қилди дегани эмас, балки жуда катта куч сариф қилинадиган жойларда техникадан кенгроқ фойдаланган ҳолда уни бошқариш мақсад қилинган. Бу ерда хам меҳнатни ташкил этишни ўзига хос тамонлари, яъни хавфсизликни тамилловчи қирралари мавжуд.

Касбий фаолиятни психологик хавфсизлигини меҳнат хавфсизлигининг бир бўлаги сифатида билиш мумкин. Жисмоний хавфсизликни учта гурухга бўлиш мумкин. Булар хавфли хулқ – атворт, хавф ва зиён етказувчи омиллар асосида касб фаолиятини хавфсизлигини тамилловчи психологик хавфсизлик, техник хавфсизлик ва ишлаб чиқариш санитарияси хисобланади.

Хамма авариялар учта сабаб бўйича бўлади.


- Техникани бузуқлиги ва етарли ишланмаганлиги;
- Инсонни айби билан;
- Ўрганилмаган стихия сабабли (ер қимираши, циклон ва ш.к.)

Меҳнат хавфсизлиги қўйидагилар асосида бўлиши керак:

- Техника ва қуролларни проектлашда;
- Фойдаланишни хавфсиз ташкил этишда;
- Шахсий таркибни меҳнат хавфсизлиги билан тамиллашда;
- Касбий вазифаларни бажара олмайдиган шахсларни меҳнат жойларига қўймаслик.

Меҳнат хавфсизлигини қўрсатувчи асосий сабаблар:

Мухит



Психологик хавфсизлик бўйича изланишлар олиб борган Котик М.И. ўзининг “Психология ва хавфсизлик” номли китобида травматизмга олиб борувчи омил деб техникани ҳам эмас, меҳнатни ташкил қилишни ҳам эмас, балки инсонни ўзини сабабчи деб билиш кераклигини кўрсатади. Инсонни баҳтсиз ҳолатга олиб келувчи сабаб бу объектив сабаб ҳисобланади деб кўрсатади.

Биринчи сабаб инсонни эволюциясидан келиб чиқади. Меҳнат қуролларини ривожланиб бориши билан инсонни атроф муҳитга таъсир даражаси кенгайиб боради. Шу билан бирга ташқи муҳитнинг инсонга ҳам жавоби кенгайиб боради, техникани ўсиб бориши хавфсизлик жараёнини ўсиб боришига олиб боради.

Иккинчи сабаб бу инсонни ҳаётини ва меҳнат шароитини жуда ҳам қаттиқ, хавфли бўлиб боришига олиб келади. Бу ерда қўйилган хато инсонга жуда қимматга тушуди.

Учинчи сабаб травматизмни ўсиб бориши – бу инсонни хавфсизликка мослашиши ҳисобланади.Хозирда инсонни техник воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки техника бу инсон учун хавф – хатр келтирувчи манбаа ҳамдир.

Психологик хавфсизлик - бу психология фанининг бир йўналиши бўлиб инсонни меҳнат қилиш жараёнидаги хавф – хатарларни ва унинг олдини олиш йўлларини ўрганувчи фандир.

Психологик хавфсизликни предмети бу инсонни хар хил фаолияти давомида унга хавф келтирувчи омилларни ўрганиш ҳисобланади.

Психологик хавфсизликни ўрганиш предмети бўлиб қуидагилар ҳисобланади:

- Фаолият давомида юзага келувчи ва унинг хавфсизлигига таъсир этувчи психик жараёнлар;
- Инсон фаолиятини хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган психик ҳолатлар;
- Инсон фаолиятини хавфсизлигини акс этдирувчи шахснинг хусусиятлари.

Хозирда инсоният тараққиёт қилиб борар экан унинг меҳнатини енгиллашибадиган қатор янги техника кўринишлари хаётга тадбиқ этилиб борилмоқда. Бу халқ хўжалигини барча соҳаларида амалга оширилиб борилмоқда. Албатта янги техника ва уни инсон саломатлиги учун хавфсизлиги чоралари кўрилиши зарур жараёндир. Хозирда бу соҳада эргономиканинг ўрни жуда катта ҳисобланади. Бундан ташқари техникани замон талабларига мос тушуши, унинг тўла амалга оширилган иш фаолияти ва бу иш фаолиятига керак бўлган техник хавфсизлик масалалар иш олиб борувчиларга ўргатилиш зарурдир.

2 – савол. Инсонда касб психологияси билан боғлиқ психологик жиҳатларни тарбиялаб бориш. Касб психологияси, касб танлаш, касбга йўналтириш ва янги касбларни пайдо бўлиши.

Педагогик психологияни йўналиши сифатида касбий психология соҳаси тарбиялаш ва таълим беришнинг механизмларини ўрганиб боради. “Касб” термини асосида инсон мавжудлигини таъминлайдиган ўзига хос тайёргарликни кўриш билан боғлиқ бўлган ва инсон ҳётини моддий асосини яратувчи жараённи тушунамиз. Касб шунингдек маълум бир инсонни билим, малака, уddalay олиш тизимини характерлаб берувчи ходиса ҳамдир. Касбий таълим бу инсонни аниқ бир касб бўйича билим, малакаларини олиш ҳамдир.

Касбий таълим маълум бир касбни эгаллашга қаратилган бўлиши ва касбий фаолиятни эгаллашга қаратилган касбий танловни, касбий ўз – ўзини англашни, касбга йўналгандигини, субъектнинг касбий тахлил қилиш этапларини қамраб олади. Буларнинг хаммаси махсус билимлар, малакалар асосида ҳёт давомида касбни эгаллаш, касбни танлаб олиш, карера қилишни ривожлантириш, малакани ошириш, касбий ўсиб боришни ўзида қамраб олади.

Ёшларни касб танлашида бир хил бўлмаган объектив ва субъектив тамонлар уларни касб танлашларини мураккаблаштириб туради. Касб танлаш – бу бир дақиқада бўладиган жараён эмас, балки ҳар хил этаплардан ташкил топған, узоқ давом этадиган объектив таъсирлар ва субъектнинг касб танлашидаги индивидуал тамонлар билан боғлиқ жараёндир.

Психологияда касб танлашдаги асосий омиллар сифатида қўйидагиларни кўрсатилади: қизиқишлиар (билиш билан боғлиқ қизиқишлиар, касбга бўлган касбий қизиқишлиар, хавас); қобилияtlари (маълум бир фаолиятдаги психологик механизм сифатида); темперамент ва характер. Бу омилларни кўп ҳолларда субъектив омилларга киритишади. Кейинги омиллар гурӯхига (буларни одатда объектив омиллар деб юритилади) ўзига қўйидагиларни қамраб олади: тайёргарлик даражаси (улгура олиши), соғлигининг ҳолати, касб ҳақидаги маълумотлари ва уларни билиш даражаси. Бундан ташқари ижтимоий муҳитни ҳам ажратиб кўрсатилади. Буларга ижтимиоий муҳит, оиласвий муҳит, ота – онанинг маълумотлилик даражаси. Бу жараёнларда айниқса қобилияtlарга катта эътибор берилади. Инсоннинг қобилияти касб танлашдаги энг муҳим тамонлардан ҳисобланади.

Инсонни касбга тайёрланаётганда шу касбга тегишли бўлган психологик талаблар ҳисобга олинади. Ҳар бир касбга керак бўлган хусусиятлар мавжуд бўлиб улар шу касбни яхши бажарилиши учун имкониятлар яратади. Касб танлашда яна инсонни жинсига ҳам эътибор бериш талаб қилинади.

Касб ўзига яраша инсондан ҳам маълум бир хусусиятларни бўлишини талаб қилади. Дейлик шундай касблар борки улар инсондан ирода кучини кўпроқ сариф қилишни талаб қилса, айрим касб эгалари учун ишни тез ва сифатли бажарилиши талаб қилинади. Шундай касблар борки инсондан диққатни, тафаккурни, чидамни, озодаликни, меҳрни ва шу кабиларни талаб қилади.

Инсон касб танлаётганда мактабдаёқ ва керак бўлса боғчадаёқ ўзида маълум бир хислатларни борлигини намоён қилади. Ота – оналар болалардаги бу хислатлар уларни келажаги билан боғлиқлигини хис этган ҳолда уларни тарбиялаб боришлари зарур бўлади.

Жамият тараққий этиб борар экан унинг эҳтиёжлари сифатида янги касблар ҳам пайдо бўлади ва уни жамиятга фойдаси борлиги учун у сақланиб қолади. Агарда бу касб жамиятга керак бўлмаса ўз ўзидан йўқолиб ҳам кетади. Биз юқорида касблар ҳақида фикрлар бердик, уларни таснифлаб ҳам чиқдик. Ҳар бир касбни ўзига хос бўлган талаблари борлиги, бу талаблар жамият манфаатлари асосида шаклланиб бориши, жамият бу талабларни қондириш учун маҳсус кадрлар масаласи билан шуғулланишини кўриб чиқади. Бу соҳада касб психологларин ўрни ва аҳамияти ошиб боради. Касб психологияси жамият учун керак бўлган кадрларни танлашга ва уларни ўзлари севган касбларини тўғри танлашлари учун амалий ишларни олиб боради. Янги касбларни ўзига хос психологик тамонларини ўрганиш, уларни жамиятга фойдаси, бу касбга қизиқувчи, лаёқатли кадрларни танлаш касб психологиясини асосий вазифаси хисобланади.

Жамиятимиз ўзининг мустақиллигини биринчи кунлариданоқ жамиятга хозирда қандай касб эгалари кераклигини ўрганиб таълим ва таъбия соҳасида ислоҳатлар олиб борди ва бормоқда. Касб психологияси жамиятимиз учун керак бўлган кадрларни яратишга ўз хиссасини қўшиб бориб, касбга йўналтириш, касбий маслаҳат, касбга тайёрлаш каби масалалар билан шуғулланиб келмоқда. Албатта бу соҳада, яъни касб психологияси соҳасида кадрлар жуда керак бўлади. Буни инсоният ижтимоий – тарихий ривожланиши кўрсатмоқда. Бу соҳада касб психологиясини қиладиган ишлари жамият олдидаги вазифалари жуда кўпдир.

4 –савол. Мехнатни илмий ташкил этиш масалалари ва кадрларни меҳнатга тайёрлаш

Мехнатни илмий ташкил қилиш америкалик инженер рационализатор Ф.Тейлор (1856 - 1915) номи билан боғлиқ. Унинг бу тизими жуда катта,

тасаввур қилиб бўлмайдиган даромад келтириди. Ишлаб чиқаришни аниқ ташкил қилиш, уни бошқаришни аниқ ташкиллаштириш ишчилар жамоасини бирлигини, яхши ишлашини таъминлайди. Мехнатни илмий ташкил қилиш бу бир бутун жараён бўлиб, кўпгина фанлар ва йўналишларни меҳнат жамоаларини кам моддий воситаларни ва инсон энергиясини сариф қилган ҳолда кўпроқ натижа олишга қаратилган жараён ҳисобланади.

Мехнатни ташкил қилиш – бу тадбирлар тизими бўлиб, у ишчи кучидан рационал (ақлан) фойдаланишни таъминлаб бериб, одамларни ишлаб чиқариш жараёнида мақсадга мувофиқ жойлаштиришни, меҳнатни тақсимлаш ва ташкил этишни, усул ва методларни, меҳнатни меъёрлаштириш ва рағбатлантириш, ишчи жойларини ташкил қилиш, уларга кўрсатиладиган хизматни йўлга қўйиш, меҳнат қилиш учун шароитлар яратиш ҳисобланади.

Мехнатни ташкил қилиш амалий бўлиши мумкин, у маълум бир методларга асосланиб, меҳнат тажрибасига, ақлий (илмий) умумлашмаларга суюнган ҳолда илмий билиш талабларидан келиб чиқади.

Мехнатни илмий ташкил қилиш – бу фанга ва илғор тажрибаларга асосланган, унинг ютуқларини ишлаб чиқаришга доимий тадбиқ қилиб, техника ва инсонни бир бутун ҳолда, инсон соғлигини сақлашга қаратилган жараёндир. Мехнатни илмий ташкил қилишнинг асосий мақсади – бу жонли меҳнатни доимий яхшилаб бориш, унинг шакл ва усулларини мавжуд бўлган техникага мос бўлишини ва корхонадаги технология талабларига мос тушушини таъминлаш ҳисобланади.

Мехнатни илмий ташкил қилишнинг элементлари – бу меҳнатнинг метод ва усуллари, меҳнатни меъёрлаштириш, уни ташкил этиш шакллари, колективдаги ижтимоий – психологик ҳолат ва ш. к.

Мехнатни илмий ташкил қилиш қўйидаги вазифаларни амалга ошириши керак:

1. Техник – технологик. Цехларни проектлаштириш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқариш; ишчи қуролларни конструктивлаштириш ва ш.к.
2. Иқтисодий. Инсонни ишлаб чиқариш воситалари ва бир – бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатларини янги кўринишларини ишлаб чиқариш, яъни ишлаб чиқаришни максимал ҳолда ташкил этиш, маҳсулотларни тан нархини камайтириш, ишлаб чиқариш рентабилигини юксак даражага кўтариш.


3. Психофизиологик. Ишчи ўринларда қулай шароитларни яратиш, у узок вакт шу ишлаётган жойида юқори унумдорлик шароитида ишлай олиши ва ўз соғлигини сақтай олиши билан боғлиқ.

4. Ижтимоий. Мехнатни мазмунлигини ва жозибадорлигини күтариш. Мехнат қилаётгандарни ақлий ва жисмоний мослигини оптималлаштиришга интилиш. Бу вазифалар мехнатни илмий ташкил қилишнинг муҳим вазифалари қаторига киради. Булар эса ўз навбатида олиб бориладиган ишларда янада мукаммаллашиб боради.

Инсон меҳнатини ташкил этиш, уни қилаётган меҳнатини унумли қилиш, инсондаги руҳий жараёнларда меҳнатни яхши ташкил этиш кўпроқ инсон манфаатларини ўйлаш бу айнан меҳнатни илмий ташкил этиш жараёнлари билан боғлиқдир.


МИТнинг ---- таърифи

Мехнатни илмий ташкил қилиш деб фанлар ютуғига ва илғор малакага асосланган, доимо ишлаб чиқаришга бу ютуқларни тадбиқ этиб борадиган, техника ва инсонни энг яхши кўринишда ишлаб чиқишида бир бутун ҳолда бирлаштира оладиган, моддий ва меҳнат ресусларидан унумли фойдаланишни тъминлай оладиган, узулуксиз ҳолда ишлаб чиқишини ўсишига олиб келувчи, инсон соғлигини сақлаб қолишига шароит яратувчи, меҳнатни зарурый эҳтиёжга айлантирувчи жараёнга айтилади.



Мехнатни илмий ташкил (МИТ) қилиш – бу шундай ташкил қилишки кўйилган вазифаларни бажариш давомида илмий тахлил ва бажариш шароитларини амалиётда синаш, амалиётга тадбиқ қилиб натижаларини кўриш хисобланади. Бунда унинг асоси бўлиб фан ва амалиёт ётади.

Мехнатга илмий ёндошиш – бу меҳнат унумдорлигини кўтаришга қартилган доимий интилиш, янги рационал меҳнат воситаларини тадбиқ қилган ҳолда ишлаб чиқаришда ишчилар учун қулайликларни яратиш билан боғлиқдир. Бу жараёнларни ташкил этиш ва яратувчанлик фаолиятини амалга ошириш психологияга асосланиши зарур.



Янгиликни излаш, бу ишдаги фойдали тамон – яъни ўқув ва ишлаб чиқаришда бу янгиликни қўллай олиш, янада янги тамонларини кашф қилишдир. Шунингдек фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнида ёки ишлаб чиқаришда мавжуд бўлмаган янгиликларни тадбиқ этишдир. Бунинг учун ўқувчиларда, бўлғуси малакали ишчиларда техник ижодкорликка қобилиятни, ўқитувчи ва усталарда – педагогик ижодкорликни шакллантириш зарурдир.

Биргаликда фаолият қўрсатаётган мутахасисларда ва уларнинг меҳнат фаолиятларини унумдорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- Ишлаб чиқаришдаги психологик иқлим, ҳолатдан яъни ўзаромуносабат, келишиб ишлаш, ўзароёрдам ва умумий кайфиятдан;
- Ишлаб чиқишдаги ташқи муҳит, моддий таъминланганлик даражаси, ишдаги шароит;
- Меҳнат режими, яъни давомийлиги, интенсивлиги, ритимиклиги, меҳнат ва дам олишни тўғри ташкиллаштириш.

Меҳнатни илмий ташкил этиш бу кенг тушунча бўлиб бир тамондан инсон меҳнат қилаётган объектни ўзгартириб бориб, иккинчи тамондан бу

объектларни инсоннинг психологиясига мос тушушини таъминлаб инсонни меҳнат қилиши ва ўз имкониятларини кўрсатиш учун шароитлар яратиб бериш билан боғлиқ ҳисобланади.

Меҳнатни илмий ташкил этиш бўйича кўплаб тажрибалар олиб борган прибалтикалк психолог Лоос В.Г. ўз тажрибаларида инсон ва ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатларни ўрганганди. Инсонни иш фаолиятидаги яратилган шароитлар уни меҳнат фаолиятига, меҳнат жараёнидаги яратувчанлигига, ўзаро муносабатдаги психологик иқлимга, индивидуал психологик холатларига, меҳнат унумдорлигини ошиб боришига таъсирини ўрганиб борган. Лоос В.Г. шахсни хар тамонлама ўрганишга интилиб уни илмий асосда меҳнат шароитида, меҳнат қилишга яратилган имкониятларда, шахсга таъсир этувчи ижтимоий психологик шароитларда, коллектив асосидаги шароитларда, корхона ва унинг шароитларини шахс психологиясига таъсирида, меҳнат билан боғлиқ вақт шароитларида, чарчашиб олиб келувчи шароитларда, меҳнат ҳавфсизлигини яратиш шароитларида, дам олиш ва унга берилган вақт, шароитларда, эстетик дид билан яратилган шароитларда, ишчини кийиниши ва уни фаолиятга таъсири каби кўплаб жараёнларни ўрганиб борди.

Меҳнатни илмий ташкил этиш инсонга меҳнат қилиши давомида қандай омиллар таъсир этиб уни фаолиятини унумдор қилиши ва инсон меҳнати давомида ўз ижодий имкониятларидан қанчалик тўғри фойдалана олиши каби тамонларни ўрганиб бориб, бўлғуси мутахасисларни шу шароитга тайёрлаб ҳам боради.

Инсондаги мавжуд бўлган тамонлардан бири бу инсон ҳар доим ижодга интилиши ҳисобланади. Инсон ўзи меҳнат қилаётган жойда иложи борича ўз меҳнатини енгиллаштиришга, янги қирраларни топишга интилиб боради. Бунда меҳнатни ташкил қилиш муҳим омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун бу ерда раҳбар психологияси, раҳбарнинг ташкилотчилик тамонлари муҳим ҳисобланади.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки жамиятга, корхонага керак бўлган кадрни, мутахасисни тайёрлаш, уни ўқиши, меҳнат стажи, малакаси, билими асосида содир бўлади. Бу айтилган омиллар бирданига эгалланмайди. Тарихда ҳам бу соҳада кўплаб мисоллар мавжуддир. Янги битириб келган кадрга бирор жиддий масалани ҳал қилишида ўйланиб топширилади. Уни маъсулияти, ишни келажагини кўра олиши, одамлар билан чиқиша олиши, тўғрилиги, ҳақиқатга асосланиши ва шу каби кўплаб хусусиятларига қаралади.

Жамият ўзига керак бўлган кадрларни қадрлаши, уларни билимидан, малакасидан, ортириб борган тажрибаларидан фойдаланиб, янги кадрлар билан жамиятни таъминлашга интилиши ҳам зарур. Яхши кадрни ишдан бўшатиб, янгисини олиш бу иш унумини пасайишига, коллективдаги муносабатларга зиён етказиб қўймасликни ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади.

Кадрларни меҳнатга тайёрлашда меҳнатни илмий ташкил этиш муҳим жараён ҳисобланади. Кадрлар ўн йиллар давомида тайёрланади. Уларни эҳтиётлаш, жамият манфаатларига хизмат қилишини таъминлаш энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

4 – савол. Янги кадрлар тайёрлашда касб психологияси олдида турган вазифалар.

Ўзбекистон йилдан йилга ўзининг олдида турган кўплаб вазифаларни амалга ошириб бормоқда. Бу энг аввало ишлаб чиқаришда, кадрлар тайёрлашда кўзга ташланиб келмоқда. Жамиятда олиб болаётган ислоҳатлар ўзининг моҳияти ва амалий вазифалари жиҳатидан кўпгина вазифаларни ўташни талаб қиласди. Бу соҳада бу ислоҳатларни моҳиятини асослаб берувчи фалсафий таҳлиллар керак бўлади. Кўплаб соволлар пайдо бўладики буни асослаш, олиб борилаётган ислоҳатларни йўналишини ва амлий натижаларни таҳлил қилиш, унга фалсафий ёндошиш кераклигини кўрсатади. Касб психологияси айнан амалий ва назарий фан сифатида кўплаб масалаларни ўрганади, уни чуқур таҳлил қиласди ва фалсафий мушоҳада учун кўплаб масалалрни кўрсатиб ҳам беради.

Касб психологияси жамият манфаатларига ўз хизматларини қўяр экан у жамиятга керакли бўлган кадрларни етказиб бериш, бу кадрларни сифатли ва рақаботбардош бўлишини ҳисобга олган ҳолда ишларни олиб боради. Жамият олдидаги муҳим масалалардан бири албатта кадрлар масаласи ҳисобланади. Кадрлар тайёрлашда касб психологияси жамиятга керак бўлган ва жамият манфаатларига ўз хизматларини аямайдиган инсонларни етказиб беришга интилади. Кўриниб турибдики хозирда касб психологиясига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Шу билан бирга бу мутахасисларни кучидан фойдаланиш ва кадрларни ўз касбини танлашдаги имкониятларини тўғри кўрсатиб бериш зарур.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳатлар кадрлар масаласига ўзига хос бўлган ҳолда қарашни талаб қилмоқда. Яъни кадрлар энг аввало сифатли ва рақобатбардош, жаҳон стандартларига тўғри келадиган, билимдон ва малакали меҳнатсевар ва ижодий ёндоша оладиган бўлишлари керак. Касб психология фани кадрларни тайёрлашда ўзига хос вазифаларни бажариши ва уларни амалга ошириши зарур бўлади. Касб психологияси ёшларни ўзлари қизиқкан касбларни эгаллашларига ёрдам бериши, уларни етук кадр бўлиб боришлирига хиссасини қўшиши, ўзларидан кейин шогирдлар тайёрлашларига қўмаклашиши ва кейинчалик нафақага чиқишлирига тайёрлаши керак бўлади.

Янги кадрларни тайёрлаш масаласи касб психологияси олдига қўплаб долзарб масалаларни қўяди. Булар қўйидагиларда ўз аксини топади:

1. Касб психологияси фанини Ўзбекистонда фан сифатида шаклланишини вужудга келтириш;
2. Касб психологияси бўйича кадрларни тайёрлаш;
3. Касб психологияси бўйича лабараторияларни шакллантириш;
4. Касб психологиясини ишлаб чиқаришга ва тадбиркорликка зарур бўлган кадрлар билан жамиятни таъминлаш йўлида ёшларни касбга йўналтириб бориши;
5. Ёшлар орасида касбга интилишни, касб танлашни, касбга лаёқатликни, касбий маслаҳатни, касбга йўналтиришни ўргатиб бориб жамиятга керак бўлган мутахассисларни яратиш;
6. Касб психологияси кадрларни атестациясини ва касбий лаёқатини ўрганиб бориши, уларга керак бўлган билимларни беришни ташкил эта олиши зарур бўлади;
7. Касб психологияси жамиятда олиб борилаётган ислоҳатларда фаол иштирок этиши ва касбларни янада кенгайиб боришига ўз хиссасини қўшиб бориши керак бўлади.
8. Касб психологияси бўйича олиб борилган изланишлар асосида янги дарсликларни шакллантириш ва олийгоҳларда шу фан бўйича дарсларни киритиши.

Такрорлаш учун саволлар

1.Касбий хавфсизлик психологияси ва унинг олдида турган кўплаб масалалар. Янги техникани ҳаётга кириб келиши ва ундаги хавфсизлик талаблари.

2.Инсонда касб psychology билан боғлиқ психологик жиҳатларни тарбиялаб бориш. Касб psychology, касб танлаш, касбга йўналтириш ва янги касбларни пайдо бўлиши.

3.Меҳнатни илмий ташкил этиш масалалари ва кадрларни меҳнатга тайёрлаш

4.Янги кадрлар тайёрлашда касб psychology олдида турган вазифалар.

5. Хавфсизлик масаласи ва меҳнатни ташкил қилишдаги камчиликлар, ютуқлар ва тўлдириш керак бўлган билимлар.

Адабийтлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2003.
2. Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.
3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008 й
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.
5. Одоб бўстони ва ахлоқ гулистони. Т., 1994 й.
6. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шахри Т., 1993 й.
7. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.
8. А.Жалолов. Касб қандай танланади. Т., 2010 й.
9. Ғозиев Э.Ф. Мамедов К.Қ Касб psychologyси. Т., ТДАУ 2003 й.
10. Зеер Э. Психология профессионального образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.
11. Эркин Юсупов Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Университет., 1998 й.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Тошкент, Ўзбекистон 1992 .
13. Клинов Е.А. Психология профессионального самоопределения. Ростов Н/Д 1996 г.
14. Абдурахманов Ф.Р., Сайдходжаев Х. Социология Т., 2000 й.
15. Фалсафа / энциклопедик луғат. Т.,2010й
16. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

И л о в а



Ўз “Мен”лигини англаш машғи

Ўшбу машқ инсонни ўз менлигини англашга ёрдам сифатида тавсия этилади. Кўпгина ёшлар ўз менлигини англай олмайдилар, ўзларини қилаётган ишларини нечоғлик ўzlари учун кераклигини ҳам хис этмайдилар. Шунинг учун уларни шу расмлар орқали машқ қилишлари уларга ёрдам беришини ҳисобга олган ҳолда шу машқни қилишларини тавсия этамиз.

Расмни ўзидан 50 – 80 см нарига қўйиб, уни ўзига кўриш қулай бўлишини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилади. Кейин эса чап қўлни бош ва ўрта бармоқларини бир бирига тегизиб, машқ тамом бўлгунча ушлаб турилади. Кейин эса бурун билан чуқур нафас олиниб яrim очиқ оғиздан чиқарилади. Бу шошилмасдан аста секин бажарилади. Бу машқ бир неча маротаба қайтарилади. Кейинги ҳолатда ўз диққатингизни расмдаги “Мен”га қаратинг, бу эса 3 – 5 минут вақтни олади. Агарда бу машқ сизда уйқув ҳолатини келтирса қўрқманг. Бу машқни ҳохлаганингизча қайтаришингиз мумкин. Бу машқ инсонда бўшашибни, дам олишни, босик бўлишни, бир хилда ўзини ушлаб туришни ва онгини юқори даражага олиб чиқишни бера олади.

Инсонни ўз “Мен”лигини таниши уни ўзига бўлган муносабатини шакллантиради. Айримларни ўз “Мен”лигига юқори баҳо беришларини меъёрига келишига ёрдам ҳам беради. Инсонни ўз мақсад ва манфаатларини тўғри баҳолаш учун шароитлар яратади. Ўз ўзини баҳолаш йўлларини шакллантириб, ўзгалар манфаатларини ҳам тушунишга имконият яратади.

Ёшлардаги касб танлашда бу машқнинг ўзига яраша имкониятлари бўлиб, уларни ўз менлигларини танишларида ҳам ёрдам беради. Касб танлашда касб танловчи ўз “Мен”лигини англаган бўлса, ўзини таниган бўлса касбни ҳам тўғри танлайди ва ўз манфаатларини ҳимоя ҳам қила олади. Бу каби машқлар ёшларга касб танлашда ёрдамлашади деган умидда буни тавсия этдик. Ўзингизни синаб кўринг. Бу фақат кўпроқ машқлар орқали шаклланади. Ўзингизни “Мен”лигинизни ўрганишдан толиқманг.



Үз – ўзини баҳолаш шкаласи

Инсонни ўзини баҳолашга оддий тест – сўров орқали эришиш мумкин. Берилган саволлар 32 та хукмдан ташкил топиб ҳар бир саволга бешта вариант жавоблар бор, улар қўйидагича тизимга эга:

Жуда ҳам тез – тез – 4 балл

Кўп ҳолларда – 3 балл

Гоҳида – 2 балл

Кам ҳолларда – 1 балл

Ҳеч қачон – 0 балл

№	Хукмлар	Жуда ҳам тез - тез	Кўп ҳолларда	Гоҳида	Кам ҳолларда	Ҳеч қачон
1	Мени дўстларим қўллаб туришини ҳохлайман					
2	Ишда ҳар доим жавобгарликни хис қиласман					
3	Мен ўзимни келажагим ҳакида ташвишланаман.					
4	Кўпчилик мен ёқтирилмайди					
5	Мен бошқаларга нисбатан камроқ ташаббускорман					
6	Мен ўзимни руҳий - психологик ҳолатимдан ташвишланаман					
7	Мен аҳмок бўлиб қолишдан қўрқаман					
8	Бошқаларни ташқи кўриниши мени кўринишимидан жуда яхши					
9	Нотаниш одамлар олдида нутқ сўзлашдан қўрқаман					
10	Мен жуда қўп ҳолларда ҳатога йўл қўйишдан қўрқаман					
11	Мен одамлар билан гаплашиш қоидаларини билмаганимдан афсусланаман					
12	Мен ўзимга ишончим йўқлигидан афсусланаман					
13	Мени ҳаракатларимни бошқалар тамонидан маъқулланишини ҳохлайман					
14	Мен жуда уятчанман, тортинчоқман					
15	Менинг ҳаётим бефойдадир деб ўйлайман					
16	Кўпчилик мен ҳакимда нотўғри фикрда					
17	Мени фикрларимни муҳокама қиласиган ҳеч ким йўқ					
18	Одамлар мендан қўп нарсани кутадилар					
19	Одамлар мени ютуқларим билан қизиқишмайди					
20	Мен қўп ҳолларда ҳижолат бўламан					
21	Мен кўпчилик одамларни мени тушунмасликларини сезаман					
22	Мен ўзимни хавф – хатарда деб					

	сезмайман				
23	Мен кўп ҳолларда ҳаёжонланаман				
24	Одамлар ўтирган хонага кирганимда ўзимни нокулай хис этаман				
25	Мен ўзимни эркин сеза олмайман				
26	Мен одамларни орқамдан мен ҳақимда гапиришларини сезиз турман				
27	Одамларни менга нисбатан бўладиган ходисаларни енгил қабул қилишига ишончим комил.				
28	Менга мен билан қандайдир нохуш ҳолат юз бериши мумкиндеқ туюлади.				
29	Одамларни менга қандай муносабатда эканлиги мени ҳаяжонлантиради				
30	Мен одамлар билан киришувчан эмаслигимга афсусланаман.				
31	Тортишувда ўзимни тўғри эканлигимга ишонганимдан кейингина гапираман				
32	Мен жамоани мендан нимани кутаётганлигини ўйлайман.				

Натижаларни таҳлил қилиш учун қалит

0 – 43 баллгача. Ўз – ўзини баҳолашни юкорилигини кўрсатади. Бошқаларни кўрсатган камчмилкларини тўғри қабул қиласди ва ўзини ҳаракатларига жуда кам ҳолда иккиланади. Ўз – ўзига баҳо беришни мъёрида ушлаб туриши, ютуклардан боши айланиб қолмаслиги уни кейинчалик яхши ходим бўлишга олиб келади.

44 – 86 баллгача. Ўз ўзини ўртacha баҳолайди. Вакти – вакти билан бошқаларни таъсирига тушуб туради ва ўзини баркамоллиги ҳақида кам ҳолда ўйлайди. Албатта инсон ҳар доим ҳар хил бўлади ўзини кўп ҳолларда кучсиз, ёрдамга муҳтож кўради. Бу ҳолларда инсон ўзини ички кучларини ишга солиши ва узига ишончни ривожлантириши зарурдир. Бу ҳам меъёридан ошиб кетмаслиги ва бошқаларни ҳам ўйлашини талаб қиласди. Инсон ҳар доим юксакликни, кўпроқ ютуқларни хоҳлайди. Бунинг учун сиз машқлар қилиб туришингиз зарурдир.

87 – 120 баллгача. Ўз – ўзига жуда паст баҳо беради, шунинг билан бирга унинг шаънига айтилган танқидни оғриниб қабул қиласди. Кўпинча бошқаларни фикири билан ҳисоблашади ва ўзини баркамол деб ҳисобламайди. Сизга тавсиямиз кўпроқ ўз устингизда ишланг. Бунинг учун психологи маслаҳати сизга зарурдир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	4
Касб психологияси фанининг предмети, қўлланиш соҳалари ва асосий муаммолари	5-26
Касбий психология фанининг вазифалари ва бошқа фанлар билан алоқаси	27 - 37
Касб психологияси фанининг методлари ва асосий муаммолари	38 -54
Касб психологияси ва унинг психологик фанлар билан алоқаси	55 - 59
Касб психологияси фанининг ривожланиш тарихи ва замонавий кўриниши	60 -74
Касб психологиясида ўқитувчи шахси ва таълим психологияси	75 - 92
Касбга йўналтириш ва талаба – ўқитувчи ўртасидаги бир – бирини тушуниш асослари	93 - 102
Касбга йўналтиришда таълим мухитининг психологик тавсифлари	103 - 114
Касбга йўналтиришда таълим мухити ва унинг психологик хавфсизлиги	115 - 120
Касбга йўналтириш ва таълим жараёни иштирокчиларининг психологик, физиологик саломатлиги	121 - 126
Касб психологияси фани ва таълим мухитида психодиагностик фаолият	127 – 143
Касб танлашга таъсир этувчи асосий омиллар ва мотивация	144 – 153
Касбга йўналтиришда ўқув фаолияти ва касб мотивацияси	154 - 162
Касбга ўқитишни индивидуаллаштириш ва дифференциаллаш	163 – 169
Касб психологияси ва ўқув фаолияти мотивлари, уларни классификацияси	170 -178
Касбга ўқитишда педагог фаолиятининг психологик муаммолари	179 - 191
Касбга ўқитишда тарбиялаш ва ўз – ўзини тарбиялаш психологияси	192 - 202
Педагогик фаолятнинг психологик муаммолари	203 - 220
Касбий қобилияtlарни шаклланганлигини диагностика қилиш	213 – 219
Касб танлаш ва ундаги инқирозлар	220 - 231
Онгли касб танлаш ва касбга йўналтириш масалалари	232 - 243
Касбга йўналтириш ва унга хос масалалар тахлили	244 - 251
Касбий ўз – ўзини англаш ва касб танлаш	252 – 260
Шахс ва касб танлашда шахснинг шаклланиб бориши	261 - 263
Касбий хавфсизлик психологияси масаласи	264 - 278
Илова	279 - 282

**Абдурахмонов Фарход Рахимжонович
Абдурахмонова Зухра Эркиновна**

К а с б п с и х о л о г и я с и



Абдурахмонов Фарход Рахимжонович - фалсафа фанлари доктори, профессор. 1955 йил 27 августда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий Унверситетини 1977 йилда, психология бўлимини тугатган. У 1995 йили “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик шароитида миллий манфаатлар муаммолари “ мавзусида докторлик илмий даражасини ҳимоя қилган. 2013 йилдан профессор. Илмий йўналишлари бу ижтимоий фалсафа, ҳуқук фалсафаси, социология, психологиянинг тармоқлари кабилар ҳисобланади. Ҳозирда бу йўналишларда 250 га яқин нашр қилган илмий ишлари мавжуддир. “Мустақиллик ва миллий манфаатлар” (1994 й.), “Миллий манфаатлар ва миллий бирлик туйғуси” (1993 й.), “Социология “маърузалар курси, (2000 й.) “Фалсафага янгича ёндошиш давр талаби” (1998 й.) “Маънавий камолат –мустақил тараққиётимизнинг асосий омили” (1999 й.) “Социология фан сифатида” (2007 й.) “Социология услугбий қўлланма” (2008), “Ижтимоий бошқарув тизимининг тадрижи ва давлатнинг шаклланиши” (2004 й.) “Фалсафа” услугбий қўлланма 2010й. “Фалсафа фанидан семинар машғулотлари ўтказиш учун” методик қўлланма. (2010й.) “Дин психологияси” (2011 й.), тадқиқотчилар учун “Фалсафа, миллий ғоя ва фан методологияси” методик қўлланма (2011й.) “Қадимги Шарқда психологик фикрлар тараққиёти” (2012 й.), “Фалсафа, миллий ғоя ва фан методологияси” (2012 й.) “Ўзингни бил ўзингни англа” психологик тестлар тўплами (2013 й.), “Олий таълим педагогикаси” (2014 й.), “Мантиқ” услугбий қўлланма (2016й), Абдулла Авлонийнинг педагогик –психологик қарашлар (2016й.), “Фалсафа” фанидан семинар машғулотлари ўтказиш учун услугбий қўлланма (2016 й) ва шу каби кўплаб илмий фалсафий, социологик, педагогик ва психологик асарларни нашр эттирган.



Абдурахмонова Зухра Эркиновна – психология фанлари номзоди . 1959 йили 15 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий Унверситетини 1981 йил тугатган. 2006 йили “Ёшларда Миллий бирлик туйғуси шаклланишинг ижтимоий – психологик хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илмий йўналишлари бу Ижтимоий психология, Оила психология, Бошқарув психологияси ва психологиянинг бошқа тармоқларида илмий тадқиқотлар олиб боради. Бакалавр ва магистратурада диплом ишларига раҳбарлик ҳам қиласи. Ҳозирда 100 дан ортиқ мақола ва китоблари мавжуд. “Миллий бирлик туйғусининг ижтимоий – психологик хусусиятлар” (2010 й.), “Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг ижтимоий – психологик хусусиятлари ” (2012 й.) Абдулла Авлонийнинг педагогик –психологик қарашлар (2016й.) ва шу каби психологияга таллуқли асарларнинг муаллифи.